

**САЛИМА МИРЗАЕВА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ РОМАНИК ДОСТОНЛАРИ  
ПОЭТИКАСИ**

**«Фан»**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛИМАХОН МИРЗАЕВА РАЙИМЖОНОВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ РОМАНИК ДОСТОНЛАРИ  
ПОЭТИКАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2004**

Ўзбек халқ эпоси таркибида катта ўрин эгаллаган романик дostonлар поэтикаси таҳлил этилган ушбу монографияда романик дostonларнинг ўзига хос хусусиятлари, сюжети, эпик макон ва замон табиати, образлар тизими ва барқарор сталистик формулалари, уларнинг эпик тасвирда тутган ўрни ҳамда ғоявий-бадиий вазифалари ёритилган.

Асар фольклоршуносларга ва олий ўқув юртлари филология факультетлари талабаларига, шунингдек халқ эпоси билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқов

Такризчилар:

филология фанлари доктори И.Ёрматов

филология фанлари номзоди М.Ёқуббекова

## МУҚАДИМА

Маданий-маънавий мероси бой халқнинг истиқболи порлоқ, халқаро нуфузи юксак бўлади. Асрлар мобайнида халқнинг ҳаётий кузатишлари, турмуш тажрибалари ҳамда оламни поклик, адолат ва ҳаётсеварлик нигоҳи билан кўриш иштиёқида яратилган маънавий

қадриятларимиз ўзининг мустақиллигига эришган мамлакатимиз ҳаётида ҳар бир инсоннинг қалбига ҳарорат, онгига теранлик бағишлаши табиий.

Ўзбек халқ дostonлари, хусусан, романик дostonлар маънавиятимизнинг ана шундай сарчашмаларидан бири ҳисобланади. Ўзбек халқининг кўп типли эпик мероси узоқ тарихий даврлар маҳсули сифатида вужудга келган. Мана шу маънавий ҳазина кишиларни инсонга, Она Ватанга муҳаббат, шафқат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашда муҳим, бебаҳо манбалик вазифасини ўтаб келди ва шундай бўлиб қолади. Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чақириқ Ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида (1999-йил, 14-апрел) мамлакатимиз XXI асрга интилаётган бир пайтда олдимизда турган устувор йўналишлардан бири сифатида жамият маънавиятини янада юксалтириш лозимлиги ҳақида тўхталиб шундай деган эди: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан»<sup>1</sup>.

Ғоят ибратли ушбу сўзларда биз учун зарур бўлган бир нуқтага алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Инсонни покланишга, маънан юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, виждонини уйғотадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ботиний кучнинг бир илдизини ўзбек халқ романик дostonлари ташкил этишини англаб олиш қийин эмас. Чунки бевосита мана шу тип дostonларда юртсеварлик,

---

<sup>1</sup> Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 17.

инсонпарварлик, адолат ва инсоф, пок муҳаббат ва меҳнатсеварлик каби олийжаноб ғоялар бетакрор шаклда тараннум этилган. Бинобарин, романик дostonлар поэтикасини, уларнинг ўзига хос шартли эпик оламига хос бадийликни ўрганиш ўз-ўзидан долзарблик касб этади.

Халқ яратган нодир маънавий бойлик ҳисобланмиш романик эпос асрлар оша олийжаноб ғояларни бетакрор бадий шаклларда кишилар қалбига жо этишда бебаҳо сарчашма сифатида хизмат қилиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам биз халқ ижодини, унинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш романик дostonларни миллий-маънавий қадрият сифатида ҳамиша ардоқлаймиз. Худди мана шу нарсани юртбошимиз алоҳида қайд этиб қуйидагиларни ёзади: «Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди»<sup>1</sup>.

Сақлаб қолинган мана шу маданий қадриятнинг бадийлик даражасини, поэтик нафосатини, унда олға сурилган олийжаноб ғояларни бутун назокати билан намойиш этиш орқали уни бугунги маънавий покланиш жараёнида қўллаш, ёш авлодни инсонпарварлик, эл-юртга садоҳат руҳида тарбиялаш ишига сафарбар қилишда тенгсиз манба сифатида фойдаланиш зарур. Романик дostonлар поэтикасини тадқиқ этиш мана шу улуғвор мақсад йўлидаги илмий изланиш сифатида ҳам долзарбдир.

---

<sup>1</sup> Ислom Каримов. Ўзбекистон XXI аср бысағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари

Ўзбек халқ эпоси кўп типли эпик хазина сифатида дунё халқлари ижодида бетакрор ҳодисадир. Шу боис ўзбек халқ дostonларининг ҳар бир тарихий типи алоҳида-алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Бу борада Ўзбек фольклоршунослигида талайгина илмий изланишлар амалга оширилган. XX асрнинг 40-йилларидаёқ проф. Ҳ.Зариф, академик В.М. Жирмунский, 60-йилларда профессорлар М. Саидов, Т. Мирзаев, 70-йилларда Т. Мирзаев, 80-90-йилларда У. Жуманазаров, И. Ёрматов, С. Йўлдошева ҳамда М. Мирзаеваларнинг ўзбек халқ эпосининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлари юзага келди<sup>1</sup>. Уларда вариантлик, туркумлилик ва поэтика масалалари ўрганилди. У. Жуманазаров тарихий дostonлар, И. Ёрматов ва С.Йўлдошевлар қаҳрамонлик эпоси поэтикаси бўйича тадқиқот олиб бордилар<sup>2</sup>.

Бироқ романик дostonлар поэтикаси юзасидан бирорта махсус тадқиқот олиб борилмади. Ҳолбуки, романик дostonлар ўзбек халқ эпоси сирасида ҳам миқдор эътибори билан, ҳам бадиияти нуқтаи назаридан салмоқли ўрин эгаллайди ва бу улкан мерос поэтикаси алоҳида тадқиқотлар талаб этади. Демак, ўзбек халқ эпоси сирасида белгили ўрин эгаллаб келаётган романик дostonлар поэтикасини ўрганиш ва эпосшунослигимиздаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш нуқтаи назаридан ҳам тадқиқотимиз долзарбдир.

---

ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 137.

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947; Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. - Т.: Фан, 1968; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. -Т.: Фан, 1978; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадиий маҳорат масалалари. - Т.: Фан, 1969; Муродов М. Жанровые и художественные особенности дастанов «Қор-оглы»: Автореф.дис. ...д-ра филол.наук. - Т.: 1975; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. - Т.: Фан, 1991; Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. - Т., 1994; Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш» (сюжетообразующие мотивы, сравненные и эпитеты): Автореф.дис. ...канд.филол.наук. –Т.,1984; Мирзаева М. Ўзбек халқ дostonларида туркумлик. - Т.: Фан, 1985.

<sup>2</sup> Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. - Т.: Фан, 1991; Яна ыша: Жасорат ва садокат талқини. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989; Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. - Т.: 1994; Яна ыша: Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Автореф.дис. ... д-ра филол.наук. –Т.,

Бугунги кунда республикамизда таълим соҳасини янада такомиллаштириш, бу соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотлар эса турли фан соҳалари мутахассислари олдига катта масъулият, улкан вазифаларни қўймоқда. Ушбу жараёндан ўзбек фольклоршунослиги, жумладан, эпосшунослиги ҳам четда қолмаслиги лозим. Ўзбек романик дostonлари поэтикасининг илмий жиҳатдан кам ўрганилган масалаларини тадқиқ этиш ўз навбатида янги яратилажак фольклор бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг савиясини кўтаришга ёрдам бериши шубҳасиз. Демак, тадқиқотимиз таълим соҳасида ҳозир амалга оширилаётган туб ислоҳотларни амалга ошириш ишига ҳисса қўшиши билан ҳам долзарблик касб этади.

Романик дostonлар бўйича илмий кузатишлар олиб бориш XX асрнинг 40-йилларидан жиддий тус олди. Бунда проф. Ҳ.Т.Зарифовнинг «Гўрўғли» туркуми дostonлари бўйича ёзган мақолалари, тўпловчилик ишлари диққатга сазовордир. Унинг академик В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда рус тилида ёзган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» (М.,1947) номли монументал монографиялари бошқа тип дostonлар қатори романик дostonлар бўйича амалга оширилган жиддий тадқиқот сифатида баҳоланишга лойиқ. Зотан, «романик дoston» атамаси ҳам ўзбек эпосшунослигида илк бор ана шу олимлар томонидан қўлланди.

Мазкур монографияда романик дostonлар сюжети, генезиси, образлар тизими, таркиби, композицияси, бадий-тасвирий воситалари, туркумлилик ва формулавийлик каби хусусиятлари биринчи марта тадқиқ этилган. Кейинги тадқиқотлар учун

методологик замин ҳозирлаб берган ушбу монографиядан сўнг профессор М.Саидовнинг «Малика айёр» достони ҳақидаги, проф. М.Муродовнинг «Гўрўғли» дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари мавзuidaги тадқиқотлари, С.Шодиеванинг «Соҳибқирон» достони, Ж.Холиқуловнинг «Гўрўғлининг туғилиши», Қ.Мамашукуровнинг «Нурали» туркуми дostonлари, М.Обидованинг «Рустам» туркуми дostonлари, Н.Мадраҳимованинг «Ширин билан Шакар» достони ҳақидаги диссертациялари ёқланди. Проф. М.Саидовнинг халқ дostonларида бадий маҳорат масалаларини ёритишга бағишланган тадқиқотида дostonлар матнида наср ва назмнинг тутган ўрни, образларни қўшалоклаштириш усули ҳақидаги кузатишлари романик дostonлар поэтикаси ҳақидаги қарашлар уфқини кенгайтди.

М.Мирзаеванинг ўзбек дostonларидаги туркумлилик, унинг юзага келиши ва турлари ҳақидаги диссертацияси кенг ва асосли маълумот берувчи тадқиқот сифатида аҳамиятли. Бундан ташқари, ўзбек фольклоршунослигида бевосита поэтиканинг хусусий масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам яратилдики, С.Холмирзаеванинг “Ўзбек халқ эпосида бадий шартлиликнинг ўзига хослиги”(1990), И.Болтаеванинг “Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати” (2000), Б.Раҳмоновнинг «Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши» каби диссертациялари ана шулар жумласидандир. Ушбу тадқиқотларда бошқа типдаги дostonлар қатори романик дostonлар поэтикасига тааллуқли айрим масалалар ўрганилди.

Юқоридаги қисқача илмий сайрдан шу нарса маълум бўладики, романик дostonлар поэтикасига оид баъзи масалалар ҳақида илк



илмий кузатишлар, баъзи бир ишланмалар мавжуд. Аммо ушбу тип достонлар поэтикаси муаммолари махсус тадқиқот шаклида яхлит ўрганилган эмас. Биз романик достонлар поэтикаси масалаларини махсус ўрганишни ўз олдимизга қўйган эканмиз, ишда қуйидаги тадқиқот талаб масалаларга алоҳида тўхталишни лозим топдик: а) романик достонларга хос хусусиятларни очиб бериш; б) романик достонлардаги бадий макон ва замоннинг реал хронотопга муносабатини аниқлаш; в) романик достонлардаги эпик қаҳрамон ва унинг халқ эпосининг бошқа типларидаги қаҳрамонлардан типологик фарқлари; г) романик достонларда эпик формулавийлик, унинг эпос поэтикасида тутган ўрни ва вазифаларини ёритиш. Юқорида санаб ўтилган масалалар ҳақида билдирилган фикр ва хулосалар тадқиқотимизнинг илмий янгилигини ташкил этади. Бундан ташқари, мазкур ишда биз Ўзбек фольклоршунослигида илк мартаба эпик қаҳрамон яратишда типиклаштириш ва индивидуаллаштириш масала-

сига тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, халқ достонларида образ яратишда типиклаштириш ва индивидуаллаштириш қонуниятлари амал қилади. Бироқ халқ эпосидаги типиклаштириш ва индивидуаллаштириш реалистик адабиётдаги қайд этилган қонуниятлардан миқёси, характери жиҳатидан кескин фарқланади. Бизнинг мана шу хулосамиз ҳам эпосшунослигимизга қўшилган илмий янгиликлардан бири сифатида баҳоланишга лойиқ.

Хуллас, ушбу монографиямизда романик достонлар поэтикаси мисолида эпосшунослигимиздаги айрим назарий масалалар, хусусан, эпик универсиум ҳамда эпик сициум, уларнинг феодал жамият

талабалари билан боғлиқ ҳолда изоҳланиши, романик дostonлар яратилишида тарихий жиҳатдан нисбатан аниқроқ моҳият касб этган айни шу тушунчаларнинг қадимги мифологик тасаввурлар билан синтезлашиши масалаларига ҳам эътибор берилди.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭПОСИ ТАРКИБИДА РОМАНИК ДОСТОНЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқнинг баҳодирона ўтмиши идеаллаштирилган йирик эпик асарларнинг халқ эпоси деб юритилиши фольклоршу-носликда тўла эътироф этилган ҳақиқатдир. Мана шунга кўра, халқ ҳаёти идеал бадий ифодасини топмаган, унинг қаҳрамонона ўтмиши бўла олмайдиган воқеалар тасвиридан иборат асарлар халқ эпоси ҳисобланмайдилар. Демак, халқ эпоси бўла оладиган асар икки муҳим мезон асосида баҳоланиши лозим. Булар: а) асар воқеаларининг халқнинг қаҳрамонона ўтмишига алоқадорлиги; б) ана шу воқеаларнинг эпик идеал даражасида бадий тасвирланиши.

Маълум бўладики, идеал бадий шаклда тасвирланган халқ ўтмишига алоқадор ҳар қандай воқеа халқ эпоси учун сюжет бўла олмайди, балки халқнинг идеал баҳодирона ўтмиши ўзига хос бадий шаклда тасвирланган асарларгина халқ эпоси ҳисобланишга ҳақли. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, “идеал” аниқловчиси эпоснинг бадий шаклига эмас, балки эпос мазмунини ташкил этувчи баҳодирона ўтмишга тааллуқлидир. Ана шундагина халқ эпосининг ҳар бир намунасини ташкил этган воқеалар халқ идеалини ифодалаганлиги сабабли уларнинг баҳодирона ўтмишга мансублиги англашилади.

Ўзбек халқ эпоси кўп қатламлилиги билан дунё халқлари эпослари орасида алоҳида ажралиб туради. Бу нарса ўзбек халқ эпосининг узоқ тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтганлигидан далолат беради. Эпоснинг ҳар бир қатлами эса уни яратган халқ бадий тафаккурининг муайян босқичларига тўғри келади. Агар қаҳрамонлик эпоси ўзбек халқининг мустақил этнос сифатида тарих сахнасида пайдо бўлишининг эпик даракчиси сифатида юзага келган

бўлса, романик дostonлар халқнинг ривожланган феодал жамияти шароитидаги ҳаёти, орзу-истакларини юксак идеаллаштириш оқибатида вужудга келди.

Худди шу ўринда биз В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовларнинг «романик» терминига берган изоҳларига тўла қўшиламыз<sup>1</sup>. Севги романтикаси ва қаҳрамонона саргузаштлардан ҳикоя қилувчи ва Оврупа «халқ романлари» ҳамда «халқ китоблари»дан ўзларининг оғзаки ижод ҳамда ижро анъанаси орқали авлоддан-авлодга ўтувчи эпос типини алоҳида ажратиш кўрсатиш учун бу атама жуда ҳам қулайлик туғдиради. Шу боис мазкур термин бизнинг ишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий дostonлар ўзбек халқ эпоси ривожининг нисбатан кейинги босқичларида аниқ тарихий шахслар ёки воқеаларни эпик идеаллаштириш эҳтиёжи туфайли юзага келди.

Ўзбек халқ эпосининг стадиал тараққиёт йўли, ҳар бир босқичнинг ўзига хос эпос типлари билан характерланиши бу улкан мероснинг изчил илмий тасниф этилишида турлича қарашларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Ўзбек эпосшунослари халқ дostonлари таснифининг бир нечта намуналарини тақдим этдилар.

Таснифларнинг хилма-хил тамойилларга асосланганлиги ва эпоснинг аниқ тарихий-структуал типлари аниқланма-ганлиги бу бебаҳо хазинани тадқиқ этишга жазм этган ёш тадқиқотчиларни қийин аҳволга солиб қўяди. Халқнинг баҳодирона ўтмишини турлича ғоявий-эстетик тамойиллар асосида акс эттирган ранг-баранг эпик асарларни илмий асосда тасниф этиш, унинг мавжуд типларини аниқ белгилаб олиш ва ҳар бир типдаги асарларнинг ўзига хосликларини

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947.-С.133.

аниқламай туриб, халқ дostonлари ҳақида фундаментал илмий тадқиқотлар яратиб бўлмайди. Демак, гап истар-истамас халқ дostonларининг таснифи масаласига бориб тақалмоқда.

Ўзбек халқ эпоси асримизнинг 20-йилларидан бошлаб мунтазам ёзиб олина бошланди. Ана шу пайтларда эса ўзбек халқ эпоси жонли яратилиш ва жонли ижро жараёнини ўз бошидан кечирмоқда эди. Чунки Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан, Ислom Назар ўғли, Холёр Абдукарим ўғли, Нормурод Шерна ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Мардонақул бахши, Абдулла шоир каби жуда кўп эл севган донгдор бахшилар ана шу даврларда айни илҳом оғушида яшар эдилар. Улар ўзларига қадар яратилган халқнинг улкан эпик меросини бутун бўй-басти ҳамда бадий таровати билан ўзлаштириб олиб, уни ижодий ривожлантираётган эдилар. Шу боис 20-60-йилларда ёзиб олинган дoston намуналари ўзбек халқ эпосининг асрлар мобайнида шаклланган ва эпик анъанага тўлиқ кириб ўзлашган асарларни ташкил этади.

Мана шундай бир пайтда, аниқроғи, мамлакатда йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй бераётган бир даврда халқ эпосини ёзиб олиш катта аҳамиятга эга. Сабаби шуки, дарёдай оқиб бораётган халқ эпик меросини аввал ёзиб олиш, уни абадият варақларига нақшлаб олиш, сўнгра йиғилган материални тасниф этиш ва тадқиқ этиш бирдан-бир тўғри йўл эди.

Ўзбек фольклоршунослигининг йирик вакиллари Ғози Олим Юнусов, Ҳ.Т.Зарифов, М.Зарифов, Б.Каримий, М.Алавия, М.Афзалов ва уларнинг издошлари мана шу йўлдан бордилар. Бевосита мана шу фаолият туфайли халқ эпосининг жуда йирик ва ноёб намуналари

фольклор архивига келиб тушди.

Асримизнинг 40-йилларига келиб бу нодир материаллар билан жиддий танишиш, уларни тасниф ва тавсиф этиш ишлари бошланди. Иккинчи Жаҳон уруши давом этаётган, мамлакат тақдири қил учида осилиб турган бир пайтда атоқли фольклоршунослар академик В.М.Жирмунский ва профессор Ҳ.Т.Зарифовлар ўзбек халқ эпосининг тавсифи, таҳлили ҳамда талқинидан иборат йирик фундаментал асар устида иш олиб бордилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1947 йилда, Москвада «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» номли йирик асар чоп этилди<sup>1</sup>. Мазкур асар ўзбек халқ эпосини монографик планда ўрганишга бағишланган илк тадқиқот сифатида ўз вақтида ва ҳозир ҳам катта илмий аҳамият касб этади.

Ушбу асар ўзбек халқ эпосининг тарихий асослари, турлари, тарихий тараққиёти; халқ бахшиларининг ҳаёти, эстетик қарашлари, ижодлари ва уларнинг ўзларига хосликлари, тарихий воқелик ва эпик воқелик ўртасидаги муносабатлар каби масалаларга бағишланган илк тадқиқот эди.

Мана шундай улкан ишга қўл уришар экан, муаллифлар халқ бахшилари ҳақида маълумот берганларидан кейиноқ уларнинг эпик репертуари тўғрисида батафсил ахборот беришни лозим топадилар, Эпик репертуар таҳлили эса эпик материални тасниф этишдан бошланади. Шундай табиий эҳтиёж туфайли В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов ўзбек халқ эпосини қуйидагича гуруҳларга ажратиб таҳлил этадилар: 1. Қаҳрамонлик эпоси. 2. Жангнома дostonлар. 3. Тарихий мазмундаги дostonлар. 4. Романик дostonлар. 5. Адабий

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947.

манбага эга бўлган дostonлар. 6. Янги дostonлар<sup>2</sup>.

Ўзбек халқ эпосини юқоридагидек тарзда тасниф этиш ҳали етарли эмаслигини, айрим материаллар бир неча гуруҳлар оралиғида туражагини ва изчил таснифга берилмаслигини, қолаверса, халқ эпоси ҳали тўла тўпланиб олинмаганлигини, шу боис мазкур тасниф ҳали тугал ва охирги тасниф эмаслигини, ушбу тасниф ўзбек халқ эпосини батафсил тавсифлаш эҳтиёжи туфайли илк бор амалга оширилганлигини муаллифларнинг ўзлари оқилона эътироф этадилар<sup>1</sup>. Ана шу эътирофга асосланиб айтиш мумкинки, ўзбек халқ эпоси жиддий илмий таснифга муҳтож ва у, албатта, амалга оширилиши лозим.

Ўзбек халқ дostonларини тасниф этиш масаласига 60-йилларда проф. М.Саидов кўл урди. У дostonларни қаҳрамонлик, муҳаббатни куйловчи, романик, жангнома ва тарихий каби гуруҳларга ажратади<sup>2</sup>.

М.Саидов халқ дostonлари таснифига киришар экан, энг аввало, бу эпик материалнинг манбаларига алоҳида эътибор беради. Шу боис у халқ дostonларини дастлаб оғзаки анъана орқали етиб келган ва китобий манбалар орқали етиб келган дostonларга ажратади. Бундан ташқари, халқ дostonларини у сюжет воқеаларининг характерига кўра анъанавий ва замонавий дostonларга ажратади. Олимнинг бу қарашлари ҳозир ҳам эпосшуносликда ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бироқ унинг таснифидаги «муҳаббатни куйловчи дostonлар» гуруҳи ўзини оқлай олмайди. Чунки муҳаббатни куйлаш, севги саргузаштлари дostonларнинг барчасида у ёки бу даражада мавжуд. Бинобарин, бундай мавзудаги махсус дostonлар тури ўзбек халқ

<sup>2</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Ёша асар. – Б.61-301.

<sup>1</sup> Ёша асар. -Б.60.

<sup>2</sup> Саидов М. Ёзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат масалалари. – Т.: Фан, 1969. -Б.30-32.

эпоси таркибида йўқ. Умуман олганда, проф. М. Саидов таснифи ягона илмий принцип асосида амалга оширилмаганлиги сабабли ўзбек халқ эпоси ўзининг мукамал таснифига эга бўла олмади.

Ўзбек халқ достонлари таснифи кейинроқ проф. Т.Мирзаев томонидан қайта кўрилди, аммо у В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифовларнинг илмий тасниф-ларини тўла қабул қилиб олди<sup>1</sup>. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов ҳамда Т.Мирзаев-ларнинг таснифларида ягона принципга амал қилинмаган. Жумладан, ўзбек халқ романик достонлари эпос асосида ётган манба табиатига кўра икки гуруҳга бўлинадилар:

1. Оғзаки анъана орқали етиб келган достонлар. Бу гуруҳга «Рустамхон», «Гўрўғли» туркуми, «Орзигул», «Ширин билан Шакар» кабилар мансуб. 2. Ёзма манбалар асосида яратилган достонлар. Ушбу гуруҳга «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Санобар», «Сайфулмалик», «Тохир ва Зухра», «Баҳром ва Гуландом», «Қиз Жибек», «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» кабилар мансуб.

Агар тарихийлик принциплари нуқтаи назаридан ёндашилса, китобий достонлар сюжети ҳам романик достонлар сюжети билан бир хиллик касб этади.

Мана шу жиҳатдан жангнома достонлар ҳам романик достонлар таркибида олиб қаралиши ҳақиқатга яқиндир. Ўзбек халқ достонлари таркибидаги жангнинг мавқеи, адо этган ғоявий-эстетик аҳамияти жиҳатидан икки гуруҳга ажралади. 1. Жангнома достонлар. 2. Жангнома бўлмаган достонлар. Аммо жангнома достонлар таркибидаги сюжет ҳам тарихийлик нуқтаи назаридан романик

<sup>1</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Т.: Ўқитувчи, 1980.-Б.203-206; Мирзаев Т. Достон. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981. -Б.10-24.



достонлар таркибида олиб қаралиши зарур. Чунки китобий ва жангнома достонларда ҳам фантастик тасвир катта мавқе эгаллайди, қаҳрамонлар халқнинг асрий орзу-истаклари доирасида идеаллаштирилади.

Халқ эпосини тасниф этиш шу билан тўхтаб қолмади. 80-йилларнинг бошларида проф. Б.Саримсоқов ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратди. У анъанавий эпосни ягона илмий принцип асосида тасниф этди. Бунга кўра, эпоснинг ҳар бир тарихий-структурал типи бошқа тарихий-структурал тип билан кесишмаслиги лозим. Мана шу талабга кўра, анъанавий халқ достонларини тарихийлик принципи асосида тасниф этиш кўзланган мақсадга олиб келиши мумкин эди. Демак, Б.Саримсоқов ўзбек анъанавий халқ достонларини тарихийлик нуқтаи назардан қуйидагича турларга ажратади: 1. Қаҳрамонлик достони. 2. Романик достонлар. 3. Тарихий достонлар<sup>1</sup>. Ушбу принципдаги таснифга кўра, халқ достонларининг бошқа типлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шу пайтга қадар турли олимлар томонидан амалга оширилган таснифларга мурожаат этишимиздан кўзланган мақсад шуки, бу таснифлар қандай амалга оширилганлиги ва илмий ҳақиқатга қай даражада узоқ - яқинлигидан қатъи назар, уларнинг барчасида романик достонлар алоҳида тип сифатида қайд этилади. Маълум бўладики, романик достонлар ўзбек халқ эпоси сирасида алоҳида тарихий-структурал тип сифатида мавжуд ва бу типдаги достонлар халқ бадий тафаккури тараққиётининг муайян босқичида вужудга келиб, достончилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган. Умуман

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. №3. Б.37-47.

олганда, ўзбек халқ эпосининг ғоявий-бадий қиёфасини, эстетик аҳамиятини романик дostonларсиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди.

Романик дostonлар ўзбек халқ эпоси таркибида салмоқли ўрин эгаллар экан, эпоснинг бу типи қачон пайдо бўлди?

Дарҳақиқат, романик дostonларнинг юзага келиши халқ бадий тафаккурининг қайси босқичида юз берди? Бу ҳақда эпосшунослигимизда ҳозирга қадар аниқ бир қараш мавжуд эмас. Романик дostonлар ичида белгили ўрин эгаллаган «Гўрўғли» туркуми ҳақида сўз юритар эканлар, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ушбу туркумнинг шаклланиш ва туркум сифатида мустаҳкамланиш даврини XVII асрнинг бошланишидан XIX асрнинг ўрталаригача деб кўрсатадилар<sup>1</sup>. Мана шунга асосланиб проф. Т.Мирзаев ва проф. Б.Саримсоқовлар романик дostonларнинг жуда кўп яратилиш даври XVII асрнинг иккинчи ярими ва XX асрнинг бошлари деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>. Улар бу фикрни олға сурганларида худди мана шу даврда ўзбек халқ эпоси жадал ривожланиш босқичини ўз бошидан кечираётганли-гигини назарда тутадилар.

Жиддийроқ ёндашилса, романик дostonлар воқеликни аниқ тарихийлик тамойиллари асосида эмас, балки кенг тарихий миқёсларда акс эттиради. Бинобарин, романик дostonларда халқ ҳаётининг муайян давлари эмас, балки унинг соф севги, дўстлик ва биродарлик, мардлик ва жаросат, ватанпарварлик ва садоқат ҳақидаги абадий орзу-ҳаваслари, интилиш ва истаклари умуман кенг

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –191-бет.

<sup>1</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти. - Ўзбек

тарихий даврлар доирасида акс этади. Қаҳрамонлик дostonлари эса халқнинг мустақил этнос сифатида шаклланиши даврларида, тарихий дostonлар эса у ёки бу тарихий шахслар, воқеалар тасвирига асосланганлиги билан романик дostonлардан фарқланадилар. Мана шунга асосланиб айтадиган бўлсак, ўзбек романик дostonларининг яратилиш ва кенг ижро этилиш, демакки, халқ эпик анъанасидан мустаҳкам ўрин эгаллаш даври XVI-XX асрнинг бошлари деб тахмин қилиш мумкин. Бундай фикрга келишимизнинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

Маълумки, XVI аср ўзбек халқи ҳаётида катта ўзгаришлар юз берган тарихий давр ҳисобланади. Бевосита мана шу даврда Муҳаммад Шайбоний бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хуросонни босиб олдилар. Натижада, Ўтроқ ва кўчманчи ўзбеклар маданияти бир-бирига қўшилиб кетди. Ҳозирги биз ўрганаётган ўзбек халқ романик дostonлари ўтроқ маҳаллий халқлар маданиятига таллуқли афсона, ривоят ва эртаклар билан дoston жанрининг чатишиши оқибатида юзага келди. Чунки яратилиши ва ижро этилиши импровизацияга асосланган дostonлар аслида кўчманчи ўзбек уруғларига хос санъат ҳисобланади.

XVI асрдан кейин XVII асрлардан бошлаб ўзбек халқ эпосининг жадал ривожланиши ўтроқ ўзбек маданиятига оид эпик материалнинг кўчманчи ўзбек дostonчилик санъати билан синтезлашиши жараёнининг натижаси деб қаралиши ҳақиқатга яқинроқдир. Бизнинг назаримизда, IX-XI асрларда бошланган ўзбек халқининг шаклланиш жараёни Шайбонийхон ҳукмдорлиги даврида ўз ниҳоясига етди. Бевосита мана шу даврда (XVI-XX аср бошларида) халқнинг ғоявий-бадий эҳтиёжи романик дostonларнинг ғайритабиий, озод

қахрамонлари романтикасига мойиллик сезади. Бу эҳтиёжни қондириш зарурияти эса ўз-ўзидан романик достонларнинг яратилишига олиб келди. Шу боис романик достонлар мана шу даврда кўплаб яратилди.

Эпоснинг интенвис яратилиш ва тараққиёт босқичида романик достонлар сюжети турлича эпик манбаларга асосланди. Кўпгина достонлар сюжетининг ривожини халқнинг мифологик қарашлари билан боғлиқ ҳолда кечди. Масалан, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Малика Айёр" достонида қахрамон сафари Торкистон мамлақати, яъни ерости, қоронғулик дунёсига бўлиб, бу мамлакат моҳият эътибори билан оламнинг вертикал тузилиши ҳақидаги халқнинг мифик тасаввурларига асосланади<sup>1</sup>. Ёки қахрамоннинг жанговар ҳамроҳи Гирот аجدодлари сув отлари билан боғланади. Бу мотив айниқса "Гўрўғли" эпосининг Озарбайжон версиясида ёрқин кўзга ташланади. Айни шундай қарашлар эпоснинг туркман ва бошқа версиялари учун ҳам хослигини йирик гўрўғлишунос Б.А.Карриев ҳам тўла тасдиқлайди<sup>2</sup>. Ёки Гўрўғлининг севимли ёрлари Юнус ҳамда Мисқол парилар ҳам халқнинг руҳлар ҳақидаги мифик тасаввурларига бориб боғланади.

Романик достонларнинг аксарияти эса халқ эртаклари сюжети асосида яратилган. Масалан, "Хуршидой", "Зевархон", "Тохир ва Зухра" каби достонлар бунинг ёрқин мисоли бўла олади<sup>3</sup>. Романик достонларнинг халқ эртаклари сюжети ҳисобига бойиб бориш жараёни ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, Боборайим бахши Маматмуродов яратган "Сарвигул" достони ҳам "Хуршидой"

<sup>1</sup> Жыраев М. Ўзбек халқ эртакларида «сеҳрли» рақамлар. –Т.: Фан.-1991. –Б. 49-59

<sup>2</sup> Короғлу.-Бақы: Ганжлик, 1975. –Б.5

<sup>3</sup> Карриев Б.А. Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов.-М.: Наука. –1968. –С.49

достониға асос бўлган Аарне–Андреев каталогидаги 883-рақамли “туҳматга учраган қиз” сюжетиға алоқадордир<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан маълум бўладики, романик достонлар халқ эпосининг жадал ривожланиш даврида халқ эртаклари, миф ва ривоятлари сюжети асосида фаол тараққиёт босқичини босиб ўтди. Бевосита мана шу даврда романик достонлар ўзбек халқ эпоси сирасида белгиловчи ўрин эгаллади.

Ўзбек халқ эпоси табиатида юз берган, яъни достонлар таркибида янги типдаги асарлар вужудга келган экан, бу ҳодисани миллий ўзига хослик деб ҳисоблаш керак бўладими ёки туркий халқлар эпосидаги тарихий-структурал типология ҳодисаси сифатида баҳолаш лозимми? Назарий жиҳатдан қаралса, биргина ўзбек халқ эпоси таркибида бундай алоҳидалик юз бериши мумкин эмас. Чунки сиёсий ва маданий ҳаёти, айниқса, эпик анъаналари бир хил ёки бири-бирига яқин халқлар эпосларида бундай алоҳидаликлар юз бериши мумкин эмас. Мана шу нуқтаи назарда биз бошқа туркий халқлар эпосшунослигига мурожаат этдик ва ўзбек романик достонлари фақат ўзбек халқ эпоси учунгина хос бўлган алоҳида ҳодиса эмаслигига амин бўлдик.

Мазкур масалада биз дастлаб қозоқ фольклоршунос-лигида билдирилган илмий қарашларга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Профессор Р.Бердибаевнинг “Қазақ эпоси (жанрлўқ, жана стадиялўқ масалалар)” номли монографиясида қозоқ халқ эпосининг стадиял ривожланиши билан боғлиқ ҳолда эпоснинг бир неча типлари ҳақида батафсил тўхталинган. У қозоқ халқ эпоси таркибида қаҳрамонлик, тарихий жанрлардан фарқли ўлароқ романик

<sup>1</sup> Жинмунский В.М., Харифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. –С. 128, 292-300.

достонларнинг мавжудлигига алоҳида тўхталади ва эпоснинг бу типига “Қози Корпеш – Баян сулу”, “Мунглик - Зарлик”, “Қиз Жибек”, “Қалқаман – Мамир”, “Енглик – Кебек”, “Ақбапа – Сауўтбек”, “Бозжигит” каби достонларини киритади<sup>1</sup>.

Бундай қарашни бошқа бир қозоқ эпосшуноси Б.У.Азибаева ҳам илгари суради. У 1985 йилда қозоқ романик эпосида сюжет яратиш ва образлар системаси мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, кейинроқ “Қазақ романик дастанлари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва шу номдаги монографиясини чоп эттирди<sup>2</sup>. Унинг фикрича, қозоқ романик достонларининг сюжет асослари халқ эртакларидан олинган. У Р.Бердибаевнинг фикрига қўшилган ҳолда, романик достонлар халқ эпоси стадиял тараққиётининг қонуний натижаси сифатида вужудга келган, деган хулосага келади.

1992 йилда Қ.Саттаров «Қазақтўнг халўқ романдўқ эпоси» номли монографиясини чоп эттирди ва шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У ҳам романик достонлар қозоқ халқ эпоси таркибида юзага келган алоҳида тарихий-структурал ҳодиса эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг фикрларига кўра, XVIII-XIX асрлар қозоқ халқ эпосининг энг ривожланган даврлари бўлиб, худди мана шу даврларда романик эпос типи юзага келди.

Эпоснинг бу типи икки хил манбадан ўзига сюжет тармоқларини яратиб олди. Биринчи манба қадим замонлардан қозоқ фольклорида

<sup>1</sup> Бердибаев Р. Қазақ эпосы (жанрлық жана стадиялық масалалар). –Алматы: Ғылым баспасы, 1982.

<sup>2</sup> Азибаева Б.У. Сюжетные образования и система образов казахских романических дастанов: Автореф. дис...канд.филол.наук. – Алмат Ата,1985; Азибаева Б.У. Казахские народные романические дастаны. –Алмат-Ата: Ғылым, 1990

<sup>1</sup> Саттаров Қ. Қазақтың халық романдық эпоси. –Алматы: «Сеистан» нашриёти, 1992.

яшаб келган афсона, эртак каби жанрлар шаклидаги «Кози Кўрпеш-Баян сулу», «Бозжигит», Мунглиқ-Зарлиқ», «Қиз Жибек», «Айман - Шолпан» каби асарлардан иборат бўлиб, қозоқ оқин ва жировлари уларни халқ эпоси талаблари асосида қайта ишладилар. Шу боис бу асарлар қозоқ романик достонлари сюжетининг ўзагини ташкил этади. Иккинчи манба эса Шарқ халқлари мумтоз адабиётида кенг тарқалган «Тохир ва Зуҳра» «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» каби ҳисса ёки достон шаклида айтилиб юрилган асарлардан иборат бўлиб, улар қозоқ жирчилари репертуарига кириб, соф халқ эпоси шаклида куйлана бошлаган. Мана шунинг оқибатида бу асарларнинг оғзаки достон шакллари юзага келган.

Шу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Қ.Саттаров романик достонларни халқ эпосининг алоҳида жанри деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бизнингча, бу достонлар қай даражада алоҳидалик касб этмасинлар, барибир, халқ достонларининг бир типини ташкил этадилар, холос, Чунки романик достонлар шакл, мазмун ва ижро усулига кўра халқ эпоси анъаналари доирасида ижро этиладилар. Шаклий тузилиши, ижро усуллари жиҳатидан романик достонлар қаҳрамонлик ва тарихий достонлардан мутлақо фарқланмайдилар. Шундай экан, романик достонларга халқ эпосининг алоҳида типи сифатида қараш лозим.

Хуллас, қозоқ халқ эпоси таркибида ҳам романик достон типи мавжуд ва бу тип халқ эпосининг кейинги тараққиёт босқичларида, аниқроғи, XVII-XVIII асрларда шаклланди.

Туркман эпосшунослигида романик достонлар типи алоҳида кузатишларга асос бўлган. Шунинг натижасида туркман

---

<sup>1</sup> Саттаров Қ. Юқоридаги асар. –35-бет.

фольклоршуносларининг яқдиллик билан эътироф этишларича, «Хурлиқо ва Ҳамро», «Сайёд ва Ҳамро», «Шосанам ва Ғариб», «Зоҳра ва Тоҳир», «Асли ва Карам», «Гул ва Булбул», «Гул ва Санубар» каби қатор достонлар туркман халқ романик достонларини ташкил этадилар<sup>2</sup>.

Ушбу достонларнинг аксарияти Хоразм воҳасида, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалган. Аммо фольклоршунос М.А.Сакали «Хурлиқо ва Ҳамро» достонининг сюжет асосини туркман халқ эртакларида деб кўрсатади<sup>1</sup>. Бизнингча, бу сюжет кенг тарқалганлиги сабабли халқ орасида эртак шаклида ҳам ёйилган бўлиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, XVI-XVIII асрларда туркман халқ эпоси таркибида романик достонлар алоҳида тип сифатида шаклланган. Эпоснинг бу типи, бошқа халқларда бўлгани каби, халқ афсона ва ривоятлари, эртак ва ҳикоятларидан сюжет олганликлари ҳақиқатга яқин. Чунки мавзу, сюжет ва эпик мотивлар жиҳатидан туркман романик достонлари бошқа халқлар романик достонларидан фарқланмайдилар ва эпик анъанада барқарор яшайдилар<sup>2</sup>.

Туркман халқ эпоси ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек халқ эпосида катта ўрин тутган ва романик достон сифатида қараладиган «Гўрўғли» туркуми қаҳрамонлик эпоси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун «Гўрўғли» достонлари

---

<sup>2</sup> Каррыев Б.А. «Хурлиқо-Ҳамро» достонига ёзилган сыз боши. -Ашгабат. 1950. -Б.3-4; Короглы Х.Г. «Шасанам и Гариб» - народный дастан: Дис. ... канд. филол. наук. - М., 1954; Мамедязов Б. Туркменский народный дастан «Сейт и Хамра»: Дис. ... канд. филол. наук. -Ашгабат, 1963; Мирбадалева А.С. Туркменский романический эпос //Хурлука и Хемра. Сейт и Хемра. - М.: ГРВЛ, 1971. - С.8-52.

<sup>1</sup> Сакали М.А. Туркменский сказочный эпос. -Ашгабат, 1956. -С. 96.

<sup>2</sup> Мирбадалева А.С. Кырситилган мақола. -8-бет.



туркман эпосшунос-лигида романик достонлар сирасига киритилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, романик достонлар туркман халқ эпоси таркибида XVI-XVIII асрларда юзага келиб, халқ эпосининг мустақил типи сифатида эпик анъанада мустаҳкам ўрин эгаллайди. Кўпгина туркман романик достонлари сюжети Хоразм воҳасида кенг тарқалган эпик асарлар билан генетик алоқадорликка эга. Чунки туркман халқ бахшилари бу сюжетларни ўзлаштириб куйлаганлар. Бу ўринда шуни айтиш керакки, Хоразм воҳасида яшаган ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахши ҳамда жировлари ижодий фаолиятида юқорида қайд этилган сюжетлар муштараклик касб этади. Чунки ушбу регионда бахши ёки жировлар бу асарларни тингловчилар аудиторияси талабига кўра, яъни уларнинг миллий мансубиятига қараб, уч тилда - туркман, қорақалпоқ ва ўзбек тилларида бир хилда ижро этганлар. Мана шунинг оқибатида бу уч халқ эпосида муштарак сюжетга эга булган алоҳида достонлар қатлами вужудга келган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқилса, туркман халқ романик достонлари сюжети шу заминда яшаётган уч халқнинг ҳам муштарак эпик мероси саналаверади.

Қирғиз халқ эпосида ҳам романик достонлар типи мавжуд. Бироқ қирғиз эпосшунослигида бу типдаги достонлар «ижтимоий-маиший достонлар» атамаси билан юритилади. Бу достонларда қирғиз халқининг адолат, соф севги, ватанпарварлик, ҳалоллик ҳақидаги ғоялари куйланади. «Саранжи -Бокей», «Жанўш - Байўш», «Туштук», «Қўрманбек», «Кожодаш», «Олтобай», «Эр Тоштук», «Кедейқан», «Эр табўлдў» каби достонлар эпик мазмуни, образлари, ғоявий-бадий хусусиятлари билан ўзбек романик достонларига жуда

якин турадилар. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, қирғиз ижтимоий-маиший дostonлари асосан XVII -XVIII асрлардан кейин эпоснинг янги типи сифатида юзага келган<sup>1</sup>.

Жуда кўп туркий халқлар эпослари табиатида XVI асрдан кейин юз берган ғоявий-эстетик ҳамда тарихий-структурал ўзгаришлардан қорақалпоқ ва татар халқ эпослари ҳам четда қолмади.

Таниқли қорақалпоқ фольклоршуноси проф. К.Мақсетов қорақалпоқ эпосини тасниф этар экан, мазкур эпос таркибида ўзбек романик дostonларига мазмун ва шакл жиҳатидан мос келадиган дostonлар мавжудлигини қайд этади. Аммо у бу дostonларни «лиро - эпик» ва «ижтимоий-маиший» дostonлар деб номлайди. Лиро-эпик дostonларга у «Ғариб ошиқ», «Саятхон ва Ҳамро», «Ашиқ Нажаб», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Тохир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Санубар» каби асарларни киритади. Ижтимоий-маиший дostonларга у «Шарьяр», «Ширин ва Шакар», «Кеншайим», «Менгликал», «Зорлиқ ва Мунглиқ» кабиларни киритади<sup>2</sup>.

Агар диққат билан кузатилса, проф.Мақсетов таснифидаги ҳар икки гуруҳга мансуб асарларнинг аксариятини романик дostonлар ташкил этишини кўриш қийин эмас. Чунки эпик тасвирнинг реал воқеликка муносабати, образлар тизими, бадий тасвирнинг характери жиҳатидан қорақалпоқ ҳамда ўзбек романик дostonлари бир хил тарихий-структурал типологияни ташкил этади.

Хуллас, XVI-XVII асрлардан кейин жуда кўп халқлар эпосининг воқеликни бадий тасвирлаш табиатида юз берган ўзгаришлар

<sup>1</sup> Кыдырбаева Р.З. Идеино-художественные особенности эпоса «Саранжи -Бокей». –Фрунзе: Изд-во Киргизской АН, 1959; Тоштемиров Ж. Соз башы // Кедейкан. –Фрунзе: «Кыргызстан» баспасы, 1970. -Б.5-18; Кебекова Б. Соз башы ҒҒ Эр табылды. – Фрунзе: «Кыргызстан» баспасы. 1970. - Б.149-158.

<sup>2</sup> Мақсетов К.М. Лиро-эпические дастаны. Социально-бытовые дастаны //Очерки по истории каракалпакского фольклора. -Т.: Фан, 1977. - С. 58-86.

корақалпоқ халқ эпосида ҳам юз берди, аниқроғи, корақалпоқ халқ эпоси таркибида романик достонлар вужудга келди.

Татар эпосшуноси Ф.И.Урманчиев «Кози-Корпяч ва Баян сулу» эпосини лиро-эпик достон сифатида тавсифлайди, асарнинг яратилиш даврини XVII асрга тааллуқли деб кўрсатади<sup>1</sup>. Олимнинг мазкур эпосга берган тавсифидан келиб чиқилса, «Кози-Корпяч-Баян сулу» барча жиҳатлари билан ўзбек романик достонлари билан бир хил типологик хусусиятга эга эканлиги маълум бўлади.

Озарбайжон эпосшунослигида ҳам халқ достонлари икки йирик гуруҳга бўлинади. Булар: Қаҳрамонлик ва муҳаббат достонларидан иборат. Қаҳрамонлик достонларига «Китоби Дада Горгуд», «Короғлу», муҳаббат достонларига эса «Таҳир-Зухра», «Асли-Карам», «Ашўғ Ғариб», «Аббас -Гулгаз», «Гул-Маҳмуд», «Лайли-Мажнун», «Валех-Зарнигар», «Алихан-Пари», «Маҳаммад-Гуландом», «Хан Чобан», «Султен-Гандиб» кабилар киритилади<sup>27</sup>.

Озарбайжон муҳаббат достонлари эса воқеликнинг тарихийлиги нуқтаи назаридан ўзбек романик достонлари билан бир хил хусусиятга эга. Демак, ҳар икки халқ эпосларидаги фарқ асар воқеалари тасвирида эмас, балки уларнинг таснифда бошқача номланишидадир.

Турк фольклоршунослигида ҳам халқ ҳикоялари (достонлари) икки йирик гуруҳга ажратилади. Булар: 1. Қаҳрамонлик достонлари. 2. Ошиқ достонлари. Бу гуруҳга «Мирзейи Маҳмуд», «Улфатин», «Дарди йўқ ила Зулфи Сиёҳ», «Алиф ила Маҳмут», «Ашўғ

<sup>1</sup> Урманчиев Ф. Героический эпос татарского народа. –Казань, 1984. - С.170-187.

<sup>27</sup> Таҳмасиб М.Н. Азарбайжан дастанлари. Ўрта асрлар. –Бакы, 1972. -Б.290-310; Таҳмасиб М.Н. Илк соз //Азарбайжан муҳаббат дастанлари. –Бакы: «Елм» нашриёти, 1979. -Б.3-22.

Ғариб», «Ашўқ Карем», «Қурбани», «Таҳир Мирза», «Хаста Хасан», «Каражаоглан», «Видоди Хаста», «Ҳасан ила Мерҳжан» каби достонлар киритилган<sup>1</sup>.

Халқ достонларини юқоридагига ўхшаш тасниф этиш «Тоҳир ва Зухра» достони тадқиқи муносабати билан турк олими доктор Фикрат Туркмен томонидан ҳам такрорланади<sup>2</sup>.

М.Қ.Тахмасиб, Н.П.Боратов ҳамда Ф.Туркменларнинг қайд этишларича, таркибларида қадимги астрал мифлар мавжудлигига қарамай, муҳаббат достонлари озарбайжон ва турк халқ достонлари таркибида XVI-XVII асрларда вужудга келган. Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатадики, XVI асрдан кейин ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон ва турк халқ эпослари стадиал тараққиётида янги босқич бошланди.

Бу эса мифлар, афсона ва эртакларни кенг эпик кўламда қайта ишлаш натижасида янги тарихий-структурал типдаги достонларнинг вужудга келиши билан характерланади. Албатта, халқ эпосида юз берган бу жараён халқ оғзаки эпик анъаналарининг жонли ривожини ҳамда давомийлигини билан борлиқ ҳолда юз берди. Тоғли Олтой, Сибир ва Узоқ Шарқда яшовчи туркий халқлар эпоси табиатида бу жараён кузатилмайди. Бундай ҳолат ушбу халқлар оғзаки эпик анъаналарининг аста-секин сўниши билан изоҳланади. Мана шу боис ушбу халқлар эпосида романик достонлар юзага келмади.

Юқоридаги кузатишлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, романик достонлар ўзбек халқ эпоси учунгина хос бўлган янги типдаги эпос бўлмай, у ўрта Осиё, Волгабўйи, Кавказ ва

<sup>1</sup> Боратов Н.П. Халқ ҳикоялари ва халқ ҳикоячилиги. -Истамбул, 1988. - Б. 33-34.

Анатолияда яшовчи туркий халқлар эпослари учун муштарак тарихий-структурал ҳодиса ҳисобланади. Ушбу халқлар эпосларидаги романик дostonларни қиёсий ўрганиш тадқиқотимиз вазифасига кирмаганлиги сабабли биз юқоридаги қисқача илмий сайр билан чегараланамиз ва ўзбек романик дostonлари ҳақида баҳс юритамиз.

Романик дostonлар сюжети манба нуқти назаридан таҳлил этилса, қуйидаги икки ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчи ҳолат - соф оғзаки анъана асосида куйланиб келинган романик дostonлар. Буларга «Гўрўғли» ҳамда «Рустамхон» туркумига мансуб дostonлар киради. Ушбу туркум дostonлар таркибида ҳам мифологик ва эртак эпосига хос мотивлар мавжуд. Ушбу мотивлар дoston сюжети ривожига маълум даражада иштирок этсалар ҳам, бироқ умуман дostonлар сюжети соф эпосга хослиги билан характерланади.

Иккинчи ҳолат – фақат эртак сюжетига асосланган романик дostonлар. Буларга «Ширин билан Шакар», «Орзигул», «Тоҳир ва Зухра», «Зевархон», «Болтакай ботир» каби дostonлар мансуб.

Халқ афсона, ривоят, эртак ва мифларидан озикланиш романик дostonлар учун қонуний бир ҳол эди. Чунки халқ орасида яшаб, ижод этган халқ бахшилари меҳнаткаш омманинг адолат, ҳақиқат, эзгулик, соф муҳаббат ҳақидаги орзу-истакларини яхши билар эдилар. Бундай идеаллар эса халқ ижодининг юқорида қайд этганимиз жанрларида баралла тараннум этилар эди, Шу боис халқ бахшилари ана шу жанрларни халқ эпоси таркибига синтез қилиб юбордилар. Натижада, эртак ёки ривоят, миф ёки афсонага тааллуқли сюжет соф эпос қонун-қоидаларига мувофиқ ҳолда қайтадан бадиий идрок этилди. Сюжет,

---

<sup>2</sup> Туркмен Ф. Таҳир ила Зухра. –Анқара, 1988. -Б.9-175.

композиция, шеър шакли ва наср характери, образлар талқини - барча-барчаси эпос талаблари нуқтаи назаридан бутунлай қайта ишланди. Романик дostonлар тараққиётида жанрлараро муносабат масаласида тўхталар экан, проф. Б.Саримсоқовнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: «... афсона, ривоят, эртак каби жанрлар шароит, талаб, эҳтиёж асосида жуда кўп ижодий актлар туфайли ўсиб дoston структурасига айланиши мумкин. Бироқ ... бир жанр учун асос бўлган бошқа жанрлардаги тарихийлик диффузия жараёнида фақат эпик ячейка тараққиёти билангина эмас, балки ҳамма жанрнинг поэтик системаси, структураси ва функционал талабларининг ривожини билан бир қаторда ўсиб ўтади»<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, эртак ёки бошқа эпик жанр сюжетига асосланган романик дostonлар сюжет манбасини механистик йўл билан ўзлаштириб олмайди. Ана шу манбани халқ бахшилари эпос қонуниятлари асосида бутунлай қайта ишлайдилар, яъни эпик идеаллаштириш даражасида ижодий ривожлантирадидилар. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, эпоснинг интенсив ривожланиш босқичида романик дostonларнинг бошқа эпик жанрлар материаллари асосида кенг эпик кўлам касб этиши, янги-янги сюжетлар асосида ривожланиши қонуний бир ҳол эди ва мана шу хусусияти билан романик дostonлар ўзига хослик касб этдилар.

Ўзбек халқ романик дostonлари Ўрта асрлар феодал жамияти шароитида яшаган аجدодларимизнинг озод ва обод мамлакат, тинч ва фаровон ҳаёт, садоқатли севги ва барқарор дўстлик, мардлик ва жасорат ҳақидаги юксак идеалларини ифодаловчи йирик эпик

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси //Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.:

асарлар сифатида юзага келди. Юксак идеал эса ҳамма вақт реал ҳаётдан юқори туради. Шу боис романик дostonлар сюжети ҳеч қачон аниқ бир тарихий воқеа ёки шахс номи билан боғлиқ ҳолда изоҳланмайди. Улар идеалдаги воқеа-ҳодисалар, образлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Мана шундан келиб чиқилса, романик дostonларга хос етакчи хусусият кўзга ташланади.

Ўзбек халқ романик дostonлари эпик универсиум табиати билан ҳам бошқа типдаги дostonлардан фарқланиб турадилар. Чунки қаҳрамонлик ва тарихий дostonлардаги эпик универсиум нисбатан тарихий аниқлиги билан ажралиб турса, романик дostonлар универсиуми квазитарихий (кенг миқёсли тарихий) лиги билан характерланади.

Маълумки, эпик универсиум эпик дунё ўзаги ва моҳиятини ташкил этувчи эстетик категория ҳисобланади. Ушбу категорияни муайян сюжет қамровидан ташқари ҳолатларда тадқиқ этиб бўлмайди. Чунки халқ эпосининг ҳар бир намунаси ёки эпик туркумлик мустақил эпик ижтимоий универсиумга эга.

Моҳият эътибори билан эпик универсиум эпик воқелик, персонаж, давлат қурилмаси, сиёсий кучларнинг муайян эпик макон ва замондаги муносабатларидан ташкил топади. Шу боис муайян эпик универсиумни реал ижтимоий-тарихий ҳаёт билан эмпирик қиёслаб бўлмайди. Чунки романик дostonлардаги эпик универсиум умумэпос универсиумдаги архаик қатламни ўз мақсад ва вазифаларига мос тарзда сингдириб олган. Архаик эпик оламга хос универсиумга хос уруғ, қабила тартиботлари, мифологик образ ва тасаввурлар романик эпосдаги нисбатан аниқ универсиумга хос оила, давлатчилик қурилишлари, муайян этник урф-одат ва маросимлар

билан уйғунлашиб кетади. Мана шунинг учун ҳам романик дostonлардаги эпик универсиум таҳлилида ҳар бир компонент алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши лозим.

Романик дostonлар эртак, афсона ва ривоят каби жанрлар материални ўзларига сингдириб олишларига қарамай, уларга хос эпик универсиумни ҳам маълум даражада сақлаб қолдилар. Бироқ ана шу универсиум романик дostonлар таркибида ўзига хос тарихий, этник, маконий ва замоний марказлар сифатида талқин қилинади. Шунинг учун романик дostonлардаги ижтимоий универсиум ҳеч қачон реал универсиум сифатида қабул қилинмайди. Мана шу хусусияти билан романик дostonлар ўзбек халқ эпоси таркибида алоҳида ўрин тутадилар.

Эпик универсиум табиати жиҳатидан романик дostonларнинг ўзига хослигини ана шу универсиум таркибидаги айрим компонентлар таҳлили орқали ёрқин очиб бериш мумкин. Мана шу мақсадда биз қуйида ана шу компонентлардан айримлари ҳақида тўхталамиз. Улар: сюжет, қаҳрамон, эпик макон ва замон кабилардан иборат. Мазкур компонентлардан эпик замон ва макон категорияси ишимизнинг иккинчи бобида алоҳида тадқиқ этилади.

### **Романик дostonларда сюжет**

Маълумки, сюжет дoston қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини, уларнинг ички кечинмалари билан биргаликда ижодкор ғоясини ифодалашга хизмат қиладиган тартибда асар воқеаларининг бадиий система сифатидаги батафсил баёнидан иборат. Ушбу таъриф умуман халқ эпоси учун тааллуқли. Бироқ сюжет терминини эпоснинг муайян намунасидаги матн билан



тенглаштириб бўлмайди. Чунки, проф. Б.Н.Путилов тўғри қайд этганидек, сюжетнинг деформацияга учраши матннинг бузилишига олиб келади<sup>1</sup>. Қолаверса, эпоснинг ижро актларида дoston матнлари ҳам ўзгариб боради. Бундай ҳолат эса халқ дostonларида, жумладан, романик дostonларда сюжет таҳлилини икки сатҳда олиб боришини тақозо қилади. Биринчиси - алоҳида дostonлар учун хос бўлган сюжет. Иккинчиси - ҳар бир дostonнинг мустақил вариантлари сюжети. Мустақил вариантлар сюжети йиғиндиси ҳар бир дostonнинг умумий ва мукамал сюжетини ташкил этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фольклорга хос вариантлик ҳодисаси халқ эпоси намуналаридаги сюжет табиатида, структурасида белгиловчи роль ўйнайди.

Ҳақ романик дostonлар сюжети ҳақида борар экан, халқ дoston ва эртаклари сюжетининг ёзма адабиётдаги эпик асарлар сюжетидан фарқли ўлароқ муайян эпик мотивлар асосида ташкил топиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Фольклорнинг эпик асарларини тадқиқ этган акад. А.Н.Веселовский бу асарларда сюжет мустақил ҳамда барқарор мотивлардан ташкил топишини илк бор қайд этади. У мотивнинг энг барқарор белгиси унинг бир аъзоли образли тузилишга эгаллиги ва бошқа майда эпик қисмларга бўлинмаслигини алоҳида таъкидлайди<sup>1</sup>.

Кейинчалик фольклоршуносликда «мотив» атамаси барқарор шаклланган, нисбий мустақилликка эга бўлган сюжетнинг энг кичик таркибий қисми сифатида қўлланилади. Хоҳ фольклор асарларида бўлсин, хоҳ ёзма адабиётда бўлсин сюжет воқеалар ривожидан,

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Эпическая сюжетика //Б.Н.Путилов. Героический эпос и действительность. - Л.: Наука, 1988. - С 137-138.

<sup>1</sup> Веселовский А.Н. Поэтика сюжетов //А.Н.Веселовский. Историческая поэтика. - М.: Высшая школа, 1989. - С. 300-306.

ҳаракатидан иборат. Чунки сюжет таркибидаги воқеалар замон ва маконда кечади. Фольклор асарларидаги сюжет динамикаси бир қанча мотивлар орқали амалга ошади. Бундан ташқари, сюжет таркибидаги ҳар қандай ўзгариш, у хоҳ вариантлик, хоҳ версиялик доирасида бўлсин, фақат мотивлар ўзгариши орқали юз беради.

Кейинчалик «мотив» ҳақидаги таълимот В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, Е.М.Мелетинский каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Айниқса Б.Н.Путиловнинг «эпик мотив»ларга хос хусусиятларни белгилашдаги хизматлари бениҳоя катта. Унинг аниқлашича, мотивга хос белгиларчи хусусият унинг турли вазиятлар, воқеалар ёки ҳолатлар учун қўллашга тайёр барқарор формулавий шаклга эгаллидир<sup>1</sup>. Бундан ташқари, у халқ эпосидаги мотивларнинг сюжет яратилишидаги уч хил типини аниқлайди. Булар: вазият мотивлари, нутқ мотивлари ва ҳаракат мотивларидан иборат<sup>2</sup>. Жаҳон фольклоршунослигида ҳозирга қадар бу фикрлар ўзларининг назарий аҳамиятини йўқотган эмас.

Бироқ бизнинг мақсадимиз илгари айтилган назарий қараш ва концепцияларни қайд этишдан иборат эмас. Уларни келтиришдан мақсад халқ дostonларида сюжет ва унинг мотивлардан ташкил топишини эътироф этган ҳолда ўзбек романик дostonларига хос сюжет характерини тадқиқ этиш, ушбу тип дostonлар сюжетикасининг ўзига хослигини аниқлашдан иборат.

Ўзбек халқ романик дostonлари сюжети ҳам мотивлардан ташкил топган экан, бу типдаги дostonлар сюжетининг ўзига

---

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Мотив как сюжетобразующий элемент [ffТипологические](#) исследования по фольклору. –М.: Наука, 1975. – С. 140-145; Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. –Л.: Наука, 1988. – С. 137-176

хослиги, энг аввало, вазият мотивлари билан ҳаракат ёки нутқ мотивларининг ўзаро алоқага киришида бадий шартлилик қонуниятининг амал қилишида кўзга ташланади<sup>3</sup>. Бундай шартлилик эса моҳият эътибори билан халқ афсона, эртаклари таркибидаги бадий шартлилик билан бир хил типологик хусусиятга эга<sup>4</sup>. Масалан, Оқтош мамлакатининг подшоҳи Султонхон фарзандсиз бўлиб, унинг оддий меҳнаткаш оиласидан олган хотини Хуройим ҳомиладор бўлиб қолади. Шу пайтда Султонхон Хуройим масканига юриш қилади. Хуройим ўғил туғади. Унга Рустам деб исм қўядилар. Хуройим мамлакатни адолат билан ўн тўрт йил бошқаради. Мана шунда Султонхоннинг катта хотинлари мастон кампир ёрдамида тухмат хатини юбордилар. Бу хабардан ғазабланган Султонхон Хуройимни дорга ошишга фармон беради. Мана шундан кейин асар воқеаларининг ривожини бошланади. Агар тухматдан иборат хат юборилмаса, подшо хотинини ўлимга ҳукм этмаса, дoston воқеаларининг ривожини таъминланмаган бўларди. Маълум бўладики, дoston сюжетининг динамикаси учун «бўхтон»нинг иштироки ва бегуноҳ инсоннинг ўлимга ҳукм этилиши шарт.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш лозимки, романик дostonлардаги сюжет ҳаракати фақат эртакка хос бадий шартлилик қонунияти орқали воқе бўлади. Бунинг учун асар бошида қўйилган шартнинг тескариси бўлиши шарт. Масалан, «Орзигул» дostonида ўғил туғилиши ўрнига қиз туғилиши, қиз чақалоқнинг ўғил билан алмаштирилиши каби. Ёки қўйилган шарт тўғри

---

<sup>2</sup> Путилов Б.Н. Юқорида кўрсатилган асарлар, бша саҳифалар.

<sup>3</sup> Холмирзаева С.Ш. Особенности художественной условности узбекского народного эпоса АКД. –Т.: 1990. –С 8-14.

<sup>4</sup> Пропп В.Я. Морфология сказки. Изд. 2-е. –М.: Наука, 1969

бажарилган тақдирда ўртага тухмат, иғво аралашиси туфайли воқеалар ривожининг ўзга йўналишда давом этиши лозим эди. Ушбу мисоллар шундан далолат берадики, романик дostonлар сюжети, воқеалар тугуни, ривож ва ечими халқ эртаклари сюжети характерида кечади. Бу нарса романик дostonларнинг вужудга келишида халқ бахшиларининг воқеликни эпик идеал доирасида акс эттиришларида эртак жанрининг эстетик принципларига асосланганликларидан далолат беради.

Романик дostonлар сюжетида хос хусусиятлардан бири эпик тугун, воқеалар ривож ва ечимида тасодифийликнинг етакчи роль ўйнашида кўзга ташланади. Бундай ҳол тасодифийликнинг романик дostonлар учун жузъий ҳодиса эмаслигини кўрсатади. Агар тасодифийлик жузъий ҳодиса бўлганида, унинг қўлланиш ўрни бир ёки бир нечта дostonлар билан чегараланган бўларди. Бизнинг кузатишларимиз шундан далолат берадики, тасодифийлик романик дostonлар сюжети учун етакчи эстетик қонуният даражасига кўтарилган<sup>1</sup>.

Бизнингча, бунинг иккита муҳим сабаби бор. Биринчиси романик эпос реал воқеликни романтик эпик идеал миқёсида акс эттиради. Бундай идеал миқёс эса ижодкор учун кенг фантазия қилишга, реал ҳаётда боғлана олмайдиган ҳодисаларни ҳаёлот воситасида боғлашга, асар воқеаларини кутилмаганда бошланишга ва фавқулодда ечимларга олиб келишга имкон беради. Идеал воқелик эса фақат фавқулоддалик орқалигина реаллашади.

Иккинчиси – узоқ аждодларимиз тасаввури ҳаётдаги зарурият категориясини тасодифийликдан кейин англаб етди. Шу сабабли улар

тасодифийликни ҳам зарурият сифатида қабул қилар эдилар. Романик дostonлар афсона, ривоят, эртак каби эпик хаёлот кучига асосланган жанрлар сюжети ёки эпик хужайралари замирида яратилар экан, уларда тасодифийлик ҳам тугун, ҳам ечим вазифасини ўташи табиий. Юқорида алоҳида қайд этилган иккита сабаб мазкур дostonлар типиди тасодифийликнинг муҳим эстетик қонуниятга айланишига асос бўлган.

Тасодифийликнинг эстетик қонуният даражасида амал қилиши дунё халқлари эстетик тафаккури ривожиди босиб ўтилган алоҳида босқичдан иборат. Бошқача айтганда, тасодифийлик жаҳон халқлари бадиий тафаккури учун типологик ҳодиса бўлиб, бу нарса бошқа тадқиқотчилар томонидан алоҳида эътироф этилган. Жумладан, М.Бахтин юнон саргузашт романларида тасодифийлик эстетик қонуният миқёсига кўтарилганлигини қайд этганди<sup>2</sup>. Ўзбек фольклоршунослигида С.Холмирзаева илк бор тасодифий-ликнинг эстетик қонуният эканлигини таъкидлаб, уни бадиий шартлиликнинг муҳим воситаси сифатида талқин этади. Худди мана шу нуқтаи назардан у романик дostonлар сюжетини беш типга ажратади<sup>3</sup>.

Бизнинг фикримизча, ўзбек романик дostonлари сюжетини тасодифийлик иштирокига кўра фақат икки типга бўлиш мумкин. Чунки мантиқан олиб қаралса, дostonлар сюжети ё тасодифий воқеалар иштироки ёки уларсиз ривожланиши, ечилиши мумкин холос. Шундай экан мавжуд сюжетларни тасодифийлик иштирокига кўра беш типга ажратишнинг ҳожати йўқ.

<sup>1</sup> Холмирзаева С.Ш. Особенности художественной условности узбекского народного эпоса: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Т., 1990. –С. 14-20.

<sup>2</sup> Бахтин М. Формы времени и хронотопа в романе. // М.Бахтин. Литературно-критические статьи. – М., 1986. – С. 121-190.

<sup>3</sup> Холмирзаева С.Ш. Особенности художественной условности узбекского народного эпоса: Автореф. дис. ... канд.филол.наук.-Т., 1990. –С. 14-20.

Биринчи тип - сюжет тугуни фақат тасодифий воқеа ҳамда учрашувлар натижасида вужудга келган дostonлар. Ушбу типга Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Малика Айёр», Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Кунтуғмиш», «Қундуз билан Юлдуз», «Далли», «Равшан», Ислом Назар ўғлидан ёзиб олинган «Орзигул» каби кўплаб дostonлар мансуб.

Мазкур дostonлардаги эпик тугун қаҳрамонларнинг тасодифий ҳолатлари, бирор нарсага дуч келиб қолишлари ёки бирор нарсани топиб олишлари, кўрган тушлари оқибатида вужудга келади.

Бир неча фактларга мурожаат этайлик. «Малика айёр» дostonида Гўрўғли Зебит чўлига, Шакар кўлига овга бориб, қушини овга солади. Шунда чўлда тўсатдан улкан кўрғон пайдо бўлади. Гўрўғли кўрғонга кириб турган пайтда осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб, бир юмалаб офатижон бир парига айланади. Гўрўғли ҳайрон бўлиб, унинг исмини, мамлакатини сўрайди. Пари отасининг исми - Қосимхон, онасининг исми - Сипар пари, униб-ўсган юрти Торкистон мамлакати эканлигини айтиб, яна бир юмалаб каптар қиёфасига кириб учиб кетади<sup>1</sup>.

«Мисқол пари» (Пўлкан шоир) дostonида Гўрўғли пайшанба куни тунда ўтиришдан ўрдага қайтиб келса, Соқибулбул соз чертиб, парилар билан базм қуриб ўтирибди.

Парилар ўртасида нотаниш бир нозанин ҳам бор эди. У Ҳиндистон подшосининг қизи Гулнор пари эди. Гўрўғли унга ошиқ бўлиб қолади. Мана шу тасодифий учрашувдан дoston воқеалари бошланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Малика Айёр. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли //Малика айёр. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. - Б. 6-9.

<sup>2</sup> Мисқол пари. Айтувчи: Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан //Гулнор пари «Ўзбек халқ ижоди».

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, кўпчилик романик дostonлар сюжети тасодифий учрашувлар, қаҳрамоннинг ошиқ бўлиб қолиши билан бошланади. Шундан кейин ошиқнинг ўз севгилисини излаб сафарга чиқиши ва саргузаштлари билан дoston сюжети шаклланади. Аммо айрим дostonларда тасодифий учрашувлар анимистик ҳодиса - туш воситасида ҳам юз беради.

Худди шундай ҳодиса «Кунтуғмиш» дostonида учрайди. Унда тасвирланишича, Нўғой мамлакатининг шаҳзодаси Кунтуғмиш ва Зангар мамлакати подшосининг вазири Шоирнинг қизи Холбека бир-бирларини тушларида кўриб, бир-бирларига исмлари ёзилган узукларини ҳадя этишади. Улар уйғонишиб қарашса, кўлларида бир-бирларининг узуклари кийдирилган. Холбека ўз севганига эришиш учун бир сандиқ ясатиб, ичига сурати, Кунтуғмишнинг узуги, бир тола сочини солиб, ўз аҳволини баён қилиб хат ёзиб, сандиқни маҳкамлатиб, дарёга оқизиб юборади. Бу сандиқ эса тасодифан ов қилиб юрган Кунтуғмишнинг кўлига тушади. Шундан кейин дoston сюжети воқеалари ривожлана бошлайди.

Шу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Агар диққат қилинса, узок аجدодларимиз бадий тафаккури учун тасодифийлик зарурият сифатида тасаввур этилгани кўзга ташланади. Холбеканинг сандиқ ясатиб, юқорида айтилган нарсаларни солиб, сандиқни оқизиб юбориши, дарёнинг эса айна Кунтуғмишнинг юртига қараб оқиши, худди мана шу сандиқнинг ов қилиб юрган Кунтуғмишнинг кўлига тушиши барқарор эпик шарт сифатида шартлилик қонунияти орқали амалга ошган. Демак, шартлилик қонунияти тасодифийлик категориясини бадий зарурият

категорияси тарзида талқин этишга имкон берган. Бу эса романик дostonлар сюжети асосан халқ эртақларига хос сюжет, эртақларга хос хаёлот ҳамда тасаввурлар асосида, эртақларга хос воқеликни акс эттиришнинг эстетик принципларига амал қилиш асосида шаклланганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, дostonдаги туш мотиви халқнинг қадимий анимистик тасаввурлари заминида юзага келган. Бунга кўра, узок аждодларимиз руҳлар ҳақиқатан ҳам мавжуд, туш эса руҳларнинг фаолияти, инсон жисми тин олган пайтда унинг руҳлари ҳаракатни давом эттиради, шунинг учун туш ҳақиқатан ҳам инсон фаолиятининг руҳий давом этиши деб қараганлар<sup>1</sup>. Дostonдаги Кунтуғмиш ва Холбеканинг узук алмаштиришлари эса уларнинг руҳлари кўшилганлигидан нишона эди. Кўпгина археологларнинг шоҳидлик беришларича, қадимги Фарғона қабристонлари ва улардан топилган ашёлар Марказий Осиё халқларида ҳам анимизм мавжудлиги ва бу эътиқодий тасаввур халқ дунёқараши, диний тушунчалари, маиший ҳаётида чуқур сақланиб қолганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, қабрдаги бош суяклари остидан топилган ойна синиқлари ҳам анимизм қолдиқларидан иборат<sup>2</sup>. Чунки никоҳ тўйларида куёв-келинга ойна кўрсатилганда, ойнада уларнинг руҳлари кўшилиб кетади. Дафн маросимида вафот этган ва тирик қолган эр-хотинга ойна кўрсатиб, ойнани иккига бўлиб, бир қисмини мурданинг боши остига қўйилиши, иккинчи қисми эса тирик қолган эр ёки хотин кўлида қолишига мўлжалланган. Оқибатда, у дунёда, яъни руҳлар дунёсида, уларнинг бир-бирларини осон топиб олишларига ҳалиги ойналар кўмак беради.

---

<sup>1</sup> Фрезер Дж. Золотая ветвь. - М.: Изд-во Политическая лит-ра, 1980.



Демак, дostonдаги туш мотиви анимистик тасаввурлар асосида дастлаб халқ эртаклари сюжетига кириб келган, кейинчалик эса бу мотив романик дostonлар, қисман Қахрамонлик эпосидан ҳам жой олган.

“Равшан” дostonида эса тасодифийлик миллий урф-одатлар, қон-қариндошлик ришталари ҳақидаги тасаввурларга ўраб берилади. Асранди фарзандларининг кейинчалик қон-қариндошлик иплари орқали бғланишини истаган Гўрўғли Ҳасанхоннинг ўғли Равшанга Авазнинг қизи Гуланорни олиб бериш мақсадида Авазхоннинг уйига совчиликка боради. Бироқ Авазхон Ҳасанхон ва Равшанни менсимай, қизини уларга беришга кўнмайди. Дарчанинг орқасида турган Равшан Авазнинг бу гапидан қон-қакшаб йиғлаб келаётганда Юнус парига дуч келади. Уни юпатиш учун Юнус пари кўлидаги хосиятли ҳукумат узугини олиб беради ва ўзи Авазнинг олдига қараб кетади. Равшан узук кўзидаги хатларни ўқиб қараса, унда Қорахон подшонинг қизи Зулхумор ҳақида хабар берилганини билиб олади. Унинг ишқи ғойибан Зулхуморга тушади. Шундан сўнг Равшаннинг Зулхуморни излаб сафари бошланади. Бу сафар тафсилоти эса дoston сюжетини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек романик дostonлари сюжети эпик жанрлар зинапоясида ўзидан қуйи поғонада турган миф, афсона, ривоят, эртак сюжетлари заминида яратилган. Шунинг учун ҳам дostonларнинг мазкур типиди бадий шартлилик, тасодифийлик кабилар эстетик қонуниятлар сифатида амал қилади. Шу муносабат билан бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. У ҳам бўлса шундан иборатки, романик дostonлар мустақил тур сифатида

---

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. - М.: Наука, 1979. -С. 105-113.

асосан XVI-XVII асрлардан кейин юзага келганлар. Акс ҳолда, уларнинг сюжет таркиби миф, афсона, ривоят, нақл ва эртак каби жанрларда амал қилувчи эстетик қонуниятларга бу қадар кучли асосланмас эди.

Иккинчи тип - сюжет тугуни тасодифий воқеалар билан эмас, балки реал ҳаётӣй воқеалар билан бошланувчи романик дostonлар. Ушбу тип дostonлар сюжетининг ўзига хослиги уларнинг сюжет тугуни тасодифийликдан холи эканлигида кўзга ташланади. Бу дегани уларда тасодифийлик умуман иштирок этмайди дегани эмас. Сюжет воқеаларининг ривожӣ, ечимӣда тасодифийлик мавжуд, бусиз романик дostonлар сюжетини тасаввур этиб бўлмайди. Биз мазкур типдаги дostonларни алоҳида тип сифатида ажратиб олишимизга сабаб сюжет воқеаларининг, айниқса, сюжет тугунининг соф ҳаётӣй воқеаларга, бошқача айтганда, дoston воқеаларининг бошланиши фақат сабаб-оқибат муносабатларига асосланишида, холос. Мана шундай сюжет тугунига эга бўлган дostonлардан бир-иккитаси ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтамиз.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Ширин билан Шакар» дostonи сюжети шундай бошланади: Қуёнқи шаҳрининг подшоси Қосимхон саксонта хотинга уйланди, лекин фарзанд кўрмайди. Унинг вазири ҳам шундай фарзандсиз эди. Улар эл-юртга ош бериб, уларнинг дуосини оладилар. Дуо туфайли подшонинг Бўтакўз деган хотини ҳамда вазирнинг хотини ҳомиладор бўлиб қоладилар. Вақти этиб, ҳар иккисининг хотини ўғил туғади. Бироқ вазирнинг хотини туғиш вақтида вафот этади. Ҳар икки болани подшонинг хотини эмизиб катта қилади. Болалар етти ёшга етганда овга чиқишиб, отасига овбоши отиб келишмоқчи бўлишади. Бироқ уч кун юрсалар

ҳам, ҳеч нарса отолмайдилар. Шаҳарга кираверишда ҳовузда сузиб юрган бир ғозни кўриб қолдилар. Уни Шакарбек отиб олмоқчи бўлади. Ширинбек бунга кўнмайди, аммо Шакар уни отади. Ярадор ғоз тўғри Қосимхоннинг Кенжа ойим исмли хотинининг ҳовлисига келиб кўнади. Чунки бу ғоз унинг энчи ғози эди, Ғозининг ярадорлигини ва ўлиши муқаррарлигини билган Кенжа ойим дод-фарёд қилади. У ўғай болалардан қасд олишга аҳд қилади ва ғозни олиб кетаётган Шакар ҳамда Шириннинг чопонларидан бир парчадан кесиб олиб қолади. Подшо ўғли ва Шириннинг овбоши олиб келганларидан қувониб, барчага зиёфатлар қилиб беради. Эртасига Кенжа ойим келиб, ўғилларинг мени зўрлади, деб тухмат қилади ва белги сифатида уларнинг кийимидан кесиб олган парчаларни подшонинг олдига ташлайди. Бундай ҳолни кўрган Қосимхон ғазабланиб, Ширин ва Шакарни Мансур дорига ошиш ва кийимларини уларнинг қонига бўяб келтиришга амр этади. Бу воқеадан ғайб кучи орқали хабар топган Аловхўжа эшон подшодан ўтинч сўрайди, лекин подшо ўз амрини бекор қилмайди. Эшон бориб жаллодлар билан гаплашиб, Ширин ва Шакарни Ҳақиқ тоғига боғлаб, кийимларини бир жониворнинг қонига бўяб, подшога келтириб беришга уларни кўндиради. Шундай қилиб, Ширин ва Шакар омон қолади. Достоннинг кейинги воқеалари бевосита уларнинг саргузаштларидан ташкил топади.

Сюжет бошланиши, тўғрироғи, сюжет тугуни асосида жаҳон эртаклари меросида кенг тарқалган тухматга учраган фарзандлар ёки қиз номли Аарне-Андреев ва бошқа эртакшунослар каталогида қайд этилган сюжет типи ётади. Ҳаттоки, ушбу сюжет жуда кўп халқлар эртак мероси маълумотларига мослигини бизга қадар ҳам

тадқиқотчилар қайд этганлар. Мазкур дoston сюжети ҳам ўзининг тарихий асослари билан ана шу халқаро сюжет асосида шаклланган. Ўғай она тухмати туфайли ўз уйидан қувилиш билан бошланувчи сюжет Шарқда мумтоз адабиётда ҳам кенг тарқалганлиги «Вомиқ ва Узро» ёки машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» каби дostonлар мисолида ҳам тасдиқланади. Бироқ «Ширин билан Шакар» сюжети халқ дostonлари шаклида ўзига хос талқин ва тавсиф этилганлиги билан диққатга сазовордир.

«Ширин билан Шакар» дostonининг ўзбек ва қорақалпоқ версия ва вариантларини тадқиқ этган Н.Я.Мадраҳимова мазкур сюжетнинг асослари бир-бири билан зиддиятга киришмайдиган, аксинча, ҳар қандай ёвуз кучга қарши биргаликда курашадиган мифларга бориб тақалишини қайд этиб ўтади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, бу сюжет илдизлари дуалистик мифларга бориб тақалса ҳам, бироқ у дoston сюжетига тўғридан-тўғри эмас, балки эртак орқали - бир неча бадий трансформациялар орқали ўтган. Қолаверса, эгизаклар ўртасидаги муносабатларнинг икки хили дуалистик қарашлар табиатидаги ўзгаришлар билан алоқадор<sup>1</sup> бўлмай, балки дуалистик мифларнинг бадий-эстетик жанрлар таркибида трансформацияга учраши билан боғлиқ бўлса керак.

Дoston номланишидаги аввал уканинг, кейин ака номининг келтирилиши Н.Мадраҳимова кўрсатгандай майорат ва минорат билан боғлиқ<sup>1</sup> эмас. Бизнингча, бу нарса дoston воқеалари тасвирида Шакарга нисбатан Шириннинг мулоҳазакорлиги, босиқ ва

---

<sup>1</sup> Мадраҳимова Н.Я. «Ширин билан Шакар» дostonининг қиёсий-типологик таҳлили: Филол.фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т., 1996. - Б. 22-14.

<sup>1</sup> Ўша автореферат.-14-бет.

<sup>1</sup> Ўша автореферат.-15-бет.

салмоқдорлиги билан боғлиқ. Чунки вазирнинг фарзанди ширхўра қилиб боқиб олинганлиги аниқ. Бинобарин, ҳар қандай ҳолатда ҳам мол-мулкка, тахтга ворислик масалаларида фақат Шакар тўла ҳақли холос. Демак, нима бўлганда ҳам достон номланишида Ширин исмининг биринчи туриши минорат билан алоқадор эмас. Бизнингча, Ширин исмининг биринчи туриши поэтик жиҳатдан кўпроқ оҳангдорлик касб этади. Агар Шакар исми биринчи туриб Ширин исми иккинчи турса, достон номидаги бадиий оҳанг пасайиб кетади. Чунки Шакар-Ширин исмлар тартибида предикативлик, яъни биринчиси эга, иккинчиси кесимлилик позициясига яқин келади. Бундай предикатив позиция эса асар номланишидаги поэтик оҳангни, жозибани сўндиради. Шу боис достон «Ширин билан Шакар» деб номланган.

«Балогардон» достонининг сюжети ўзига хос реал воқеа билан бошланади. Арзирум мамлакатидан Даллини Ҳасанхон Чамбилга олиб келгач, Гўрўғли катта тўй-томоша қилади, аммо Даллини Ҳасанхонга бермайди, бир ойча Далли туриб қолади. Гўрўғлининг Юнус ва Мисқол пари хотинлари шубҳага тушиб, Даллини устимизга хотин қилиб олса, ундан фарзанд кўрса, биз ташландиқ хотин бўлиб қоламиз, деб хавотир олиб, Эрам боғига қочиб кетмоқчи бўладилар. Бироқ Ғирот Гўрўғлида қолса, у буларни қаердан бўлса ҳам топиб келади ва жазолайди. Шунинг учун улар Ғиротнинг сайиси Гаждумхонни Эрам боғидан чиройли қизлар олиб берамиз, деб алдашади. Гаждумхон Ғиротни миниб, парилар эса каптар либосини кийиб, Гўрўғли қирқ йигити ва фарзандлари билан майхонада мажлис қуриб ўтирган бир пайтда қочиб кетишади. Бундан эрталаб хабар топадилар. Парилар ҳамда Гаждумхон бу вақтда Бало тоғига етиб

олган эдилар. Гўрўғли ёри-парилардан, Ғиротдан айрилиб, Таваккал ғорига кириб, кўкрагини захга бериб ётиб олади. Ғирот ва париларни қайтариб келиш учун Аваз отасидан ижозат сўрайди. Гўрўғли ижозат бергач, Авазхон қаландар либосини кийиб, Боғи Эрамга қараб жўнайди<sup>2</sup>. Мана шу билан достон сюжети Авазхоннинг саргузаштлари орқали шакллана боради.

Асар бошланишининг қисқача баёнидан маълум бўладики, достон бошқа анъанавий достонлардагидек сажъли кириш, таъриф утавсифлар билан эмас, балки фақат эпик воқеалар баёнидан, париларнинг ўз устларига кундош келиши хавотири, хўрлик кўрмаслик учун юртларига қочиб кетиш тараддуди билан бошланади.

“Балогардон” достонининг сюжетидаги эпик тугун ҳаётгийлиги, аёллар руҳиятига хос рашк, тадбиркорлик ва гумон, шубҳага асосланганлиги билан диққатга сазовор. Ушбу ҳаётгийлик ва парилар руҳиятига хос хислатлар реаллиги антропологик образнинг (Ғаждумхоннинг) мифологик образ билан уйғунликда ҳаракат қилишига ҳалал бермаган. Бироқ эпик тугундаги бу нарса-«Гўрўғли» туркумига хос анъананинг бироз бузилиши кишини ўйлатади. Ҳолбуки, ушбу туркум бошланишидаги “Гўрўғлининг туғилиши ва ёшлиги” достонида Хизр ва чилтанлар қаҳрамонга ҳомийлик кўрсатиб, унга ва отига бир юз йигирма йил умр бериб, жанговар отига чилтанлардан Соқибулбулни доимий сайис қилиб тайинлаган эдилар. Мана шунга кўра, ғирот доим Соқибулбул назоратида бўлиши, уни фақат Соқибулбулгина эгарлаши мумкин эди. Мазкур достонда эса Ғиротни Ғаждумхон

<sup>2</sup> Балогардон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. //Балогардон. Ўзбек халқ ижоди. Кўптомлик. -Т.: Ғ.Ғулом

парвариш этади ва у эгарлаб миниб олади. Савол туғилади – Соқибулбул қаёққа қолди? Бизнинг назаримизда, ушбу дostonда Соқибулбул образи атайин тасвирдан ташқарида қолдирилади. Бу нарса париларнинг қочишлари ва Ғиротнинг Гаждумхон томонидан ўғирланишига йўл очиб беради. Чунки Соқибулбул бўлганда Ғиротни ҳеч ким миниб кетолмас эди, боз устига парилар ҳам қочиб кетолмас эдилар.

“Гўрўғли” туркуми ва унинг эпик концепцияси, ана шу концепциянинг эпик воқеликда акс этганлигидан хабардор тингловчилар учун Ғиротга қараш ва уни эгарлаб миниш фақат Соқибулбулга алоқадор вазифа эди. Дostonнинг эпик тугунида, Гаждумхоннинг ҳаракат қилиши анъана-вий туркумлик анъанасининг бузилишидай туюлса ҳам, бироқ аслида ундай эмас. Гаждумхон образи эпик тугун шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Биринчидан – фақат ана шу образ туфайли сюжет тугуни воқе бўлади. Соқибулбул бўлганда бундай эпик тугун шаклланмаган бўларди. Иккинчидан, Гаждумхон образи тингловчида Ғиротнинг сайиси биргина Соқибулбул эмас, балки кўп экан, Гаждумхон эса ана шулардан бири экан, деган тасаввур туғдиради. Учинчидан, дostonчилик анъанасига кўра, ҳар бир бахши-ижодкор ўзи куйламоқчи бўлган дос-

тонга маълум ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бу ўзгартиришлар персонажлар таркибида, нарса ва жойлар тасвирида, қисқаси, эпик универсиумнинг исталган компонентида бўлиши мумкин. Бу билан эпик анъана бузилмайди. Фозил шоир томонидан қилинган мана шу кичик ўзгартириш мустақил дoston сюжетининг

яратилиши учун асос бўлади. Биз учун энг муҳими шундаки, дoston сюжетидаги эпик тугун ўта ҳаётий ва ишонарли чикқан.

Айрим романик дostonларда сюжет тугуни ҳаётий воқеаларга асосланса ҳам, бироқ эпик шартлилик қонунияти орқали эпик тугунга қадар эртакка хос мотивлар воситасида замин тайёрланади. Ислом Назар ўғлидан ёзиб олинган «Орзигул» дostonида ана шу ҳолатга дуч келамиз.

Дoston бошланмасида тасвирланишича, Хосхона мамлакатиинг подшоси Қорахон подшо фарзандсиз бўлиб, тахтига ворис бўладиган ўғли йўқлигидан нолиб юрар эди. Бир куни Омон исмли каниз хотини Барногул ҳомиладор бўлганлигидан хабар беради. Подшо хурсанд бўлиб, орадан бир қанча вақт ўтгач, овга кетмоқчи бўлади. Кетиш олдидан Барногулга «агар ўғил туғсанг, Хосхонани бераман, қиз туғсанг, дорга осаман» деб кетади. Вақти етиб Барногул кўз ёради. Аммо фарзандининг қизлигидан хафа бўлиб оҳ-зор чекади. Шунда энагалик қилган Паттигул момо қиз чақалоқни тилла эвазига бундан уч кун олдин туғилган Эрназар боғбоннинг ўғлига алмаштиражагини айтади. Улар хуфия қизни боғбоннинг ўғли билан алмаштирадилар. Боғбон қизга Орзигул деб исм қўяди. Орадан ўн саккиз йил ўтади, Орзигул вояга етади.

Бир кун Қорахон подшо боғбоннинг уйи олдидан отда ўтиб кетаётганда ёқимли бир гулнинг ҳидини сезиб, узангига оёқ тираб, боққа қарайди. Унинг кўзи Орзигулга тушиб, ошиқи беқарор бўлади. Саройга келиб Ҳайдарбек ва Қосимбекни совчиликка юборади. Аввалига боғбон “подшо элнинг отаси, отага қизни бериб бўладими”, деб кўнмайди. Бироқ подшонинг барибир Орзигулни олишига кўзи етган боғбон ва унинг хотини бор гапни Орзигулга айтадилар.



Орзигул қирқ кун муҳлат сўрайди, аммо нима қилишини билмай йиғлаб юради. Орадан ўттиз тўққиз кун ўтгач, боғда чашма бўйида ухлаб қолади. Туш кўради. Тушида бир мўйсафид «йиғлама, мен бахт ва давлат етказаман, сенга қорақулоқ деган отни муҳайё қиламан. Тўрт ойдан кейин Қушқанотда Оқтошнинг тўраси Сувон билан учрашасан ва бахтли яшайсан», деб айтади. Уйғониб қараса, от эгарлоқлик турибди. Эрناзар боғбон ва энаси билан хайрлашиб, Шоқаландар либосини кийиб, тунда Хосхонадан чиқиб кетади. Мана шундан сўнг достон сюжетидаги асосий воқеалар ривожини бошланади: Орзигул қочади, Қорахон подшо уни таъқиб этади<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, достон сюжети учун тугунлик вазифасини ўтовчи қизнинг қочиши, подшонинг қувиши туркий халқлар эртаклари учун кенг тарқалган сюжет ҳисобланади. Бирок мана шу воқеалар ривожини жуда кўп халқларда қадимда кенг тарқалган эпик мотив тугунлик вазифасини ўтаган. У мотив, проф. Б.Саримсоқовнинг кўрсатишича, ота ва қиз ёки ака-сингил ўртасидаги никоҳ шаклларига бориб боғланади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, қадим замонларда бундай никоҳ шакллари ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган. Чунки шоҳлар ўзларини оллоҳнинг ердаги сояси, деб ҳисоблаганлари ва шоҳ фарзандларининг оддий қора халқ фарзандлари билан никоҳ қуриши олий қоннинг бузилишига олиб келади, тож-тахтнинг ўзгалар кўлига ўтиб кетишига сабаб бўлади, деб билганлари учун узоқ ўтмишда мана шундай никоҳ одатдаги ахлоқий норма ҳисобланган.

<sup>1</sup> Орзигул Айтүвчи: Ислом Назар ўғли //Орзигул. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети. 1975. - Б. 267-281.

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. «Орзигул» достони юзасидан бир неча қайдлар //Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. - Т.: Фан, 1978. - Б. 27-36.

Худди мана шундай мисол «тарих отаси» Геродот томонидан келтирилганлиги ҳам фикримизнинг тасдиғи бўла олади<sup>2</sup>. Бундай никоҳ шакли Ўрта Осиё халқларида бўлганлигини проф. С.П.Толстов ҳам археологик материаллар ёрдамида тасдиқлайди<sup>3</sup>.

Хуллас, сюжет тугуни тасодифий эмас, балки табиий-ҳаётий воқеаларга асосланган романик дostonлар анчагина. Улар дoston тингловчиларига ўзгача таъсир кўрсатади. Бу хил дostonлардаги эпик тугун асосан халқ урф-одатлари, катта ижтимоий иллат ҳисобланган тухмат, иғво каби мотивлар билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Натижада, дoston сюжети ўта драматик, ўта таҳликали воқеалар билан ривожланади. Энг муҳими шундаки, сюжет тугунининг ҳаётий мотивларга асосланиши тасвирланаётган воқеаларга тингловчиларнинг ишончи, қизиқишини орттиради.

Демак, романик дostonлар сюжетидаги эпик тугун табиати икки хил бўлиб, бир хилида тугун эртакларга хос тасодифий воқеаларга асосланиш етакчилик қилади. Иккинчи бир хил дostonларда эса тугун табиий-ҳаётий воқеаларга асосланади. Улардан иккинчиси халқ эпоси тарихий тараққиётининг нисбатан кейинги босқичларида шаклланган бўлиши лозим. Чунки эпик тасвирнинг дастлабки босқичларида зарурият сифатида қабул қилинган тасодифийликнинг устуворлик қилиши муқаррар бўлган. Кейинчалик инсон бадиий тафаккурининг ривожланиши эпик тасвирга тобора реал воқеликнинг жалб этилиши билан боғлиқ ҳолда бадиий ижодда нисбий реалистик тасвир қарор топади. Романик дostonлар сюжет тугунининг ҳаётий воқеаларга асосланиши ана шу жараёндаги илк қадамлар ҳисобланади.

---

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти томах. - М.: АСТ, 1999. - С.183.

Халқ эпоси халқ ҳаётининг идеаллаштирилган бадиий тарихидир. Унда эпик ижтимоиёт (социум) у ёки бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча қирраларини эмас, балки эпик тасвир учун зарур бўлган жиҳатларини алоҳида танлаб кўрсатади. Бундай танланиш орқали эпик дунёни, хусусан, социумни акс эттириш халқ дostonлари, айниқса, романик дostonлар учун қонуний ҳолдир. Чунки эпик социум унсурлари сюжет динамикаси, семантикаси ва композицион меъёрлари ҳамда услуби талаблари асосида тасвирланади. Мана шу мезонлар халқ эпосини яратувчиларнинг ўзлари яшаб турган социум чегараларига тўла мос келади. Халқ эпоси ҳеч қачон эпик социумнинг барча қирралари тўлиқ бўлган бутун социумни тасвирлашни ўзига мақсад қилиб олмайди. Бундан ташқари, ҳеч бир эпос намунасида ижтимоий тузум, давлатчилик шакллари ҳақида аниқ маълумот бериш кафолатлари учрамайди. Агар дoston юқорида айтилган социум қирраларини батафсил ва аниқ тасвирласа, у эпос эмас, балки тарихий асарга айланиб қолади.

Эпик социум табиатини тавсиф этиш, таҳлил этиш ва муайян хулосаларга келишда эпос материалнинг характериға қараб иш кўриш лозим. Мана шу мулоҳазадан келиб чиқилса, энг аввало, эпик социуми аниқланиши лозим бўлган эпик материалнинг тарихий типологик хусусиятидан келиб чиқиш шарт. Бунинг учун эпоснинг тарихий-стадиал босқичларига асосланиш бирдан-бир тўғри хулосалар берувчи шарт ҳисобланади. Шу жиҳатдан қаралса, ўзбек романик дostonлари таркибида, архаик эпикаға - мифологик эпосға хос мотив, образ ва деталлар мавжуд бўлса-да, бироқ яхлит ҳолда

---

<sup>3</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. -М: Издание МГУ, 1948. - С. 330.

достоннинг бу типи классик эпос намунаси саналади. Классик эпос намунасида эса эпик социум синфий-табақаланган шаклда акс эттирилган. Бундай ижтимоий-эпик структурада эса давлат ҳокимияти белгиловчи роль ўйнайди. Чунки эпик ижтимоий ҳаётда муайян эпик давлат тасарруфидаги ижтимоий қатламларнинг маиший ҳаёти, турмуши ва тирикчилиги, бир томондан, эпик давлатлараро муносабатлар орқали, иккинчи томондан, ички ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлар тарзи орқали белгиланади. Демак, эпик социум аниқ тарихий социум эмас, айтилиши вақтда, у реал тарихий социум билан шартланган. Аммо реал тарихий социум билан шартланиш халқ эпосидаги социум учун абсолют мезон бўла олмайди. Эпик социумнинг шаклланишида унинг бадиий қайта идрок этилиши, реалликнинг трансформацияга учраши каби ҳолатларни доим диққат марказида тутиш зарур. Мана шундан келиб чиқиб, романик достонларга хос эпик социумни белгилашда халқ эпосига хос бир парадоксга дуч келамиз. Бадиий тўқима тарих, муайян даврга хос ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший ҳаёт реал тарихий социум қолипида тасвирланади. Мана шунинг учун романик достонларда бадиий тўқима реал ҳаққонийлик сифатида қабул қилинаверади.

Ўзбек халқ романик достонларида аниқ қайд этилувчи эпик социум элементларидан бири - давлатчилик шакллари ҳисобланади. Романик достонлар ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлилига бағишланган деярли барча тадқиқотларда, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» монографиялари ҳисобга олинмаганда, давлатчилик шакллари ҳақида бирор мустақил фикр билдирилмайди. Шу сабабли бўлса

керак, романик дostonларда қандай давлат тузилмалари акс этган, деган саволга бирорта ҳам арзирли илмий қараш билдирилмай келинади. Қуйида биз ана шу масалада ўз фикримизни қисқача баён этишга ҳаракат қиламиз.

Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» туркумига мансуб дostonларда Гўрўғли гоҳ подшо деб аталса, гоҳ «бек» деб аталади. Масалан, «Далли» дostonи бошламасида: «Бурунги ўтган замонда, Урганч элдан тубанда, ўзи қибла томонда, Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда, Гўрўғлибек бек бўлиб, овоза кўтариб ўтди»<sup>1</sup>. «Хушкелди» ва «Холдорхон» дostonларида ҳам Гўрўғли бек сифатида талқин этилади. «Гўрўғлибек замонинда овозаси кетди. Қанча подшоҳлар, валламилар Гўрўғлибекнинг сиёсатидан кўп кўрқар эдилар...»<sup>2</sup>. «Холдорхон» дostonида ҳам Гўрўғли бек сифатида таърифланади: «Бурунги ўтган замонда... қирк йигитга силовсин тўн кийдириб Гўрўғлибек ўтди»<sup>3</sup>. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Интизор» дostonида ҳам Гўрўғли бек сифатида берилади: «Чамбил Чамбил бўлганда, Чамбилга Гўрўғли бек бўлганда, Чамбилга одам тўлганда Гўрўғли беклик қилиб...»<sup>4</sup>. «Нурали» дostonида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Илгари замонда Гўрўғли беклик қилиб, Чамбилда даврон суриб, мамлакатдан баҳодир беклар келиб, хизматида туриб...»<sup>1</sup>. Айни шундай талқин Усмон Маматқул ўғлидан ёзиб олинган «Бўтакўз»<sup>2</sup>, Фозил шоирдан

<sup>1</sup> Далли //Булбул тароналари. Беш томлик. 2-том. - Т.: Фан. 1972. -Б.7.

<sup>2</sup> Хушкелди //Булбул тароналари. 3-том. - Т.: Фан, 1972. -Б.7.

<sup>3</sup> Холдорхон // Булбул тароналари. 4-том. - Т.: Фан, 1972. –Б.5.

<sup>4</sup> Интизор. - Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1964. –Б.7.

<sup>1</sup> Нурали //Интизор. - Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1964. -Б.191.

<sup>2</sup> Бўтакўз //Балогардон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б.169.

ёзиб олинган «Машриқо» дostonларида<sup>3</sup>, шунингдек, Пўлкан шоир репертуарига мансуб «Гулнор пари», «Авазхон»<sup>4</sup> каби дostonларда ҳам мавжуд.

Тарихий нуқтаи назардан олиб қаралса, «бек» атамаси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида “бек”(князь) сифатида талқин қилинган<sup>5</sup>. «Тарих терминлари изоҳли луғати» да эса бироз кенгроқ ва аниқроқ изоҳланган: 1) дастлаб туркий халқларда уруғ-қабилла зодағони, сўнгроқ феодализм даврида феодал зодағони; 2) XIV асрдан Олтин Ўрдада феодаллар нўёнларга махсус ёрлик билан берилган фахрий унвон; 3) айрим туркий халқларда жаноб, ҳукмдор қабилла бошлиғи; 4) Ўрта Осиёнинг ўтроқ районларида ўз-ўзини идора этувчи вилоят ва шаҳар ҳокимлари. Бек қўлида ер-сув, сиёсий ҳокимият бўлган; 5) Ўзбек хонликларида хон томонидан вилоятларни бошқариш учун юборилган мансабдор, вилоят ҳокими»<sup>6</sup>.

Халқ бахшилари тушунчасида «бек» атамасининг аниқ тарихий маъноси изоҳланмаган. Уларда «бек» у ёки бу мамлакатнинг, элатнинг ҳукмдори маъносида ишлатилган. Мана шунга кўра, Гўрўғли Така-Ёвмит элининг ҳукмдори сифатида қўлланилган. Чунки дostonлардаги Гўрўғли образи ўзининг ҳақ-ҳуқуқи ва бошқа хусусиятлари билан тарихий маънодаги бек мансаби талқинларидан катта ҳуқуққа - подшо ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида бадиий талқин этилган.

Кўпгина тадқиқотчилар ушбу масалада ҳар хил фикр билдирадilar. Проф. Х.Г.Короглў ўзбекларда Гўрўғли-подшоҳ,

<sup>3</sup> Машриқо // Малика айёр.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. -Б.210.

<sup>4</sup> Авазхон //Гулнор пари. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. -Б.303.

<sup>5</sup> Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. Т.1. - Т.: ЁзФА нашриёти, 1960.- Б.71; III том. – Т.: ЎзФА нашриёти. -Б.169.

<sup>6</sup> Бекмуҳаммедов. Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: «Ўқитувчи», 1978. -Б.18-19.

қозоқларда-хон деб талқин этилади, деб ёзади<sup>1</sup>.

Проф. М.Муродов эса «Қахрамонга нисбатан қўлланган «хон», «султон», «бек» унвонлари фольклор образларини идеаллаштириш ва бадиийлаштириш воситаси ҳисобланади» деб ёзади<sup>2</sup>.

Айрим дostonларда Гўрўғли ҳам бек, ҳам подшо сифатида таърифланади. Масалан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Мисқол пари» дostonида мана шундай таъриф мавжуд: «Гўрўғлининг Чамбилга подшо бўлганини эшитиб, ҳар уруғдан йигитнинг сараси бориб навкар бўлаверади.. Ярим кеча бўлганда Гўрўғлибек ўтиришдан қайтди»<sup>3</sup>. Усмон Маматқул ўғлидан ёзиб олинган «Шохдорхон» дostonида эса Гўрўғли хон сифатида тавсифланади<sup>4</sup>. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Малика айёр»<sup>1</sup>, Ҳазратқул Худойбердиевдан ёзиб олинган «Оға Юнуснинг олиб қочилиши» дostonида эса Гўрўғли ҳам хон, ҳам султон мансабида таърифланади<sup>2</sup>.

«Гўрўғли» туркумига мансуб бўлмаган дostonларда эса мамлакат ҳукмдорлари ё подшо («Ширин билан Шакар», «Кунтуғмиш»)<sup>3</sup>, ё султон сифатида тавсифланади («Орзигул»)<sup>4</sup>.

Юқоридаги фактлардан маълум бўладики, ўзбек романик дostonларидаги давлатчилик шакли феодал давлатлардан иборат

<sup>1</sup> Короглы Х.Г. Трансформация заимствованного сюжета // Фольклор. Поэтическая система. - М.: Наука, 1977.- С. 113; Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. - М: Наука. -1983. - С. 179.

<sup>2</sup> Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гор-оглы»: Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. -Т., 1975. -С.37.

<sup>3</sup> Мисқол пари // Гулнор пари -Т.:Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. -Б.7.

<sup>4</sup> Шохдорхон // Балогардон. -Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -Б.99.

<sup>1</sup> Малика айёр. -Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. -Б.6.

<sup>2</sup> Оға Юнуснинг олиб қочилиши ҒҒМалика айёр. -Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. - Б.282.

<sup>3</sup> Ширин билан Шакар. Кутуғмиш //Орзигул -Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. -Б.7; Орзигул. Шу тўплам. -Б.133.

<sup>4</sup> Орзигул. -Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. -Б.267.

бўлиб, давлат бошлиғи лавозими эса аниқ тарихий атама сифатида эмас, балки феодализм даврига хос мамлакатни идора этувчи мансабдор шахс сифатида бадий талқин этилади. Шу боис романик дostonларда халқ бахшилари у ёки бу атамани аниқ тарихий маънода эмас, балки халқ идеалини ўзида ташувчи элитар-зодагон маъносидагина кўллайдилар. Буларнинг барчаси В.М.Жирмунский ҳамда Ҳ.Зарифовларнинг «Халқ романларида» баҳодирона жасоратлар ва юксак романтик туйғулар реалистик маиший фон орқали феодализм жамиятга хос ижтимоий-тақсимланган жамият ўз ифодасини топган», деб айтган фикрлари<sup>5</sup> ҳозирга қадар ўзининг илмий долзарблигини йўқотган эмас.

«Гўрўғли» туркумига мансуб дostonларда Чамбил шаҳари чангиб ётган бел (тепалик)да Гўрўғли томонидан яратилган деб талқин қилинади. Гўрўғли ана шу кўкиб ётган белга келиб, тўрт ёғочни ўрнатиб, устига соябон ёпиб, ўтган-кетган карвонлардан улпон олиб ётган. Унинг шуҳрати таралгач, қирқ мамлакатдан қирқ йигит келиб қўшилиб, катта дружина ҳосил қилади ва мана шу ерда Чамбил қалъаси вужудга келади. Бу қалъа—Чортоқли Чамбил деб аталади. Аста-секин бу ерга жуда кўп аҳоли тўпланади ва Чамбил мамлакати юзага келади. Чамбил мамлакати устидан Гўрўғли ҳукмронлик қилади. Бундай ҳокимият дружина шаклидаги бошқарувдан иборат. Бироқ туркум дostonларида давлатчилик шакллари ҳақида аниқ тасаввурларнинг йўқлиги Гўрўғлини гоҳ шоҳ, гоҳ султон, гоҳ бек, гоҳ хон сифатида тавсифлашга сабаб бўлган. Ҳолбуки, феодализм давлатлар бошқарувининг бундай шакллари ўзаро изчил фарқланади. Масалан, тарихга оид луғатларда «хон» атамаси

---

<sup>5</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -С.132-133.



қуйидагича изоҳланади: «Хон (турк) -1)Шарқдаги баъзи мамлакатларда дастлаб Чингизхон авлодлари, сўнгра у хонадонга мансуб бўлмаган монарх, ҳукмдор ва нуфузли кишининг унвони; 2) Шарқдаги айрим мамлакатларда князь унвонига тенг бўлган фахрий дворянлик унвони...»<sup>1</sup>.

«Султон» атамаси эса қуйидагича изоҳланган: «Султон (турк.- ар.)-подшоҳ, ҳукмдор; умуман подшо ва шаҳзодалар номига қўшиб айтиладиган унвон; баъзи мусулмон мамлакатларида VIII асрдан бошлаб ишлатилган подшо унвони; XI асрда Ўрта Осиёнинг кўпгина феодал давлатларида подшолар унвони. Ҳиндистон ва Индонезияда айрим князликлар ҳокимларининг унвони...»<sup>1</sup>

«Шоҳ» атамаси эса шундай изоҳланади: «Шоҳ (форс.) - подшо. Яқин ва Ўрта Шарқда, Ҳиндистонда (Деҳли султонлигида) ва бошқа мамлакатларда монархнинг унвони, Шоҳнинг тўла унвони шоҳаншоҳ, шоҳлар шоҳи. Шоҳ унвони биринчи бор Сосонийлар давлатида жорий қилинган. Эронда шоҳ III асрдан ҳозиргача сақланмоқда»<sup>2</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалардан маълум бўладики, халқ дostonларида эпик мамлакатлар ҳукмронларининг гоҳ бек, гоҳ шоҳ, гоҳ султон, гоҳ подшо, гоҳида эса улардан бир нечтасининг жуфт қўлланилиши халқ бахшиларининг давлатчилик шакллари, уларни бошқарувчи ҳукмдорларнинг унвони ҳақида аниқ маълумотга эга эмасликларидан далолат беради. Романик дostonларда ҳукмдорлар унвонлари муайян эпик мамлакатнинг яккаю-ягона бошлиғи, саркардаси, ҳукмдори маъносида қўлланилган. Худди шу маънода

<sup>1</sup> Бекмухаммедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т., 1977. -Б.165.

<sup>1</sup> Ўша манба.-150-бет

<sup>2</sup> Ўша манба.-172-бет

Гўрўғли Чамбил юртининг монарх ҳукмдоридан иборат. Шаклан эса бу мамлакат монарх раҳбарлигидаги дружина бошқарувидан ташкил топган.

Демак, халқ эпоси учун, айниқса романик эпос учун давлатчилик шакллари, уларнинг ҳукмдорлари ҳақида аниқ тарихий маълумот бериш муҳим эмас. Шу боис романик дostonларда монархик бошқарув шаклидан тортиб, ривожланган феодал бошқарувигача бўлган шакллар ўз ифодасини топган. Мана шунинг учун уларда эпик қаҳрамон унвони гоҳ шоҳ, гоҳ бек, гоҳ султон, гоҳ подшоҳ деб айтилаверади. Бундай ҳар хилликнинг сабаби, биринчидан, эпик сюжет, эпик универсиум учун ҳукмдорлар унвонларининг аниқ тарихий атама сифатидаги маъноси эмас, балки эпик воқеликни ҳаракатга келтирувчи ҳукмдор сифатидаги маъноси етакчилик қилади. Иккинчидан, халқ бахшиларининг ҳар бир унвонни аниқ тушунган, билган маъноси ўта хира ва тарихий маъно касб этмайди. Улар учун эпик воқелик, эпик универсиум ҳаракатини таъминловчи ҳукмдор муҳимдир. Шу маънода эпосшуносликда кенг тарқалган қаҳрамонга нисбатан қўлланилган ҳукмдорлар унвони эпик идеаллаштириш воситаси ҳисобланади деган қараш маълум маънода ҳақиқатга яқиндир<sup>1</sup>.

Ўзбек романик дostonлари фақат эртакларга хос уйдирма сюжетлари билан эмас, балки сюжет воқеаларида бевосита феодал жамияти учун хос бўлган ижтимоий табақаларга мансуб персонажлар иштироки билан ҳам алоҳидалик касб этади. Уларда мамлакатларнинг подшоҳлари, шаҳзода ва маликалар, феодал сарой

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ. -1947. – С. 190; Мирзасев Т. «Алпомиш» дostonининг ызбек вариантлари. - Т.: Фан, 1968. -Б.93-94; Муродов М.М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов “Тор-оглы”: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. –С.37.

вакиллари - вазирлар, саркардалар, сипоҳлар, хизматкорлар билан бир қаторда оддий ҳунармандлар, боғбонлар, нонвойлар, подачилар ва бошқа касб эгалари иштирок этадилар. Ривожланган феодал жамиятга алоқадор бундай ижтимоий қатламларнинг сюжет воқеаларида иштирок этишлари романик достонларнинг нисбатан «демократик» табиатидан дарак беради. Бундай кенг табақаликсиз романик достонлар ғояси кенг, ёрқин очилмай қолар эди. Халқ эпосининг ижодкорлари - бахшилар эпосга хос тарихийлик тамойиллари асосида реал ҳаёт воқеаларини эпик идеал миқёсида акс эттириш учун ҳар бир ижтимоий табақанинг ўзига хос ва мос мезонларини ишлаб чиққан эдилар. Ушбу мезонда биринчи галда эпоснинг бош қаҳрамонига хос идеалнинг ишлаб чиқилиши, унинг меъёрлари етакчи роль ўйнайди. Дарҳақиқат, нима учун эпос қаҳрамонлари подшоҳлар, шаҳзодалар, маликалар, беклар ва бошқа амалдорлардан иборат бўлиши лозим.

Бу саволга проф. Ҳ.Т.Зариф аллақачонлар жавоб берган эди. Унинг ёзишича, «..феодализм шароитида достон қаҳрамонининг одатда подшоҳнинг ўғли, шоҳ бўлиши табиий. Халқ онгида қаҳрамонга кенг ҳаракат қилиш имкониятлари фақат шоҳлик тушунчаси доирасида амал қилган»<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам мазкур достонлар яратилган феодализм шароитида ижтимоий идеалнинг энг олий намунаси шоҳлар, беклар каби олий табақа вакиллари танланган. Чунки ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан шу табақа вакилларигина идеал учун кураш олиб боришга қодир эдилар. Оддий меҳнаткашлар вакиллари эса бундай имкониятлардан

---

<sup>1</sup> Зарифов Т.Х. К изучению узбекского народного эпоса // Вопросы изучения эпоса народов СССР. -М.: Изд-во АН СССР, 1958. -С. 110-111.

махрум эди. Биргина Гўрўғли, унинг қирқ йигити ёки асранди ўғиллари, фарзандларигина узоқ мифологик боғлар, хавф-хатарга тўла тоғли ўлкалар, ер ости дунёсидан ўз севгилиларини олиб кела олдилар. Чунки уларнинг ихтиёрида бойлик, лашкар, афсонавий тулпорлар бор. Бинобарин, романик достонлар қаҳрамонларининг ана шундай юқори табақалардан олинishi ҳам ушбу сюжетларнинг феодализм шароитида шаклланишидан далил беради.

Достон қаҳрамонларининг саргузаштларга бой ҳаётлари мобайнида бевосита ана шу жамиятга мансуб қуйи табақа кишиларининг барчасига хос муҳим хусусиятлар ҳам тасвирланади. Биргина «Равшан» достонининг ўзида подшоҳлар, шаҳзода ва маликалар, мастон кампирлар; каллапаз чол, нашавандлар, канизаклар, Равшанни ўзига асранди фарзанд қилиб олган кампир, кўсалар, нонвой, нағмасозлар, раққосалар, жаллодлар, элчилар, парилар, хизматчилар, ака-ука Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак каллар, масхарабоз девона каби турли ижтимоий табақага мансуб вакилларнинг образлари иштирок этган. Уларнинг ҳар бири достон сюжетида, воқеалар ривожини ва ечимида иштирок этадилар. Бу нарса, бир томондан, романик достонлар сюжетида турли табақа вакилларининг иштирок этганини намойиш этса, иккинчи томондан, турли ижтимоий табақа вакилларининг асар конфликтини ташкил этишида фаол иштирок қилишларини ҳам англатади. Энг муҳими шундаки, романик достонларда соф ижтимоий табақалар вакиллари билан бир қаторда дев, пари сингари мифологик образлар ҳам иштирок этадилар. Асар воқеаларида мифик образлар қаҳрамонга тўсиқ сифатида намоён бўлсалар ҳам, бироқ эпик қаҳрамонларнинг тадбиркорликлари, донолиги туфайли улар унга ё кўмакдошга

айланадилар, ё ҳалок бўладилар. Бу хусусият романик достонлар сюжетининг сеҳрли эртақлар сюжетлари билан генетик алоқадорликка эга эканликларидан далолат беради

Бевосита мана шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Феодализм шароитига хос эпик социум романик достонларда қай даражада иштирок этганлигидан қатъи назар, бу социумни аниқ тарихий социум билан бутунлай тенглаштириб бўлмайди. Халқ эпосининг ўзига хос сиёсий ва этник, сиёсий ва ижтимоий «харитаси» мавжуд. Эпосда персонажларнинг миллий мансубияти, улар ўртасидаги муносабатлар ўта шартли бўлиб, аниқ тарихий йўналиш ҳамда белгига эга эмас. Мана шунга асосланиб, таниқли рус фольклоршуноси Б.Н.Путилов «Эпик харита» на аниқ тарихий йўналиш, на масофа ва на миқёс билади» деб ёзганида тўла ҳақли эди<sup>1</sup>. «Эпик харита» бахшилар маҳорати, уларнинг эпик билими, эпик хотираси эпик анъана талаблари билан боғлиқликда ҳар бир эпик намунада ўзига хос тарзда воқе бўлаверади. Шунга қарамай, эпик социум достон воқеаларининг ҳаётий чиқишига, эпос тингловчиларининг тасвирланаётган воқеаларга ишончларини оширишга хизмат қилади.

Романик достонлар социуми ўзининг нисбатан демократик таркиби билан қаҳрамонлик ва тарихий достонлардан фарқланиб туради. Гарчи жамиятнинг турли табақаларини акс эттириш романик достонлар ижодкорлари учун бош мақсад бўлмаса ҳам, айрим достонларда меҳнаткаш халқ вакиллари образлари аниқ тарихий қиёфаларда тасвирланади. Масалан, «Рустамхон» достонида Тоғай

---

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. - Л.: Наука, 1988. - С.63.

камбағалларнинг бошлиғи сифатида тасвирланади. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар Тоғай образига хос миллий ва маҳаллий колоритни Булунғур дostonчилик мактабигагина хос эмас, балки умумўзбек эпосига хос тенденция сифатида баҳолайдилар<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, дostonда Тоғай образининг ҳам ташқи, ҳам ички қиёфаси жуда тафсилотли тасвирланган. Бу тасвирда эса халқ бахшисининг меҳнаткаш халқ вакилига бўлган симпатияси кўзга ёрқин ташланади. «Камбағаллар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағалларга бош бўлиб турган эди. Тоғай шундай одам эди: ҳаммомнинг кулига лавлаги пишириб жўралари билан еб, ўз гапи билан бир-бирининг вақтини хушлаб, бирови беш танга топса, «ҳаммамизнинг топган давлатимиз ўртада», деб ўртага ташлар эди. Уларнинг қошига қорни тўқ кишидан ҳеч бир киши бормас эди. Улар ҳам шу юришида отли, тўнли бадавлат кишини одаммисан, деб писанд қилмас эди. Тоғай ҳар кимнинг хизматини қилган, ганада ҳаммомга ўт ёқиб кун ўтказиб келаётган, бировнинг ҳақидан кўрққан, ҳеч кимга зарар етказмаган, ким камбағал бўлса, шунинг билан топишиб кўнглини олган, тўғри йўлдан қолмаган, эгри йўлга бормаган, ўғирлик билмаган, умрида хиёнат ишни кўнглига ҳам олмаган, янги чопон киймаган, йиртиқ-қирқ ямоқ жанда-жундадан бошқани киймаган, от тугул эшак минмаган, яёвлик билан умрини ўтказиб келаётган одам эди»<sup>1</sup>.

Тоғай образининг бундай кенг тафсилотли тасвири икки хил изоҳланиши мумкин. Биринчидан, халқ эпосида, айниқса, элитар қаҳрамонлар ўта идеаллаштирилган романик дostonларда Тоғайнинг ҳар томонлама сифатланиши дoston ёзиб олинган пайтдаги

<sup>2</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –С.413.

<sup>1</sup> Рустамхон //Муродхон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965. -Б.287.

«меҳнаткашлар ҳокимияти» ҳукмрон бўлган давр мафкурасининг таъсири бўлса керак. Шу боис тасвирда қорни тўқ, отли, тўнлилар билан отсиз, тўнсиз, қорни очлар зиддиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, халқ эпосининг эстетик принциплари замирида ётувчи меҳнаткаш инсонга хос ҳалоллик ва демократия устунлиги ҳақидаги қарашлар таъсирида Тоғай образи батафсил тасвирланган.

«Кунтуғмиш» достонидаги балиқ овлайдиган Олим сайёд, ўн бир чўпоннинг тирикчилик тарзи, сахий қўллиги, мардлик ва мулоҳазакорлиги алоҳида диққатга сазовор.

Хуллас, романик достонлар эпик социуми таркиби, характери нуқтаи назаридан қаҳрамонлик, тарихий каби достон типларидан кескин фарқланиб туради. Бу фарқ меҳнаткаш халқ вакиллари, камбағал кишилар вакиллариининг қаҳрамонлик эпосида аниқ образлар сифатида муайян қиёфага эга эмасликларида, романик достонларда камбағал меҳнаткаш инсон образининг ёрқин тасвирланганлигида кўзга ташланади. Қаҳрамонлик ва тарихий эпосда меҳнаткаш халқ образи умумий ижтимоий фон сифатида тасвирланса, романик достонларда бу образ нисбатан аниқ ва ишонарли тасвирланган. Бу нарса романик достонларнинг халқ эпоси тарихий тараққиётининг муайян босқичида, аниқроғи, қаҳрамонлик эпосидан кейин, тарихий достонлардан олдинроқ вужудга келганликлари, бу жараёнда романик достонлар сюжети халқ эртаклари анъаналари асосида ўзларининг эстетик тамойилларини шакллантир -ганликларидан далолат беради.

Мазкур бобда билдирилган мулоҳазалар юзасидан қуйидагича

хулосаларга келиш мумкин:

1. Романик достонлар ўзбек халқ эпоси стадиал тараққиётининг муайян босқичида аниқроғи, қаҳрамонлик эпосидан кейинги босқичида мустақил бадий-структурал тип сифатида юзага келди. Кузатишларимиз шундан далолат берадики, романик эпос нафақат ўзбек, балки қозоқ, қирғиз, қорақолпоқ, туркман, татар, озарбайжон ва бошқа туркий халқлар эпосларида XVI асрдан кейин юзага келган тарихий структурал типологик ҳодисадир. Чунки бевосита мана шу даврда кўпгина халқлар мустақил этнос сифатида тўла шаклланиб улгурди, уларнинг бадий тафаккурида миллат ва халқнинг этник қиёфасини кенг эпик қамровда акс эттириш эҳтиёжи романик достонлар типининг туғилишига сабаб бўлди. Эпик анъанаси сўниш томон йўналган Тоғли Олтой, Сибирь ва Узоқ Шарқда яшовчи туркий халқлар эпосида эса бундай стадиал тараққиёт босқичи юзага келмади.

2. Романик достонлар универсиумида эпик социум, эпик макон ва замон, эпик қаҳрамон ўзига хос тарзда намоён бўлди. Бундай ўзига хослик эпик социумнинг нисбатан серқирра ва тўлиқлиги феодализм даври ижтимоий-иқтисодий укладларига мослашганлиги билан белгиланади. Эпик макон ва замон, эпик қаҳрамон табиатида юз берган ўзгаришлар ҳақида ишнинг кейинги бобларида махсус тўхтанилганлиги сабабли бу ўринда улар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилмади.

3. Романик достонлар сюжети халқ афсоналари, ривоятлари ва эртаклари билан генетик алоқадорликка эга. Бу нарса романик достонлардаги эпик шартлиликнинг миқёси ва даражаси, эпик идеаллаштириш мезонларининг эртак эпосига яқинлиги билан



изоҳланади.

4. Ўзбек халқ романик дostonлари ўрта асрлар феодал жамияти шароитида яшаган аجدодларимизнинг озод ва обод мамлакат, тинч ва фаровон ҳаёт, садоқатли севги, барқарор дўстлик ҳақидаги юксак идеалларини акс эттирувчи йирик эпик асарлар сифатида юзага келди. Юксак идеал эса реал воқеликдан юқори туради. Мана шу боис романик дostonлар сюжети ҳеч қачон аниқ бирор тарихий воқеа ёки шахс фаолияти билан боғлиқликда изоҳланмайди. Чунки романик дostonлар сюжетини ташкил этган воқеалар халқнинг эзгулик, бахтли ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу идеалларининг тажассумидан иборат.

5. Романик дostonларда тасвирланган сиёсий қурилмалар моҳият эътибори билан халқ тарихидаги у ёки бу давлат тузумини аниқ ифодаламайди. Шу боис романик дostonлардаги давлатлар, уларни бошқарувчи шахсларни халқнинг реал тарихидан қидириш мумкин эмас. Улар халқнинг идеалида шаклланган ва бадий тафаккурида акс этган эпик универсиум унсурлардан иборат.

6. Романик дostonларда сюжетнинг эпик тугуни, кўпинча, тасодифийликка асосланади. Бу нарса жузъий эпик ҳодиса бўлмай романик дostonлар учун етакчи эстетик қонуният даражасига кўтарилган. Мана шунинг учун ҳам тасодифийлик фақат воқеалар тугунидагина эмас, балки воқеалар ривож ва ечимида ҳам белгиловчи бадий қонуният вазифасини ўтайди. Бевосита мана шу қонуният туфайли романик дostonлар сюжети ранг-баранг. Бу эса халқ эпосининг мазкур типидан наслий ҳамда географик туркумликларнинг вужудга келишига имкон берди.

## РОМАНИК ДОСТОНЛАРДА МАКОН ВА ЗАМОН

Эпик воқелик муайян маконда кечади. Эпик воқеалар, уларда иштирок этувчи персонажлар хатти-ҳаракати кечувчи жойлар эпик маконни ташкил этади. Романик достонлардаги эпик маконларга диққат қилинса, ҳар бир достон ёки достонлар туркумининг ўзигагина хос маконлари мавжудлигини кўриш мумкин. Халқ эпосидаги эпик макон ҳақида сўзлар экан, таниқли фольклоршунос Б.Н.Путилов эпик маконнинг учта хусусиятини алоҳида қайд этади.

1. Эпик макон бадий-тўқима, хаёлот, муболаға маҳсули бўлганлиги учун ҳамма вақт бадий шартлилик хусусиятига эга. 2. Эпик макон ҳамма вақт экспрессив, аниқ бадий вазифа адо этишга хизмат қилади ва бу вазифа эпос ижодкорларининг антипатия ҳамда симпатиялари билан боғлиқликда барқарор ва ўта аниқлик касб этадилар. 3. Эпик маконлар сахна безакларига ўхшаб ижодкор хотирасида тайёр ҳолда сақланадилар ва улар қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда алмашилиб турадилар<sup>1</sup>. Бинобарин, эпик макон реал воқеликдаги маконлар каби бир-бири билан боғлиқликда, давомийликда эмас, балки айри-айри ҳолда, турли эпик вазиятлар учун тайёр ҳолда бўладилар. Бундан ташқари, эпик маконлар

---

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность.- Л.: Наука, 1988.-С. 19.

реалистик адабиётдаги маконларга ўхшаб ўта тафсилотли тасвирланмайдилар. Бир сўз билан айтганда, эпик маконлар ўртасидаги боғлиқлик реал дунёдагидек моддий олам қонуниятлари асосида эмас, балки эпик олам қонуниятлари асосида боғланадилар<sup>1</sup>.

Эпик маконнинг алоҳида-алоҳида ва барқарор ҳолда мавжудлиги муайян дoston ёки дostonлар туркуми учун хос бўлган маконлар мажмуасининг юзага келишига йўл очади. Бу нарса халқ дostonларидаги эпик маконлар маълум бир эпик анъаналар, дostonчилик мактабларининг ўзига хос анъаналари билан алоқадорликда вужудга келади. Баъзан бу эпик маконлар муайян халқ, бир нечта халқ ёки халқаро миқёсда юзага келади. Масалан, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»даги эпик маконлар доираси Бойсун, Кашал юрти, Чилбир чўли, Ойна кўли, Боботоғ, Мурод тепа кабилар билан чегараланади. «Гўрўғли» наслий туркумлиги учун эпик макон, энг аввало, мазкур туркумнинг асосини ташкил этувчи Чамбил қалъаси билан бошланади. Шунинг учун ушбу туркумга мансуб деярли барча дostonлар Чамбилнинг таърифу тавсифи билан бошланади. Бир бахши бу маконни «чортоқли Чамбил» деса, бошқа бири уни «саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўпхонали Чамбил» дея таърифлайди. Ушбу эпик макон фақат ўзбек «Гўрўғли» туркуми учунгина эмас, балки жуда кўп халқлар учун, марҳум эпосшунос Б.А.Каррўевнинг қайд этишича, мазкур эпоснинг озарбайжон, арман, курд, грузин, турк, туркман, ўзбек, Ўрта Осиё араблари, тожик, қозоқ, тобол-татарлари учун ҳам ягона ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бундай бир хиллик, биринчидан, мазкур эпоснинг генезиси бир

---

<sup>1</sup> Ўша . асар. -19 - бет.

эканлигидан, иккинчи томондан, эпосда ифодаланган юксак идеалнинг - халқнинг озодлик, тинчлик, тотувлик, тўкин-сочинлик, оташин севги ва садоқат, мардлик ва саховат, ватанпарварлик ва дўстлик каби олийжаноб ғоялар билан боғлиқлигидир. Қолаверса, Чамбилга берилган юксак таъриф тавсифлар халқнинг ўзи севган қаҳрамон яшайдиган юртга, шу юрт тимсолида ўзи истиқомат қиладиган маконга бўлган муҳаббатининг улуғворлигини англатади.

Халқ эпосидаги, айниқса, романик дostonлардаги эпик макон жўғрофий жиҳатдан реал маконларга тўғри келмайди. Шу боис уларни ҳозирги истиқомат қиладиган ҳудудларимиздан қидириш ёки уларни муайян реал жойлар билан боғлаш мумкин эмас. Ўзбек романик дostonларидаги эпик маконлар халқ бадий тафаккурида шаклланган шартли маконлардан иборат. Бинобарин, бу маконларни у ёки бу жойдаги аниқ шаҳар ёки жойлар билан айнанлаштириш халқ эпосидаги бадий шартлилик табиатини тўғри англамаслик оқибатидан бошқа нарса эмас. Масалан, «Гўрўғли» туркуми доирасида Чамбил, Хунхор, Ваянган, Қўқи Қоф, Торкистон, Асқар тоғи, Арзирум, Полопон тоғи, Бадбахт чўли, Арботин, Боғи Ирам каби соф эпик ва мифик маконлар билан бир қаторда Тошкент, Оқтош, Туркистон, Сайрам каби реал жой номлари ҳам учрайди. Гарчи бундай аниқ маконларнинг номлари бахшиларнинг эпик хотирасига реал воқелик таъсирида кириб қолган бўлсалар ҳам, бироқ улар эпик анъана талабларига мувофиқ ўзларининг реал географик моҳиятларини йўқотиб, шартли эпик маконга айланганлар. Бу эса романик дostonлар таркибида учрайдиган реал жўғрофий маконлардан аниқ маҳаллий колорит қидириб ўтириш мумкин эмас,

---

<sup>2</sup> Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов. - М.: Наука, 1968.

деганидир.

Ўзбек халқ дostonларидаги эпик маконлар табиатидаги бадий шартлиликни тўғри тушунмаслик натижасида айрим тадқиқотчилар баъзи эпик маконларни аниқ жўғрофий маконлар билан боғлаб талқин этишга интиладилар. Масалан, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Рустамхон» дostonини рус тилига ўгирган ва тадқиқ этган Н.В.Кидайш-Покровская асардаги Оқтош топоними ҳамда Чархин гидронимига асосланиб, дoston Самарқанд вилоятида яратилган, деб хулоса чиқаради<sup>1</sup>. «Гўрўғли» дostonларидаги Чамбил макони «қарағайли доvon» маъносини англатади, демак, «Гўрўғли дostonларининг вужудга келиш ўрни Шимолий Кавказ, Кавказорти ва Кичик Осиёдадир» деган хулосага келади мархум тилшунос А.Ишаев<sup>2</sup>. «Чамбил»га соф реал топоним сифатида қараш проф. Х.Г.Короғлўда ҳам мавжуд. У XVII асрда яшаган турк сайёҳи Авлиё Чалабийнинг маълумотларига асосланиб, Чамбилни реал тарихий макон сифатида талқин қилишга мойиллик билдиради<sup>1</sup>. Авлиё Чалабий эса Чамбилни Туркиянинг Токота воҳасидаги қалъа билан айнанлаштиради<sup>2</sup>. Проф М.Муродов ва А.Эргашевлар яқинда чоп этилган «Алпомишнома» номли китобларида «Алпомиш» дostonидаги барча эпик маконларни ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги реал жой номлари билан боғлашга ҳаракат қиладилар<sup>3</sup>.

Тўғри, халқ бахшилари эпосдаги эл севган қаҳрамонларни реал тарихий шахслар сифатида, улар яшаган ва фаолият кўрсатган

<sup>1</sup> Рустамхон. Узбекский героико-романический эпос. -М.: Наука. 1972. - С. 11.

<sup>2</sup> Ишаев А. «Чамбил» сўзининг этимологияси // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида туган ўрни. - Т.: Фан. 1978. -Б.100-102.

<sup>1</sup> Короғлы Х.Г. Туркменский эпос “Героглы” и особенности его историзма // Специфика фольклорных жанров. - М.: Наука, 1973. - С. 141.

<sup>2</sup> Эвлия Челеби. Книга путешествия в восьми томах. Т.1. –Истамбул, 1956. – С. 638-639.

<sup>3</sup> Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. - Т.: «Меҳнат», 1999.-Б.59-68.

эпик маконларни эса реал жойлар билан боғлаб талқин этишга интиладилар. Бунга сабаб, биринчидан, бахшилар ўзлари куйлаган эпос воқеаларига, улардаги эпик қаҳрамонларни эса реал баҳодирлар сифатида тингловчиларни ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар ўзлари яшаган жой ва унинг атрофидаги маконларнинг номларини ишлатадилар. Бу дегани асарнинг яратилиш ўрни ёки унда кечган воқеаларнинг реал маконларда бўлиб ўтгани дегани эмас. Улар ижодкорнинг дунёқараши, географик тасаввури ва, ниҳоят, эпик хотираси маҳсулидан иборат. Иккинчидан, у ёки бу эпик топоним маъноси ҳамма вақт ҳам реал топоним маъносини, унинг ландшафтини англамайди.

Халқ достончилигида қизиқ бир қонуният бор. Ҳар бир бахши ўзи севиб куйлаган достондаги жой номларини ўзи яшаётган жойлар - маконлар билан боғлашга интилади. Шу нуқтаи назардан қаралса XVI асрда, яъни Шайбонийхон юришлари билан боғлиқ ҳолда ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларига келиб қолган кўпгина кўчманчи ўзбек уруғлари, жумладан, қўнғиротлар ўзлари билан «Алпомиш» эпосини ҳам олиб келдилар. Мана шунда улар бу ердаги турли жойлар билан эпос топонимларини боғлашга, шу орқали достонни маҳаллий шарт-шароит билан боғлашорқали янгидан локализация (маҳаллийлаштиришга қилишга интиладилар.

М.Муродов ва А.Эргашевлар кўрсатган Мурод тепа, Алпомиш чоҳи, Товка қўрғони, Ичак сой билан Алпомиш чоҳи орасидаги макон, Кайқуботнинг камари, Чилвир чўли, Арпали, Ҳалгунчак тепа каби маконлар халқнинг эпосга бўлган муҳаббатининг рамзи сифатида кейинги номлани-

шидан бошқа нарса эмас. Ёки «Рустамхон» достонидаги Оқтош ва Чархин номларини олинг. Агар ушбу макон номлари реал маконлар номини англатса, у ҳолда Қуёнқи, Зангар мамлакати каби маконларни қаердан қидириш мумкин? «Гўрўғли» достонларидаги Чамбилга келганда шуни айтиш лозимки, бу макон номи соф эпик характер касб этади ва уни бирорта ҳам реал макон билан боғлаб бўлмайди. Аниқроғи, Чамбил халқ идеалини ташувчи қаҳрамон яшайдиган афсонавий юрт ва уни реал жўғрофий харитадан қидириш эпос табиатини тушунмасликдан иборат.

Халқ эпосининг мухлислари бундай ғайри илмий талқинлар билан қанчалар фахрланмасинлар, афсуски, улар илмий нуқтаи назардан ўзларини оқлай олмайдилар. Чунки эпик маконлар моҳиятидаги бадий шартлилик уларни ҳеч қачон реал маконлар билан боғлашга асос бермайди. Бу нарсани халқ эпосидаги ўз ва ўзга маконлар орасидаги масофалар шартлилиги ҳам тўла тасдиқлайди.

Маълумки, романик достонлардаги эпик маконлар моҳиятан ўз ва ўзга маконларга бўлинади. Ўз макон - бу халқ идеалини ташувчи қаҳрамон, унинг яқинлари ва дўстлари яшайдиган макон ҳисобланади. Шунга кўра, ўз макон ҳар томонлама таъриф тавсифга лойиқ макон бўлиб, достонларда у аниқ тасвирлар, ер шарининг қайси нуқтасида жойлашганлигини англатувчи изоҳ ёки қайдлар билан таъминланмаган бўлсалар ҳам, бироқ халқ ижодкорлари уларнинг жойлашиш ўрнининг мавҳумлиги ҳолатида ҳам юксак таъриф тавсифларга бой тасвирлайдилар. Масалан, «Гўрўғли» достонларидан айримларида Чамбил «Урганч элдан тубанда, ўзи қибла томонда, Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда» («Далли», 7-бет), «Ўзи қибла томонда, Бухородан тўманда (аслида

тубанда), Така-Ёвмит деганда, Ёвмит элида, Чамбилнинг белида» («Равшан», 361-бет), «қибладан туманинда, Така-Ёвмитнинг элинда, Чамбилбелнинг белинда» («Холдорхон», 5-бет), «қибладан туманинда, Гўрўғли замонинда, Гўрўғлибек Чамбил мамлакатада» («Қундуз билан Юлдуз», 203-бет) деб эпик маконнинг аниқ ўрнини кўрсатишга интиладилар.

Эргаш шоир репертуаридаги достонларнинг кўпчилигида Чамбил мамлаката Бухородан қуйида, Урганч элдан қуйироқда Чамбил деган белда жойлашган шаҳар-қалъадир. Бироқ бу қалъанинг аниқ жойлашиш ўрни ва харобалари учрамайди. Уларни қидириш ҳам мумкин эмас, чунки эпик юрт бахши онгида, тингловчилар онгида яшовчи эпик макон. Шунга қарамай бу макон -ўта обод, гўзал ва дилбар юрт, чунки у Гўрўғли туркум эпосининг юзага келиши учун зарур бўлган обод эпик ўз юртдир. Илмий тил билан айтганда, Чамбил ҳам, Қуёнқи ҳам, Арзирум ҳам эпосда перцептуал (бадий-руҳий) макон.

Романик достонлардаги эпик маконлар ҳақида сўз юритилганда, уларнинг ҳеч қачон аниқ жўғрофий жойлашиш нуқтаси бўлмаслигини назардан қочирмаслик керак бўлади. Эпик макон халқнинг бадий тасаввуридаги, идеалидаги маконлардан иборат бўлиб, улар ҳақидаги аниқ маълумотларнинг халқ эпосшунослиги учун заррача аҳамияти йўқ. Чунки эпик макон ўз оти билан эпик, яъни афсонавий шартли макон.

Романик достонлардаги қаҳрамонларнинг ўз маконлари хар томонлама яхши, гўзал тарзда тасвирланади. Чунки бу маконларда қаҳрамон ёки унга тааллуқли персонажлар истиқомат қиладилар. Қаҳрамонларнинг ўз маконлари ҳақида гап кетганда, шуни алоҳида



қайд этиш керакки, халқ достонларида, айниқса, романик достонларда бирорта ҳам маконнинг аниқ тасвири берилмайди. «Гўрўғли» туркумига мансуб достонлар билан танишиш шуни кўрсатадики, бирорта ҳам достонда Чамбил шаҳрининг на ташқи, на ички кўриниши, на жўғрофий табиати ва жойлашиш ўрни аниқ тасвирланади. Уларда фақат Чамбилнинг «саксон сардобали», «тўқсон тўпхонали», «етмиш жевахонали», «олтмиш обхонали» каби таърифу тавсифлари келтирилади, холос. Бу эса эпик маконнинг нақадар салобатли, нақадар маҳобатли эканлигидан хабар берса ҳам, бироқ эпик маконнинг аниқ тасвири эмас. Бундай хусусият на фақат Чамбил мамлакати, балки бошқа эпик шаҳар ва мамлакатлар учун ҳам хосдир. Масалан, Фозил шоирдан ёзиб олинган «Муродхон» достонида Муродхоннинг юрти умумий тарзда «ққтош вилояти» деб кўя қолинади<sup>1</sup>. Айни шу ҳолни «Рустамхон» достонида ҳам кўришимиз мумкин<sup>2</sup>.

«Рустамхон»да ўзга юртлар тасвири нисбатан аниқ берилган ўринлар учрайди. Масалан, Ҳуройим ва Рустам келиб қўнган Оқрабат тасвири ана шундай характерга эга: «йўл юриб, йўлда неча белдан, дарбанддан ошиб, Баҳра тоғига яқинлаб етишиб, усти бетидан тушиб келди. Кўрди: бу рабат тилланинг сувини югуртириб солган, эшик бўсағаларини ёқут-жавоҳиротлардан ўтқазиб, тилладан сув берган. Кун чиққандан одам қараб бўлмайди, шундай ярқиллаб турган... Қаради: бир кўрғон, мунаққашли манзил-жойлар, кўшқу айвон, ажаб саройлар; ичида беш юз сарҳовуз бор, эласлаб турибди. Олмалар пишиб ётибди, тоза сарғайгани тўкилиб остига тушиб ётир. Янгитда

<sup>1</sup> Муродхон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Т.: ”Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965.-Б.7.

<sup>2</sup> Рустамхон. Юқоридаги китоб. –Б.221.

бир келиб кетгандай, яхши палослар тўшалган, ҳар турли анжомлар тайёр бўлган. Арақ-шароблар ҳам қўйилган, унча-мунча тўкилган белгилари турган... Шоҳсупага сувлар сепилган, қошига гуллар экилган, намоёишга чини гужумлар тизилган, гужумнинг соясига жами қушлар йиғилган: жингқарча, мусича, балки муроталибачча бари бола-чақаси билан йиғилиб, бир лайлакни созанда қилиб айттириб ўтирур эди». Айни шу дostonнинг ўзида афсонавий Бужул шаҳри тасвирида ҳам қисман аниқ тасвир унсурларини кўрамиз: «Борса, Бужул шаҳри шундай: деворини зокка бўяган, ҳаммаси кийимини кўкка бўяган, бирови бировига ёнашмайди, ортиқ-камини ҳисоблашмайди»...<sup>1</sup>

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, айрим ҳолларда романик дostonларда ҳам ўзга маконлар тасвирида халқ бахшилари маълум даражада аниқликка интиладилар. Бундай аниқлик эса ана шу маконларда қаҳрамон фаолиятининг қандай кечиши, унинг ўзини тутиши ҳақида муайян тасаввур туғдиришга имкон беради. Бу нарса фақат Фозил шоир ижоди учун хос айрича ҳодиса эмас, балки, умуман, ўзбек романик дostonлари учун типологик ҳодиса ҳисобланади. Бу фикримизни эса бошқа бахшилардан ёзиб олинган дostonлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Эргаш шоир ижодида маромига етказиб куйланган «Равшан» дostonидаги Равшан келиб кўним топган боғ тасвири фикримизнинг далили бўла олади. Унда боғ, у ердаги дарахтлар, сув тўла ҳовузлар, очилган гуллар, сайраб ётган қушлар, боғ деворларининг қандай ишланганлиги жуда батафсил берилган: «Равшанбек қараса, бир катта боғ, ўзи жуда каландимоғ, тўрт ёғининг девори узун, калта эмас, баравар чоппа-чок.

---

<sup>1</sup> Рустамхон. Юқоридаги китоб. –271-272, 281-бетлар.

Бир ёғи дарахт, бир ёғи олмазор, бир ёғи анжир, бир ёғи анор. Сувга тўла ҳовузлар, теварагида катта-катта чинор, масти хуррам бўлиб юрур товуслар, гул-гул очилган, чақ-чақ учурган, гуллар остига барги тўкилган. Гуллар шохасида булбуллар сайраб, тўти майнага қараб дам тортиб, майна тўтига қараб чақ-чақ учуриб, ғурраклар ғуруллаб, мусичалар ку-ку тортиб, булбуллар қўниб, зоғлар учиб, кўрганнинг баҳрини очиб. Равшанбек қараса, нообод-сув чиқмаган тошлоқ, харобот ерларида лаълми қушлар: сўпи тўрғай, ғазалай, пуччакалонлар, олапопуш, олақарға, қорақарға, олашақшақлар бари йиғилиб, лайлакни созанда қилиб айттириб ётибди. Улар ҳам ўз олдига базми суҳбат қилиб, кайфини чоғ қилиб ўтирибди. Товус хуррамлар қуйруғини чотор қилиб, маст бўлиб айланиб, чарх уриб тури. Равшанхон бу боғ деворларига қараса, тик пахсасини ишлаган, деворининг тагини ғиштлаган, жуда маҳкам қилиб ташлаган, деворларини ганчлаган; тўғрига кетган расталар, деворларда гулдасталар, жуда ўхшатибди усталар. Кўрган хаста, кўрмаган ҳавасда, гул экилган баланд-пастда, гулни десанг даста-даста, тевараги ёнғоқ, писта, қилган ҳам жуда уста».

Агар диққат қилинса, Равшаннинг аста-секин боғнинг турли жиҳатларига диққат билан боқиши ушбу маконнинг батафсил тасвирини беришга кўмаклашган. Унинг биринчи қарашида боғда ўсган мевали ҳамда мевасиз дарахтлар, уларда қўниб сайраб ётган сайроқи қушлар қайд этилган. Иккинчи қарашда эса қушларнинг бошқа навлари қайд этилган. Учинчи қарашида эса боғ деворларининг нимадан ишланганлиги, унинг ишланиши ва безаклари тасвирланган. Аслида бу боғ Ширвон мамлакатининг бир четида жойлашган бўлиб, у олти мард ўғлони бир кунда қазо қилган

кампирининг боғи эди. Лекин макон тасвирида бахши боғнинг жойлашган ўрни ҳақида индамайди, балки сал кейинроқ хабар беради. Бу эса тингловчининг эпик маконга нисбатан бўлган қизиқишини кучайтиради.

Романик дostonларда ўзга юртлар, айниқса, мифик маконлар ўзига хос тарзда берилган. Масалан, «Малика айёр» дostonида Зебит чўлда; Шакар кўлда Гўрўғлининг кўз олдида бирданига пайдо бўлган кўрғон тасвирида ҳам ўзига хос аниқлик мавжуд: «Кўрса, шундай кўрғон: Кунгираси пўлатдан, дарвозаси зумратдан, бўсағаси Бағдоддан. Шундай очиб ичкари кирди. Ичкари кирса, олмалар пишиб ётар, тагига тушиб ётар; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учириб ўтирибди. Уч кўшк, ичкима-ички, зинапоя, зертанг-зобартанг, жойлар тузалган, яхши тўшаклар тўшалган, шароби антахур тўкилган, сувлар сепилган, намоёишга чини гужумлар тикилган, гужумнинг соясига жинқарча, мусича, муроталибачча-жамъи кушлар йиғилиб, ўртада бир лайлакни созанда қилиб, айттириб ўтирибди».

Гўрўғли олдида ғойибдан пайдо бўлган боғ тасвирида реал ҳаётининг мантиқ талабларига риоя қилинган. Чунки унда энг олдин кишининг кўзига ташланадиган деталлар: деворнинг кунгиралари, зумрад дарвозаси ва бўсағаси, уларнинг ишланиш материали алоҳида таъкидланади. Гўрўғли дарвозадан ичкари кирар экан, секин-аста кўрғон ичидаги нарсалар: пишган олмалар, очилган гуллар, сайраётган булбуллар, кейинроқ эса учта мунаққаш кўшк, тўшалган ўринлар, қатор экилган гужумлар, уларнинг соясида ўйнаб юрган кушлар - барча-барчаси батафсил тасвирланган. Тасвирнинг бундай мантиқий изчилликда, қаҳрамон хатти-ҳаракати ва нигоҳи орқали

берилиши романик эпос ривождаги ўзига хос бир босқич эканлигини алоҳида қайд этиш керак бўлади. Демак, эпик идеал доирасида тасвирланадиган романик дostonларда ҳам қаҳрамон хатти-ҳаракати, унинг нигоҳига қадалувчи барча эпик маконлар имкони борича батафсил ва ҳаётий мантиқ асосида тасвирланади.

Зебит чўлида, Шакар кўлида Гўрўғлининг қаршисида пайдо бўлган қалъа қаҳрамон сафарга отланадиган эпик маконнинг хавф-хатарга тўлалиги ҳақида хабар бериш вазифасини ўтайди. Чунки Авазхон боришга қасд қилган бу макон ер ости дунёси билан боғлиқ бўлиб, у Торкистон (қоронғулик дунёси, тун дунёси-Шабистон) деб юритилади.

Шу ўринда бир нарсага аҳамият бериш зарур. Тадқиқотимизнинг биринчи бобида қайд этганимиз тасодифийлик романик дostonлар сюжети ривож ва ечимида етакчи қонуният сифатида амал қилади, деган эдик. «Малика айёр» дostonи сюжет тугунининг вужудга келишида ана шу қонуният амал қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар Гўрўғли овда Зебит чўли, Шакар кўлига келмаганида, унинг олдида тасодифан катта кўрғон пайдо бўлиб, кўрғонда Малика айёрни кўрмаганида сюжет ривож учун зарур бўлган эпик тугун яратилмаган, бинобарин, сюжетнинг ўзи ҳам бўлмаган бўларди. Демак, тасодифийлик романик дostonлар сюжетини, асар композицияси ва конфликтини таъминловчи эпик қонуният вазифасини ўтайди.

Эпик маконнинг бундай аталиши узок аждодларимизнинг ер ости, ер усти ва кўк дунёси ҳақидаги, яъни вертикалига кўра тузилиши ҳақидаги тасаввурлари билан алоқадор<sup>1</sup>. Қоронғулик

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар. – Т.:Фан, 1991. - Б. 43-67.

дунёси-мифологик дунё, унга инсон зоти осонлик билан ета олмайди. Унга фақат мифик мавжудотлар - девлар кўмагида етишиш мумкин. Девларни енгиш, ўз измига бўйсиндириш ва қоронғулик дунёсига бориш қаҳрамоннинг нақадар жасур ва куч-қудратга эгалигидан далолат беради. Шу сабабли бахши Авазхон борадиган эпик маконнинг даҳшатини янада кучайтириш мақсадида ер устида унга дуч келадиган яна бир эпик маконни ҳам қисқача тасвирлашга ҳаракат қилади. Бу - Қизилқум деган саҳро эди.

Бу макон бизнинг минтақамиз, жўғрофий дунёмиз учун хос бўлган макон бўлиб, достонда ана шу реал макон номидан фойдаланилган ҳолда эпик макон тасвирланади. Демак, эпик маконларнинг номланиши ва тасвирида бахши онгидаги реал маконлар, унинг дунёқараши ва тасаввурлари ҳам етакчилик қилади. Шунга қарамай, у эпик маконларни халқ эпосига хос барқарор анъаналар асосида ўта муболағали, хаёлий маконлар сифатида тасвирлайди. Бинобарин, «Малика айёр» достонидаги қизилқумни ўрта Осиёдаги реал қизилқум билан айна бир нарса деб ўйлаш эпосга хос эпик макон табиатини билмасликдан бошқа нарса эмас.

Достонда Авазхон ва мерганлар етиб борган қизилқум ва у ердаги бир чинор ва кўрғон шундай тасвирланади: «Шундай қараса, кип-қизил қизилқум, ундан бошқа ҳеч нима йўқ, кўкарган гиёҳ ҳам йўқ, лекин қумнинг чеккасида бир чинор зинкайиб турибди. Жуда катта чинор. Унинг ён ёғини кўрғон қилиб, девор қилиб қўйибди. Кўрғоннинг девори қалайдан. Бунни кўриб, Авазхон... Қалайи кўрғонга қараб жўнаб кетди. Бориб Қалайи кўрғоннинг давозасини очиб ичкарига кирди. Кўрса, чинорнинг ости сарҳовуз. Катта чинорнинг шохлари ҳар ёққа шохлаб кетган. Шохларида тўти, майна,

булбуллар бола очиб, сайраб ётган. Овозаси оламга кетган, ажаб чинор экан»<sup>1</sup>.

Қизилқум саҳросининг, умуман гиёҳ ўсмаган қумнинг бир чеккасида улкан чинорнинг ўсганлиги, унинг шохларида турли-туман сайроқи қушларнинг бола очиб, сайраб туришлари, чинор ёнида девори қалайдан бино қилинган кўрғоннинг мавжудлиги романик эпос учун хос тилсимли эпик макон учун типик тасвир. Романик дostonлардаги эпик маконнинг бундай тилсимли характери бевосита сеҳрли эртақлар таъсиридан бошқа нарса эмас. Шу боис бундай эпик маконлар тасвиридан ҳеч ким аниқ географик ёки реал мантиқий изоҳ талаб эта олмайди. Бундай тасвирлар романик эпос учун табиий ҳисобланиб, эпос эстетикаси талаблари, эпик анъана учун хос ҳолат сифатида қабул қилинаверади.

Қаҳрамон сафари пайтида унинг олдида пайдо бўлган тасодифий бундай маконларнинг эстетик вазифаси битта. У ерда қаҳрамон ким биландир учрашади ва шу орқали воқеалар оқими жонланади. «Малика айёр» дostonида ҳам Қалайи кўрғонда Авазхон Шоқаландар (Гўрўғли) ва Шозаргар (Рум элининг подшоси Ҳасан) билан учрашади. Мана шундан сўнг улар хавfli сафарга отланиб, турли хатарларни енгиб, ўз мақсадларига етадилар. Хуллас, қаҳрамон сафари чоғида унинг олдида пайдо бўлган кўрғон ёки маконлар жиддий эпик вазифа адо этувчи маконлар ҳисобланади. Улар бемақсад асар сюжетига киритилмайдилар.

Авазхон, Шоқаландар, Шозаргар ва мерганлар билан навбатдаги ўзга маконга – Кўкламтоққа келадилар. Кўкламтоғ аслида ҳақиқий тоғ эмас, балки девлар томонидан сурати чизилган тилсим макон эди

---

<sup>1</sup> Малика айёр.-59-60 - бетлар.

ва Торкистон шаҳрининг дарвозасига кўндаланг қилиб қўйилганди. Агар Шоқаландар Кўкламтоққа «Ёрил» деб буйруқ берса, тоғ иккига ажралиб, унга йўл берар эди.

Ушбу макон романик дostonлар эстетик табиатига хос тилсимли жой бўлиб, у ердан ҳар ким ҳам ўта олмасди. Чунки ичкари кирган зотни ё шерлар, ё аждарлар ўлдирар эди. Шу боис бу хавфли йўлни фақат Малика айёрнинг қора тулпоригагина босиб ўтиш мумкин холос. Ушбу сирларни ҳалок бўлган одамларнинг суяклари остида юмронқозик қиёфасига кириб олган Шоқаландар девлардан билиб олади ва Торкистонга улар девлар айтгандай қилиб кириб борадилар. Ўз-ўзидан маълум бўладики, Кўкламтоғ, Ўртачўл каби эпик маконлар эпос қаҳрамонларининг донолигини, тадбиркор ва жасоратли эканликларини синаб кўриш, шу орқали тингловчиларнинг уларга нисбатан меҳр-муҳаббатларини ошириш учун воситачилик қилувчи маконлар ҳисобланади.

Мана шундан сўнг Малика айёр яшайдиган Қосимшоҳ мамлакатининг пойтахти Торкистон макони тасвирланади. Бахши ушбу ўзга маконни шундай тасвирлайди: «Торкистон шундай шаҳар: бунни қоронғуликда парилар, девлар сеҳр-жоду билан ясаган эди. Ўзи қоронғилик дунёдан эди. Бу қоронғулик дунёга ёруғ дунёнинг куни билан ойининг шуъласи урмас эди. «Бу ой билан офтобга муҳтож бўлмайлик», - деб яхши олмослардан, дур, гавҳарлардан ой, офтоб қилиб, майда, ўткир қимматбаҳо тошлардан юлдузлар қилиб қўйган эди. Бу қоронғуликда Торкистоннинг шаҳри шундай ёруғ, ярқиллаб турган. Гуллар очилган, чаманлар яшнаган, сувлар оққан, гулистон-бўстон, булбуллар сайраб маст бўлиб қолган, кўрмаганлар армонда, кўрганлар дармонда. Ҳеч бир бунинг мисоли ўхшашини айтиб



бўлмайди»<sup>1</sup>.

Юқоридаги тасвиру таърифдан шу нарса маълум бўладики, сеҳрли эртақларга хос ҳаёлот бойлиги романик дostonлардаги маконлар тасвирида, айниқса, ўзга мифологик маконлар тасвирида жуда кенг истифода этилади. Фозил шоир ҳам эртақларга хос ана шу анъанани дoston жанрига дадил олиб киради ва эпосга хос тасвир поэтикаси талабларига мос ҳолда ижодий қўллайди. Бунда эпосга хос ички мантиқ талабларига риоя қилишни унутмайди. Масалан, Торкистон қоронғулик дунёсига жойлашган экан, у ерда яшовчи париларнинг яшаш шароитини ҳам бадиий далиллаши лозим эди. Чунки ўсимлик, ҳайвонот-жамики тирик мавжудот ёруғликдан ўсиб-улғаяди. Агар Торкистон зулмат дунёсида жойлашган бўлса, у ердаги ўсимликлар, қушлар қандай ҳаёт кечиришади. Бироқ шаҳарнинг ёритилишини бахши дур, гавҳарларнинг ялтираши билан, яъни улардан сунъий ой ва офтоб қилингани, майда ўткир тошлардан эса юлдузлар ясалганлиги билан изоҳлайди. Аслида эса зулмат бағрида, агар заррача нур бўлмаса, ҳеч қандай тош ҳам чакнамайди. Ўсимлик ва қушларнинг яшаши эса ёруғлик билан жуда-жуда алоқадор. Аммо романик дostonлардаги бадиий шартлилик эса масаланинг биологик ва физиологик жиҳатларига аниқ ҳаётий изоҳ реалистик талқин беришни назарда тутмайди. Чунки эртақка хос анъанавий шартлилик романик дostonларда етакчи бадиий тасвир мақомини олган. Бунга кўра, Торкистон шаҳри зулмат бағрида жойлашган ва бу маконда яшовчи девлар, одамлар, парилар эса тилсимот қудрати билан ясалган сунъий ой, қуёш ва юлдузлар нуридан баҳраманд бўлиб кун кечирадилар. Дoston учун ўзга маконнинг ер ости дунёсида

---

<sup>1</sup> Малика айёр.-86-бет.

жойлашганлиги, у ердан олиб кетилиши шарт бўлган париларнинг сунъий ёритгичлар нуридан баҳра олиб яшашлари аҳамиятли. Масаланинг қолган барча жиҳатлари эса романик дostonларда аниқ илмий детерминизмга эга бўлиши шарт эмас.

Умуман олганда, мазкур дostonдаги қаҳрамон олдида турган эпик маконларнинг ҳар бири муайян даражада мифологик асосга, мифологик моҳиятга эга бўлади. Бундай эстетик ҳодиса ҳақида проф. Б.Саримсоқов қуйидагиларни ёзганида тўла ҳақли эди: «Малика айёр» дostonида қаҳрамон олдида қўйилган соф ижтимоий тўсиқлар билан генезиси мифологик тасаввурга алоқадор эпик тўсиқлар нисбати солиштирилиб чиқилса, унда Юқорида айтилганидек, генетик жиҳатдан мифология билан алоқадор эпик тўсиқлар нисбати кўпроқ ўринни эгаллайди. Бунинг муҳим сабабларидан бири дoston асосида ётган эпик тўсиқнинг бевосита мифологик образ - пари ҳамда мифологик макон Торкистон мамлакати билан боғлиқлиги ҳисобланади. Бундан романик эпоснинг барча намуналаридаги эпик тўсиқлар кўпроқ мифологик кодлар билан алоқадор экан, деган тугал хулоса келиб чиқмаслиги лозим... бундан романик эпос таркибига кирувчи дostonлардаги эпик тугун, конфликтнинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигига қараб қаҳрамон йўлидаги эпик тўсиқлар ё кескин ижтимоий-эстетик, ё кескин мифологик характер касб этишлари мумкин, деган хулосага келиш мумкин<sup>1</sup>.

Мазкур фикрнинг романик дostonлардаги эпик маконларга ҳам тааллуқли жиҳатлари бор. Чунки дostonларнинг ушбу типиди шундай эпик ўзга маконлар борки, улар анъанавий жойлар сифатида бир эмас, жуда кўпчилик дostonларда бир хил вазифа, бир хил тавсиф ва

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси Ўзбекистон фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981.-Б.143-144.

тасвирда қўлланиладилар. Қуйида ана шундай анъанавий мифологик маконлардан бир нечтаси хусусида қисқача тўхталамиз.

**Бало тоғи.** Ушбу тоғ, номидан кўришиб турганидек, балолар макони ҳисобланади. Бало эса ниҳоятда улкан, шафқатсиз мифик махлуқ бўлиб, у ўткир ақлга эга эмас. Шу боис дoston қаҳрамони турли нарсалар, хатти-ҳаракатлар воситасида уларни кўрқитиб, ўзига бўйсиндириб олади.

”Гўрўғли” туркумига мансуб дostonларда Бало тоғи заҳарханда билан Бадбахтнинг тоғи ҳам деб юритилади ва у Чамбил қалъасидан қирқ кеча-кундуз йўллик масофада жойлашган. «Балогардон» дostonида ушбу маконнинг умумий кўриниши мавҳум тарзда тасвирланади: «Нарёғида на эл, на йўл бор. Ҳар кумлар мисли тоғдай бўлиб ётибди... Бундан чиқди, мендан илгари ҳам одамларга йўлиққан экан. Шунинг учун Бало тоғи дер экан»<sup>1</sup>.

Кўришиб турибдики, дostonда мифик маконлар аниқ таърифу тавсиф қилинмаган. Чунки бундай маконларнинг аниқ кўринишини халқ бахшилари ҳам, ҳеч ким тасвирлай олмайди. Шунинг учун бўлса керак, дostonда Бало тоғи кумлик ва тошлоқ кимсасиз бир макон сифатида умумий тарзда тасвирланган. Унинг даҳшатли маконлиги эса балонинг ўта гротескли кўриниши, хатти-ҳаракати, қаҳрамоннинг хавотир ва ваҳимали кечинмалари орқали берилади. Бундан ортиғини эса бахшидан талаб этиб ҳам бўлмайди.

Романик дostonлар учун характерли ва маълум маънода универсал эпик маконлардан яна бири **Асқар тоғи** ҳисобланади. Ушбу тоғ дostonларда сафарга отланган қаҳрамон олдида катта синов

---

<sup>1</sup> Балогардон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.24,26.

макони сифатида пайдо бўлади. Лекин бирорта ҳам дostonда Асқар тоғининг аниқ тасвири учрамайди. Фақат «Малика айёр» дostonида Фозил шоир шундай мисрани ишлатади: «Уч юз олтмиш Асқар тоғдан оширган» (3-бет). Ислom шоир «Орзигул» дostonида «Асқар тоғи»ни бир-икки ўринда тилга олади: «Орзигул нон-кулчасини ортиб, ўн икки кеча-кундуз йўл тортиб, яккаман деб кўз ёшини артиб, Асқар тоққа борди» (281-бет). Шу дostonнинг бошқа бир ўрнида «Шу баланд кўринган Асқарнинг тули (чўкқиси)»да Асқар тоғини ишлатади. Умуман, романик дostonларда Асқар тоғи қаҳрамонни синаб кўришга хизмат қилувчи эпик макон сифатида талқин қилинса ҳам, бироқ Фозил шоир тавсифлаган “уч юз олтмиш Асқар тоғдан” бошқа бирорта ҳам батафсил тасвирни учрата олмадик.

Ўзбек романик дostonларида тилга олинадиган эпик маконлар географияси жуда кенг. Улар Ҳовдак кўли, Шакар кўли, Зебит чўли, Доғистон, Хизирнинг чўли, Изғорнинг чўли, Арзирум мамлакати, Ширвон, Арпа чўли, Исфихон, Зангар, Қоракамар тоғи, Оқтош, Қирим, Бужул шаҳри, Гулистон шаҳри, Ҳуройим мамлакати ва ҳоказолардан иборат. Ушбу эпик маконлар дostonлар қаҳрамонлари яшайдиган ёки улар сафар қиладиган маконлардан иборат бўлсалар ҳам, уларнинг бирортаси аниқ тасвирланмайди.

Юқоридагилардан ташқари, романик дostonларда Полопон ва Болқон тоғлари тилга олинади. Масалан, Фозил шоир «Малика айёр» дostonининг 15-саҳифасида «Бир тоғим Полапон, бир тоғим Болқон» топонимларини ва шу жумлани «Интизор» дostonининг 63-саҳифасида айнан қўллайди. Ушбу эпик маконлар ҳам дostonларда аниқ тавсифланмайди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, романик

достонлар учун хос бўлган эпик маконлар достон воқеалари кечадиган жойлар бўлсалар ҳам, уларнинг аниқ тасвирлари берилиши шарт эмас.

Ўзбек романик достонлари учун типик бўлган иккита мифологик макон мавжуд. Улардан бири Эрам боғи бўлиб, ушбу боғ Чамбилдан жуда олисда. У ерда боғлар хазон билмайди, қушлар завол кўрмайди. Боғи Эрам парилар мамлакати бўлиб, у ерга одамзоднинг қадами етмаган. Фақат чилтанлар ва Хизир бува ҳомийлигида бўлган Гўрўғли ва унинг асранди фарзанди Авазхоннинг қадами етиши мумкин, холос. Девлар, парилар ҳамда бошқа мифик жонзотлар бу мамлакатни зўр бериб кўриқлашади. Гўрўғли Юнус ва Мисқол парини чилтанларнинг дуоси билан шу ердан олиб кетган эди. Кейинроқ Авазхон Боғи Эрамга қочиб кетган парилар ва Ғиротни олиб келиш баҳонасида бу маконга қадам қўйган эди. «Гўрўғли» туркуми достонларида катта ўрин тутадиган ушбу макон ҳам бирор ўринда аниқ тасвирланмайди.

Мазкур туркум учун хос бўлган эпик маконлардан яна бири Кўҳи Қоф мамлакати бўлиб, ушбу макон Боғи Эрамни кўриқловчи девлар яшайдиган маскан. Кўҳи Қоф ўз номидан англашилиб турганидек ўта хавфли, Қаҳрамон бошига оғир кулфатларни солувчи мифологик макондир. Ушбу макондаги тўсиқларни енгиб, девлар ҳужумидан омон чиққан қаҳрамонгина Эрам боғига етиб бориши мумкин. Романик достонлар сюжети ривожда белгиловчи ўрин эгалловчи ушбу макон ҳам бирор ўринда аниқ ва батафсил тасвирланмайди.

Романик достонлардаги эпик маконлар устида олиб борган кузатишларимиз шундан далолат берадики, мазкур типдаги

достонлар учун эпик маконларни аниқ ва батафсил тасвирлаш характерли эмас экан. Достонлар учун мавжуд эпик маконларнинг батафсил ва аниқ тасвиридан кўра уларнинг воқеалар оқими ва ривожда адо этадиган анъанавий эпик вазифалари аҳамиятлироқдир, Шу боис ижодкор бахшилар ҳам, оддий ижрочи бахшилар ҳам эпик маконларни адо этадиган вазифаларига қараб қўллайверадилар, бироқ ҳеч бир жойда уларнинг жойлашиш минтақаси, кўриниши ва манзараси ҳақида батафсил маълумот бермайдилар. Бу нарса романик достонларда эпик маконларнинг анъанавий вазифадошлик асосида истифода этилишларидан гувоҳлик беради.

Романик достонлардаги эпик макон эпик замон билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Чунки ҳар қандай макон замонда воқе бўлади. Бу алоқадорликда эпик замон етакчи, эпик макон эса унга тобелик нисбатида бўлади. Шунинг учун эпик қаҳрамон бирор манзилга сафарга отланса, унинг борадиган маконигача бўлган масофа аниқ айтилмайди. Мана шунда эпик замон иккала макон ўртасидаги масофа учун ўлчовлик вазифасини ўтайди. Масалан, «Малика айёр» достонида Чамбилдан Торкистонгача бўлган масофа олтмиш йиллик йўл деб айтилса, айрим достонлардаги эпик маконлар орасидаги масофалар уч ойлик, олти ойлик ёки қирқ кеча-кундузлик йўл дейилади. Шулардан маълум бўладикки, эпик замон халқ эпосида эпик маконга нисбатан фаолроқ эстетик вазифа адо этади. Бундан ташқари, эпик замон қаҳрамон фаолиятининг давомийлигини ҳам англатувчи эстетик категория вазифасини бажаради. Чунки аксарият романик достонларда қаҳрамоннинг мифологик кучларга, эпик рақибларга қарши олиб борган кураши уч, беш, қирқ кеча-кундуз мобанийда айна бир маконда давом этади. Бу

нарса ҳам халқ эпосида эпик маконнинг эпик замонга нисбатан пассив воқе бўлишидан далолат беради. Эпик маконнинг эпик замон билан алоқадор бошқа масалалари хусусида мазкур бобнинг эпик замон ҳақидаги қисмида батафсил тўхталамиз.

Романик дostonлардаги эпик маконлар билан боғлиқ масалалардан бири қаҳрамон сафарга отланадиган маконларнинг кутбий мўлжали(ориентацияси) масаласи ҳисобланади. Ушбу масалада ўзбек фольклоршунослигида бирорта ҳам илмий мулоҳаза билдирилмаган. Фақат проф. Б.Саримсоқов «Эпик жанрлар диффузияси» номли мақоласида бир ўринда бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «қадимги мифологик тасаввурларга кўра, қоронғулик космосга (ёруғликка) қарама-қарши турган хаоснинг муҳим бир белгиси ҳисобланган. Шундай экан, бундай юрт ернинг остида бўлиб, унга тушиш учун инсон бирор мифологик образ ёрдамида ер юзасидан чиқиб кетиши ва қоронғулик мамлакатига тушиши лозим»<sup>1</sup>.

Романик дostonларда сафарга отланган қаҳрамоннинг ҳаракат йўналиши аниқ қилиб айтилмаслигининг бош сабаби шундаки, халқ эпосидаги ҳаракат ҳам, макон ва замон ҳам фақат Қаҳрамон билан, унинг фаолиятига тобе ҳолда бошқарилади. Шу боис у тушида ёки бирор узук кўзидан билиб олган нотаниш маконга қараб отланар экан, аниқ географик ориентация (мўлжал) олмайди. У жанговар отига миниб, жўнаб кетаверади, бироқ сафар охир-оқибатда у кўзлаган мамлакатга олиб келади. Рус фольклоршуноси В.Я.Пропп тўғри қайд этганидек, рус эпоси, бизнинг назаримизда, ўзбек халқ эпоси ҳам якка қаҳрамон фаолияти, унинг хатти-ҳаракати, унинг фаолияти кечадиган маконлар, ана шу фаолият учун сарфлайдиган

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. -141-бет.

вақт-барча-барчаси фақат қаҳрамон билан боғлиқ акс эттирилади<sup>2</sup>. Бинобарин, бу қаҳрамон учун тўрт қутбдан фақат биттаси - у йўналган қутб, уч замондан фақат биттаси – фақат келаси замон, икки воқеадан фақат биттаси у иштирок этган воқелик асосий ва зарурдир. Шу сабабли дoston қаҳрамони узоқ юртларга сафарга отланар экан, ҳеч қачон маконий, қутбий мўлжал(ориентация) олмай дадил отга миниб жўнаб кетаверади. Чунки унинг маконий мўлжалини халқ идеали, дoston ғоясидаги оптимистик рух бошқаради.

Хуллас, романик дostonлардаги эпик макон шартли характерда бўлиб, у анъанавий вазифадошлик қонунияти асосида қўлланади. Бу икки омил кўпгина эпик маконларни муайян дostonлар туркумида ёки алоҳида олинган дostonда универсал қўллашга имкон беради.

Бинобарин, романик дostonлардаги эпик маконлардан аниқ тарихий маконларни излаш, уларни реал топонимлар билан муқояса қилиш ғайри илмий, ғайри табиий хулосаларга олиб келади. Шу боис эпик маконлар борасида сўз юритилганда, уларнинг шартлилик ва анъанавийлик табиатини унутмаслик лозим.

Халқ эпосида эпик замон муаммоси, унинг дostonларда воқе бўлиши, тарихий замонга муносабат ва ўзига хослиги, генезиси каби масалалар ўзбек фольклоршунослигида жиддий тадқиқ этилмаган. Тўғри, айрим мақолаларда мифологик замон билан фольклорга хос ёхуд унинг айрим жанрларига хос замон ўртасидаги умумий ҳамда ўзига хосликлар ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, проф. Б.Саримсоқовнинг миф ва халқ эртакларидаги замон ҳақидаги кузатишлари бу жиҳатдан аҳамиятли. У ёзади: «Миф ва эртакдаги

<sup>2</sup> Пропп В.Я. Фольклор и действительность. -М.: Наука, 1976. –С.91-92.



замоннинг муштараклиги мифдаги замоннинг эртак учун асос бўлганлигини кўрсатади, мифологик замон замон категориясининг миф семантикаси учун мос бўлган бошланиш нуқтаси сифатида... талқин қилинади ва шу тариқа қабул қилинади. Эртакда эса эпик вақт абсолют бошланиш нуқта сифатида эмас, балки узлуксиз замоннинг оний нуқтаси сифатида, жуда кўп эпик шартлиликлар воситасида берилиб, шундай қабул қилинади. Эртакдаги замон чегараси, унинг ҳаракат доирасидаги эркинликнинг кенгайиши эса эртак жанри учун катта имконият беради. Бу имконият эса мазкур жанрда ўтган замонда хоҳлаган ҳаётий идеални ҳаёлий фонда акс эттиришда ўзини намоён этади»<sup>1</sup>.

Олимнинг юқоридаги қайдлари мифик ва эртакка хос замоннинг генетик алоқадорлиги, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари, эпик замоннинг муайян жанрда амал қилиш доираси ҳақида, шубҳасиз, яхши маълумот беради. Аммо халқ эпоси ўзининг ижтимоий-эстетик табиатига кўра халқ эртакларидан анча юқори ривожланиш даражасида туради. Бинобарин, ўзбек халқ эпоси, жумладан, романик дostonларга хос эпик замон ҳақида махсус илмий кузатишлар олиб бориш эҳтиёжи бугунги кунда мавжуд. Тадқиқотимизнинг ушбу қисми ана шу масалага қаратилади.

Узоқ аجدодларимизнинг бахтли ва порлоқ келажак йўлида олиб борган курашлари, Ватан ва халқ ҳимояси учун кўрсатган жасоратлари, фаровон оила қуриш ва соғлом авлод қолдириш борасидаги машаққатли меҳнатлари халқ дostonларида ўзига хос макон ва замонларда кечади. Ана шу макон ва замонлар фольклоршуносликда эпик макон ва замон деб юритилади. Эпик

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. -123-124-бетлар.

макон ҳақида юқорида фикр юритилганлиги сабабли куйида у билан диалектик боғланган эпик замон ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Макон ва замон атамалари азал-азалдан бир-бирлари билан узвий боғлиқ фалсафий категориялар сифатида талқин ва таҳлил этилиб келинади. Объектив макон ва замон категориялари ҳақида шу қадар кўп илмий фаразлар, изчил концепциялар яратилганки, уларнинг барчасини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Бироқ барча учун ягона бўлган бир қонуниятни - маконсиз замон ва замондан айрича бўлган маконни ҳеч ким, ҳеч қачон тасаввур эта олмаслигини алоҳида таъкидлашни лозим топамиз.

Маълум бўладики, макон ва замон категориялари фалсафий жиҳатдан таҳлилу талқинларга муҳтож эмас. Аммо бадий макон ва замон муаммолари ҳали кўплаб тадқиқотларга муҳтож.

Маълумки, сўз санъатининг ўзига хослиги, энг аввало, бадий асарда ҳаётий ҳақиқат билан бадий ҳақиқатнинг уйғунлиги ва бунда бадий умумлашманинг, бадий шартлиликнинг иштирок даражаси билан белгиланади. Бадий шартлилик эса реал воқеликнинг ўзига хос ирреал тарзда бадий акс этишидан иборат. Шундай экан, бадий асардаги шартлилик объектив замон билан бадий замон ўртасидаги тафовутнинг миқёс ва даражасини белгиловчи мезон вазифасини ўташи табиийдир.

Албатта, бадий шартлилик қонунияти реалистик адабиётда ҳам, халқ эртак ва дostonларида ҳам амал қилувчи универсал қонуниятдир. Бироқ уларнинг ҳар бирида унинг миқёси, даражаси ўзига хосдир. Шу боис бизнинг бадий замон ҳақидаги мулоҳазаларимиз фақат романик дostonлардаги бадий замон

табиатидаги бадий шартлилик хусусида боради. Ишимизда истифода этилган атамаларнинг изчил ҳамда тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида айрим шартлиликларни қўллашни лозим топдик. Улар эса қуйидагилардан иборат.

“Замон” атамаси, умуман, халқ эпосидаги воқеалар кечган вақтга нисбатан қўлланилиб, алоҳида бир достондаги воқеалар кечган муддатга нисбатан «вақт» атамаси қўлланилди. Демак, эпик замон дейилганда, ягона бир достондаги эпик вақт эмас, балки бадий ижоднинг шу типи учун умумлаштирувчи фалсафий-эстетик категория англашилади. «Эпик вақт» атамасини биз аниқ бир достон воқеалари кечган муддат, бу муддатнинг асар воқеалари ва персонажларига тақсимланиш нисбатидаги вақт маъно-сида қўладик. Моҳиятан бу икки тушунча айтиб бир нарса, лекин фольклоршуносликда замон нисбатан кенг ва умумфалсафий категория сифатида, конкрет эпик воқеа кечган муддатни эса эпик вақт атамаси билан юритиш мақсадга мувофиқдир.

Реал тарихий замон у ёки бу ижодкорнинг тафаккур кўзгусидан ўтиб, бадий замонга айланади. Шу сабабли бадий замон тарихий замоннинг мудом илгариланиш ҳаракатини ифодаловчи айнан кўрсаткичи эмас. Фалсафий жиҳатдан олиб қаралса замон материянинг мавжудлиги ва яшаш тарзидан иборат; материя фақат ва фақат замон ҳаракатида яшайди. Бинобарин, бадий замон ҳам воқеликни акс эттиришнинг асосий шарти, сюжет воқеаларининг кечиш тарзи ва моҳиятини ифодалайди. Аниқроқ қилиб айтганда, бадий замон реал воқеликнинг шунчаки оддий акс этишидан иборат эмас, балки ана шу воқеликнинг ижодкор эстетик идеали доирасидаги намоён бўлиш муддатидан иборат.

Романик дostonларда ҳам воқелик халқ бахшиларининг бадий тасаввури, дунёқараши ва ижодий хаёлотини орқали акс этар экан, у реал воқеликнинг бадий замондаги ифодаланиш шаклини ташкил этади. Халқ дostonларида ижодкор халқнинг, омманинг эстетик идеалини ўзида мужассам этади. Шу боис романик дostonлардаги бадий замон сюжет замонини сифатида алоҳида баҳоланишни тақозо этади.

Реал замон мавжуд нарсалар, инсонлар, наботот ва ҳайвонот оламнинг вақт жиҳатидан чексизликда яшаши, воқе бўлиш шаклидан иборат бўлса, бадий замон фақат бадий асар сюжети қамрови ичидаги чегараланган миқдордаги алоҳида шахслар ва нарсаларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳолатини ифодаловчи шаклидан иборат. Демак, реал замонда бутун башарият, бутун коинот, бутун мавжудот ҳаракатланади. Романик дostonлардаги бадий замонда чексиз коинотнинг бир нечта эпик нуқталари ва асарда иштирок этадиган муайян кишиларгина ҳаракат қиладилар. Масалан, «Балогардон» дostonида Чамбил, Балотоғи, Эрам боғи, Зангар юрти каби эпик маконлар ўртасида Гўрўғли, Авазхон, Оға Юнус ва Мисқол парилар, отбоқар Гаждумхон, бало ва айёр момо каби персонажлар хатти-ҳаракатининг сюжет воқеалари доирасида воқе бўлиш шакли акс этади.

Дostonдаги бадий замоннинг давомийлиги эса замондагидек чексиз эмас, балки бутун асар учун етти-саккиз ойни ташкил этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бадий замон доим чексиз реал замоннинг муайян қисмидан ташкил топади ва бу муддат ижодкор мақсади, идеали, нияти орқали тайин этилади.

Реал замон чегараланмаган давомийликка ва бир хил

маромдаги илгариланма йўналишга эга бўлса, бадийий замон асарда қамраб олинган сюжет тугуни ва ечими билан чегараланган бўлади. Шунинг учун бадийий замон асар воқеаларининг бир хилдаги маромига ёки тигиз кечиш маромига бефарқ ҳодиса эмас. Бундан ташқари, бадийий замон асардаги персонажларнинг рухий ҳолатларига қараб гоҳ қисқаришлари, гоҳида эса ўта даражада чўзилиб кетиши мумкин. Биргина «Балогардон» достонидаги эпик вақт табиати буни тўла тасдиқлайди.

Достонда тасвирланишича, Гўрўғлининг асранди фарзанди Ҳасанхон Арзирумдан Хон Даллини олиб келгач, Гўрўғли уни Ҳасанхонга дарров никоҳлаб бермай туради. Унинг бундай йўл тутганлигидан шубҳаланган Оға Юнус ва Мисқол парилар, Гўрўғли Даллини ўзига хотин қилиб олмоқчи, биз кундош билан яшамаймиз деб, Гўрўғли қирқ йигити ва фарзандлари билан мажлис қуриб ўтирганда, Эрам боғига қочиб кетишмоқчи бўлишади. Бироқ улар Ғиротни олиб кетишмаса, Гўрўғли от билан уларни қувиб етиши, қайтариб келиб жазолаши мумкин. Шунинг учун улар Ғиротни ўзлари билан олиб кетиш мақсадида Гўрўғлининг сайиси Гаждумхонни Эрам боғида париларга уйлантириб қўямиз, деб алдаб, Ғиротни ҳам олиб кетишмоқчи бўлишади. Бу алдовга ишонган Гаждумхон Ғиротни миниб, уларга ҳамроҳ бўлади. Парилар каптар қиёфасига киришиб, Чамбил қалъасининг деворига қўнишади. Шу пайтда Авазхон маст ҳолда ташқарига чиқиб қолади. Каптар қиёфасидаги парилар у билан хайрлашадилар, бироқ Авазхон кайф билан уларнинг гапларини яхши англаб етмайди.

Эрта тонг маҳали Гаждумхон Ғиротни миниб, каптар қиёфасидаги парилар етагида Бало тоғига қараб жўнайдилар. Тонг

отгач, Авазхоннинг кайфи сал тарқайди ва париларнинг хайр-хушларини эслайди. Дурбинни олиб Бало тоғига қарайди ва парилар етагида Ғиротни миниб олган Гаждумхоннинг Бало тоғидан ошиб ўтаётганлигини кўради. Ғирот қўлдан кетгач, Чамбилнинг хароб бўлиши, Гўрўғлининг шон-шуҳрати барҳам топиши муқаррарлигини у яхши билади. Шу боис у дарҳол бўлган воқеадан Гўрўғлини хабардор қилади ва қаландар қиёфасида Ғирот ҳамда париларни қайтариб келишга жўнамоқчи бўлади. Гўрўғли Ғиротсиз бу нарса имконсиз эканлигини айтиб, Авазни қайтармоқчи бўлади. Лекин Аваз ўз мақсадида қатъий туради. Ниҳоят, у Гўрўғлининг ижозати билан қаландар сифатида Эрам боғига яёв жўнайди. Аламига чидай олмаган Гўрўғли Таваккал ғорига кириб, бағрини захга бериб, мотам тутиб ётади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. У ҳам бўлса, эпик замоннинг давомийлигини белгиловчи мезонларни аниқлаб олишдир. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, романик дostonларда эпик замон ўлчови иккита. Биринчиси - тингловчи идрок этадиган реал вақт ўлчови. Дoston воқеалари бошланишида у эпик вақтни дастлаб реал вақт меъёри билан ўлчайди. Иккинчиси - эпик маконлар ўртасидаги масофани босиб ўтиш учун сарфланадиган эпик вақт ўлчови. Тингловчи дoston ижроси пайтида эпик воқеалар ичига, моҳиятига чуқур кириб боргани сайин аста-секин шартли бадий замонга кўника боради ва унинг шартлилик табиатига қарамай реал замондек қабул қила бошлайди. Романик дostonлардаги эпик замонни қабул қилиш ва ҳазм қилишнинг юқоридаги икки мезони у ёки бу даражада барча дostonлар учун хосдир.

Юқоридаги мезонлар нуқтаи-назаридан қаралса Чамбил билан Бало тоғи ўртасидаги масофа қирқ кунлик йўл эди. Бу масофанинг босиб ўтилишидаги ҳар кунни, ҳар бир соатни батафсил тасвирлашнинг асар учун ҳам, тингловчи учун мутлақо зарурияти йўқ. Бинобарин, бундай ҳолларда бахши масофанинг қирқ кунлик йўл эканлигини айтиб, унинг босиб ўтилиши учун зарур бўлган вақтни тулпор Ғирот ёрдамида қисқартиради ва воқеалар кечишини тифизлаштиради. Эпик вақтнинг қисқартирилиши эса дostonда ўзига хос тарзда бадий асосланган. Ғирот - тулпор, у ёки отлар қирқ кунда босиб ўтадиган масофани бир соатда ўтади. Дostonдаги масофанинг узоқлиги, уни босиб ўтиш учун зарур бўлган эпик вақтнинг қисқариши ўз навбатида асар воқеаларининг кейинги ривожига катта туртки беради. Чунки қирқ кунлик масофанинг эпик вақт қисқариши ҳисобига босиб ўтилиши Гаждумхон ва париларнинг Авазхон таъқибидан қутулиб, Эрам боғига етишларига имкон берган. Бу эса асар воқеалари ривожига йўл очган.

Яёв сафарга отланган Авазхон қирқ кеча-кундуз йўл босиб, қийналиб, Бало тоғига етиб келди. Мана шу пайдан бошлаб Авазхоннинг хатти-ҳаракати асарнинг асосий тасвир объектига, вақт эса етакчи эпик замонга айланади. Бало тоғи билан Эрам боғи ўртасидаги масофа эса тўрт юз йиллик йўл эди. Ушбу масофани босиб ўтиш учун беш-олти авлод умри керак. Демак, бу масофани босиб ўтиш учун зарур бўлган эпик вақтни қисқартириш лозим бўлади. Бундай оғир вазифани Авазхон фақат мифологик куч – Бало ёрдамидагина удалай олиши мумкин. Мана шу тариқа дostonга Бало образи кириб келади. Бало образи билан биргаликда романик дostonларга хос бўлган эстетик қонуният-эпик қаҳрамоннинг ақл-

идрок бобида ёвуз кучлар устидан ғолиб келиши, уларни ўз мақсадлари йўлида бўйсундиришдан иборат эпик усул қўлланилади.

Авазхон Балоба, мен балобардонман, деб дўқ уради ва ўзига бўйсундириб олади. Балоба унга тўрт юз олтмиш йиллик масофага «Ихлос» сурасини ўқиб бўлгунча етказишга ваъда беради. Авазхон фақат Балоба ёрдамидагина икки-уч дақиқа ичида Эрам боғидан тўрт тош беридаги маконга етиб олади.

Халқ достонларида бир вақтнинг ўзида иккита эпик маконда кечаётган воқеаларни тасвирлашнинг имкони йўқ. Шу сабабли халқ эпосидаги бадий замонда хронологик номувофиқлик қонунияти амал қилади<sup>1</sup>. Бу қонуниятга кўра, макон ва замон фақат тасвирланаётган воқеа ёки персонаж хатти-ҳаракатига қаратилади, иккинчи воқеа ёки персонаж билан боғлиқ макон ва замон ҳаракати тўхтатиб қўйилади. Бу нарса бадий замоннинг ягона оқимдаги ва фақат илгариланма йўналишдаги давомий вақт эмаслиги, унинг қисмларга бўлинган, қисмлардан бири илгариланма, бошқаси эса ретроспектив, яъни ўтмишга йўналтирилган бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Бинобарин, хронологик номувофиқлик қонунияти талабларига биноан, асосий макон ва замон тасвири тўхтатиб қўйилади. У фақат бахши ва тингловчи тасаввуридагина давом этади, холос. Авазхоннинг Балоба тоғига, ундан Балоба ёрдамида Эрам боғига қилган сафаридан иборат воқеалар кечаётган вақт достонда етакчи эпик замонга айлангач, парилар ҳамда Гаждумхоннинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги баён тўхтатиб қўйилади. Умуман, достондаги концептуал вақтнинг амалга ошиши учун эпик тасвир вақти фақат тасаввурдагина давом этади.

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Фольклор и действительность. –М.:Наука, 1976. –С.90-93.



Оға Юнус пари, Мисқол пари ва Гаждумхонлар саргузашти кечган эпик вақт билан Авазхоннинг саргузашти учун кетган эпик вақт ўртасида мантиқий номувофиқлик мавжуддек туюлади. Чунки дostonда куйланишича, Авазхоннинг Чамбилдан Эрам боғига етиб бориши учун атиги қирқ кун муддат сарфланади. Қирқинчи куниёқ у хароб чордевор ичида инграниб ётган Гаждумхонни топиб олади. Бироқ унинг Авазхонга шикоят қилишича, Гўрўғлига хиёнат қилганлиги учун парилар унинг кўзини ўйишиб, ўзини хароба ичига ташлаб кетишади. Ҳар уч-тўрт кунда париларнинг канизлари келишиб уни тепкилашиб, озиқ - овқат ташлаб кетишади унга бўлган бундай муомала халқ эстетикасининг ватан хиёнаткорларига, дўст-ёрларга садоқат билан хизмат қила олмаган шахсларга бўлган муносабатдир. Чунки халқ ижодида ўртамиёна баҳо йўқ, халқ эстетикасида инсонга хос ҳар қандай хислат ё салбий, ё ижобий жиҳатдан баҳоланади. Шу боис Гаждумхон умуман эпик тасвирдан, демакки, дostonдаги эпик макон ва замондан соқит қилинган. Авазхоннинг уни топиб олиши тасвири эса хиёнатчининг қисмати билан тингловчини таништириб ўтиш вазифасини ўтайди. Энди дostonдаги барча воқеалар кечган умумий вақт - концептуал замонга келсак, асардаги барча воқеалар тасвири учун сарфланган умумий вақт тахминан саккиз ойга яқин муддатни ташкил этади.

Шундай экан, ана шу концептуал вақтнинг Гаждумхон ва Авазхон хатти-ҳаракатига тақсимланиши бир хил эмаслиги кўзга ташланади.

Маълумки, Авазхон Бало ёрдамида Эрам боғидан тўрт тошлик масофага қирқ кунда етиб келади. Ўша ондаёқ у оҳ - нола чекиб ётган Гаждумхонни топиб олади. Дostonда тасвирланишича, Гаждумхон

мана шу ҳолатда бир неча ойдан буён ётган бўлади. Демак, ягона концептуал замон Авазхон учун қирқ кунни, Гаждумхон учун бир неча ойлик муддатга тўғри келади. Бу нарса романик дostonлардаги эпик замоннинг персонажлар ўртасидаги тақсимланишидаги мантикий номувофиқликни ташкил этмайди. Чунки асардаги замон бадий-руҳий (перцептуал) замондан иборат. Бадий-руҳий замон эса персонажлардан бири учун чўзилса, бошқаси учун қисқариш хусусиятига эга. Бироқ бахши ҳам, тингловчи ҳам бундай ҳолатни бадий шартлилик қонунияти асосида одатдагидек қабул қилаверади.

Достон воқеалари Авазхоннинг “Отам Гўрўғли вафот этди” деб айтган ёлғон ҳийласи орқали Юнус ва Мисқол париларнинг, Гиротнинг Чамбилга қайтиб келишлари билан якунланади.

Достоннинг қисқача мазмунидан англашиладики, романик дostonларда концептуал замон етакчилик қилади. Концептуал замон эса руҳий-бадий замон(перцептуал замон) орқали амалга ошди. Эпик замонни тадқиқотчи ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда турлича нуқтаи назардан тасниф этиши ва ўрганиши мумкин. Масалан, эпик макон ва замон ҳамма вақт қаҳрамон фаолияти билан боғлиқ ҳолда амал қилар экан, демак, ўрни-ўрни билан унинг душманлари фаолияти акс ётган воқеалар тасвирида эпик замон фокуси қаҳрамондан ўзга объектга ҳам қаратилиши мумкин. Бундай ҳолларда эпик замон фаол ва нофаол вақтга бўлиниб кетади. Фаол вақт тасвир фокусидagi вақтдан иборат бўлса, нофаол вақт баёни тўхтатилган воқеалар вақтидан иборат. «Балогардон» дostonида концептуал вақт Юнус пари, Мисқол пари ва Гаждумхонлар билан боғлиқ воқеалар уларнинг Бало тоғидан ошиб ўтишларидан кейин вақтинча

тўхтатилади, улар фақат бахши ҳамда тингловчи тасаввурида ҳаракатланадилар. Шу боис баёндаги эпик вақтнинг улар билан боғлиқ исми нофаол вақтни ташкил этади. Тасвир фокуси Авазхон билан алоқадор воқеалар кечган вақт эса фаол вақт ҳисобланади.

Бундан ташқари, романик дostonлар тасвиридаги эпик вақт ўз табиатига кўра оддий ва муболағали каби турларга ажралади. «Балогардон» дostonи мисолида кўрадиган бўлсак, Авазхоннинг Бало тоғига қирқ кеча-кундуз мобайнида машаққат чекиб етиб келиши оддий эпик вақт бўлса, унинг Бало тоғи билан Эрам боғи ўртасидаги тўрт юз эллик йиллик масофани босиб ўтиши муболағали вақтни ташкил этади.

Дostonдаги муболағали вақтнинг вазифаси эпик қаҳрамоннинг оддий инсон умри етмайдиган оғир вазифани уддалай олишини намойиш этиш орқали уни идеаллашти-ришдан иборат. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Умуман, халқ эпосига ва дostonларидаги эпик макон ва эпик замон муносабатларига диққат қилинса, ҳамма вақт эпик замоннинг эпик маконга нисбатан фаоллик қилганлигини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам эпик макон барқарор ва ўзгармас мақомга эга. Эпик замон эса шу даражада фаолки, ҳатто у маконлар ўртасидаги, шунингдек, воқеалар кечиши учун сарфланган вақтлар ўлчови вазифасини ҳам адо этади. Қаҳрамоннинг қирқ кеча-кундуз йўл босиши, уч кеча-кундуз жанг қилиши ёхуд иккита эпик макон ўртасидаги масофанинг тўрт юз эллик йиллик йўл эканлиги каби мисоллар ҳам эпик замоннинг эпосда етакчи ўлчов бирлиги вазифасини адо этишини тасдиқлайди.

Романик дostonлардаги эпик вақтни қаҳрамонларнинг ёш хусусиятларига нисбатан ҳам тасниф этиш мумкин. Масалан,

қахрамоннинг болалик ёки қарилык даври. Бирок бундай тасниф категориал эстетик аҳамият касб этмайди. Чунки айрим романик достонларда қахрамонларнинг болалик даври умумий тарздагина қайд этилса, айрим достонларда бундай вақт умуман тилга олинмайди.

Романик достонлардаги эпик вақтни бошқа аспектда ҳам тасниф этиш мумкин. Масалан, тақиқланган ёки тақиқланмаган вақт. Тақиқланган вақтда қахрамон маълум бир муддат у ёки бу иш ёхуд вазифани адо этишдан маҳрум бўлади. Тўғрироғи, унга бирор муддат муайян бир вазифани адо этиш тақиқланган бўлади. Эпосда вақтнинг тақиқланиши изчил эстетик вазифа адо этиши лозим. Чунки бесабаб эпик вақт тақиқ доирасига тушиб қолмайди.

Худди шундай функционал эпик вақт намунасини биз «Малика айёр» достонида учратамиз. Кунлардан бир куни Гўрўғли султон асранди фарзандлари ва қирқ йигити билан базм қуриб ўтириб, Шакар кўлига бориб, ов овлаб келиб, қирқ йигитига чулон беришни мақсад қилади ва Соқибулбулни чақириб, ғиротни эгарлаб, чоқлаб олиб келишни буюради. Ана шу пайтлар Сафар ойи бўлиб, бу ойда ҳеч ким сафарга чиқмаслиги лозим эди. Бу ойда сафар қилган кимса бирор фалокатга йўлиқади, деган ақида юради. Шу сабабли Соқибулбул Гўрўғлига мурожаат этиб, Сафар ойида овга чиқмасликни маслаҳат беради: «Сафар ойида ўн саккиз пайғамбар сафар қилди. Ўн саккиз пайғамбар ҳам сафар қилиб, йўлдан омон келган эмас. Амир Ҳамза бул ойда сафар қилди. Ухуд тоғида шаҳид бўлди. Аюб пайғамбар сафар қилди, танига қурт тушди. Зикриё пайғамбар сафар қилди, бошига ари келди. Яҳё пайғамбар сафар қилди, ул киши ёш ўлди. Шундай азизлар Сафар ойида сафар қилиб,

омон келган эмас. Шундай одамлар омон келмаганда, сенинг (ҳаддингми) бу сафар ойида сафар қилиб омон келмак? - деди»<sup>1</sup>.

Гўрўғли Соқибулбулнинг маслаҳатига қулоқ солмайди. Ниҳоят, Шакар кўлига бориб, Малика айёрга дучор бўлади. Бу учрашув эса ўзи ҳамда Авазхон бошига қанча савдоларни солади. Мана шу фактдан маълум бўлиб турибдики, дoston бошидаги тақиқланган вақт асар сюжети учун зарур бўлган эпик тугунлик вазифасини ўтаган. Демак, мусулмон дунёсида сафар, жангу жадал олиб бориш тақиқланган вақт мазкур дostonда сюжет воқеалари учун эпик тугунлик вазифасини адо этмоқда.

Тақиқланган эпик вақтда қаҳрамон бошига ташвиш ортишини билган ҳолда бу вақтдаги тақиқнинг бузилиши аслида сеҳрли эртаклар учун хос бўлган эпик усулдир. Бу нарса, ўз навбатида, эртак поэтикаси учун ҳам, романик дostonлар поэтикаси учун ҳам сюжет ривожини учун зарур бўлган эпик тугуннинг вужудга келишини асословчи сабаб вазифасини ўтайди.

Тақиқланмаган вақтда эса қаҳрамоннинг маълум бир муддатда муайян вазифаларни адо этиши шарт бўлади. Шунинг учун у ана шу вақтда, албатта, бирор ишни бажариши шарт ҳисобланади. Масалан, «Малика айёр» дostonида Шозаргар қирқ кун муҳлат ичида Маликага олтиндан ҳаракатланувчи шер ясаб бериши шарт бўлган. Белгиланган вақт ичида қаҳрамоннинг маълум бир шартни адо этиши, яъни ана шу вақтнинг маҳсулдор бўлиши асар воқеалари ривожини тезлаштиради, уларга ҳаракат бағишлайди.

Хуллас, романик дostonлардаги эпик замон табиати, унинг турлича назардан тасниф этилиши ва тасниф этилган вақтнинг ҳар бир турига хос ғоявий-эстетик вазифалари ҳақида эпосшунослигимизда ҳозирга қадар эътиборли ягона қараш мавжуд эмас. Ўзга халқлар эпосшунослигида, айниқса, рус эпосшунослигида бундай йўналишдаги ишлар анчагина. Масалан, В.Я.Пропп халқ эртакларидаги эпик вақт ҳақида жуда қимматли фикрлар билдирган

---

<sup>1</sup> Малика айёр. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик.-Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. -Б.6.

бўлса<sup>1</sup>, Б.Н.Путилов эса эпик вақтни бир неча аспектда ўрганиш мумкинлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Унинг фикрича, эпик вақтни қуйидаги аспектларда тадқиқ этиш мумкин.

1. Баёний вақт (повествовательное время) - бахшининг ижро этаётган воқеалар учун сарфланган вақтлар мажмуига нисбатан муносабатини ифодаловчи вақт.

2. Сюжет вақти - сюжет воқеалари, персонажлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олувчи, яъни асар сюжетини ташкил этган воқеалар учун сарфланган вақт.

3. Эпохал вақт - эпосда акс этган у ёки бу давр<sup>1</sup>.

Албатта, Б.Н.Путилов таклиф этган уч аспект ҳам эпосшунослик учун катта назарий умумлашмалар бериши шубҳасиз. Бироқ бундай тадқиқотлар умуммиллий эпос миқёсида олиб борилгандагина кутилган натижаларни бериши мумкин. Биз ушбу тадқиқотимизда ўзбек халқ эпосининг бир типи - романик дostonлардаги сюжет вақтига хос хусусиятлар ҳақида тўхталамиз холос.

Халқ дostonларидаги сюжет вақтини тадқиқэтишда икки хил замоннинг ўзаро кесишишини назардан қочирмаслик керак бўлади. Биринчиси - дoston сюжетини ташкил этувчи воқеаларнинг кечиши учун сарфланган умумий вақт ва ана шу орқали илгари сурилган халқ ғоясини аниқлаш. Эпосшуносликда, шунингдек, адабиётшуносликда бундай вақт концептуал вақт деб юритилади. Иккинчиси - сюжет воқеаларининг кечишида қахрамоннинг руҳий-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Морфология сказки. Изд-е 2-е. -М.: Наука. 1969. -С. 14-56.

<sup>2</sup> Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность, - Л.: Наука. 1988. - С.33-44.

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Юқорида кырсатилган асар.- 33-34-бетлар.

бадийи вақти. Бундай вақт эса перцептуал вақт деб юритилади<sup>2</sup>. Халқ эпосидаги эпик замон моҳияти мана шу икки типдаги вақтнинг бевосита кесишмасида тўлиқ очилади. Бу нарсани «Малика айёр» достони сюжетидаги концептуал вақт ҳамда перцептуал вақт муносабати мисолида бевосита кузатиш мумкин.

Соқибулбулнинг маслаҳатига қулоқ солмай овга чиққан Гўрўғли Шакарқўлда пайдо бўлган кўрғонда Малика айёрни кўради. Малика ўзининг насл-насаби, яшаш макони ҳақида хабар бериб, каптар қиёфасида учиб кетади. Маликанинг айтишича, у Торкистон мамлакатининг подишоҳи Қосимхоннинг қизи бўлиб, Чамбил билан унинг мамлакати ўртасидаги масофа, Гиротни қистаб юрганда, олтмиш йиллик йўл эди.

Масофанинг олтмиш йиллик йўл эканлиги достонда бажарилиши зарур бўлган юмуш учун сарфланадиган вақтни ташкил этади. Бироқ бу муддат ҳали асардаги концептуал вақтни ташкил этмайди. Чунки олтмиш йиллик йўл фақат Торкистонга бориш учун зарур вақт холос. Шу боис Фозил шоир Гўрўғли тилидан достондаги концептуал вақтни тўлиқ баён этишни мақсад қилади ва унинг ўз оғзи билан асардаги бош мақсадни бажариши учун сарфланадиган вақтни очик айттиради: «Гўрўғли: - Ҳов Авазхон, Малика айёр пари менга: «Қистаб борсанг, олтмиш йилда борасан», деб эди. Сен олтмиш йилда борсанг, олтмиш йилда келсанг, орадан юз йигирма йил ўтар экан, узоқ йўл эмасми, бориб олтмиш йил шу юртга турсанг, орадан юз саксон йил ўтади. Ундан кейин иккаламизнинг умримиз бу

---

<sup>2</sup> Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. - М.: Высшая школа, 1979. – С. 13-34; Мейлах Б.С. Проблемы ритма, пространства и времени в комплексном изучении творчества ГФРитм, пространство и время в литературе и искусстве». –Л.: Наука, 1974; Рейхенбах Г. Направление времени. – М.,1962; Турсунов Е.Д. Художественное время и пространство в айтыс //Традиции и новаторство в художественном освоении действительности. -Алма-Ата: Наука, 1981. - С. 34-51.

юришга етмай, бир хотин оламиз деб, йўлда сарсон бўлиб ўтиб кетар экан»<sup>1</sup>. Юқоридаги Гўрўғлининг сўзларидан маълум бўладики, дostonда қаҳрамон томонидан бажариладиган асосий иш учун бир юз саксон йил вақт керак бўлар экан. Демак, ана шу бир юз саксон йил асар учун концептуал вақт ҳисобланади. Романик дostonларда концептуал вақтнинг бу қадар муболағали олиниши, бир томондан, мазкур тип дostonларнинг макон ва замон каби эстетик категорияларни афсона, эртак каби жанрлардан мерос қилиб олганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, макон ва замон нуқтаи назардан ўта муболағали вақтни қаҳрамон ундан қисқарок вақт оралиғида бажариши романик эпос эстетик тамойилларига кўра қаҳрамонга хос уддабуронлик, қудрат ва жасоратни идеаллаштириш воситаси ҳамдир. Мана шунинг учун Авазхон бориши лозим бўлган масофа узок, у адо этадиган вазифа оғир эди.

Романик дostonларга хос эстетик тамойиллар ўта муболағали, гротескли бўлмасин, бироқ халқ бахшилари ҳамма вақт имкони бориша тасвирда тингловчини ишонтирадиган йўлни топадилар. Бир юз саксон йиллик сафарга бел боғлаган Авазхон бу оғир вазифани адо этишга дадил киришади. Халқнинг идеалини ифодаловчи қаҳрамоннинг бундан ўзга чораси ҳам йўқ, унинг бундан-да енгилроқ йўлни ахтаришга маънавий ҳаққи ҳам йўқ. Лекин асарда бир юз саксон йиллик воқеаларни тасвирлаш, тасвирланган узундан-узок воқеаларни тингловчи аудиториянинг бўлмаслиги ҳам аниқ. Қолаверса, қаҳрамоннинг умри бу сафарга етмаслиги ҳам маълум. Шу боис Гўрўғли Авазхондан сафардан қайтиш муҳлатини сўрайди. У эса Торкистондан қайтар муҳлати ўн олти ой эканлигини айтади.

---

<sup>1</sup> Малика айёр.-14-бет.



Бир юз саксон йиллик масофа ўн олти ойга тушиб қолади. Достонда мана шу жойдан бошлаб перцептуал (рухий-бадий) замон бошланади. Перцептуал вақт эса эпик воқеалар баёнини ҳаётий мантиқ талабларига яқинлаштиради, унга нисбатан тингловчининг ишончини оширади.

Перцептуал вақтнинг майда қисмларга бўлиниши ва уларнинг ҳар бир бўлаги қаҳрамон фаолиятининг маълум бир даврини акс эттириши сюжет воқеаларининг муайян оқими ҳақида тингловчига бадий ахборот бериб боришга хизмат қилади. Масалан, Авазхон Гўрўғли ва бошқа яқинлари билан хайрлашиб йўлга тушади, уч кеча-кундуздан кейин Полопон тоғига етиб келади. Бу ерда уни Аҳмад сардор юборган Асад, Шодмон мерганлар кутиб оладилар. Улар Авазхонни ўлдиролмай, у билан сафарни давом эттиришга мажбур бўладилар.

Мана шундан кейин улар қирқ кеча-кундуз йўл тортиб, Очгаза Дарбанд тоғига етиб келадилар. Бу ердаги тўсиқларни енгиб, улар яна қирқ кеча-кундуз йўл тортиб, Белдос деган бир қирга етиб келадилар. Мана шундан кейин Япроқ дев бир тилсимот ўқиб, Авазхон ва икки мерганни учта олма, уларнинг учта отини учта тўрғай қилиб, қўйнига солиб, йигирма кунда йигирма йиллик масофага олиб бориб қўяди.

Бу ерда Қизил дев уларни олмага, отларини тўрғайга айлантириб, ўн тўрт кун парвоз қилиб, ўн тўрт йиллик йўлга олиб бориб қўяди. Қалайи кўрғонда Авазхон ва ҳамроҳлари Шоқаландар билан Шозаргарларга дуч келадилар. Улар ҳам Авазхон, унинг ҳамроҳлари ҳамда отларини учта олма, учта тўрғайга айлантириб, йигирма беш кеча-кундуз йўл юриб, кўклам тоғига етиб келадилар. Шундан сўнг улар Шодмон, Асад мерганларни Кўкламтоғда

қолдириб, қирқ кеча-кундуз муҳлатда қайтамиз, деб Торкистонга жўнайдилар. Торкистонда ҳам қирқ кеча-кундуз бўлишиб, хийла билан Маликани олишиб орқага қайтишади. Қаҳрамонларнинг ортига қайтишдаги муддатлари батафсил айтилмайди. Шундан маълум бўладики, улар қанча йиллик йўл босган бўлсалар, ана шу муддатдаги масофани жангу жадал билан босишиб, ўз манзилларига етиб келадилар.

Муҳими шундаки, муболағали концептуал вақтни эпос қаҳрамонлари майда-майда бўлақларга бўлинган перцептуал вақт ичида босиб ўтиб, ниҳоят ўз мақсадларига етишадилар. Шу боис перцептуал вақт аниқ ҳисоблашларга берилмайдиган, аммо концептуал вақт ичида амал қилувчи эпик вақт ҳисобланади. Концептуал вақт муддатини эса қаҳрамонлар дев ёки бошқа мифик образлар ёрдамида қисқартирадилар. Улар ёрдамида узоқ масофалар қисқаради, масофанинг қисқариши эса эпик вақтнинг қисқаришига олиб келади.

Хуллас, романик достонлардаги эпик вақт концептуал ҳамда перцептуал вақтдан ташкил топади. Перцептуал вақт қаҳрамонлар фаолияти ёрдамида бошқарилиб борилади. Достонда қаҳрамон олдига қўйилган вазифанинг бажарилиши эса концептуал вақтнинг миқёсини белгилайди. Бу нарсани романик достонларнинг барчасидаги эпик вақт таҳлили тўла тасдиқлайди.

Руҳий-бадий (перцептуал) замон муайян бўлақларга бўлиниши, бу бўлақлар эса ҳам илгариланма, ҳам ўтмишга қайтиши билан реал замондан фарқланади. Реал замоннинг чексиз илгариланма ҳаракати ва яхлитлиги бадий замоннинг алоҳидалигини, ўзига хослигини ўрганишда мезонлик вазифасини ўтайди.

Эпик замонга хос муҳим хусусиятлардан яна бири шундаки, халқ дostonларида ҳамма вақт идеал вақт тасвирланади. Унда реал вақтдагидек йил фаслларга бўлинмайди. Шу боис романик дostonларда қиш ёки куз фасллари, бу фаслларга хос ёмғир, қор ёғиши, қаттиқ совуқ бўлиши каби тасвирлар учрамайди. Идеал замон ҳамма вақт қаҳрамон учун фаслий мувофиқликда хизмат қилади. Сафар чоғида унинг йўлида учрайдиган, у қўниб ўтадиган чорбоғлар гуллаган, булбул ва кумрилар сайраган, чашмалар оқиб ётган, мевалар пишиб тагига тушиб ётган бўлади. Эпосда ҳамма ёқни қор босган, булоқлар музлаган, боғлар хазонга кўмилган ҳолда тасвирланмайди. Халқ эпоси замон доирасининг қиш ва куз фаслини ўзининг эстетик талабларидан ташқарида деб билади. Демак, романик дostonлар эстетикаси идеал эпик замон ва маконни билади.

Романик дostonлардаги бадиий замон ва унга хос хусусиятларни ўрганишда қуйидагича меъёрий ҳамда мезоний тушунчаларга эътибор бериш, уларни бир-бирлари билан чалкаштириб юбориш мумкин эмас. Бизнингча, улардан муҳимлари қуйидагилардан иборат: концептуал вақт асар воқеаларининг бошланишидан якунигача бўлган умумий вақтни ифодалайди. Концептуал вақт дostonда қаҳрамон олдига қўйилган вазифанинг бажарилиши билан якунланади. Перцептуал вақт эса дostonда тасвирланган воқеалар, вазиятлар ва ҳолатларнинг кечиши учун сарфланган вақтлар йиғиндисидан ташкил топади. Бундан ташқари, перцептуал замон - асар персонажларининг руҳий ҳолатлари, кечинмалари, кўрган тушлари кабилар билан боғлиқ кечувчи вақт. Бевосита перцептуал вақт воситасида асар сюжетининг эпик тугуни, воқеалар ривожини ва ечими таъминланади, тасвирда диахроник ҳамда синхроник нигоҳ

амал қилади. Сюжетда ретроспектив, ассоциатив тасвир асарга ҳиссий куч бағишлайди; образлар руҳий дунёси ва кечинмаларини таъсирчан ифодалашга имкон туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, бадий замон халқ эпосида ҳам, ёзма адабиётда ҳам мавжуд. Бироқ бадий сўз санъатининг ҳар икки шаклидаги бадий замоннинг ўзига хос хусусиятлари бор. Агар халқ эртак ва достонларида бадий замон асар Қаҳрамонларининг эзгулик йўлидаги курашла-

рининг мутлақ ғалабаларини таъминлаш учун хизмат қилса, реалистик адабиётда бадий замон асар қаҳрамонларининг ғалабаси билан ҳам, уларнинг муваффақиятсизликлари ва фожели қисматларини акс эттиришга ҳам хизмат қилиши мумкин. Бу нарса реалистик адабиётдаги бадий замон, унинг йўналиши ва оқими ижодкорнинг ғоявий-бадий мақсади, танланган ва тасвирга тортилган воқеаларнинг реал воқелик билан шартланганлиги, мантиқий ривож билан боғлиқ ҳолда кечади.

Романик достонлардаги бадий замон идеал замон сифатида доим халқнинг яхшилик, дўстлик, озодлик, соф севги ва садоқат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби олийжаноб ғоялари учун хизмат қилади.

Ўзбек халқ достонларидаги эпик макон ва замон ҳақида мазкур бобда билдирилган мулоҳазаларимиз юзасидан қуйидагича хулосаларга келдик.

1. Романик достонлардаги эпик макон эпик замон билан диалектик алоқадорликда амал қилади. Ушбу алоқада эпик замон нисбатан фаолроқ бўлиб, у эпик маконлар ўртасидаги масофалар ўлчови вазифасини ўтайди.

2. Романик дostonлардаги маконлар соф эпик характерга эга бўлиб, улардан аниқ тарихийлик изларини қидириб бўлмайди. Эпик маконлар икки хил асосда шаклланадилар: а) эпик анъана орқали шаклланган маконлар. Масалан: Чамбил, Боғи Эрам, Кўҳи Қоф, Зангар, Балхувон, Торкистон кабилар. Бу хилдаги маконлар барқарор анъаналар орқали бахшилардан бахшиларга ўтиб келади; б) иждокорларнинг ўзи яшаётган географик муҳит, уларнинг дунёқараши билан боғлиқ маконлар. Масалан: Тошкент, Чимкент, Оқтош, Самарқанд кабилар. Бу хилдаги эпик маконлар, гарчи тарихан конкрет номланишга эга бўлсалар ҳам, бироқ улар романик дostonлар сюжетига киритилгач, ўзларининг аниқ тарихийлик характерларини йўқотиб, соф эпик маконга айланадилар.

3. Романик дostonлардаги эпик маконлар иккита эстетик мезон асосида асар сюжетида ўрин оладилар. Бу мезонлар эса соф шартлилик ва функциядошликдан иборат. Романик дostonлардаги эпик маконлар аниқ бирор вазифа адо этмасалар ёки шартли табиатга эга бўлмасалар, асар сюжетида барқарор ўрин ололмайдилар ва эпик анъана орқали оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтмайдилар.

4. Романик дostonлардаги эпик замон концептуал ва перцептуал каби икки қисмдан ташкил топади. Ҳар икки типдаги эпик замон бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар алоҳида-алоҳида ҳолда амал қила олмайдилар. Концептуал вақт ҳам, перцептуал вақт ҳам эпик идеал доирасида воқе бўлади.

5. Романик дostonларда эпик макон ўз ва ўзга маконларга бўлинадилар. Эпик маконнинг ўз ва ўзга маконларга бўлиниши романик дostonлар конфликтлари ҳамда сюжети воқеалари билан алоқадорликда вужудга келган.

Хуллас, ўзбек халқ романик ҳамда бошқа типдаги достонлардаги эпик замон табиати, унинг эпик макон ҳамда реал замонга бўлган муносабатлари келгусида махсус тадқиқ этилиши зарур бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

## **РОМАНИК ДОСТОНЛАРДА ЭПИК ҚАҲРАМОНЛАР**

Халқ достонларини эпик қаҳрамонсиз, уларнинг фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки эпик ҳаёт - макон, замон, ижтимоий воқеалар бевосита қаҳрамон фаолияти орқали ташкил топади ва биз учун энг муҳими эпик моҳият қаҳрамон саргузаштлари туфайли намоён бўлади.

Ўзбек эпосшунослигида эпик қаҳрамон билан боғлиқ жуда кўп масалалар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Муродов, К.Имомов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимлар томонидан анча жиддий тадқиқ этилган. Шунга қарамай, романик достонлар қаҳрамонлари, уларнинг ижтимоий, мифологик табиати ҳақида алоҳида фикр юритадиган айрим масалалар борки, биз диссертациямизнинг мазкур бобида бевосита ана шулар ҳақида баҳс юритамиз.

Энг аввало шуни алоҳида қайд этиш лозимки, романик достонлар алоҳида олинган яққа қаҳрамонлар эпосидан иборат.

Бундай хусусият, айрим тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, Ўрта асрлар Марказий Осиё, Европа ва Кавказorti, Сибирь ва Узоқ Шарқ халқлари учун тарихий типологик ҳодиса ҳисобланади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам деярли ўзбек романик дostonларининг барчасида алоҳида олинган якка қаҳрамонларнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади, ҳатто бу дostonлар бевосита ана шу қаҳрамонларнинг исmlари, уларнинг фаолияти, саргузаштлари билан номланади. «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Ҳасанхон», «Муродхон», «Рустамхон», «Орзигул» «Балогардон», «Ширин билан Шакар», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши» кабилар бунинг ёрқин далилидир.

Умумхалқ эпоси доирасида бўлгани каби романик дostonлар қаҳрамонларида типиклик ва индивидуаллик масаласи фольклоршунослигимизда мутлақо кун тартибига қўйилмаган. Бунинг бош сабаби шундаки, кўпгина фольклоршунос ва адабиётшунослар наздида типиклашти-риш, индивидуаллаштириш масаласи фақат реалистик ижод типи учун хос ҳодиса бўлиб, бу масалани халқ эпосига, хусусан, романик дostonлар қаҳрамонларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Юзаки олиб ҳаралса, бу нарса ҳақиқатга ўхшаб кетади. Лекин жиддийроқ ёндашилса, халқ эпоси қаҳрамонларида ҳам образ яратишнинг умумий эстетик қонунияти бўлмиш типиклаштириш ва индивидуаллаштириш ўзига хос тарзда, ўзига хос даражада амал қилишини эътироф этиш керак бўлади. Типиклаштириш ва индивидуаллаштиришнинг халқ эпосига хос даража ҳамда тарзини ҳисобга олган ҳолда қуйида биз ана шу масала хусусида ўз кузатиш ва хулосаларимизни баён этамиз.

Халқ ижодига хос коллектив бадиий тафаккур тарзи образни

<sup>1</sup> Ричард Нельсон Фрай. Наследие Ирана. –М.: Наука, 1972. –С.58-61

индивидуал идрок этишдан фарқли ўлароқ уни коллективнинг идеаллари асосида типиклаштиради. Бу идеаллар эса образни ўта кенг миқёсдаги типиклаштиришга олиб келади. Шу боис халқ эпосида типиклаштиришнинг миқёси ўзига хослик касб этади.

Сюжетнинг соф бадиий тўқимадан иборатлиги, ана шу тўқима воқеалар моҳиятида ифодаланган олийжаноб ғоялар қамрови халқ эпосидаги типиклаштириш мезонини ташкил этади. Ривожланган феодализм даврида вужудга келган романик достонлар қаҳрамонлари жамиятнинг олий табақасидан келиб чиққан типлар сифатида тасвирланади. Қаҳрамонларнинг бундай ижтимоий келиб чиқишлари уларнинг ана шу шароитда барча қийин юмушларни уддалай олишларига кафолат беради. Бу эса романик достонлар қаҳрамонларининг халқ идеали доирасида типиклаштирилган тасвиридан иборатлигини тасдиқлайди. Шу боис улар достонларда барча характер хислатлари шаклланган тайёр типлар сифатида туғиладилар ва асар давомида ўзларининг хислатларини барқарор сақлаб қоладилар. Романик достонлардаги типларнинг туғилган чоғларидаёқ ким бўлишлари, қандай улкан ва улуғвор ишларни амалга оширишлари аниқ белгиланган бўлади. Улар, кўп ҳолларда, ғайри табиий тарзда туғиладилар, ўсиб-улғайишлари, тарбия олишлари ҳам тез ва ўзига хос равишда амалга ошади. Уларнинг аксарияти эса жуда ёш пайтларидаёқ (олти-етти ёшларидаёқ) илк жасоратларини намоиш этадилар.

Ўз ватанига, ёрига муҳаббат ва садоқат, адолат ва озодлик учун курашга камарбасталик, жасорат ва мардликка интилиш, дўстлик ва софлик учун курашиш каби олийжаноб идеаллар доирасида типиклаштириш романик достонларга хос образ яратишнинг ёрқин намунасини ташкил этади.

Ўзбек халқ эпосига хос типиклаштиришнинг бундай мезони ва хусусияти ҳақида проф. Ҳ.Т.Зарифов бундан анча муқаддам алоҳида тўхталиб ўтган эди...<sup>1</sup> Қолаверса, реалистик типиклаштиришга қарама-қарши ўлароқ фольклорга хос типиклаштиришнинг мавжудлиги, унинг турли жанрларда турлича воқе бўлиши ҳақида рус

<sup>1</sup> Зарифов Х.Т. К изучению узбекского народного эпоса // Вопросы изучения эпоса народов СССР. - М.: Наука, 1958. -С. 101-125.



фольклоршунослигида бир қанча мулоқазалар билдирилган-лиги бизга маълум<sup>2</sup>. Уларда ҳам халқ эпосига хос типиклаштириш асарда ифодаланган улуғвор ғоялар қамрови билан белгиланган халқ идеали доирасида амал қилиши кўрсатилган. Мана шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам романик дostonлар қаҳрамонлари халқнинг юксак идеаллари асосида типиклаштирилади, шу боис улар ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан аристократик табақага мансуб типлар сифатида тасвирланадилар, деган хулосага келдик. Чунки ҳали коллективдан шахс алоҳида ажралиб чиқмаган бир пайтда омма ва шахснинг идеали бир бўлиши аниқ. Бинобарин, шахс учун коллектив жасорати норма бўлса, коллектив учун шахс жасорати ҳам норма ҳисобланади.

Ўзбек романик дostonларидаги Гўрўғли, Кунтуғмиш, Муродхон, Рустамхон, Орзигул каби типлар ана шулар жумласидандир. Улар адабиётдагидек аниқ ва бетакрор деталлар орқали тасвирланмайди. Бундан кал, кўса, мастон ва айрим канизаклар (масалан, Оққиз) каби анъанавий образлар мустасно. Бундай образлар комик вазиятлар яратиш мақсадида ташқи қиёфа, хатти-ҳаракат, нутқларидаги ўзига хослик билан тасвирланадилар. Масалан, «Равшан» дostonидаги кампир яланг оёқ тиканларни писанд қилмай босиб кетаверади ва «р» товушини «й» тарзида талаффуз қилади. Аммо романик дostonлардаги етакчи қаҳрамонлар эса энг юксак идеаллар нуқтаи назаридан тасвирланганликлари сабабли уларнинг индивидуал-лаштирилишлари ҳам нисбатан кенгроқ миқёсларда амалга оширилган.

<sup>2</sup> Русское народное поэтическое творчество ГПод. редакцией П.Г.Богатырова. - М.: Учпедгиз, 1956. -С. 187-191;

Гусев В.Е. Эстетика фольклора. - Л.: Наука.-1967. - С.221, 233, 245.

Гўрўғли - эпик мамлакат ҳукмдори, аммо турли юмушларни фарзандлари, қирқ йигити билан кенгашиб, уларнинг маслаҳатлари билан адо этади. У - кучли, довюрак, айёр ва турли қиёфаларга кира олиши, ҳамма вақт ҳазрати Хизир, чилтанлар томонидан муҳофаза қилиниши билан алоҳидалик касб этади. Бутун туркум давомида унинг ўрнини ҳеч ким ололмайди, ҳеч ким уни алмаштира олмайди. Мана шу хусусият қаҳрамоннинг романик эпос доирасидаги индивидуаллаштирилишини ташкил этади. Бундай ўзига хослик-алоҳидалик Аҳмад сардор, Авазхон, Ҳасанхон, Рустамхон, Асад ва Шодмон мерган каби образларнинг ҳар бирида кўзга ташланади.

Демак, романик эпос қаҳрамонлари тасвирида индивидуаллаштириш халқ эпоси эстетикаси талаб ва имкониятлари доирасида амал қилади; бундай индивидуаллаштиришни реалистик адабиётдаги индивиду-аллаштириш билан бир хил мезон ҳамда меъёрда ўлчаш ва баҳолаш мумкин эмас.

Маълумки, романик дostonлар классик эпос сирасига мансуб. Классик эпосга хос хусусиятлар ҳақида фикр юритганда шуни айтиш керакки, халқ эпоси тараққиётининг ушбу босқичида эл-юрт тинчлиги, давлат ва ҳокимият учун кураш, элатпарварлик руҳи кучлироқ акс этганлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади.

Дарҳақиқат, қаҳрамоннинг ҳукмрон табақадан танланиши феодализм жамият шароитида бу табақага мансуб кишиларда ҳар қандай ишни қила олиш имкониятининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Шунга қарамай, бу қаҳрамонлар халқнинг озодлик, адолат, жасурлик, меҳнатсеварлик, ватанга муҳаббат, дўстлик ва севгига садоқат каби юксак идеаллари учун курашадилар. Шунинг учун ҳам халқ эпосига хос типиклаштириш индивидуал идеал ўз ифодасини топган жамоа

идеали орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ романик дostonлари қаҳрамонларини типиклаштириш реалистик адабиётдаги типиклаштиришдан кескин фарқланади ва унинг соф ғоявий-эстетик мезонлари ривожланган феодализм даври талаб ҳамда эҳтиёжлари билан белгиланади.

Типиклаштириш образ яратишнинг қанчалик муҳим талабларидан саналса, индивидуаллаштириш ҳам бу жараённинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Индивидуаллаштиришнинг моҳияти образнинг бетакрор ўзига хослигини тасвирлашдан иборат. Мана шундан келиб чиқилса, романик эпоснинг барча қаҳрамонлари ўзларига хос ва бир-бирини такрорламайди. Гўрўғли-мард, жасур, ақлли ва тадбиркор; Чамбил учун, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун, фарзандлари ва йигитлари тақдири учун Ўз ҳаётини аямайдиган тип, айна пайтда у - ўжар тип. Унинг жуда кўп хислатлари романик дostonлар қаҳрамонлари билан типологик хусусиятга эга бўлса ҳам, бироқ эпос тингловчиси ижро пайтида уларнинг ҳар бирини алоҳида ва бетакрор тасаввур қилади.

Одатда, индивидуаллаштириш қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, нутқи ва бошқа хислатларини ажратиб тасвирлаш билан амалга оширилади. Халқ эпоси ҳам бундай хусусиятдан холи эмас. Аммо индивидуаллаштиришнинг бундай талаблари романик дostonларда ўзига хос тарзда амал қилади.

Энг аввало, шуни алоҳида қайд этиш керакки, романик дostonларда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфалари реалистик ифодаланиши, жамоа қизиқиши ва ҳуқуқий нормалари ўзини,

кучсизроқ бўлса-да, намоён эта бошлаши кабиларни проф. Б.Саримсоқов алоҳида қайд этиб ўтади<sup>1</sup>. Бу хилдаги типологик хусусиятлар романик дostonларда кўзга ёрқин ташланади. Биргина «Гўрўғли» дostonида уруғчилик билан давлатчилик ғоялари қоришик ҳолда ифодаланади. Масалан, Гўрўғли Ёвмитга, яъни ўз уруғдошлари хузурига келади ва Ёвмит мамлакати тахтига Урайхон вафотидан кейин ҳукмдор этиб тайинланади. Ҳазрати Хизир ва чилтанларнинг дуолари билан жума куни Ёвмит элида тепаликда Чамбил шаҳри барпо бўлади. Бу ерга қирқ уруғдан қирқ йигит келади, шаҳарнинг обод ва фаровонлиги сабабли кўплаб одамлар кўчиб келадилар, мана шундай қилиб адолатли эпик юртга Гўрўғли ҳукмдорлик қилади. Ушбу фактнинг ўзи кўрсатадики, мазкур эпос уруғчилик тартиботлари барҳам топиб, феодал давлатчилик тартиботлари қарор топган тарихий даврларда яратилган.

«Рустамхон» дostonида эса қаҳрамон Оқтош мамлакатининг подшоси Султонхон оиласида туғилган бўлса, «Орзигул» дostonида қаҳрамон Хосхона мамлакатада қорахон подшо ҳукмронлик қилган пайтда унинг оиласида туғилади. “Ширин билан Шакар” дostonи қаҳрамонлари эса қуёнқи шаҳрининг ҳукмдори Қосимхон ва унинг вазири оиласида дунёга келадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ биз учун энг муҳими шундаки, романик дostonлар қаҳрамонларининг деярли барчаси омманинг аристократик табақасида туғилдилар ва уларнинг доимий атрибутларида ҳокимиятга эгалик қилиш устунлик қилади. Масалан, Оқтош вилоятида Авалхон подшонинг оиласида дунёга келган Муродхон отаси ўлгандан кейин етим қолади, тахтга бошқа бир кишини

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б.И. “Алпомиш” эпоси ҳақида уч этюд //“Алпомиш” - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. –

кўтарадилар. Муродхоннинг подшозодалиги ҳамманинг эсидан чиқиб кетади. Бу орада Муродхон эр бўлиб етишади, подшо эса вафот этади. Ақобирлар давлат қушини учирадилар. қуш уч марта ҳам ўтин териб юрган Муродхоннинг бошига келиб қўнади. Уни подшо қилиб тахтга ўтказадилар.

Маълум бўладики, подшо тахтининг вориси подшозода деган феодал тузум қонун-қоидаси давлат қуши воситасида амал қилади. Асосан эртак жанридан халқ дostonларига ўтган ушбу мотив заминида ҳам феодал тузум тартиботлари ифодаланган. Чунки романик дoston қаҳрамонининг белгиловчи атрибути-ҳукмдорлик, юқорида кўриб ўтганимиз, типиклаштириш тамойиллари асосидаги танланиш орқали амалга оширилади.

Демак, романик дostonлар классик эпос намунаси бўлганликлари учун уларда ривожланган давлатчилик тартиботлари, қаҳрамонлари атрибутларида эса ҳукмдорлик сифатлари аниқ акс эттирилган.

Классик эпос аниқ хроника эмас, бинобарин, унинг ҳар бир қаҳрамони ўз эпик биографиясига эга. Аммо бу биографияни аниқ тарихий шахс биографиясига ҳам тенглаштириш мумкин эмас<sup>1</sup>. Эпик қаҳрамон яратишнинг бу тамойили барча халқлар эпосининг классик ривожланиш босқичи учун тарихий типологик ҳодисадир дейишга тўла асослар бор. Диққат қилинса, ўзбек романик дostonлари қаҳрамонлари ўз биографияларига эга ва бу биографиялар бадий тўқима характердаги воқеалар доирасида шаклланади. Шу боис уларнинг биографиясини аниқ тарихий воқеалардан излаш мумкин эмас.

Қаҳрамон ва эпик муҳит иштирокчилари бахшилар ва тингловчилар онгида реал қаҳрамонлардек тасаввур қилинсалар ҳам уларнинг фаолияти тарихий воқеалар ичида кечаётгандек тасвирланса ҳам, бироқ қаҳрамон ва у иштирок этадиган воқеалар, хронотоп реал воқелик моделидаги соф бадий тўқимадан иборат бўлиб қолаверади.

Романик дostonлар қаҳрамонлари генетик жиҳатдан ўзига нисбатан қадимийроқ бўлган эпик анъаналар асосида вужудга келганлар. Бу анъаналар эса халқ афсона, ривоят ва эртак жанрларида шаклланган. Маълум бўладики, романик дostonлар қаҳрамонлари мифология билан бевосита ворисийлик асосида эмас, балки билвосита ворисийликка эга. Агар романик дostonлар қаҳрамонлари мифология билан бевосита алоқадор бўлсалар, улар кучли, жасур ва эл-юрт бахти учун курашувчи оддий инсонлар эмас, балки ҳаётда у ёки бу нарсанинг илк кашфиётчиси ёки бошловчиси бўлган демиурглар (маданий қаҳрамонлар) сифатида талқин этилган бўлур эдилар. Бундай ҳолни биз Ўрта Осиё халқлари тарихида илк бор Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида учратамиз. Дарҳақиқат, Каюмарс одамларни илк бор қоронғу ғордан ёруғ жойларга кўчиради, уларни озиқ-овқат тайёрлаш ва пиширишга ўргатади. Ҳушанг эса оловни кашф этади, темирдан буюмлар яшашга, одамларни чорвачилик ва деққончилик билан шуғулланишга ўргатади. Таҳмурас одамларни девлар тажоввузидан қутқаради ва кишиларга ёзувни ўргатади. Шу боис унинг исмига «девбанд» эпитети қўшиб айтилади. Жамшид эса одамларни ҳайвонлар терисидан эмас, турли матолардан кийим кийишга, табобатга, кемасозликка ўргатади, эгар яшаш, бутун жамиятни қоҳинлар, қотиблар, деққонлар ва ҳунарманддар каби

---

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. –Л.: Наука, 1988.-С.114.

табақаларга ажратишга Ўргатади. Жамшид авлодидан бўлган Фаридун эса Заҳҳокни Демобенд тоғига занжирбанд қилиб, мамлакатни ёвуз куч тазйиқидан қутқаради ва мамлакатини уч ўғлига тақсимлаб беради. Масалан, Кичик Осиёни (Румни) ва ғарбни - Салмга, Чин ва Туронни - Турга, Эрон ва Арабистонни Иражга беради<sup>1</sup>.

Романик дostonлар Қаҳрамонлари эса бундай маданий қаҳрамонлар эмас, балки башарият эришган маданият меваларидан баҳраманд бўлган, барқарор ва ривожланган ижтимоий тузумда эл-юрт озодлиги, бахти ва фаровонлиги, севимли ёри йўлида баҳодирликлар кўрсатиб, ўз мақсадига етувчи ҳақиқий инсонлардан иборат. Уларни идеаллаштириш мақсадида халқ ижодкорлари бир томонга аниқ инсоний хислатлар, иккинчи томонга эса мифологик хислатлар бериб тасвирлайдилар. Шунинг учун ҳам романик дostonлар қаҳрамонларидан қадимги мифологик хислатларни, белги ва сифатларни қидириш ғайри илмий хулосаларга олиб келади.

Романик дostonлар қаҳрамонлари ғоявий-бадий жихатдан реал ҳаёт билан, халқнинг ижтимоий-ҳаётий тажрибасида туғилган идеал ғоялар билан чамбарчас боғлиқликда юзага келадилар ва яшайдилар. Шунинг учун романик дostonлар сюжети таркибидаги мифологик мотивлар эртак ёки нисбатан қадимийроқ эпик анъанага эга бўлган афсона ва ривоятлардан ўтиб ўзлашган.

Романик дostonлар қаҳрамонлари қаҳрамонлик эпоси қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ муайян халқ тақдири миқёсидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда иштирок этмайдилар, улар доим севги, халқ озодлиги, ватан мудофааси ёки феодал сарой билан

---

<sup>1</sup> Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. - М.: Наука, 1972. -С. 251.

боғлиқ турли-туман саргузаштларда иштирок этадилар, ўзларининг мардлиги, тадбиркорлиги, сабр-қаноати билан барча тўсиқларни енгиб, охир-оқибатда мурод-мақсадларига эришадилар. Худди мана шу хусусият романик эпос қаҳрамонларини қаҳрамонлик ёки тарихий эпос қаҳрамонларидан фарқлаб турадиган тарихий-типологик хусусият ҳисобланади.

Романик достонлар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари, яъни ахлоқий нормалари феодал тузум талабларига мос келиш баробарида умуминсоний моҳият касб этадилар. Чунки уларда патриархал ва феодал урф-одатлар билан алоқадор муайян уруғ ёки мамлакатга мансублик ва бу билан фахрланиш туйғулари, катталарга ҳурмат, йўлда дуч келиб қолинганда саломлашиш, нотаниш кишиларнинг бир-бирларини сўраб-суриштириш орқали танишиб олишлари, мансабга қараб муомала қилиш шакллари, хулласки, Ўрта Осиё халқларининг феодал жамиятга хос этикет нормалари ўз ифодасини топган. Эпос қаҳрамонлари ана шу мезонларга амал қилишнинг энг юксак намуналарини намоёйиш этадилар. Бироқ айрим ҳолларда улар ўзлари ҳақида душман юртига маълумот бериб қўймаслик учун онгли равишда этикет нормаларини бузадилар - ўзларининг кимликлари ва қайси юртдан келганликлари ҳақида нотўғри маълумот берадилар.

Ўзбек романик достонларида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ўта юксак даражадаги инсоний ахлоқ нормалари асосида тасвирланган. Ота-она хоҳиши ёки насиҳати фарзанд учун бажарилиши шарт ва муқаррар бўлган қонун ҳисобланган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Гўрўғли ва унинг асранди фарзандлари Авазхон, Ҳасанхонлар ўртасидаги муносабатни, «Рустамхон»



достонидаги Рустам ва онаси Хуройим ўртасидаги ҳавас қилса арзигулик муносабатни кўрсатиш мумкин.

Романик дostonлар қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий нормаларида душманларга, хиёнаткор ва сотқинларга шафқатсиз бўлиш; дўстларга, камбағал ва ночорларга, ноҳақ хўрланганларга меҳр-шафқат кўрсатиш, олийҳимматлилик қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки эпос қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий нормалари аниқ, бир-бирига зид икки мезон билан белгиланади. Булар «ўзиники» ва «бегона» тамойилларидан иборат бўлиб, «ўзиники»га қаҳрамонга бевосита қарашли ва у симпатия билдирган барча персонажлар, «бегона»га эса қаҳрамонга душман ва унинг антипатиясига мансуб персонажлар тааллуқли. Шу боис романик дostonларда ўртамиёна ечим ва хулоса йўқ. Шунинг учун халқ дostonларида персонажларга бериладиган мукофот, уларга кўрсатиладиган илтифот ва марҳамат қай даражада юқори бўлса, этикет мезонларини бузган ёки ахлоқий нормаларга хилоф иш қилган персонажларга бериладиган жазо чоралари ҳам шу даражада қаттиқ ва шафқатсиз бўлади. Бунинг сабаби шундаки, эпик қаҳрамонлар моҳият эътибори билан эмпирик(соф ҳаётий кузатишлар) нормалар асосида эмас, балки эпик анъана, сюжет, эпик концепция талаблари асосида фаолият кўрсатадилар.

Хулоса қилиб айтганда, романик дostonлар қаҳрамонлари, бир томондан, ўзларида халқ руҳи ва миллий хусусиятларни мусаффо сақлаганликлари билан ўта ҳаётийлик касб этсалар, иккинчи томондан, улар эпик анъана ва эпосга хос муқобилликлари билан кучли шартлилик хусусиятига эгадирлар. Шу боис уларнинг таҳлилида индивидуал ёндашув икки хил типология доирасида иш

кўриш лозимлигини унутмаслик шарт.

Классик эпос намуналари сифатида романик дostonларнинг қаҳрамонлари ўз хислатларига мос ҳолда номланадилар. Бу номланиш маълум даражада шартли ва ҳеч қандай тарихий моҳиятга эга эмасдек туюлсалар ҳам, аслида романик дostonлардаги ҳар бир қаҳрамон исмининг ўз маъноси, ўз моҳияти ва ўзига хос эпик вазифаси бор. Масаланинг ана шу томонларини маълум даражада ёритиш мақсадида биз қуйида романик дostonлар қаҳрамонларининг номлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ўзбек халқ романик дostonлари сирасида «Гўрўғли» туркуми белгиловчи мавқе эгаллаганликлари сабабли дастлаб Гўрўғли номи ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Эпос қаҳрамонларининг исмлари, кўп ҳолларда, муайян эпик намуна ёки туркум дostonларнинг ғоявий-бадий моҳиятини белгилаб беради. Шунга қарамай эпосшунос-лигимизда эпик қаҳрамонларнинг номланиши, номланиш принциплари ҳақида бирорта ҳам илмий кузатиш ёки тадқиқотлар учрамайди.

Бизнинг ўзбек романик дostonлари қаҳрамонларининг исмлари юзасидан олиб борган кузатишларимиз эпик қаҳрамонларнинг номланишида ягона бирор қонуният йўқлигидан далолат беради. Шунга қарамай, романик дostonлар қаҳрамонларининг исмлари турли сабаб ва асосларда қўйилганлиги ҳақида баъзи хулосаларга келиш мумкин.

Халқ дostonлари фақат идеал қаҳрамонларга асосланганликлари учун уларнинг исмлари ҳам идеал мезонлар талабларига мос келишлари шарт. Бундай мезонлар эса, бизнингча, қуйидагилардан иборат.

1. Қаҳрамон исми соф мифологик тасаввурларга асосланади, аммо у антропонимик характер ва талқинга эга. «Гўрўғли» туркумидаги Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари кабилар бундай образларнинг ёрқин мисоли бўла олади.

2. Соф антропонимик характерга эга бўлган, аммо мифологик талқин қилинишга мойил қаҳрамонлар исмлари. Масалан, Малика айёр, Ҳасан кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Яқдаста кабилар.

3. Соф антропонимик талқин ва характерга эга бўлган, аммо ғайри табиий туғилиши туфайли уларнинг биографиясини мистификация қилиш анъанаси билан боғлиқ ҳолда қўйилган исмлар. Масалан: Гўрўғли каби.

4. Бошқа халқлар эпик анъанасида машҳур бўлган эпик қаҳрамонларнинг исмлари таъсирида номланган исмлар. Масалан, Рустамхон.

5. Халқнинг эзгу ниятлари, истаклари асосида номланган эпик қаҳрамонлар. Масалан: Муродхон, Орзигул, Интизор, Ширин, Шакар кабилар.

6. Қаҳрамоннинг мардлигини, шижоатини, касб-ҳунарини эпик метафоралаш асосида қўйилган исмлар. Масалан: Балогардон, Хушкелди, Шоқаландар, Шозаргар кабилар.

Юқоридаги қайдлардан маълум бўладигани, романик достонлар қаҳрамонларининг номланишида турлича сабаб ҳамда асослар мавжуд. Бу нарсани бевосита Гўрўғли исми ҳам тасдиқлайди.

Ўрта Осиё, Кавказorti ва Идил бўйларида яшовчи жуда кўп туркийзабон, шунингдек, туркий бўлмаган халқлар эпосида белгиловчи ўрин эгаллаб келаётган Гўрўғли ҳақидаги эпик туркум ва бу туркумнинг вужудга келиши ҳамда ривожини таъминлаган

қахрамон - Гўрўғли номи, унинг англалган маънолари ҳақида бир неча талқинлар, тахмин ва фаразлар юзага келди. Ҳозирги пайтда бу эпик ном ҳақидаги фикрлар шу даражада чалкашликлар гирдобига тушиб қолдики, унга қўл урган ҳар бир тадқиқотчи ўз тахминини исботлаш учун чўкаётган одам хасга ҳам ёпишганидек етти ухлаб тушга кирмайдиган тафсилу далилларни рўқач қилишдан тоймаётирлар. Бундай тафсилу далиллар эса халқнинг на тил тарихига, на унинг фонетикаси, на морфологияси қонуниятларига, на эътиқодий тасаввурлар тизимига мос келади. қисқаси, улар ўз даъволарида бирорта ҳам ақл бовар қиладиган, кишини ишонтира оладиган далил келтира олмайдилар.

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўз ёки исм этимологияси ҳақида фикр юритиш учун тадқиқотчи ҳар томонлама мукамал билимга эга бўлиши, ўз қарашини аниқ фактлар асосида изчил, мантиқли асослаб бериши шарт. Этимологик талқинда сўзнинг семантик асоси, унинг тарихий тадрижига суянган ҳолда иш кўриши, сўзнинг шаклий ўхшашлигига берилмаслиги, тил системалари талабларини унутмаслиги лозим. Бизнинг назаримизда, фольклоршунос Ш.Турдимовнинг “Гўрўғли номи хусусида”<sup>1</sup> номли мақоласида бир қанча баҳсли ўринлар мавжуд.

Унинг фикрича, «гўр, қир, қўр, ғор» сўzlари ёруғлик, нур, қуёш, тоғ, қабр, ғор, ерости дунёси билан алоқадор маъноларни англалувчи ягона бир ўзакка бориб боғланади. Аслида бундай қараш озарбайжон олими М.Сейидов томонидан олға сурилган бўлиб, кейинроқ ўзбек материали асосида проф. М.Саидов, Т.Ҳайдаровлар бу қарашни

<sup>1</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 2000 йил. 3-сон. –Б. 62-65.

ривожлантиришга интиладилар<sup>2</sup>. Шу маънода Ш.Турдимов-нинг мақоласи фольклоршуносликда бутунлай янгилик эмас.

Демак, проф. М.Сейидовнинг фикрини ўзбек олими проф. М.Саидов олган, ундан Т.Ҳайдаров ва ундан Ш.Турдимов олиб, ўзларича ривожлантирмоқчи бўлганлар.

Озарбайжонлик проф. М.Сейидовнинг барча тадқиқотларида фольклор образлари, айрим сўз ва атамаларни ўтга, куёшга алоқадор генетик илдизларини очишга интилиш тамойили етакчилик қилади. Бу яхши нарса, аммо у баъзан бу тамойилга шу даражада берилиб кетадики, асли ўзаги бошқа тилларга бориб тақалувчи сўзларни ҳам туркийлаштиришга ҳаракат қилади. Бир мисол. Туркий ва форс-тожик тилларида кенг қўлланиладиган соф арабча «ишқ» сўзини у туркий тиллардаги «яшўт» (куёш) сўзига алоқадор деб талқин қилади<sup>1</sup>. Ҳолбуки, «ишқ», «ошиқ», «ушшоқ» каби бир ўзакка мансуб сўзлар араб тилидан бошқа тилларга ўтиб ўзлашган. Туркий, араб ва форс-тожик тилларини мукаммал билган Алишер Навоийдек даҳо ҳам ўзининг «Лайли ва Мажнун» достонида «ишқ» ( عشق ) сўзини кўйидагича тавсифлайди:

Бўйным уза «айн»ин айлагил тавқ,  
«Шин»ин қил ичига шуълаи шавқ.  
«қоф»ин манга айла кўқи андух,  
Кўнглумга ғамини кўҳ то кўҳ.  
Уч нуқтасин шарора айла,  
Иккисини икки хора айла<sup>2</sup>.

«Айн» товуши билан бошланадиган сўзни нотўғри изоҳлаш ва

<sup>2</sup> Сейидов М. Азарбайжан мифик тафаккурининг гайнақлари. –Баку: «Язычы» нашриёти, 1983; М.Сейидов. Яз байрами. – Баку: «Ганжлик» нашриёти, 1990.-Б.42; Саидов М. Халқ севган достончи. - Т.: Ўзбекистон, 1972.-Б. 10-11; Ҳайдаров Т. «Гырығли» ва мифология синкретизми: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 1993. - Б.14-20.

<sup>1</sup> Сейидов М. Хызыр - продукт тюркского мифологического мышления //Изв-я АН Азербайджанской ССР. 1980. № 4. -С. 26.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 8-том. -Т., 1965. -Б.102.

сунъий равишда туркийчалаштиришдан бирор наф бормикан? Аксинча, бундай изоҳ ва этимология кишилар онгида нотўғри тасаввур туғдиради, тузатиб бўлмас чалкашликлар келтириб чиқаради-ку?! Агар «ишқ» сўзи арабча бўлмаганда, туркий тилларга умуман хос бўлмаган сўзнинг флектив уялари-ишқ-ошиқ-ушшоқ каби наму-налари қаердан олинган? Ўз-ўзидан маълум бўладики, проф. М. Сейидов аниқлаган этимология нотўғри. Бундай талқин унинг “Хўзўр” сўзи этимологияси ҳақидаги қарашларида ҳам мавжуд ва алоҳида тадқиқот талаб этади.

Энди Гўрўғли исми ҳақидаги талқинларга тўхталамиз.

Т. Ҳайдаров Гўрўғли «қабр фарзанди» тушунчаси туркий халқлар ономастикасида ўзини оқлай олмайди, деб ҳисоблайди. Унинг бу фикрларига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки у мавжуд фактларни ўзининг нотўғри талқинини изоҳлашга хизмат қилдиришга бўйсундиради. Ҳолбуки, туркий халқларда инсоннинг қандай шароитда, қаерда, қандай туғилишига қараб, бирор истак англатиш каби маъноларда исм қўйиш ҳоллари кенг тарқалган. «Булбул ўғли», «Пўлат ўғли», «Бой ўғли», «Чаман ўғли», «Эр ўғли», «Бозор ўғли» ёки «Бозорбой», “Болтавой”, “Тешавой”, “Ўроқвой” каби номланишлар туркий халқларда кенг тарқалган. Шу маънода Гўрўғли исми ҳам ономастик аналогия ҳодисасидир.

Т.Ҳайдаровнинг «эр ўғли» сўзи ҳақидаги изоҳига келганда шуни айтиш керакки, у туркий тиллар тарихий фонетикасини яхши билмайди. Акс ҳолда, «эр» сўзини у “ir” сўзи билан алоқадор эмаслигини ва бу сўз қўшиқ маъносини англатмаслигини яхши билган ҳамда «қадимги туркий тиллар луғати»нинг 219-саҳифасидаги “ir” сўзига ишора қилган бўларди. Чунки «қўшиқ» сўзи қадимги

туркий тилда “ir” эмас, балки “ir” сўзи билан алоқадордир. «Эр» сўзи эса қадимда «er» тарзида ёзилган<sup>1</sup>.

«Гўрўғли» сўзининг «қуёш ўғли» маъносини ифодалаши ҳақидаги Т.Ҳайдаровнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки унинг бу борадаги далиллари илмий асосга эга эмас. Айни мана шу асоссиз фикрни Ш.Турдимов ҳам давом эттиради.

У қозоқ шоири Ў.Сулаймоновнинг Гор-кл-қуёш ўғли ҳақидаги мавҳум фикрига асосланиб, ўзбек Гўрўғли образини ҳам «Гор-кл»га олиб бориб боғлашга ҳаракат қилади. Бизнинг назаримизда, бундай қиёслаш асосида фақат шаклий ўхшашлик ётибди, холос. Чунки бу фикрни тасдиқлайдиган бирорта ҳам илмий далил йўқ.

Қадимги мисрликлар мифологиясининг улкан билимдони М.Е.Матъенинг кўрсатишича, Мисрда қуёш тангриси Амон-Ра бўлган. «Гор» эса тирик мавжудотнинг худоси бўлиб, у олий худолар тўққизлиги таркибига кирган Осириснинг ўғлидан иборат<sup>2</sup>. Ш.Турдимовнинг «Гўрўғли» исми билан юнонларнинг Геракл исми бир асосга бориб боғланади деган фикри ҳам тўғри эмас. Чунки Геракл-Геркулос исмлари «фавқулодда куч-қудрат эгаси, паҳлавон» маъноларини англатади<sup>3</sup>.

Қадимги туркий тилда ҳақиқатан ҳам «ку» сўзи мавжуд бўлиб у икки маънони англатган: 1) хабар; 2) шуҳратли, номдор<sup>1</sup>. Бу маънолар бурият олими С.Ш.Чагдуров томонидан ҳам алоҳида қайд этилган<sup>2</sup>. Қадимги туркий тош битикларида эса «ку» сўзининг фақат хабар маъносигина учраши кўрсатилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. –С.175.

<sup>2</sup> Матъе М.Е. Древнеегипетские мифы. –М.-Л., 1956.

<sup>3</sup> Штоль Г.В. Мифы классической древности. –М., 1965.-С.82-119.

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь. –Л., 1969.-С.322.

<sup>2</sup> Чагдуров С.Ш. Происхождение Гесериады. –Новосибирск, 1980. –С.142.

<sup>3</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М.-Л., 1951.-С.396.

Модомики шундай экан, Ш.Турдимов куёш маъносидаги «ку» сўзини қаердан кашф этди? XI асрнинг машҳур тилшуноси Махмуд Кошғарий ҳам ўз луғатида «куёш» сўзини «кун» деб кўрсатади<sup>4</sup>. Бу нарса туркий тилларда туб ўзакли от туркумига мансуб сўзлар аксарият ҳолларда ундош товуш билан якунланишини англамайдими? Бинобарин, “кун” сўзидаги «н» ясовчи қўшимча эмас ва бу сўз «кўз» «кўр» сўзлари билан ўзакдош эмас. Бу ўринда фақат «кўз» «кўр» сўзларигина ўзаро генетик алоқадор холос. Чунки от туркумидаги «кўз» сўзи тарихан феъл туркумидаги «кўр» сўзидан, яъни сўз охиридаги «р» товушининг «з» товуши билан алмашилиши оқибатида юзага келган. Тарихан олиб қаралса, туркий тилларда жуда кўп сўзлар ўзаги феъл туркумига тааллуқли эканлигини кўриш қийин эмас. қисқаси, «кун» сўзи «ку» сўзидан ясалмаган, у ўз ҳолида туб сўз, ясама эмас. Этимологияда эса шакллар ўхшашлигидан эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Ш.Турдимовнинг «Гўрўғлининг иккинчи номи «Равшан» эса даврлар ўтиши билан ГўрҒкўр сўзлари ифодалаган қадимий ёруғ, ойдин, нур маънолари аста-секинлик билан архаиклаша бошлагач, сўнгги изоҳ сифатида пайдо бўлган», деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Ажабо, сўзнинг маъноси ҳам архаиклашадими? Агар “гўрҒкўр”нинг маънолари архаиклашса, равшан маъносини ифодаламас эди-ку? Бизнингча, у гўрҒкўр сўзларининг шаклини назарда тутаётибди шекилли. У ҳолда, тадқиқотчи, «равшан» сўзининг туркий эмас, балки форсча-тожикча сўзлигини билмаса керак. Мана шунинг учун «равшан» сўзи гўрҒкўр сўзининг бир тилдаги синоними

<sup>4</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Уч жилдлик. 1-жилд. -Т., 1960.-Б.314.



бўла олмайди. Чунки ёруғ, нур маъносини ифодалаган гўрҒкўр сўзлари умуман қадимги туркий тилда йўқ. Агар бўлса эди, Ш.Турдимов ишончли манбалардан бирорта мисол келтирган бўларди. Кўриниб турибдики, Ш.Турдимовнинг даъволари асоссиз. Назаримиз-

да, у Т.Ҳайдаровнинг нотўғри фикрларига асосланиб ўзи ҳам чалкашиб кетганга ўхшайди.

Нотўғри фараз тадқиқотчини сохта далиллар келтиришга ҳам мажбур этади. Ш.Турдимовнинг келтиришича, ўз тимсоли бўлмиш қуёш ўғли - Гўрўғли киш пайтида ер остида нариги дунёда улғайиб, кейин ер юзига чиққан эмиш. қуёш тангрисидан-илоҳий нурдан ҳомила топган қаҳрамоннинг онасини, ҳомила олти ойлик вақти ер ости - ўзга юрт тангриси ўғирлаб кетган эмиш. Ўйлаб топилган сохта бу миф Ҳилолойнинг вафоти ва Гўрўғлининг гўрда туғилишига келтириб боғланади. Унингча, бу миф дoston сифатида икки йўналишда кўринар эмиш. Биринчиси қаҳрамоннинг гўрда туғилиши, иккинчиси - Гўрўғлининг Райҳон арабнинг қизини олиб келиши. Биринчи йўналиш-ку қаҳрамоннинг туғилишига ўхшаб кетади, аммо иккинчи йўналишнинг қаҳрамон туғилиши билан қандай алоқаси бор? Тўғри, Райҳон араб юрти - ўзга юрт, аммо унинг туғилишида бу юртнинг мутлақо аҳамияти йўқ. Бунинг устига, дostonда Гўрўғлининг отаси Равшан деб аниқ кўрсатилади-ку? қандай қилиб у нурдан яралган бўлсин?

Бизнингча, Ш.Турдимовнинг энг катта хатоси шундаки, у романик дostonларни ёки улар таркибидаги мифологик мотивларни тўғридан-тўғри қадимги мифология билан боғлашга, архаик мифлар семантикаси билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Ҳолбуки, романик

достонлар - классик эпос намунаси, яъни халқ эпоси ривожининг иккинчи стадиясига тааллуқли. Бинобарин, улар мифология билан бевосита эмас, балки билвосита алоқадор. Бу дегани мифология романик достонларга афсона, ривоят ва эртак жанрларида қайта идрок этилиб ўтган деганидир. Шу сабабли бу достонлардаги мифологик мотивларни юқорида қайд этилган жанрлар ғоявий-эстетик тамойиллари орқали изоҳлаш тўғрироқ бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, гўрғкўрғқўрғқирғғор сўзларининг генетик жиҳатдан бир маънога боғланишлари ҳақидаги фикрлар мутлақо асоссиз ва илмий жиҳатдан далилланмаган.

Т.Ҳайдаров эса Гўрўғлининг эр ўғли эканлигини тасдиқлаш учун уни ер ости дунёсининг шоҳи Эрлик билан боғлиқликда изоҳламоқчи бўлади. Бунда у қаҳрамоннинг макон ва замонда бир хил ҳаракат қила олишини далил сифатида келтиради<sup>1</sup>. Бироқ у Эрликнинг ёвузлик, даҳшат тимсоли эканлигига аҳамият бермайди<sup>2</sup>. У ўз фикрининг тасдиғи сифатида “Малика айёр” достонидаги ер ости дунёсининг ажойиботлари, Авазнинг олмага қўл чўзиши ва олма шохларининг кўтарилиб кетиши кабиларни келтиради. Агар «Малика айёр» достони диққат билан ўқилса, Торкистонга Авазхон билан Шоқаландар (Гўрўғли) ва Шозаргар тушадилар, холос. ғирот ва мерганлар ер юзида қоладилар. Аваз қўл узатганда шохлари кўтарилиб кетадиган олмалар ер ости дунёси Торкистонда эмас, балки ер усти дунёсидаги қалайи кўрғонда учрайди. Бинобарин, Гўрўғли билан Эрликни тенглаштириш, ҳаттоки қиёслашга ўрин ҳам

<sup>1</sup> Ҳайдаров Т. Юқорида кырсатилган автореферат. -19-бет.

<sup>2</sup> Пухов И.В. Алтайский народный героический эпос //Маадай Кара. Серия «Эпос народов СССР».-М.: ГРВЛ, 1973.-С.31.

йўқ.

Ҳар қандай илмий тахмин ва фараз муайян асосга, далилга таяниши лозим. Ана шундагина фаразнинг илмий қиммати, аҳамияти бўлади. Т.Ҳайдаров проф. М.Саидовнинг «Кўр» номи «Қур» шаклида ҳам қўлланилган бўлиши мумкин деган эҳтимолига асосланиб, ўзича илмий кашфиёт қилмоқчи бўлади. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмайди. Чунки у асоссиз эҳтимолга суянади. Фанда аниқ фактлар, аниқ далилу исботлар муҳим. Шундай экан, куруқ тахмину эҳтимоллар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Гўрўғли аниқ ижтимоий образ бўлиб, унинг юзага келишида айрим мифологик унсурлар иштирок этган, холос. Бундай синкретизм эса романик дostonларда афсона, ривоят ва эртаклар таъсири натижасида вужудга келган. Шу боис Гўрўғли образини бутунлай мифик образ сифатида талқин этишга ҳожат йўқ.

Халқ эпоси ҳар бир ҳодиса ёки воқеани ўзининг эстетик қонуниятлари орқали акс эттиради. Эпосдаги макон, замон ва қаҳрамон фақат эпик идеаллаштириш, эпик анъана ва билим асосида тасвирланади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек романик эпосидаги Гўрўғли номи тарихан довюрак, жасур маъносини англатувчи Кўр сўзидан олинганлиги» ҳақидаги марҳум акад. В.М.Жирмунский, проф. Ҳ.Т.Зарифов ва шевашунос А.Ишаевларнинг қарашлари<sup>1</sup> тўғри деб ҳисоблаймиз. Гўрўғли номининг «гўрда туғилган» маъносини англатишига келсак, бу нарса халқ эпосига хос талқин ва ўзбек

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М., 1947. - С. 194; Ишаев А. Сыз мулкига саёҳат //Фан ва турмуш. 1970. 10-сон. –Б.25; Умаров С. Гўрўғлими ёки кўрўғлими? //Шарқ юлдузи. 1972. 10 сон. –Б.218.

«Гўрўғли» туркуми учун мазкур талқин ўзини оқлайди<sup>2</sup>.

Гўрўғли номининг ушбу маъноси мазкур туркумга мансуб дostonлардаги бош қаҳрамоннинг адо этган вазифалари, ғоявий-бадий йўналиши халқ эпосининг эстетик идеалларига тўла мос келади. Унинг “гўрда туғилган” маъносидаги талқини эса халқнинг орзу-умидларини ташувчи идеал образнинг куч-қудратини, олийжаноблигини асословчи ғайри табиийлик, чилтанлар ва Ҳазрати Хизр каби кучлар ҳомийлигига эга бўлган қаҳрамон эканлигини тасдиқлайди.

«Гўрўғли» образи ва у билан боғлиқ дostonлар сюжетининг тарихий асослари масаласида проф. Х.Г.Корогли анча изланишлар олиб борди. Хусусан, унинг Туркменистон фанлар академияси кўлёмалар институти фондида сақланаётган «Кёроғлў» эпосининг кўлёмасига асосланиб айтган фикрлари диққатга сазовордир. Мазкур кўлёмма 1856 йилдан кейин битилган бўлиб, бутун асар 28 мажлисдан ташкил топган.

Х.Г.Корогли ушбу кўлёмани таниқли фольклор, этнография ва тарихий материаллар тўпловчиси Ходзько томонидан 1842 йилда ёзиб олинган кўлёмма билан, XVII асрда яшаган арман тарихчиси Аракел Тавризийнинг тарихий қайдлари билан, XVII асрда яшаган турк сайёҳи Авлиё Чалабийнинг маълумотлари билан қиёслаб ўрганиб, «Гўрўғли» эпосининг ғарбий версияси XVI-XVII асрларда юз берган жалолийлар ҳаракатига оид воқеаларни акс эттиради, Гўрўғли номи эса ана шу ҳаракатнинг раҳбарларидан бирининг

---

<sup>2</sup> Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гор-оглы»: Автореф. дис. ...д-ра филол.наук. –Т., 1975. -С.37.

номидан олинган, деган хулосага келади<sup>1</sup>.

Ушбу хулосага келишда у учта асосга таянади: 1) эпик воқелик ва тарихий воқеалар уйғунлиги; 2) мусулмон дунёсидаги суннийлар ва шиалар ўртасидаги низолар; 3) жалолыйлар ҳаракати раҳбарларидан бирининг Гўрўғли номи билан аталиши. Шунга қарамай, проф. Х.Г.Гороғли ҳамма вақт ҳам ўз қарашларида муҳим тура олмайди. Жумладан, у «Фольклор жанрлари спецификаси» тўпламидаги мақоласида Гўрўғлининг тарихий асослари ҳақида қизғин мулоҳаза юритиб келиб, бирдан бутунлай бошқа хулоса билдиради.

Аниқроғи, у Гўрўғли эпосининг сюжетида тарихий прототиплар қидиришга ҳожат йўқ, дейди.

Маълум бўладики, тадқиқотчи ўзи ўрганган эпик материал билан тарихий воқелик ўртасидаги боғлиқликни тўла ва аниқ идрок эта олмайди. Кўп ўринларда сюжет билан тарихий воқелик ўртасида боғлиқлик қидирган, тарихий шахслар билан эпик қаҳрамонлар ўртасида алоқадорликлар топган олим нега бундай иккиланишлар орасида довдираб қолди?

Бунинг бош сабаби шундаки, халқ эпоси - халқнинг бадиий тарихи, ундан аниқ тарих қидириш ҳеч қачон ишончли натижа бермайди. Х.Г.Короғли Гўрўғли эпосининг сюжетларини турлитуман тарихий воқеалар билан қиёслаб, баъзан эпик воқеликдан тарихий воқеаларга мос келувчи параллеллар топса ҳам, бироқ умумий хулосаларга келишда халқ эпосининг эстетикаси, тарихийлик тамойилларидан чекина олмайди, уларга қарши бора олмайди.

---

<sup>1</sup> Короғлы Х.Г. Туркменский эпос «Героглы» и особенности его историзма // Специфика фольклорных жанров. - М.: Наука, 1973. - С. 134 -145; Яна ўша. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. - М.: Наука, 1983. -С.182-247.

Бундай ҳолатни академик Б.А.Карриевнинг тадқиқотларида ҳам учратамиз. У Гўрўғли образининг тарихий асослари ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни ёзади: «Таким образом, если даже воздерживаться от отождествления героев, «Кер-оглў» с конкретными историческими личностями, нельзя не признать того факта, что именно события XVI-XVII вв. в Южном Азербайджане легли в основу сказаний о народном мстителе, подобном Кёр-оглў!»<sup>1</sup>.

Шу китобнинг бошқа бир ўрнида эса қуйидагиларни ўқиймиз: “Мў полагаем, что все это самостоятельностью версии, но генетически они восходят к южноазербайджанской версии сказаний о вожаке антифеодальных восстаний храбром Кёр-оглў”<sup>2</sup>.

«Гўрўғли» эпоси, унинг қаҳрамони Гўрўғли ҳақидаги бундай бир-бирига зид қарашлар мавжудлиги табиий. Чунки, биринчидан, халқ эпосида халқ тарихида кечган улкан воқеалар ўзига хос тарзда ўз ифодасини топади. Лекин бу бадиий ифода аниқ тарихий шахс, тарихий вазият, тарихий макон ва замонда эмас, балки уларнинг бадиий шаклида акс этади. Иккинчидан, эпос қаҳрамони - идеал қаҳрамон ва унинг шуҳрати халқни бутунлай мафтун этиши ҳам табиий. Бинобарин, эпос аниқ тарихий воқеликдан ўз қаҳрамони учун исм олмайди, аксинча, эпосдан халқ ўз фарзандлари учун исм олади. Чунки машҳурлик барчани эпос қаҳрамонига маҳлиё этади, барчани унга сажда қилишга мажбур қилади. Мана шундан бўлса керак, жалоллийлар ҳаракати раҳбарларидан бирининг номи Гўрўғли бўлса ажабланмаслик керак ва бундан эпос таркибидан аниқ тарихийлик қидириш мумкин эмас. Учунчидан, ҳар бир миллий версия ўзича мустақил эпик концепцияга эга. Шу боис Жанубий Озарбайжон ва

---

<sup>1</sup> Карриев Б.А. Эпические сказания о Кёр-оглы у тюркоязычных народов. -М.: Наука, 1968.-С.18.

Анатолиядаги мазкур эпос версияларидаги талқинлар билан “Гўрўғли”нинг ўзбек версиясидаги талқинлар, тарихийлик ва бадийлик нисбати турлича бўлиб, биз ўз версиямиз асосига аниқ тарихий шахс ва воқеаларни қўя олмаймиз.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга асосланиб, Гўрўғли образи ҳақида қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

1. Ўзбек «Гўрўғли» дostonлари XVI-XVII асрларда юзага келган экан, ушбу туркум дostonлари учун асос бўлган Гўрўғли образи ҳам бевосита мана шу даврларнинг маҳсули бўлиши лозим. Ушбу номнинг маъноси эса қадимги туркий тилдаги довюрак, жасур маъноларини англатувчи «Кур» сўзига тўғри келиши ҳақиқатга яқин. Чунки бевосита мана шу маъно образнинг эпик вазифасига тўла мос келади.

2. Гўрўғли образи - идеал образ. «Идеал» эса французча *ideal* сўзидан олинган бўлиб, энг мукаммал, намуна, мақсад сари интилишнинг олий шакли демакдир. Образ эпик идеал намунаси бўлгач, у иштирок этадиган воқеалар ҳам идеаллаштириш тамойиллари асосида тасвирланади. Бинобарин, нарса ва ҳодисаларни реал воқеликда бўлмаган хислатлар асосида тасвирлаш идеаллаштиришнинг намунасини ташкил этади. Гўрўғли ҳам ўзининг барча хислатлари билан XVI-XVII асрлар реал тарихий шароитида бўлмаган, аммо халқнинг идеалида мавжуд бўлган эпик қаҳрамондан иборат.

Гўрўғли одил ҳукмдори, элпарвар, юртпарвар ва ўз даврида мамлакатни демократик мезонлар асосида (қирқ йигитдан иборат дружина ва кенгаш) бошқарувчи юрт эгаси ҳақидаги халқнинг

---

<sup>2</sup> Юқоридаги асар. -44-бет

идеалларини ўзида мужассам этган. Шунинг учун у ўтда куймас, сувда чўкмас, довюрак, тадбиркор ҳукмдор сифатида тасвирланади. Бундай хислатни эса халқ эстетикаси унга афсона, эртак ва мифлардан олиб берди. Улар қуйидагиларда кўзга ёрқин ташланади: а) ғайри табиий туғилиш. Биби Ҳилол қорнида олти ойлик ҳомила қолган Гўрўғли онаси вафот этгач, гўрда туғилади ва гўрнинг ўпирилган тешигидан чиқиб, шу атрофда ўтлаб юрган бияни эмиб вояга етади. Ўлик она қорнидан туғилиб, гўрдан чиқиб бияни эмиб улғайиш қаҳрамоннинг оддий инсон эмаслигидан, унинг халқ идеали талаблари асосида вужудга келганлигидан, бинобарин, бу қаҳрамондан улкан ишлар талаб қилинишидан далолат беради. Аслида Гўрўғли халқ эпосида соф ижтимоий қиёфа ва хислатга эга бўлган инсон образи бўлиб, унинг зиммасига юклатилган олийжаноб вазифаларни адо этишга қодир тип эканлигини асослаш мақсадида унинг туғилиши ва тарбияси ғайритабиийлик ниқоби остида мистификация қилинади. Реал воқеликдаги каби она қорнидан туғилиш ва ўлмай қолиш учун гўрдан эмаклаб чиқиш, ўтлаб юрган бияни эмиб улғайиш Гўрўғли образининг идеаллаштириш асосидаги инсоний қиёфасини белгилайди. От эса туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган от культи - от тотеми ҳақидаги тасаввурлар билан алоқадордир<sup>1</sup>.

Гўрўғли халқ идеалини ташувчи образ бўлганлиги учун у от тотемидан баҳра олади ва улғаяди. Бу бия эса унга то ғирот туғилгунга қадар ҳамроҳ бўлади ва фақат қаҳрамоннинг ширхўраси,

---

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф. Жанговор от образининг садимий асосларига доир. //Пўлкан шоир. ўзбек халқ ижоди бўйича тадвисотлар. 4-китоб. - Т.: Фан. 1976. -Б.65-88; Липец Р.С. Образы батыра и его коня в тюрко-монгольском эпосе. - М.: Наука, 1984. -С. 124-241; Нестеров С.П. Конь в культах тюркоязычных племен Центральной Азии в эпоху средневековья. -Новосибирск, 1990. -С.8-117; Мусоқулов А. Халқ кўшиқларида от инончининг бадийий ифодаси //Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. №4-6. -Б.66-71; Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадийий талқини: Филол. фанлари номзоди дис. ...автореф. -Тошкент, 2000.



жанговар ҳамроҳи туғилиши пайтидагина ўлади, яъни ўз ўрнини ғиротга бўшатиб беради.

Демак, Гўрўғли образининг соф эпик талқинига кўра, у оддий инсонлар каби она қорнидан туғилади, тотем ҳайвон сутини ичиб улғаяди. қахрамоннинг ўлик она қорнидан ғайри табиий туғилиши, тотем ҳайвон сутини ичиб улғайиши эса Гўрўғлини идеаллаштиришга имкон берувчи мифологик қобикдан иборат; б) ғайри табиий равишда туғилган Гўрўғли ой сайин эмас, кун сайин ўсиб улғаяди, у ўз тенгқурлари ичида ҳам гавдаси, ҳам куч-қудрати, ҳам ақл-заковатининг устунлиги билан алоҳида ажралиб туради. У подачи Рустам хонадонида тарбияланади, олти ёшида Бодгир исмли таниқли полвонни ўлдириб қўяди. Хуллас, халқ идеали асосида тарбияланган Гўрўғли охир оқибатда халқнинг озод ва обод ватан, адолат ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-истакларини амалга оширувчи образ сифатида улкан бир эпик туркумнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

3. Халқ идеали асосида танланган образ зиммасига шу даражада улкан масъулият ҳамда вазифалар юкланадики, уларни адо этиш узок вақт бардавом умр, соғлом тан ва ўткир ақл, турли бало-қазолардан сақловчи ҳомий кучлар, содиқ жанговар ҳамроҳ талаб этади. Гўрўғли образида ана шуларнинг барчаси мавжуд. Шу боис Гўрўғли ҳамма вақт Ҳазрати Хизр ва эранлар (чилтанлар) ҳомийлигида яшайди. Масалан, гўрдан эмаклаб чиққан гўдакка мазористонда ётган шер ҳамла қилади. Ҳазрати Хизр шерни бир тарсаки уриб, нимта-нимта қилиб ташлайди. Маълум бўладики, ғайри табиий туғилган Гўрўғлига гўдаклик чоғидаёқ ҳазрати Хизр ҳомийлик қилиб, уни турли бало-қазолардан асрайди. Хизр Гўрўғлини ҳар қадамда, ҳар бир жойда

химоя қилади. Гўрўғли Ёвмит юртини излаб, бияси билан чўлда сувсаб ҳушидан кетган пайтда ҳам Хизр унга сув бериб, ўлимдан қутқаради. Кейинроқ Райҳон арабнинг тулпоридан бўлган Ғиротни олти ойлик вақтида Гўрўғли чоптириб юрганда, бўлажак тулпорни майиб қилиб қўймасин деб, Хизр тойни ўғирлаб кетади ва тарбиялайди. Гўрўғли отининг дардида подшоликни ҳам ташлаб, бир нечта мамлакатларни пиёда кезиб излайди.

Бир куни чарчаб ухлаб ётганда эранлар уни ўраб оладилар ва Бобо қамбар унга Афсар тоғдаги «Санам Чорбоғ» деган жойда икки парига дуч келишини, шу тоғда отини ҳам топажагини башорат қилади. Тушидаги бу башоратдан ғайратланган Гўрўғли Афсар тоғидаги «Санам Чорбоғ»га етиб келади. У чорбоғда Юнус ва Мисқол париларни кўриб, уларга кўнгил қўяди. Париларнинг олдидан чиқиб, бир қирга чиқиб қараса, ғироти бойлоқлик турибди. У отини суйиб-суйкалиб минмоқчи бўлиб турганда мўйсафид киёфасидаги Хизр Гўрўғлини синамоқчи бўлиб, бу от меники, дейди. Гўрўғли олти ойлик пайтида кучук тишлаганда отнинг туёғида қолган изни кўрсатиб, отнинг ўзиники эканлигини исботламоқчи бўлади. Бироқ Хизр атайлаб отни Гўрўғлига бермайди. Шунда Гўрўғли икковимиз курашамиз, ким енгса, от ўшаники, деб шарт қўяди. Аммо бу мўйсафид Хизр эканлигини Гўрўғли билмайди.

Улар курашадилар. Хизр Гўрўғлини икки марта йикитади. Бобога кучи етмаслигини англаб етган Гўрўғли йиғлаб, унга ялинади. Ниҳоят, насиёга ўттиз беш тангага Гўрўғли отини сотиб олади ва ўз юртида ўз отини «топганда берарга» сотиб олганидан ори келиб, Гўрўғли бу бобо билан солишмоқчи бўлиб тўполон кўтаради. Ҳазрати Хизр Гўрўғлининг ҳали ғўрлигини англаб, унинг кўнглини жойига

кўйишга аҳд қилиб, унга туғилганидан буён ҳомийлик қилиб келаётганлигини айтиб, тинчлантириб, катта бир ғорга олиб кириб кетади.

Ғорда чилтанлардан бири - Соқибулбул барчага, шу жумладан, Гўрўғлига ҳам антахур майидан беради. Бу майни ичган Гўрўғли соқибқиронга айланади. Соқибқиронни эса оддий от кўтара олмайди. Шунинг учун ғиротга ҳам бир коса антахур майига сув кўшиб ичирадилар. Гўрўғли эранлардан тўрт нарсани тилайди. Булар: Ғиротга эга бўлиш, икки парини хотинликка олиш, Райҳон арабнинг қизи Зайдинойни олиб келиш ва Райҳон арабдан қасдини олиш, Ёвмит элида подшо бўлишдан иборат. Шунда Хизр Гўрўғли тилаган тўрт нарсасига эришажагига, аммо фарзандсиз армонли бўлиб қолмаслиги учун фарзандлар асраб олишига фотиҳа беради. Хизр ва чилтонлар унга барча тилаган нарсаларини, боз устига Ваянгандан Ҳасанхонни, Хунхор юртидан Булдуруқ қассобнинг ўғли Авазхонни олиб келиб ўғил қилиб олишини, Чортоқли Чамбил мамлакатада подшоҳ бўлишини, мамлакатни ёв эмас, қиёматда сув олишини тилаб фотиҳа берадилар.

Эранлар ва Ҳазрати Хизр дуоси билан Жума оқшоми пайтида Ёвмит элида, тоғнинг пастида ер қимирлаб, тупроқ симобдай эриб, бир шаҳар пайдо бўлади. Хизр Гўрўғлига бу сенинг шаҳринг, кўркма, одамларни тутиб тур. Соқибулбул сени подшо деб жарчи кўяди, у сенга ҳам устод, ҳам Ғиротнинг сайиси бўлади, шаҳарнинг ўртасида мажлисхона бино бўлади, Соқибулбул соз чалиб, май қуйиб, ҳаммага беради, у шаҳарга нима деб от қўйса, шаҳарнинг номи шу бўлади, унинг айтганидан чиқма, отинг ҳам, ўзинг ҳам юз йигирма ёшга киргин, деб фотиҳа беради.

Демак, идеал қаҳрамоннинг эл - юрт олдида қиладиган иши, адо этадиган вазифалари ниҳоятда кўп ва улугвор. Шу сабабли у ҳамда жанговар оти юз йигирма йил умр кўрадилар. Мамлакати ва давлати бесоҳиб бўлмасин деб, икки юртдан иккита асранди ўғил ҳам ато этилади. Чунки Кўки Қофдан олган Юнус пари, Ирам боғидан олган Мисқол пари одам зотидан фарзанд кўрмайдилар. Юз йигирма йилга қадар Гўрўғли ва унинг ғироти не-не ишларни қиладилар, не-не хавфли манзилларни, маккор ёвлар, деву балоларга дучор бўладилар. Ана шундай хатарли онларда ўзини қутқариб қолиш учун у турли қиёфаларга кира олиши лозим. қаҳрамондаги ана шундай метаморфозалар (эврилишлар) юз беришини далиллаш мақсадида халқ фантазияси ўзига хос бадий детерминизм қўллайди. Яъни Хизр Гўрўғлининг қўлига иккита-бири оқ, бири қора парни беради. Уларнинг хосияти шуки, бирини баданига суртса ёш, иккинчисини суртса-кекса, бирини суртса, бадани қоп-қора, иккинчисини суртса, соқоли қора бўлиб қолади. Ана шу воситалар туфайли Гўрўғли «Малика айёр» достонида қаландар қиёфасида, «Хушкелди» достонида эшон қиёфасида фаолият кўрсатади. Юқоридагилардан ташқари, Ҳазрати Хизр Гўрўғлига яна иккита муҳрланган хат ҳам беради. Уларда Юнус ва Мисқол парилар Гўрўғлига қиёматли чўри деб ёзилган бўлади.

Демак, Ҳазрати Хизр, чилтанлар ҳомийлигида Гўрўғли ўзининг Чамбил мамлакатига, тулпор ғиротига, икки пари ёрига, қирқ йигитига, икки асранди фарзандига эга бўлади. Бу мифологик ҳомийлар туфайли Гўрўғли халқ идеалини амалга оширувчи, ҳеч кимдан енгилмайдиган, эл севган баҳодирга айланади. Ҳазрати Хизирнинг, эранларнинг дуоси эса ўзбек халқ эпосида туркум

достонларнинг яратилиши учун эпик концепциянинг қисқача дастури вазифасини ўтайди.

Халқ хаёлотини илоҳий ҳомийлар мададисиз Гўрўғлининг халқ идеалини ташувчи тип даражасига кўтарила олиши учун мантиқий асос, бадиий далил ярата олмайди. Мана шунга асосланиб, Гўрўғли образини бутунлай мифологик асосга олиб бориб тақаш у қадар тўғри эмасга ўхшайди.

Идеал тасвир идеал қаҳрамон фаолияти орқали воқе бўлади. Бу қаҳрамоннинг қилажак ишлари, кўрсатажак фаолияти эса уни реал воқеликда бўлмаган хислат ҳамда шаклларда тасвирлаш орқали амалга ошади. Шу боис у ҳомий кучлар ҳимоясида қирғинлардан омон чиқади, демонологик кучлар таъқибидан куч-қудрати, тадбиркор-лиги ва ақл-заковати туфайли сақланиб қолади.

Соф инсоний образга мифологик хислат, тенгсиз ақл-заковат, беҳад катта куч-қудрат ато этиш орқали уни юксак идеалларга, олийжаноб ишларга хизмат қилдириш нафақат ўзбек, балки бутун Ўрта асрлар халқ ижодига хос хусусият эканлигини унутмаслик керак. Шу маънода Гўрўғли Ўрта асрлар Шарқ халқлари бадиий тафаккури учун тарихий типологик образ ҳисобланади. Халқ идеали унинг умрини юз йигирма ёш билан чегаралаган бўлса ҳам, бироқ унинг ўлими ўзбек халқ эпосида аниқ тасвирланган эмас. У кексайган пайтида оти билан ғорга кириб ғойиб бўлади. Бу эса халқнинг эпик концепцияси чексизлигидан далолат беради. Чунки ғорга кириб ғойиб бўлган эпик қаҳрамон исталган пайтда эпик имкониятлар, эпик талаб ва эҳтиёж туғилиши билан яна ғордан чиқиб, ўз фаолиятини давом эттириши мумкин ва бунинг учун у ҳеч қандай тўсиқ, ҳеч қандай бадиий-мантиқий зиддиятга дуч келмайди. Гўрўғли образининг

улуғворлиги, унинг абадияти ҳам мана шунда. Зотан, халқ идеали тирик экан Гўрўғли ҳам тирик.

«Гўрўғли» туркуми дostonлари, умуман, романик дostonлар қахрамонларининг исmlари араб ва форс-тожик тилларига мансуб сўзлардан, шунингдек, халқ орзу-истакларини ифодаловчи туркий тилга мансуб сўзлардан олинган. Мана шу нарсанинг ўзи мазкур тип дostonларнинг XVI-XVII асрларда яратилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, романик дostonларнинг барчасида ривожланган феодал давлатчилиги тартиботлари тасвирланади: қахрамонлар сарой интригалари туфайли мушкул аҳволга тушадилар, машаққатли саргузаштлардан кейин ўз мақсадларига етишадилар Буларнинг барчаси, кўпинча, дoston қахрамонларининг номланишида ҳам маълум даражада ўзларининг рамзий ифодасини топган. қуйида биз ўзбек романик эпоси қахрамонларининг номлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Гўрўғли» туркумига мансуб дostonлардаги йирик ва белгиловчи образлардан бири Аҳмад сардор ҳисобланади. Унинг исми арабча «Аҳмад» ва лақаби форсча-тожикча сардор-соф луғавий маъноси «каллasi бор» сўзидан олинган бўлиб, йўл бошловчи, лашкарбоши каби маъноларда қўлланади. қахрамон исмининг араб ва форс-тожик тилларига мансублиги нафақат образнинг, балки умуман романик дostonларнинг араб истилосидан анча кейин, аниқроғи, XVI-XVII асрларда юзага келганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Аҳмад сардор образи бутун туркум дostonларда ўта мураккаб тип сифатида бўй кўрсатади. Баъзи бахшилар уни Гўрўғлига хайрхоҳ, унинг ҳомийларидан бири сифатида тасвирласалар (масалан, Пўлкан шоир), айрим бахшилар уни Гўрўғлига ҳасад билан қаровчи, уни кўра

олмайдиган душман сифатида тасвирлайдилар (масалан, Эргаш шоир, Фозил шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли кабилар).

Пўлкан шоир «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Аҳмад сардорни ёш Гўрўғлининг тоғаси сифатида Равшан кўр вафотидан кейин ўзига ўғил қилиб олиб, уйда тарбиялайди. Ҳаттоки, севикли хотини Холжувонни Гўрўғлининг айби билан Райҳон араб олиб қочиб кетганда ҳам у жиянига ҳеч нима демайди, балки «бир хотин жиянимнинг бир гапидан садаға» деб парво ҳам қилмайди. У Ёвмитнинг хони Урайхонга дакки бериб, Равшан кўрга, Гўрўғлига иззат-ҳурмат кўрсатишга даъват этади. Равшан вафот этганда, унинг ҳурматиани жойига қўйиб дафн этади, мотам маросимларини ўрни-ўрнида мақомига келтириб ўтказади. Урайхон вафот этгач, унинг ўрнига Гўрўғли подшо қилиб кўрсатилганда, уни биринчилардан бўлиб қўллайди. Гўрўғли ҳам Райҳон арабнинг қизи Зайдинойни олиб келиб, Аҳмад сардорга хотин қилиб беради. Хуллас, мазкур достонда Аҳмад сардор билан Гўрўғли ўртасида яхши тоға-жиянчилик муносабатлари тасвирланади.

Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Юнус пари» достонида эса Аҳмад сардор жиянини Кўқи Қофга бормагин, деб маслаҳат беради. Аммо қаҳрамон тақдирини чилтанлар ва Ҳазрати Хизр белгилаганда Юнус парини олиб келиш, ўзига хотин қилиб олиши шарт, деб фатво берилганлиги сабабли у тоғасининг масалаҳатига қулоқ солмай, Кўқи қофга жўнаб кетади. Аҳмад сардорнинг мазкур достондаги самимий маслаҳатини эса унинг душманлигига йўйиб бўлмайди.

Аҳмад сардорнинг Гўрўғли ва унинг асранди фарзандларига бўлган ғайирлиги, душманлиги илмий адабиётларда Урайхон вафотидан кейин Ёвмит элига подшоликка Аҳмад сардорнинг эмас,

балки Гўрўғлининг сайланиши билан изоҳланади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Аҳмад сардор Урайхон ўрнига тахтга даъвогарлардан бири эди. Бироқ туркман элининг оқсоқоллари, улуғлари тахтга савдогар эмас, балки жасур ва баҳодир Гўрўғлини маъқул кўришади. Бу нарса Аҳмад сардор билан Гўрўғли ўртасига маълум даражада адоват солади. Аҳмад сардор билан Гўрўғли ўртасидаги муносабатларнинг бундай мотивировка қилиниши ва эпик талқин этилиши Фозил шоир ҳамда Эргаш шоир репертуарида кучлироқ намоён бўлади. Масалан, Фозил шоирдан ёзиб олинган «Интизор» достонида Аҳмад сардор Гўрўғлининг келгинди бекларга кўпроқ суяниб, уларга ишониб катта мансаблар бераётганлигидан норози эканлиги айтилади. Ушбу норозилик туфайли Аҳмад сардор Гўрўғлининг содиқ саркардаларидан бири Ашурбекка тухмат қилади. Бунга ишонган Гўрўғли Ашурбекни ўлимга ҳукм этади. куруқ тухмат билан айбланган Ашурбек эса қизилбошлар томонга қочиб, зўрға ўлимдан кутулиб қолади.

Аҳмад сардор кўпроқ Авазхонни ёқтирмайди, доим унинг ортаётган обрўсидан норози бўлади. Бевосита мана шу талқин Эргаш шоирдан ёзиб олинган «Хушкелди», Фозил шоирдан ёзиб олинган «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши» дostonларида янада кучлироқ кўзга ташланади. Айниқса бу душманлик Эргаш шоирнинг «Холдорхон» достонида авж нуктада намоён бўлган.

Гўрўғли Холдорхонга қарши қўшин тортиб кетаётганда, Чамбилнинг муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Аҳмад сардорни ўн минг қўшин билан Чамбилга қайтаради. Фурсатдан фойдаланиб, Аҳмад сардор Така билан Ёвмит давлатининг тақдири

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.-С.195.



Аваз билан Ҳасан қўлида қолади, шунинг учун ҳозир Чамбилни қўлга олиш лозим, деб йигитларини кўндиради. Натижада, Чамбил Аҳмад сардор қўшинлари қамалида қолади. Бироқ Бердиёр, Мирза Асқар, Юнус ва Мисқол париларнинг садоқати, шижоати билан Чамбил Гўрўғли қўлида қолади.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад сардор образи романик дostonларда икки хил талқин қилинади. Бир хил талқинга кўра, у Гўрўғлининг ғамхўр, меҳрибон тоғаси ва ҳомийси сифатида намоён бўлса, иккинчи талқинга кўра, у Ёвмит тахтига ўтира олмагач, Гўрўғли ва Авазнинг обрўси ортишидан норози, уларни кўра олмайдиган, ўрни келса, уларга душманлик қилишдан қайтмайдиган шахс сифатида фаолият кўрсатади. Тоға-жиянлар ўртасидаги бундай интригалар эса янги-янги романик сюжетларнинг юзага келиши учун асос бўлди. Умуман, Аҳмад сардор образи, унинг хатти-ҳаракати ўзбек халқи характериға хос тоға ва жиянлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини бутун ранг-баранглиги билан кўрсатишға хизмат қилади.

«Гўрўғли» туркуми дostonларида Юнус ва Мисқол париларнинг тутган ўрни жуда катта. Аслида парилар инсон зотиға турмушға чиқмайдилар ва ўрни келганда кишиларға зиён-заҳмат етказишлари ҳам мумкин. Юнус исми нозиклиги учун балиқ ютиб юборган Юнус пайғамбар номидан олинган. Мисқол исмининг эса икки хил изоҳи мавжуд. Биринчиси - нозик, ўта енгил маъносини англатса, иккинчиси - сайқалланган, гўзал маъносини ифодалайди. «Гўрўғли» туркумида юқоридаги икки маънодан қайси бири назарда тутилганлиги маълум эмас. Бизнингча, иккинчи маъно эътиборда тутилган бўлса керак.

Мифологик тасаввурларга кўра, парилар сув дунёси билан алоқадордир. Тадқиқотчи О.Қаюмовнинг ёзишича, парилар ҳақидаги тасаввурлар Ўрта Осиёда зардуштийлик-дан олдинги мифологик қарашларга бориб тақалади ва дуал (икки бир-бирига зид тасаввур) табиатга эга. Унинг генезиси эса ҳосилдорлик культлари билан алоқадор<sup>1</sup>. Биз тадқиқотчининг фикрини тўла қувватлаганимиз ҳолда бир нарсани алоҳида таъкидлашни лозим топамиз.

Романик достонларга парилар образи асосан сеҳрли эртақлар орқали ўтган. Шу боис улар кўпроқ антропоморф қиёфада тасвирланадилар. «Гўрўғли» туркумидаги Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари кабилар бунинг ёрқин мисолидир. Бундан ташқари, юқоридаги парилар фақат каптар қиёфасига эврила оладилар. Эврилиш доирасининг чекланганлиги, яъни соф мифологик ёки эртақлардагидек турли нарсаларга эврилмасликлари шундан далолат берадики, романик достонлар таркибига ўтган парилар образлари ўзларининг қадимги имкониятларини анча йўқотганлар. Чунки достон жанри поэтикаси парилар образига эртақ поэтикасидек кенг магик имконият берган эмас. Бунинг боиси шуки, эпос асосан инсон-қаҳрамон фаолиятини намойиш этадиган эпик майдондир. Мана шунинг учун ҳам романик достонларда париларнинг эврилиш доираси чекланган.

Париларнинг фаолиятларидаги дуал хислатлар ҳам романик достонларда чегараланган миқёсда намоён бўлади. Фақат «Балогардон» достонидагина Мисқол ва Юнус парилар Гўрўғли Хон Даллини Ҳасанга никоҳлаб бермади, уни бизнинг устимизга кундош қилиб олса керак, биз бундай ҳақоратга чидай олмаймиз, деб каптар

<sup>1</sup> Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): филол.фанлари номзоди

қиёфасига кириб, ўз юртларига қочиб кетадилар. Аслида эса улар бутун умр бўйи Гўрўғлига садоқатли ёр, доно маслаҳатчи, асранди фарзандларига, набираларига меҳрибон буви сифатида хизмат қилишлари лозим. Ўрни келса, улар Гўрўғли ва Чамбил шаъни учун эркак кийимда жангга ҳам чиқадилар. «Чамбил қамали» ва «Чамбил мудофааси» дostonлари бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Юнус, Мисқол ва Гулнор париларнинг тасвири шуни кўрсатадики, романик дostonлардаги, хусусан, Гўрўғли туркумида улар ўта инсоний қиёфада тасвирланадилар ва ўзбек оналарига хос фазилатлар касб этадилар.

Мифологик тасаввурларга кўра, парилар инсонлардан фарзанд кўрмайдилар. Шу боис Гўрўғли ҳам пари хотинларидан фарзанд кўрмайди ва бу эътиқодий тасаввур дostonда ўзига хос тарзда бадий далилланган. Афсар тоғидаги ғорда Ҳазрати Хизр ва чилтанлар Гўрўғлидан «от тилайсанми, зот тилайсанми» деб сўраганларида, у от тилашини айтади. Шунинг учун фарзандсизлик мотиви дostonда, бир томондан, ҳомийлар дуоси билан, иккинчи томондан, париларнинг туғмаслиги билан изоҳланган.

Халқ эстетикаси Гўрўғлини нега аёл инсонлар билан эмас, фақат парилар билан боғлади, деган савол туғилади. Бизнингча, бунинг сабаби шуки, Гўрўғли халқ идеалини ташувчи алоҳида танланган тип бўлганлиги учун унинг ўзида ҳам, оиласида ҳам ғайритабiiйлик бўлиши шарт. Унинг оддий инсон эмас, балки ҳомий кучлар томонидан танланган алоҳида тип эканлиги париларга уйланиши билан тасдиқланади. Мана шунинг учун у ўзга мамлакатларга юриш қилиб, гўзал маликаларни олиб келганда ҳам уларга уйланмайди.

Масалан, «Далли» достонида Гўрўғли Даллини кўриб ошиқ бўлиб қолади, лекин уни олиб келган Ҳасанхонга никоҳлаб беради. «Малика айёр» достонида ҳам Маликани кўриб, ҳушидан кетган Гўрўғли, уни бошқа қиёфада Торкистондан Аваз билан бирга олиб келади ва Авазга никоҳлаб беради. Мана шу фактларнинг ўзи кўрсатиб турибдики, Гўрўғли ҳомийлар фотиҳасини бузиши мумкин эмас ва олдиндан белгиланган қисматидан ташқарига чиқа олмайди. Шу маънода Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Гулнор пари» достонида Гўрўғли Тойҳиндининг қизи Гулнор парига ҳам уйланиб, маълум маънода эпик анъанани, ҳомийлар фотиҳасини бузади. Бироқ бундай бузилиш ҳам, яъни Гўрўғлининг Ҳиндистондан уйланажак хотини парилар зотидан бўлганлиги сабабли сезилмай кетади. Аммо ҳомийлар дуосига кўра, у фақат Юнус ва Мисқол париларга уйланиши лозим, холос.

Хуллас, «Гўрўғли» туркуми достонларидаги Юнус, Мисқол ва Гулнор парилар соф антропоморф қиёфадаги парилар образлари бўлиб, улар Кўки қоф, Эрам боғи ва Ҳиндистондан олиб келинган. Улар дуал хислатларини жуда оз миқёсда сақлаб қолганлари ҳолда достонларда Гўрўғлининг садоқатли ва меҳрибон ёри, ҳаммаслаги, жасур ва довюрак мамлакат ҳимоячилари, ўрни келганда аёл зотига хос рашк оловидан холи қолмаган образлар сифатида романик достонларда бўй кўрсатадилар. Парилар образлари романик достонларда сеҳрли эртаклардагидек мифологик хислатларга бой, сеҳргар ва ёвуз мифологик қиёфада тасвирланмайдилар. Бундай хусусият эса уларнинг достонлар таркибига кейинроқ эртаклардан ўтганлиги, достон жанрининг эстетик принциплари эртакларга нисбатан анча «ижтимоийлашган»лигини англатади.

«Гўрўғли» туркуми дostonлари қаҳрамонлари тизимини унинг асранди фарзандлари Авазхон ва Ҳасанхонларсиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Улар халқ идеалини ифодаловчи қаҳрамон ҳаётининг мазмунли ўтиши, ўзидан сўнг бошлаган эзгу ишларининг давомчилари ва тож-тахтининг ворислари сифатида бутун туркум давомида улкан ғоявий-бадий вазифаларни адо этадилар.

Маълумки, зот ўрнига от тилаган Гўрўғли фарзандсиз ўтиши лозим эди. Аммо халқ идеали бундай қаҳрамоннинг дунёдан армонли ўтишига, умрининг самарасиз ўтишига йўл қўя олмас эди. Шу боис Ҳазрати Хизр ва чилтанлар дуоси билан Ваянгандан Ҳасанни, Хунхор элидан Авазни олиб келиб, ўғил қилиб олади. Чунки Хизр ва чилтанлар фақат шу иккисини олиб келиб ўғил қилиб олишни айтадилар. Нега энди Гўрўғли бошқа мамлакатдан бошқа болаларни олиб келмас экан? Сабаби шуки, Хизр ва чилтанларнинг Аваз ва Ҳасанга фатво беришлари уларнинг олий руҳлар томонидан танланишини англатади. Шунинг учун улар ҳамма вақт, ҳар бир жойда Гўрўғлига ўз оталаридек муносабатда бўладилар, уни иззат-хурмат қиладилар ва унга садоқат билан хизмат қиладилар.

Гўрўғлининг эпик фаолияти билан боғлиқ концепция-нинг давомли бўлиши халқ идеалининг узок даврлар сақланиб қолишига имкон беради. Чунки Гўрўғли ва унинг жанговар оти юз йигирма йил умр кўрса, ундан кейин фарзандлари ҳамда набиралари унинг эзгу ишларини давом эттирадилар. Мана шундан иборат эпик концепция туфайли «Гўрўғли» генеологик туркуми ичида Авазхон ва Ҳасанхон билан боғлиқ биографик туркумликлар юзага келди<sup>4</sup>. Мана шу фактнинг ўзи шундан далолат берадики, Гўрўғлига асранди

---

фарзандларнинг ато этилиши ғоявий планда идеал қаҳрамон фаолиятининг бардавомлигини таъминлаган бўлса, бадий-эстетик йўналишда «Гўрўғли» туркумлиги сюжетларининг доирасини кенгайтиришга имкон берди.

«Гўрўғли» туркуми дostonларида Аваз Гўрўғлига содиқ, мард ва жасур, ота хизмати ва шаъни учун жонини фидо қилувчи фарзанд сифатида тасвирланади. У ўта қизиққонлиги туфайли баъзан аразлаб кетиб ҳам қолади, баъзан хатоликларга ҳам йўл қўяди. Лекин Гўрўғлининг меҳр-муҳаббати ва ёрдами билан тезда ўрнини топиб олади.

Ҳасан эса Авазга нисбатан босиқ, сермулоҳаза, андишали бўлиб, у ҳам Гўрўғлига нисбатан содиқ фарзанд сифатида хизмат қилади. Гўрўғли оғир ҳолатларга тушиб қолганда Авазга ўхшаб энг оғир ишларни ўз зиммасига олади. Нима учундир Ҳасан образи Аваз образига нисбатан туркум доирасида камроқ ўрин эгаллайди. Шунинг учун бўлса керакки, «Гўрўғли» туркуми доирасида Ҳасанхон биографик туркуми «Далли», «Ҳасанхон» ва «Равшан» дostonлари билан чегараланади. Авазни ҳам, Ҳасанни ҳам Юнус ва Мисқол парилар ўзбек халқига хос урф-одатлар асосида ёқаларидан солиб, этакларидан олиб, ўзлари туғиб улгайтиргандек меҳр-муҳаббат билан ардоқлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Авазхон ва Ҳасанхон образлари «Гўрўғли» туркуми дostonлари таркибида ҳам ғоявий, ҳам эстетик жиҳатдан сезиларли ўрин эгаллайди.

«Гўрўғли» туркуми дostonларида қаҳрамоннинг доимий ҳамроҳи, унинг оғир ва шодон кунларида бирга бўлувчи қирқ йигитлар образлари диққатга сазовор. Чунки Гўрўғлининг донгини

дунёга таратишда, Чамбилнинг обод ва фаровон бўлишида қирқ йигитнинг хизматлари беқиёсдир. Бахшиларнинг талқинига кўра, қирқ йигитлар қирқ уруғдан, қирқ элдан ўз хоҳишлари билан келиб, Гўрўғлига хизмат қилишга аҳд қилганлар. Мана шу тариқа улар Гўрўғлининг дружинасини ташкил этадилар. Бироқ бирорта ҳам бахши қирқ йигитнинг исмини бирма-бир санаб, уларга хос хислатларни аниқ кўрсатган эмас. Пўлкан шоир «Юнус пари» достонида улардан бир нечтасининг номларини қайд этиб ўтади. Улар: Гаждумхон, Муродбой, Хидирали элбеги, Дониёр хўжа, Бердиёр оталик, Сафо, Сафонинг ўғли Мустафо чакқон, Такабеги Замон, Сафарбой, Холдор маҳрам кабилардан иборат<sup>1</sup>. Агар Эргаш шоир қайд этган Мирза Аскар, Аширбек сардор кабилар кўшиб ҳисобланса, қирқ йигитлар миқдори анча кўпаяди.

Умуман олганда, қирқ йигит барча дostonларда Гўрўғли билан базм куради, мушкул масалалар юзасидан Гўрўғли улар билан кенгашади, узоқ ва хатарли сафарларда қирқ йигит ҳамиша қаҳрамоннинг йўлдоши бўлади. Қирқ йигит образининг генетик илдизлари эртак жанрига алоқадор бўлса керак. Чунки қирқ рақамининг магик тасаввурларга алоқадорлиги уларнинг мифологиядан дастлаб эртакларга, эртаклардан романик дostonларга ўтганлигини тасдиқлайди.

Ўзининг тарихий асослари билан қирқ рақами «эркаклар уйи» ёки «эркаклар дружинасининг» «махфий жамиятлари»дан келиб чиққан. Фольклоршунос М.Жўраев бу ҳақда шундай ёзади: «... қирқ рақами «яширин жамият» аъзолари сонини сир сақлаш мақсадида

---

<sup>1</sup> Юнус пари //Гўрўғлининг туғилиши. Ўзбек халқ ижоди. Кып томлик. Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. –Т., 1967. –Б.167.

қўлланилган ритуал код ўрнида қўлланган. Даврлар ўтиши билан «ритуал кўплик» фольклор асарларидаги «эпик кўплик» даражасига ўсиб ўтган... ритуал кўпликдан фольклор матнларидаги эпик кўпликка ўтиш қирқ рақамининг «сеҳрли» сон сифатидаги энг муҳим хусусиятидир»<sup>1</sup>.

Қирқ йигитнинг тарихан яширин жамият билан боғлиқлиги, биринчидан, уларнинг ном-баном аниқ саналмаслигида, иккинчидан, доим Гўрўғли билан мажлисхонада ўтиришларида, учинчидан, мушкул сафар ва хатарли жангларда қаҳрамон учун жон фидо қилиб уришишларида, яъни садоқат билан беминнат хизмат қилишларида кўзга ташланади. «Яширин жамият» аъзолари ҳам ўз бошлиқларига ана шу хилда муносабатда бўлганлар. Бу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкиддаб ўтиш лозимки, романик дostonлардаги қирқ йигит эпик кўплик эмас, балки аниқ рақам маъносини касб этган.

Романик дostonлар сюжетлари халқ афсона ва эртаклари сюжети асосида яратилганликлари сабабли қирқ йигит образлари ҳам мазкур дostonлар таркибидан мустаҳкам ўрин олган. Аслини олганда, қирқ йигит эпос анъанаси учун хос эмас. Халқнинг ғайри табиий кучлар ҳақидаги тасаввурлари асосида қирқ рақамининг сеҳрли қудратига эга бўлган чилтанлар, қирқ ўғри ёки қароқчилар образлари юзага келган. Бундан ташқари, қирқ рақами етишиш, тайёрланиш ва мириқиш муҳлати ҳам саналади. У ёки бу воқеанинг содир бўлишига тайёргарлик учун қирқ кун муҳлат берилиши, қирқ кеча-кундуз тўй-томоша бериш, қирқ кун баҳодирлик уйқусига кетиш қабилар мазкур рақамнинг сеҳрли кучига асосланган.

Романик дostonлар қирқ йигит образларини эртак эпосидан

---



Ўзининг поэтик анъанаси ва қонуниятларига мослаб қабул қилган. Бироқ шунда ҳам қирқ йигит образлари ягона қаҳрамондай хатти-ҳаракат қиладилар, уларнинг индивидуаллашган қиёфалари тасвири учрамайди. Даврлар ўтиши, романик дostonлар анъанасининг халқ эпоси ижрочилигида тобора мустақкамланиб бориши натижасида айрим бахшилар қирқ йигит образларига айрим янгиланишлар киритишга муваффақ бўладилар. Масалан, Раҳматулла Юсуф ўғли «Қирқ йигит билан қирқ қиз» асарида бошқа романик дostonларда учрамайдиган бир воқеани баён этади, яъни унда Гўрўғлининг розилиги билан унинг қирқ йигити қирқта қизга уйланади. Бахшининг тасвирлашича, ўтиришлардан бирида қирқ йигит «бизлар ҳам бирорта ер қилиб, кўнглимизни ёзиб ўтолмадик, дунёдан армонли бўлиб кетаётибмиз», деб шикоят қиладилар. Шундан сўнг Гўрўғли Шайдулло қаландар-Ҳасан чопсоннинг маслаҳати билан Кошон вилоятидаги Жондорпуч кампирнинг қирқ қизига қирқ йигитни уйлантиради. Ҳасан чопсон эса Жондорпуч кампирнинг ўзини хотинликка олади<sup>1</sup>.

Мана шу мисолнинг ўзи кўрсатадики, эртақ ва афсоналардаги сеҳрли қирқ йигит образи романик дostonларнинг эстетик принципларига мослашиб, яна ижтимоий реал хусусиятга эга бўлганлар.

Хуллас, қирқ йигит образлари аниқ қиёфа, аниқ исм ва атрибутларга эга қаҳрамонлар сифатида тасвирланмасалар ҳам, аммо «Гўрўғли» туркуми дostonларида фаол иштирок этиб, мушкул конфликтлар ечимида сезиларли роль ўйнайдилар. Халқ эпоси,

<sup>1</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сеҳрли» рақамлар. –Т.:Фан, 1991.-Б.147-148.

<sup>1</sup> Гўрўғлининг тугилиши. Айтувчи: Раҳматулла Юсуф ўғли. Ноширлар: Т.Мирзаев, З.Хусаинова.- -Т.:Ёзувчи, 1996.-Б.182-199.

хусусан, романик дostonлар, якка ва танланган қахрамонлар эпоси бўлганлиги сабабли барча эпик намуналарда уларнинг қай даражада тутган ўринлари, жангу жадаллар ечимидаги роллари аниқ таъриф тавсифланмайди. Шунга қарамай, романик дostonлар қирқ йигит образларисиз тўлақонли эпос бўла олмайдилар.

«Гўрўғли» туркуми дostonларида Ҳасан чопсон, Ҳасан кўлбар, Ҳасан якдаста образлари ҳам ўзларига хос ўрин эгаллайди. Бу уч образ туркумнинг барча дostonлари учун анъанавий бўлиб, улар Юнус парини Чамбилга олиб келиши пайтида Гўрўғлига Қария пари томонидан хизматкор сифатида ҳадя этилган. Улар ғайри табиий айрим хислатларини сақлаб қолган, аммо ўта антропоморф қиёфага эга бўлган девлар образидан иборат. Айрим бахшилар туркумдаги Ҳасанларни учта эмас, тўртта ҳам санашади, аммо эпик анъанада тўртинчи Ҳасаннинг йўқлиги сабабли унга махсус белги-хусусият бериша олмайди. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги «Холдорхон» дostonида қуйидаги мисраларни учратамиз: «Отамнинг тўрт Ҳасани бор, ҳар қайсининг катта ҳовлидай, ҳовлидай корсони бор, уларнинг ўлчови-карсони. Отамнинг Ҳасан-лари: Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Якдаста, Ҳасан чопсон, Ҳасан.. шу тўртови келганда қандай қилар эдинг»<sup>1</sup>.

Авазхон Гўрўғлининг Ваянгандан олиб келиб ўзига ўғил қилиб олган Ҳасанхонни уч Ҳасанга қўшиб санаганлиги сабабли тўртинчи Ҳасанга хос хислатни айтолмай қолади. Ҳақиқатан ҳам, тўртинчи Ҳасан Гўрўғлининг асранди фарзандидир. Аслида уч Ҳасаннинг бири ўта чопоғон - Ҳасан чопсон, иккинчиси ошхўр паҳлавон - Ҳасан кўлбар, учинчиси зўр билакли паҳлавон - Ҳасан якдаста бўлиб, улар

<sup>1</sup> Холдорхон //Булбул тароналари. Беш жилдлик. 4-жилд.-Т.:Фан, 1972.-Б.19.

Гўрўғлига содик, аммо дoston жанрига эртаклар орқали ўтганлиги сабабли кучли ижтимоий қиёфа касб этган учта Ҳасан девлар образи бўлиб, оғир вазиятларда душманга зарба берадилар, Гўрўғли ва унинг яқинларига, мамлакатига кўмак берадилар. Ҳасанлар образлари, уларнинг мифологик илдизлари, эртаклар билан алоқаси, белги-хусусиятлари ҳақида фольклоршунос Ш.Турдимов батафсил тўхталганлиги сабабли биз улар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз<sup>1</sup>.

Унинг ҳақли кўрсатишича, эпик қаҳрамон кўмак-чиларига функционал бўлган образлар халқ эртакларида ҳам кўплаб учрайди. Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатадики, Ҳасан ёки бошқа номлар билан аталувчи эпик қаҳрамон кўмакчилари романик дostonлар сюжетига халқ эртаклари-

дан ўтган. Бироқ Ш.Турдимов мақоланинг охирида айрим фикрлар билдирадики, уларга қўшилиш қийин. У ёзади: «Эгизакларни «Ҳасан-Ҳусан» деб аташ удуми халқимиз ўртасида араб истилосидан кейин реал бўлганлигини ёдда тутсак, «Ҳасан» номи бу дostonларга араб истилосидан кейинги даврларда қўшилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Аслида улар худди «Маадай-қара», «Ахмадлар» эртагида бўлганидек, бош қаҳрамон «Гўрўғли» номи билан юритилган бўлиши ҳам мумкин»<sup>2</sup>.

Тадқиқотчининг бу фикрига қўшилиш қийин. Чунки «Гўрўғли» туркуми у билан бир тарихий-структурал типни ташкил этувчи романик дostonлар араб истилосига қадар шаклланмаган эди. Бинобарин, романик дostonлар қаҳрамонларининг араб истилосидан олдинги намуналарини қидиришга асос йўқ. Романик дostonлар классик эпос намунаси сифатида асосан XVI-XVII асрларда

<sup>1</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1995 №3. -Б.35-41.

юзага кела бошладилар. Гўрўғли ҳам эпик қаҳрамон сифатида мана шу даврларда яратилди. қолаверса, «Маадай-қара» романик эпос типини эмас, балки олтойликларнинг қаҳрамонлик эпосини саналади. Шу боис унинг таркибида классик эпосга хос хусусият ва унсурлар билан бирга архаик эпосга хос хусусиятлар ҳам қоришиб кетган. Бу ўринда Ш.Турдимовнинг бир қайдигагина тўлиқ қўшилиш мумкин. У ҳам бўлса Ҳасанлар образларининг эртак эпосидан ўтиб ўзлашганлигини эътироф этишидан иборат. Шу ўринда унинг бир хулосаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. У ёзади: «Ҳасанлар «Гўрўғли» туркумида эртаклар-даги ғаройиб кўмакчилардан фарқли ҳар томонлама шаклланган анъанавий образларга айланган»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам Ҳасанлар «Гўрўғли» туркумида ҳар жиҳатдан тўла шаклланган образлардир. Чунки романик достонлар эртак жанридан қайси образни ўз таркибига олмасин, уларни халқ эпосига хос эстетик қонуниятлар асосида тубдан қайта шакллантиради, уларга аниқ ижтимоий қиёфа бағишлайди, уларнинг функционалик, фаоллик даражасини орттиради. Демак, Ҳасанларга ўхшаш мифологик асосга эга бўлган образлар романик достонларда фаол ижтимоий қаҳрамонлар сифатида талқин этилган экан, бу уларнинг муайян жанрнинг эстетик принциплари асосида қайта шаклланганлигидан иборат жараён маҳсулидир.

«Гўрўғли» туркуми достонларида Асад ва Шодмон мерган образлари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Уларнинг туркум достонларнинг қайси бирида дастлаб пайдо бўлганликлари ҳақида

---

<sup>1</sup> Турдимов Ш. Қырсагилган мақола.-41-бет.

аниқ маълумот йўқ. Шунга қарамай бу икки мерган ўзларининг барча типик хислатларини тўла намоён эта олганлар. Бир достонда улар ўз манфаатлари учун ҳар қандай ёвуз ишлардан тап тортмайдиган кишилар сифатида ўзларини кўрсатсалар, бошқа бир достонда моҳир мерганлар сифатида қаҳрамонга катта ёрдам берадилар. Масалан, «Малика айёр» достонида улар Аҳмад сардорнинг топшириғи билан Торкистонга сафарга отланган Авазни ўлдириб, Ғиротни қўлга киритиб, Малика айёрни ўзлари олиб келмоқчи бўладилар. Полопон тоғида улар отган милтиқ ўқидан, парли ёйдан Авазни назаркарда ғирот кутқаради. Шунда улар Авазни синаб кўриш ниятида бу ишни қилганликларини айтиб қутулиб қоладилар. Мерганларнинг бу сўзларига ишонган Аваз иккисини ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олади. Бироқ шунда ҳам Асад ва Шодмон мерган ўзларининг ёвуз ниятларидан қайтмаган эдилар. Аваз Малика айёрни Шоқаландар ва Шозаргарлар ёрдамида қўлга киритиб, Чамбилга қайтаётганда мерганлар унга яна суиқасд уюштирадилар. Аваз Гўрўғлининг ёрдамида омон қолади. Мана шундан кейин Гўрўғли мерганларни ўлдирмоқчи бўлади, аммо Аваз отасидан ўтиниб, уларни ўлимдан олиб қолади.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Машриқо» достонида мерганлар Аваз ҳамда Гўрўғли томонида туриб, учар девларни ўк узиб қулатадилар. Маълум бўладики, Асад ва Шодмон мерган ўз касбларининг тенгсиз соҳиблари бўлиб, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Шу боис улар бир достонда салбий жиҳатдан бўй кўрсатсалар, бошқа достонда Гўрўғли ва унга қаршли қаҳрамонларнинг содиқ ҳамроҳлари сифатида фаолият кўрсатадилар. Яна бошқа бир достонда эса улар кўрқоқ ва сотқин кишилар сифатида

шармандали аҳволга тушиб, эпик тасвирда комик вазиятлар яратилишига сабаб бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, Асад ва Шодмон мерганлар феодал сарой хизматида юрувчи, мансаб-манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кишиларнинг типик вакиллари образларидан иборат.

«Гўрўғли» туркумида эпик патриарх Гўрўғлининг набиралари образлари катта ўрин тутадилар. Жумладан, Авазнинг ўғли Нурали, қизи Гуланор, Ҳасаннинг ўғли Равшан образлари бунинг ёрқин далили бўлиб, туркумда Нурали ва Равшан фаолиятига бағишланган махсус дostonлар мавжуд. Гўрўғлининг асранди фарзандларидан Авазга нисбатан ижодкорларнинг илиқ муносабати кучлилигидан бўлса керак, Сурхондарё ва Қашқадарё дostonчилигида Авазнинг ўғли Нуралига бағишланган кўплаб дostonлар яратилган. Ҳолбуки, Самарқанд дostonчилик мактабларида Фозил шоирдан ёзиб олинган “Нурали” дostonидан бошқа йирик бирор асарни учрата олмаймиз.

Дostonчилик анъаналарининг нисбатан давомийлиги янги-янги сюжетлар яратилишига имкон беради. Гўрўғли ва унинг фарзандлари, жумладан, унинг қирқ йигитидан айримлари ҳақида махсус дostonлар яратилганлиги маълум. Жонли эпик анъана давом этаётган жанубий вилоятларда эпик патриарх ва унинг фарзандлари ҳақида эмас, балки набиралари ҳақида янги-янги сюжетлар яратилди. Мана шунинг учун ҳам жанубий вилоятлардаги бахшилар Нурали ҳақида бир қанча дostonлар яратдилар ва уни биографик туркумлик даражасига кўтардилар<sup>1</sup>, ҳаттоки Нуралининг фарзанди Жаҳонгир назарда тутилса, кичик генеологик туркумлик ҳам вужудга келди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мамашукуров К. Идеино-художественные особенности цикла дастанов «Нурали». АКД. Ташкент, 1985.

<sup>2</sup> Мирзаева М. Ўзбек халқ дostonларида туркумчилик. –Т.:Фан, 1985.

Нурали исми Алининг нури маъносини англатади, яъни Нури Али бирикмасидаги изофанинг тушиб қолиши натижасида бирикманинг икки компоненти яхлитлашиб, Нурали исми юзага келган. Бу нарса Ўрта Осиёда Ҳазрати Али культининг кенг тарқалганлиги ва у паҳлавонлик, жавонмардлик рамзи сифатида сиғинишга лойиқ сиймо мақомини олган. Ана шу сиймога ҳурмат рамзи сифатида Али, Нурали исмлари кенг тарқалган. Бироқ “Гўрўғли” туркумидаги Нуралининг Али культига генетик алоқаси сезилмаса ҳам, аммо унинг баҳодирлиги, мард ва жасурлиги, бир томондан, отаси Аваздан ўтган хислат бўлса, иккинчи томондан, табаррук исмининг киши хислатига кўрсатадиган таъсири билан ҳам боғлиқ деган тасаввур туғдиради.

Ҳасанхон ва Даллидан туғилган Равшан ҳам ота ва онаси каби мард, жасур қаҳрамон. Унинг исми форсча-тожикча “ёруғ” сўзидан олинган бўлиб, у Ўрта Осиё халқларида кенг тарқалган боболар исмининг набира, чевара ҳамда эвараларга қўйиш удуми билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Исм қўйишдаги бу удум икки нарсани назарда тутаяди. Биринчиси – аجدодлар исми ва шаънининг унутилиб кетишига йўл қўймаслик, улар исмининг авлодлар тилида такрорланиб туришини таъминлаш бўлса, иккинчиси – аجدодларда мавжуд бўлган олийжаноб, яхши хислатларнинг кейинги авлодларга ўтишига истак билдиришдан иборат. Мана шу икки мақсадни кўзлаган эпик қаҳрамон ўз набирасига отасининг исмини қўяди.

Равшан ҳам мард, бир сўзли, довюрак ва олийжаноб йигит бўлиб вояга етади. Аваз қизини Равшанга беришдан воз кечгач, Равшан Юнус пари берган узук кўзидаги Зулхумор суратини кўриб, ошиқ бўлиб қолади. У меҳнату машаққатлар чекиб, Зулхуморни олиб

келади ва унга уйланади. Равшан фаолиятига бағишланган бу дoston кўрғон дostonчилик мактабининг йирик вакили Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Ўзбек «Гўрўғли» туркумида Равшанга бағишланган бошқа бирорта ҳам йирик сюжет эпосшуносликда қайд этилмаган.

Юқоридагилардан ташқари, «Гўрўғли» туркумида Далли, Интизор, Зулхумор, Гулқиз, Гулчеҳра, Марғумон ва канизлар образлари; Раҳмат пари, қария пари, Бало, дев каби мифологик образлар ҳам борки, улар дostonлар сюжети воқеаларини ривожлантириш, бир-бири билан боғлаш, муайян ечимларга олиб келишда, мавжуд конфликтларни ҳал этишда сезиларли аҳамиятга эга. Аммо бу ўринда уларнинг ҳар бири ҳақида махсус тўхталиб ўта олмаймиз.

Романик дostonлар халқ эпоси силсиласида шу қадар катта ўрин тутадиларки, уларсиз ўзбек халқ эпоси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Бинобарин, «Рустам» туркуми дostonларидаги айрим қаҳрамонлар исми ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Тадқиқотчи М.Обидованинг қайд этишича, «Рустам образи форс-тожик адабиётида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирлангунга қадар яқин ва Ўрта Шарқ халқлари эпосида кенг тарқалган эмас. Чунки Рустам образи Аҳмонийлар ҳамда Сосонийлар даврида форс эпосига кириб келган эди. Мана шундан сўнг бу образ форс-тожик эпосида, кейинроқ туркий халқлар эпосида ҳам кенг тарқалди»<sup>1</sup>.

Ушбу фикр деярли барча эпосшунослар томонидан тўла қабул

---

<sup>1</sup> Обидова М. «Рустам» туркумидаги дostonлар.-Т.:Фан, 1982. –Б.14.



қилинди. Бироқ улардан ҳеч бири Рустам исмининг маъноси ҳақида фикр билдирмайди. Бизнингча, Рустам - “руст” ва “тахам” сўзларининг қўшилишидан ясалган ва катта (алп), мустаҳкам гавдали паҳлавон маъносини англатади.

Ўз исмига монанд қаҳрамон «Рустамхон» достонида кучли, ғайратли, ор-номусли, мард ва жасур инсон сифатида тасвирланади. У ноҳақ туҳматга қолган онасини ўлимдан қутқариб қолади, ёвуз аждарни ўлдириб, Бужул шаҳрини даҳшатли офатдан қутқаради, Хисравшоҳнинг қизи Офтобойга уйланади. Унинг барча хатти-ҳаракати исми-жисмига тўла мос келади. Ташқи қиёфа ва ички моҳиятнинг бундай уйғунлиги романик достонларгина эмас, балки халқ эпосида идеал образ яратишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Айни шу туркумга мансуб «Муродхон» достони эса Рустамхоннинг бобоси саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Достондаги бош қаҳрамон Муродхон исми араб тилидаги «мақсад» маъносини англатувчи «мурод» сўзидан олинган. Бундан ташқари, мазкур туркумга мансуб достонлар қаҳрамонларининг исмлари Хуройим, Офтобой, Султонхон, Тоғай; Оқилхон, Орзигул, Қироншоҳ, Гулчеҳра, қирқ жаллод кабилар форс-тожик, араб ва туркий тилга мансуб сўзлардан қўйилган. Мана шу фактнинг ўзи кўрсатиб турибдики, романик достонлар XVI-XVII асрларда юзага келган бўлиб, бу марказлашган феодал давлатчилиги тўла қарор топган, ўзбек тили таркибига эса кўплаб арабча, форс-тожикча сўзлар ўтиб ўзлашган бир давр эди. Шундан бўлса керак, романик достонлар қаҳрамонларининг исмларигина эмас, балки уларга хос хислат ҳамда хусусиятлар, фаолият бевосита Ўрта асрлар Ўрта Осиё халқлари эпосига хос бир хил типологик умумийликка эга.

Ўзбек романик дostonлари қаҳрамонлари, уларнинг номланиши юзасидан мазкур бобда билдирилган мулоҳаза-лар бизни қўйидагича хулосаларга келишга ундади.

1. Ўзбек романик дostonлари алоҳида танланган якка қаҳрамонлар саргузаштларини ҳикоя қилувчи халқ эпосининг махсус типи бўлиб, мана шу хусусияти билан улар кейинги Ўрта асрлар халқ эпоси учун тарихий типологик ҳодиса ҳисобланади. Шунга қарамай, уларнинг қаҳрамонларида типиклаштириш ва индивидуаллаштириш масаласи эпосшунослигимизда махсус ўрганилмаган.

Ушбу масалада кузатишларимиз шуни кўрсатадики, романик дostonлар қаҳрамонларида ҳам типиклаштириш мавжуд. Бироқ бу типиклаштириш реалистик адабиётдаги типиклаштиришдан кескин фарқланади ва унинг моҳиятини ривожланган феодализм даври талаб ҳамда эҳтиёжлари ташкил этади. Қаҳрамоннинг ҳукмрон табақа вакиллари доирасидан танланиши, лекин унинг мудом озодлик, адолат, меҳнатсеварлик, жасурлик, ватанга муҳаббат, дўстлик ва севгига садоқат каби халқнинг юксак идеаллари учун курашиши эпосга хос типиклаштириш мавжудлигини кўрсатади. Демак, романик эпосга хос бундай типиклаштириш индивидуал идеалда ўз ифодасини топган жамоа идеали сифатида воқе бўлади.

Романик дostonлар қаҳрамонлари ўзларига хос ва бир-бирларини такрорламайдиган индивидуал типлардан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, хислати, хатти-ҳаракати ва нутқиға эға. Мана шунинг ўзи романик дoston қаҳрамонларида реалистик адабиёт қаҳрамонларидан фарқли, ўзига хос индивидуаллаштириш мавжудлигидан далолат беради. Фикримизча, ушбу масалалар эпосшуносликда янада жиддий тадқиқ этилишга муҳтож.

2. Романик дostonлар қахрамонларининг айримлари мифология билан генетик алоқадор бўлсалар ҳам, бу алоқадорлик бевосита эмас, балки билвосита, яъни афсона, ривоят ёки эртак жанрлари воситасида юз берган. Шунинг учун романик дostonлар қахрамонларидаги мифологик унсурлар, белги ва хусусиятлар таҳлили ва талқинида юқорида қайд этилган эпик жанрлар таъсирини унутмаслик зарур.

3. Романик дostonлар қахрамонлари фаолиятида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар юксак даражадаги ахлоқий нормалар асосида тасвирланган. Ота-она хоҳиши ёки даъвати фарзанд учун бажарилиши зарур бўлган қонун мақомига эришган. Шу боис романик дostonлар қахрамонлари ёш авлод тарбиясида беқиёс маънавий-ахлоқий манба ҳисобланади.

4. Романик дostonлар қахрамонларининг маънавий-ахлоқий қарашларида душманга, хиёнатга шафқатсиз бўлиш; дўстларга, ожиз ва чорасизларга, ноҳақ жабрланганларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, адолат ва ҳақиқат учун толмас курашиш етакчи тамойил ҳисобланган. Улардаги бундай олийжаноб хислатлар мустақил юртимиз ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбияси учун йўлланма вазифасини ўтайди.

5. Романик дostonлар қахрамонларининг номланиши ўзига хос бўлиб, ушбу номларнинг моҳиятини, этимологиясини очишда эпос мазмуни ва моҳияти, эпик воқелик йўналиши, образнинг ғоявий-бадий талқини кабиларни тенг ҳисобга олиш зарур. Энг муҳими - романик дostonлар қахрамонларининг ҳар бири ўзига хос исм ва жисмга эга. Демак, дostonлар ономастикасини ёритишда образнинг эпик талқини, мантиқ ва номлашда ягона қонуният йўқлигини ҳисобга олиш лозим.

## РОМАНИК ДОСТОНЛАРДА БАРҚАРОР ЭПИК ФОРМУЛАЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ - ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ

Романик достонлар классик эпос намунаси ҳисобланадилар. Классик эпосда эса, тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, ягона элат ёки халқ идеаллари акс этади, халқаро эпик сюжетларга хос мотивлар пайдо бўлади, жамоа қизиқиши ҳамда ҳуқуқий нормалари, халқ идеалидаги адолат туйғуси тараннум этилади, эпосда генеологик, биографик, географик ва тарихий туркумликлар юзага келади ва, ниҳоят, тасвир ҳамда ифодада барқарор универсал формулалар кенг қўлланилади<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этиб ўтилган классик эпос хусусиятларидан шу нарса маълум бўладики, эпик формулавийлик халқ эпоси тараққиётининг энг юксак босқичи учун хос зарурий белгилардан биридир. Демак, эпик формулавийлик оддий шаклий хусусият бўлмай, халқ эпосига хос воқеликни поэтик идрок этиш ва уни тасвирлаш, эпик қаҳрамон рухий оламини ифодалашнинг ўзига хос воситаси ҳамдир. Шу боис романик достонлардаги барқарор эпик формулалар поэтикаси махсус тадқиқотларни талаб этувчи илмий масала ҳисобланади. Ишимизнинг ушбу бобида ана шу масаланинг айрим жиҳатлари ҳақида баҳс юритамиз.

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. «Алпомиш» эпоси ҳақида уч этюд //«Алпомиш» - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т.: Фан, 1999. -Б. 115-140.

Халқ эпоси узоқ даврлар шаклланиш ва жонли ижро босқичларини босиб ўтганлиги, ана шу босқичларда мустаҳкам эпик анъаналар юзага келганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Эпик анъаналар эса мавҳум тушунчалар бўлмай, улар бир нечта сатҳларда амал қилувчи аниқ поэтик ҳодисалардан иборат. Ана шу анъаналардан бири эпик мазмун бўлиб, у ўз ичига асар воқеалари ҳамда персонажлар фаолиятини қамраб олади. Эпик мазмун реал ҳаётий мазмун билан шартли боғланишга эга бўлса ҳам, бироқ ҳеч қачон реал ҳаётий мазмун билан тенг эмас. Реал ҳаётий мазмун қай даражада ўзгарувчан ва фаол бўлса, эпик мазмун шу даражада барқарор ва анъанавий характерга эга бўлади. Демак, эпик мазмунни реал ҳаётий мазмун билан тўғридан-тўғри боғлаб бўлмайди, улар ўртасидаги боғланиш эпик анъана барқарорлиги орқали амалга ошади. Бу эпик воқелик ва реал воқелик ўртасидаги муносабатнинг биринчи сатҳидир.

Иккинчи сатҳ эса барқарор эпик мазмунни барқарор поэтик шаклларда ифодалашнинг усул ва воситаларидан иборат. Айни мана шу сатҳда эпик формулалар, уларнинг тарихий илдизлари, ифодалаган мазмунлари ва бажарган бадий вазифалари ёритилади.

Энг аввало, шуни айтиш керакки, формулавийлик архаик эпос учун эмас, балки фақат классик эпос учун хос хусусиятдир. Чунки эпос ижодкорлари узоқ аждодларнинг табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги, турмуш тажрибаларида синалган, тасдиқланган ёки инкор этилган поэтик хулосалари асосида эпик формулаларни яратганлар. Бундай поэтик ҳукм ёки хулосаларнинг доимийлиги, ўзгармаслиги эса формулаларнинг барқарорлашишига, тасвир ёки баёнда эпик хотира деб аталмиш нодир ҳодисанинг шаклланишига

йўл очиб берди. Оддийроқ қилиб айтганда, барқарор эпик формулалар эпик хотирани мустаҳкам тутиб турувчи устунлардир.

Барқарор эпик формулалар муайян сюжет билан боғлиқ бўлмаган, лекин халқ бахшиларининг эпик онги ва эпик хотирасини ушлаб турадиган, уларни бадиҳа қилишга ундаб, йўналтирадиган ҳодисадир. Шу маънода барқарор эпик формулалар халқ достонларининг муҳим, етакчи услубий хусусияти ҳисобланадилар.

Халқ эпосида сақланган хотиранинг моҳиятини чуқур ва тўғри англашда барқарор эпик формулалар мазмунини, уларнинг анъанавийлик даражасини, ҳар бир формуланинг достон матнида адо этган вазифаларини аниқлаб олиш катта аҳамиятга эга.

Халқ эпосида барқарор формулаларнинг тутган ўрни ва бадий вазифалари, айрим формулаларда ифодаланган мазмуннинг тарихий асослари ҳақида ўзбек эпосшуносли-гида бир қанча кузатишлар олиб борилган<sup>1</sup>. Улар стилистик формулаларнинг достон сюжетидаги муайян вазиятлар билан боғлиқ бўлган ва сюжет билан боғлиқ бўлмаган турлари ҳақида эътиборга молик фикрларни билдирганлар. Биринчи турга мансуб барқарор формулалар сюжет воқеалари ривожига, муайян вазиятлар ечимига таъсир кўрсатишини, иккинчи турга мансуб барқарор формулалар бахши ёки персонаж нутқида қўлланилиб, ифодаланадиган фикрга ритм, вазн ва қофия жиҳатидан қолип вазифасини адо этишини ўзбек эпосшунослигида илк бор В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар кўрсатан эдилар. Айниқса уларнинг кўпгина барқарор формулаларнинг афористик маъно касб этишлари

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М.: ГИХЛ,1947. -С.431-434; Мирзасев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. - Т.: Фан, 1968. -Б. 141-145; Зарифов Ҳ. Ёмғир ёғса, ҳалқоб ерлар лойлансин //Пылкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. - Т.: Фан, 1976. -Б.-90.

ва улар дoston матнига кучли мазмундорлик, салмоқли маъно бағишлaшлари ҳақидаги фикрлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас<sup>1</sup>.

Барқарор стилистик формулалар ҳақида “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантларини қиёсий ўрганиш муносабати билан проф. Т.Мирзаев алоҳида тўхталиб ўтган. У “Алпомиш” дostonи ва унинг вариантларида турлича вазиятларда, турлича шаклларда қўлланилган ўн учта формула ҳақида тўхталиб ўтади. Биз учун қимматли томони шундаки, Т.Мирзаев ҳар бир барқарор формуладаги айрим сўзларнинг, кўпроқ, феъл шаклларининг ўзгартирилиши орқали турли вазиятларда хилма-хил вазифаларни адо этишга мослаб қўллаш мумкинлиги ҳақида диққатга сазовор фикрлар билдиради<sup>1</sup>.

Рус ва бошқа халқлар фольклоршунослигида эса бу масала анча кўп, анча жиддий тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Аслини олганда, эпик формулавийлик назарияси дастлаб акад.А.Н.Веселовский томонидан ишланган. Кейинроқ бу назария И.М.Тиронский, В.М.Жирмунский ва В.Я. Пропплар томонидан ривожлантирилди.

Ғарбда эса эпик формулалар масаласи Мильман Пэрри ва Альберт Лорд томонидан мукамал ўрганилди. Улар асосан юнак ва гайдук қўшиқлари, яъни серб-хорват эпоси бўйича олиб борган кузатишларида эпосдаги такрорланувчи мавзу ва мотивларнинг сўз

---

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Кўрсатилган асар. –Б.430-434.

<sup>1</sup> Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. –Б.141-145.

<sup>2</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -Л.: 1940; Путилов Б.Н. Искусство былинного певца //Принципы текстологического изучения фольклора -М.-Л.: Наука, 1966; Тронский И.М. К вопросу о «формульном стиле» гомеровского эпоса //PHILOGICA. Исследования по языку и литературе. Памяти академика В.М.Жирмунского, -Л., 1973; Плисецкий М.М. Роль памяти в фольклорном процессе //Проблемы фольклора.-М.: Наука, 1976. -С.53-60; Гацак В.М. Эпический певец и его текст //Текстологическое изучение эпоса. -М.: Наука, 1971; Гацак В.М. Основы устной эпической поэтики славян //IX Международный съезд славистов.-М., 1983. -С.184-196.

воситасида ифодаланиши, уларнинг метрик ўрни, шу орқали эпос ижрочиларининг бадихагўйликларига имкон яратилиши ҳақида кўп тўхталдилар. Бироқ улар ўз хулосаларини Гомернинг “Илиада”, “Одиссея” эпослари материаллари мисолида чиқардилар. Е.М.Мелетинскийнинг фикрича, бу билан улар халқ эпосидаги формулавийлик назариясида бир қадам орқага чекиндилар<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, эпик формулавийлик масалалари ҳақида қадимги санскрит эпоси “Махабхарата”, “Рамаяна” материаллари мисолида П.А.Гринцер салмоқли мақолалар эълон қилди<sup>1</sup>. Қолаверса, С.Ю. Неклюдов, Е.М.Мелетинский, А.Б.Куделин ва С.Д.Серебряныйлар ҳам турли халқлар эпосларидаги формулавийлик масалалари ҳақида қатор мақолалар эълон қилганлар<sup>2</sup>.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш керакки, улар таҳлил қилган эпик формулалар табиати, таркиби ва бажарган вазифалари жиҳатидан ўзбек халқ эпосидаги барқарор эпик формулалардан фарқланиб туради. Шунга қарамай, фольклоршуносликда барқарор эпик формулаларнинг бадий табиати, улардаги семантик кўчимлар ва бу формулаларнинг анъана билан алоқадорлиги каби масалалар эпосшуносликда ҳозиргача атрофлича ўрганилмаган. Ҳолбуки, барқарор эпик формулалар эпос ижрочилигида, эпик асар мазмунини баён этишда муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, барқарор эпик формулалар алоҳида бир сюжет билан

<sup>3</sup> Мелетинский Е.М. «Историческая поэтика» А.Н. Веселовского и проблема происхождения повествовательной литературы //Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения. –М.: Высшая школа, 1986. –С.39.

<sup>1</sup> Гринцер П.А. Эпические формулы в «Махабхарате» и «Рамаяне».- ФФТипологические исследования по фольклору. –М.:Наука, 1979. –С.156-181; Яна ыша: Стилистическое развертывание темы в санскритском эпосе. –Памятники книжного эпоса. Стилъ и типологические особенности. –М.:Наука, 1978. –С.16-48.

<sup>2</sup> Неклюдов С.Ю. О стилистической организации монгольской «Гесериады». //Памятники книжного эпоса. – 1978.-С.49-67; Мелетинский Е.М. «Объе места» и другие элементы фольклорного стилия в эддической поэзии //Памятники книжного эпоса. –1978. –С.68-83; Куделин Б.А. Формульные словосочетания в «Сират Антар» //Памятники книжного эпоса.-1978.-С.84-105; Серебряный С.Д. Формулы и повторы в «Рамаяне» Тулсидаса //Памятники книжного эпоса.-1978.-С.106-140.



боғлиқ бўлмаган, лекин халқ бахшиларининг эпик онги, билими ва эпик хотираси асосида ётувчи, халқ дostonлари ижроси жараёнида уларни бошқариб турувчи, бадиҳа қилишга имкон туғдирувчи поэтик қолиплардан иборатдир.

Барқарор формулалар эпик баён ва эпик тасвирда белгиловчи даражада аҳамиятга эга эканлар, улар билан боғлиқ масалалар талайгина. Биз ана шу масалалардан айримлари ҳақида тўхталамиз, улар қуйидагилардан иборат:

1. Барқарор эпик формулалар мазмунининг ҳаётӣ-тарихӣ асослари ва уларнинг эпик матн билан рамзий, мажозӣ алоқадорлиги.

2. Эпик формулалар услуб ва мазмун сатҳидаги типиклаштириш маҳсули бўлиб, улар эпос таркибидаги воқеликни типиклаштиришга хизмат қилганликлари сабабли, уларнинг мазмунга, турлича руҳӣ ҳолатларга мос келишлари.

3. Жамоанинг эстетик мулки сифатида барқарор формулалар бахшининг ижодӣ имконсизлигини тўхтовсиз импровизация билан таъминлаш; матнга рамзий фон, бадиӣ таъсирчанлик бағишлаш учун хизмат қилувчи зарурий поэтик ҳодисалар ҳисобланади. Шу маънода барқарор эпик формулаларнинг бахшилардаги ижодӣ заифликни яширувчи, бадеҳа жараёнида уларга илҳом бахш ётувчи восита эканликларини кўрсатиш.

4. Барқарор эпик формулалар муайян сюжетлар билан алоқадор бўлмаган, аммо турли-туман эпик вазият ва ҳолатлар моҳиятини очишга хизмат қилувчи поэтик универсал бирликлардир. Бинобарин, улар халқ эпосида муайян вазият ва ҳодисалар билан хосланган ҳолда қўлланадилар. Демак, барқарор формулалар ва уларнинг хосланиш

хусусиятларини кўрсатиш.

Барқарор эпик формулаларнинг тарихий асослари ягона давр ёки муайян бир руҳий ҳолат ва вазиятга бориб боғланмайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳаётий, руҳий талаб ҳамда эҳтиёжлар билан боғлиқликда вужудга келган. Шу боис уларнинг барчаси учун мос келувчи ягона ҳаётий, руҳий асос қидириш мумкин эмас.

Барқарор эпик формулалар аجدодларимизнинг табиат ҳодисалари, инсон руҳий дунёсининг турли ҳолатлари, жамиятдаги турли-туман воқеаларни кузатишлари ҳақидаги ҳукмлари, ҳаётий тажрибалари натижасида юзага келган хулосаларидан ташкил топган.

Эпик формулаларнинг айримлари ўзларининг қадимий илдизлари билан патриархал-уруғчилик тузуми даврларига – воқеликнинг ҳар бир ҳодисаси ёки узви фақат маросимлар билан бошқариладиган узоқ ўтмишга бориб боғланади. Ана шу даврлардаги маиший ҳаёт эпик формулаларда бутун жамоа учун умумийлик касб этган ҳукм тарзида юзага келган ва ягона, алоҳида ҳукмлардан устун мавқе эгаллаган. Чунки патриархал-уруғчилик тартиботлари нуқтаи назаридан ягоналик ва алоҳидалик (хусусийлик) эстетик қимматга эга бўлмаган.

Достонларда кенг қўлланилган шундай эпик формулалар борки, улар моҳиятан қадимги аجدодларимизнинг ҳаёти, турмуш тажрибалари билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Масалан, проф. Ҳ.Т.Зарифов: «Ёмғир ёғса, ҳалқоб ерлар лойлансин, Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин» формуласининг мазмуни сунъий суғориш воситасида деҳқончилик қилиш вужудга келмасдан олдин тошқиндан кейин пайдо бўлган лойқа ерларда тезпишар дон экиб, ҳосил қилиш даврлари билан боғлиқлигини изоҳлайди. Бу ҳақда у

қуйидагиларни ёзади: «Сунъий суғориш юзага келиб, ривожлана бошлагандан кейин ҳам сувдан узоқ ерларда энг қадимий усул бўйича тошқиндан кейин пайдо бўлган лойқа ерлардан фойдаланиш давом этган, албатта. Бунинг даштларда яшовчи қабилалар хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эканлигидан селдан кейин ҳалқоб ерларда вужудга келадиган лойқа ерларга ижобий талаб билан «Ёмғир ёғса, ҳалқоб ерлар лойлансин» мисраси юзага келган. Бу қabila аъзоларининг хўжалиги учун қанчалик муҳим бўлса, душман қўлининг боғланиши ҳам уларнинг осойишта ҳаёти учун шунчалик зарур ва лозим бўлган. Шунинг учун бу икки сатр ҳикматли маъно касб этди. Демак, келтирилган байтнинг ҳар иккала мисраси инсоннинг ҳаётий тажрибаси натижасида ҳосил бўлган тушунчанинг аниқ ифодасидир»<sup>1</sup>.

Келтирилган иқтибосдан маълум бўладики, ҳар бир эпик формула ўзига хос тарихга, ўзига хос ҳаётий асосга эга. Бироқ бу асосларни аниқлаш осон иш эмас. Мана шу ҳолатни назарда тутиб биз айрим барқарор формулаларнинг ҳаётий асослари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Романик дostonларда ёридан, яқин кишиларидан айро тушган қаҳрамон ўз ҳолидан зорланиб, руҳий изтироблардан қийналганда бир эпик формуланинг икки хил шаклдаги ифодасидан фойдаланиб, дард-аламларини баён этади. «Малика айёр» дostonида Гўрўғли Авазхоннинг Торкистондан қайтиб келиш муҳлатини сўраганда, ичи ғам-ташвишга, ҳадик ва хавотирга тўла Авазхон тилидан қуйидаги эпик формула келтирилади:

Дардлиман, дардимни кимга ёраман,

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Ёмғир ёғса, ҳалқоб ерлар лойлансин //Пылкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб.-Т.: Фан, 1976. –Б.88-90.

Айрилиқ ўтига бағри пораман<sup>1</sup>.

Хавф-хатарга тўла сафарга отланган қаҳрамон дилида дард-алам, ташвиш кўп бўлиши табиий. Бинобарин, бир томондан, узоқ ва хатарли сафар ташвиши, иккинчи томондан, мусофир юртларда юрган киши бағрини эзадиган яқин кишиларнинг ҳажр дарди Аваз тилидан юқоридаги эпик формулани қўллашга олиб келган. Демак, ана шундай ҳолат ва вазиятларда юқоридаги формуланинг ишлатилиши эпик тасвир, қаҳрамоннинг руҳий аҳволини таъсирчанроқ ифодалашга имкон берган.

Ана шу барқарор эпик формуланинг бошқа яна бир варианты бор. Бу вариантнинг шаклланиш даври қадимги қулдорлик жамиятига бориб боғланади.

“Дарли қул дардимни кимга ёраман,  
Айролик ўтига бағри пораман”<sup>2</sup>.

Агар мазкур эпик формуланинг биринчи вариантыга диққат қилинса, унда руҳий ҳолатнинг айрилиқ азобида қийналган барча кишиларга мос келувчи универсал шакли мавжудлигини кўриш қийин эмас. Мана шу фактнинг ўзи кўрсатадики, ушбу вариант эпик формуланинг нисбатан кейинги, бирмунча универсаллашган шаклидан иборат.

Иккинчи вариант эса ўзининг қадимий илдизлари билан қулдорлик жамияти тартиботларига бориб боғланади. Чунки ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ҳуқуқсизлик қулга дардини айтиш учун на бирор кимса, на бирор меҳрибон инсон йўқлигидан далолат беради. Шу боис у дард-ғамни, алам ва изтиробни ёлғиз ўзи тортишга

---

<sup>1</sup>.Малика айёр. «Ўзбек халқ ижоди». Қып томлик. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. - Б.15.

маҳқум. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, эпик формуланинг биринчи мисраси бевосита ана ўша даврларда яратилганлигидан далолат беради. Кейинчалик ушбу мисра мазмунининг кенгайиши, қулчиликнинг йўқолиши мисра мазмунини чорасиз, ночор кишиларнинг барчасига нисбатан қўллашга имкон берди. Иккинчи мисра эса эпик формула -

нинг айрилиққа тушган, мусофирликда азоб чекаётган ки-шиларга нисбатан қўлланишига йўл очди. Демак, қачонлардир аниқ ҳаётий вазиятларда яратилган эпик формулалар кейинчалик жамият тараққиёти, кишилар руҳий оламининг бойиши натижасида ўзининг семантик майдонини кенгайтириб, уларни барча персонажларнинг руҳий ҳолатлари учун қўлланишларига йўл очиб берди.

Барқарор эпик формулаларнинг баъзилари кишилар-нинг табиатдаги ўзгаришлар ҳақидаги кузатишлари оқиба-тида юзага келганликларидан далолат беради. Чунки йил фаслларининг ўзгариши билан қаҳрамон дилидаги ўзгаришларни поэтик муқояса қилиш, бошқача айтганда, тематик-психологик параллелизмлар<sup>1</sup> эпик қаҳрамон руҳиятида кечаётган ўзгаришларни тўлароқ илғаб олиш ва тасвирлашга хизмат қилади. Қуйидаги эпик формула қаҳрамон дилидаги орзу-умидлар қай даражада теран эканлигидан далолат беради ва унинг келажакдан умидворлик кайфиятини ифодалашга хизмат қилади:

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,  
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар.

<sup>2</sup> Юқоридаги достон. – 175-бет

<sup>1</sup> Веселовский А.Н. Психологический параллелизм и его формы в отражениях поэтического стиля //А.Н.Веселовский. Историческая поэтика. - М.: Высшая школа, 1989. -С. 101-154; Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. - Т.: Фан, 1978. -Б.20-22.

Киши ҳаётда келажакдан умидворлик туйғуси билан яшайди. Агар унинг умид чироқлари ёнмаса, қисмати қоронғу, умри бесамар ўтади. Баҳорнинг келиши, гулларнинг очилиши, булбулларнинг маст бўлиб сайраши эпик қаҳрамоннинг ҳаётдан умидворлиги, унинг ҳам ҳаётида баҳор бўлажаги, ҳаёти завққа тўлиб-тошиши мумкинлиги эпик тасвирга ўзига хос шукуҳ бағишлаб турибди.

Қуйидаги эпик формула эса хазон фаслида гулларнинг сўлиши муқаррар бўлганидек тутқунда, оғир шароитда қолган қаҳрамоннинг ўлиши ҳам шубҳасиз эканлигидан хабар бериб турибди:

Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлади  
Бунда қолган одам тайин ўлади.

Демак, барқарор эпик формула дoston қаҳрамонининг оғир вазиятдаги ҳолатидан хабар бериш учун тингловчини руҳий жиҳатдан тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бироқ формулада ифодаланган ёмон хабар ҳақидаги ишора бадиий кўчимлар воситасида рамзий тарзда баён этилган.

Баъзи барқарор эпик формулалар йилнинг айрим фаслларига хос инжиқликлар билан баъзи кишилар табиатига хос хислатларни муқояса қилиш асосида яратилган. Бундан мақсад йил фаслига хос ҳодисаларни айтиш эмас, балки айрим кишиларга хос хислатларни қофияли шаклда айтиш орқали кейинги мисралар учун ягона қофия уясини, вазни ҳамда оҳангини аниқлаб беришдан иборат. Шунга қарамай, параллелизмнинг биринчи мисрасидаги йил фаслига оид айтилган фикр кишиларнинг кўп йиллик кузатишлари натижасида вужудга келган хулосаларини ифодалашга хизмат қилган:

Қишман ёз ўртаси ҳишшай савирди,

Ёмон одам мудом қилар ғовурди<sup>1</sup>.

Келтирилган эпик формуладаги биринчи мисраинг мазмуни ҳозиргача аниқ талқин этилган эмас. Бизнингча, ушбу мисра мазмуни кишиларнинг икки циклли фасллар ҳақидаги қарашларига, яъни йил бир-бири билан зид бўлган ёз ва қиш фасллардан ташкил топганлиги ҳақидаги қарашларга бориб тақалади. Бундай тасаввурларга кўра, қиш ва ёз ўртасида баҳор фасли мавжуд бўлмай, ушбу фаслнинг совуқ даври қиш фаслига, илиқ кунлари эса ёз фаслига дахлдор деб қаралган. Куз фасли ҳам ана шу тариқа ёз ва қишга тақсим қилинган. Натижада, йил олти ойдан иборат икки фаслдан ташкил топган деб тасаввур қилинган. Бундай қараш қадимда жуда кўп халқлар тақвимида мавжуд бўлган<sup>1</sup>. қадимги икки циклли тақвим бўйича, апрел ойининг охириги ўн кунлигидан май ойининг йигирмасига қадар савр ҳисобланади. Бу ойда ёғингарчилик кўпайиб, дала ва қирларни ўт-ўлан қоплайди. Эпик формуладаги «ҳишшай» сўзи «ҳашиш» сўзидан, яъни ўтлок, ўтга бой маънодаги сўздан олинган. Гоҳида бу ойда қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар қовжирай бошлайди. Савр оyi бир-бирига зид, инжиқ фасл бўлганлиги ва унинг хусусиятини ёмон одамга хос ғалва кўтариш ҳолатига муқояса қилиш ёки тематик-психологик параллелизм талабларига кўра, табиат рафтори билан инсон хусусиятини ёнма-ён қўйиш орқали юқоридаги эпик формула яратилган. Бундан ташқари, мазкур эпик формула қаҳрамоннинг отини эгарлаш пайтида от устига солинадиган абзал «давур» сўзига

<sup>1</sup> Ширин билан Шакар. Айтувчи: Фозил Йўлдон ўғли. //Орзигул. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Ғ. Ғулом номидаги АС нашриёти, 1975. - Б. 58.

<sup>1</sup> Чичеров В.И. Зимний период русского земледельческого календаря XVI-XIX вв. (Очерки по истории народных верований). - М.: 1957; Пропп В.Я. Русские аграрные праздники. Изд-во ЛГУ. - Л., 1963; Покровская Л.В. Земледельческая обрядность //Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Исторические корни и развитие обычаев. - М.: Наука, 1983; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т.: Фан, 1986. - Б. 34-43.

қофия уясини ҳосил қилиш мақсадида ҳам қўлланилган. Чунки «савир», «ғовур», «давур» сўзлари монорифма талабларига кўра муқайяд қофия ҳосил қилади ва унинг оҳангдорлиги юқори бўлади. Бироқ қофияланган сўзлар фақат шакл ва оҳанг нуқтаи назаридан эмас, балки контекстуал маъно жиҳатдан ҳам боғлиқ бўлишлари талаб этилади. Шу боис эпик формула таркибидаги «савир», «ғовур» сўзлари ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан уйғун ҳолатда қўлланилган. Чунки савр ойига хос инжиқ хусусият билан ёмон одамга хос сифат ўртасидаги уйғунлик қофияланган сўзларни ўзаро боғлаб туради. Улар иккиси бир бўлиб, эпик баёндаги бошқа мисралар учун қофия оҳангдошлигини юзага келтиришга хизмат қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, айрим барқарор эпик формулалар узоқ аجدодларимизнинг табиат ҳодисалари, йил фасллари, само жисмлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, кишилар хатти-ҳаракати ва руҳий ҳолатлари юзасидан олиб борган кузатишлари ҳақидаги хулоса ва ҳукмлари сифатида юзага келган бўлиб, уларнинг соф тарихий-ҳаётий асосларини аниқлаш жиддий илмий кузатишларни талаб этади.

Барқарор эпик формулалар муайян воқелик ҳақидаги анъанавий мазмунларни қайд этадилар, улар ҳақидаги анъанавий моҳиятларни ифодалайдилар, лекин уларнинг сабабий асосларини изоҳламайдилар. Шу боис бахшилар ижро жараёнида сюжет воқеларининг барча узвларини тасвирлаб ўтирмай, улар ҳақидаги тайёр эпик формулаларга мурожаат этадилар. Шу нарсага бўлган эҳтиёж эпик формулаларни ижро жараёнида такрор ва такрор қўллашга мажбур қилади. Такрорий қўлланган ҳар бир формула эса ўз навбатида унинг тобора барқарорлашувига олиб келади.



Барқарор эпик формулалар анъанавий мазмунлар мажмуасидан иборат ва уларнинг ҳар бири муайян мазмундаги матн билан ўта даражада бирикиб кетганлиги сабабли унинг ана шу матн билан боғлиқ бошқа синонимик шакли бўлмайди. Қисқаси, эпик формулалар бахшилар хотирасини мустаҳкамловчи, уларнинг хотирасидаги эпик билимни жонлантирувчи, уларни тингловчига етказиш шакли, мароми, оҳанги, вазни ва қофияси учун қолиплик вазифасини ўтайдилар. Ушбу фикрнинг тасдиғи учун мисолга мурожаат этамиз.

Фозил Йўлдош ўғли ижро этган «Малика айёр» достонида Торкистондан Малика айёрни олиб келиш учун сафарга отланган Аваздан Гўрўғли қайтиб келиш муҳлатини сўрайди. Отасининг сўроғига Авазхоннинг берадиган жавобини бахши эпик формулалар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалашга эришган. Атиги йигирма мисрадан иборат Авазнинг жавобида барқарор эпик формулалар миқдори ўн мисрани ташкил этади. Соф эпик баённи ифодаловчи мисралар билан эпик формулалар миқдорининг тенглиги нутққа ўзига хос оҳангдорлик, мазмунга алоҳида жозиба ва таъсирчанлик бағишлаган. Авазхон тилидан айтилган ушбу монолог нутқ қуйидаги эпик формула билан бошланган:

Тойрилмаса бошдан тожу давлатим,  
Остимда ўйнаса араби отим.

Мазкур формуланинг маъносини тўғри англаш ва талқин этишда, қахрамоннинг жавобини тингловчига аниқ ва лўнда етказишда формуладаги биринчи мисранинг рамзий маъноси етакчи аҳамиятга эга. Унда «бошдан тойрилмаса тожу давлатим» деб айтилган. Бу эса ундан бахт-омаднинг юз ўгирмаслигини англатади.

Ҳақиқатан ҳам Аваздан бахт-омад юз бурмаса, у, албатта, соғ-саломат қайтади. Иккинчи мисрадаги остида араби отнинг ўйнаши ғиротга қаратилган бўлиб, агар шу тулпор тирик, соғ-саломат бўлса, унинг қайтиши муқаррарлигига ишорадир. Демак, қаҳрамон ўзининг маълум муддатдан кейин қайтиб келишининг муҳим шартларини маълум қилиб, кейин «ўн олти ой келар менинг муҳлатим» деб жавоб қайтаради. Атиги уч мисрадан иборат нутқ парчасида берилган эпик ахборотнинг тингловчи учун ўзига хос фалсафий, ҳаётӣ ва ҳиссий жиҳатдан таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида бахши барқарор эпик формулага мурожаат этган.

Агар Авазхон мазкур эпик формулани қўлламай, «келар муҳлатим ўн олти ой» деб жавоб қайтарганда эпик баённинг бадий таровати барҳам топарди, энг муҳими, соғ-омон қайтишининг икки муҳим шarti айтилмай қоларди, бундан баённинг таъсирчанлиги йўққа чиқарди. Қолаверса, узоқ ва хатарли сафардан ўн олти ойда қайтишнинг шarti маълум қилинмаса, Авазхон ақлсиз, мақтанчок сифатида таассурот қолдирар эди. Эл севган, жамоа идеалини ташувчи қаҳрамон эса ҳар бир қадами, хатги-ҳаракати, ақл-заковати билан ўрнатқ бўлиши лозим. Ана шу хусусиятларнинг Авазга хослигини эпик формула алоҳида таъкидлаб турибди. Бундан ташқари, эпик формула эпик ахборотнинг қуруқ, ҳиссиз ифодаланишидан сақлаб қолган. Маълум бўладики, эпик формулалар бевосита асар сюжети билан алоқадор бўлмасалар ҳам, эпик баёнга рамзийлик, ҳиссийлик ва образлилик бағишлашга хизмат қиладилар.

Эпик формула воситасида Авазхон ўзининг қайтиш муҳлатини маълум қилгач, бахши тингловчилар руҳиятига, ҳиссиётига янада кучлироқ таъсир кўрсатиш мақсадида янги эпик формулага мурожаат

этади ва унинг ёрдамида эпик ахборотни кучайтиришга эришади:

Дардлиман, дардимни кимга ёраман,  
Айрилиқ ўтига бағри пораман.

Бир томондан, суюкли фарзандидан вақтинчалик (балки бутунлай) айрилиб қолаётган отанинг безовта кўнглига далда бериш истаги, иккинчи томондан, Гўрўғлини Гўрўғли қилган, номини оламга ёйган, Чамбил мамлакати ва халқининг тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшган ғиротдан айрилиб қолишдан ташвишланаётган мамлакат сардорининг кўнгил хижилини тарқатиш учун Аваз ўз сўзини юқоридаги эпик формула билан давом эттиради. Чунки ана шу вазиятда Аваз ҳақиқатан ҳам дардли қул, аммо у дардини ҳеч кимга айта олмайди. Сабаби шуки, Зебит чўлида, Шакар кўлида Гўрўғлининг ақлу хушини олган Малика айёрни Торкистон деган номаълум ва хатарли мамлакатдан осонлик билан олиб келиб бўлмаслигини у яхши билади. Аммо жонидан яхши кўрган отасининг дардига малҳам бўлиш учун Аваз сўз берган, ваъдани бузиш эса эпик қаҳрамон шаънига тўғри келмайди. Шунинг учун унинг бутун дарди ичида. Боз устига Гўрўғли ҳам фарзандидан, ҳам тулпор отидан айрилиб қолишдан ҳадиксираб, қачон қайтиб келасан, деб сўраб ётибди. Демак, бундай ҳадиксирашдан Гўрўғлини қутқариш керак. Бу вазифани эса эпик формуланинг иккинчи мисраси адо этади. Мана шу ҳолатда Авазхоннинг ҳам бағри вақтинчалик айрилиқдан пора бўлиб ётибди, агар у тирик қолса, албатта, қайтади. Мана шундай икки томонлама хавотирли дилларга таскин бериш мақсадида эпик формуладан кейиноқ бахши Авазнинг аниқ қайтиш муҳлати ҳақидаги жавобини қўшиб юборади. Авазнинг ўн олти ойда қайтиб келиши ҳақидаги хабари Гўрўғли ва унинг ёнидагиларнинг,

шунингдек, дoston тингловчилари дилидаги ғашликка барҳам беради, уларни хотиржам қилади.

Маълум бўладики, барқарор эпик формулалар дoston воқеаларига, эпик баёнга жонлилик беради, кучли эмоционал таъсирчанлик бағишлайди. Айни пайтда эпик формулалар қаҳрамонларнинг нозик рухий кечинмаларини тингловчиларга юқтиришда ўзига хос калитлик вазифасини ҳам адо этади.

Авазхон олдида турган сафарнинг ўта даражада хатарли эканлигини, ундан омон қайтмаслиги ҳам мумкинлигини чуқур ҳис қилади. Шу боис у бу гумонини Гўрўғлига етказишни унутмайди. Бинобарин, у ўзининг рухий ҳолатини очиш учун бошқа бир барқарор эпик формулага мурожаат этади:

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб кулмасам,  
Нор кесар олмосни белга чалмасам...

Маълумки, сафар хатарли бўлса ҳам, беҳатар бўлса ҳам, барибир, сафар. Чунки сафар чоғида нотаниш юртларга борилади, яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларга дуч келинади, турли-туман одамлар билан учрашилади. Сафарнинг мана шундай хатарнок, даргумон томонлари эпик формуланинг биринчи мисрасида ўз ифодасини топган. Иккинчи мисрадаги нор кесар олмосни белга чалиш эса қаҳрамоннинг сафар чоғида ҳар қандай вазиятга тайёр эканлигидан далолат беради.

Демак, барқарор эпик формула ижодкорни ҳам, тингловчини ҳам эпик вазият ичига олиб кириш баробарида бахшини жонли ижро жараёнида бадеҳа қилиши учун метрик, ритмик ва эвфоник жиҳатдан қолип билан таъминлайди. Шу сабабли эпик формулалардан кейинги мисралар ана шу қолип асосида эпик ахборотни тингловчига

етказади.

Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,  
Авазхоннинг зўр билаги толди де.  
Ҳам отингни, ҳам ўғлингни ўлди де,  
Якка мазор бўлиб шунда қолди де,

Авазхон тилидан айтилган бу сўзлар вазият драматизмини кучайтириб юборади. Буни пайқаган Аваз аста-секинлик билан Гўрўғлининг кўнглини олишга, унинг дилига чўккан хавотирни, бироз бўлса-да, пасайтириш учун янги эпик формула воситасида сўзини давом эттиради:

Ота, эшит менинг айтган ноламни,  
Тўкарман кўзимдан қонли жоламни.

Ушбу формула Авазнинг отасига айтган юқоридаги сўзлари эҳтимолдан йироқ бўлмаган нарсалар эканлигини англатишга хизмат қилади. Нима бўлганда ҳам ушбу формула янги эпик ахборотни тингловчига етказишнинг қолипи вазифасини ўтайди. Мана шундан кейин қуйидаги янги «хабар» баён этилади:

Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,  
Чамбилбелда тўйрай беринг ошимни.

Авазхон ўзининг қайтиш муҳлатини, аммо хавф-хатарга тўла бу сафардан қайтмаслиги ҳам мумкинлигини билдиргач, ўз монологи ниҳоясида Гўрўғли ва бошқа йиғилганларни хотиржам қилиш мақсадида қайтиши муқаррарлиги ҳақида тўхталади. Бу хабар эса дoston тингловчилари кўнглига бироз хотиржамлик бағишлайди. У мақсади ва ниятини аниқ билдириш учун сўз очар экан, ўз нутқида янги эпик формула қўллайди:

Ҳар нима матлаб бўлса, ҳақдан тилагин,  
Ўн олти ойда (қайтишни) ҳақдан тилагин.  
Ўн олти ойда келар менинг муҳлатим,

Ўн олти ойда йўл-йўлима қарагин.

Асосан бир мисрадан иборат бу барқарор эпик формула қаҳрамоннинг қайтиш ёки қайтмаслиги унинг ўз инон- ихтиёрида эмаслиги, бу нарса ёлғиз оллоҳнинг хоҳиши билан боғлиқлигини эшитган Авазни кузатишга чиққанлар, шунингдек, достон тингловчилари ҳам бир қадар хотиржам бўладилар.

Йигирма мисралик шеърый монологнинг тенг ярми барқарор эпик формуладан иборатлиги бахши маҳоратининг юксаклигидан далолат берадими ёки пастлигидан, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, барқарор эпик формулаларнинг кўплиги, уларнинг ўринли қўлланганлиги Фозил шоир ижро маҳоратининг юксаклигидан, унинг эпик билими ва хотирасининг мустаҳкамлигидан далолат бериш билан бирга халқ эпоси услубини тўла, бенуқсон эгаллаганлиги ҳамда ижро жараёнида намойиш эта олганлигини кўрсатади. Қўлланилган эпик формулалар нутққа кучли ҳиссий таъсирчанлик бағишлаган, ўзларининг рамзий ва мажозий мазмунлари билан монологга поэтик жозиба берган.

Бадийликнинг асосини, ўзагини образлилик ташкил этади. Ҳар бир эпик формула бағрида мавжуд бўлган образлар, уларнинг формуладаги моҳиятини аниқлаш поэтика учун муҳимдир.

Агар эпик формула икки мисрадан иборат бўлса, уларни ташкил этган образлар энг камида тўрттадан иборат бўлади. Ана шу образларнинг кечинмалари, ҳолати, хатти-ҳаракати кабилар бирикиб, формуланинг мазмунини, эпик баёнда қўлланиш ўрни ва адо этувчи вазифасини белгилаб беради. Бу нарсани қуйидаги формулалар таҳлили ҳам тўла тасдиқлайди:

Очилганда қизил ғунча сўлмасин,

Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин<sup>1</sup>.

Формуланинг биринчи мисрасида «қизил ғунча» ва паймона (сўлиш) образлари, иккинчи мисрасида эса юқоридаги рамзий образларнинг аниқ параллеллари, яъни «мард киши» ва «ўлим» образлари мавжуд. Рамзий образлар ва уларнинг аниқ ҳаётий тимсоллари ўртасидаги муносабат формуладаги мажозий моҳиятни белгилаб беради. Ана шу тўрт образнинг рамзий боғлиқлиги, образлар қисматининг фожеали бўлмаслигининг танланиши формулага сирли рамзий моҳият билан бирга ҳам ҳиссий, ҳам оҳангдорлик бағишлаган. Достон ижроси пайтида бахши эпик хотира воситасида сюжет воқеаларини бошқарар экан, ўзининг эпик билими хазинасидан тасвирланаётган вазият ва руҳий ҳолатлар талабидан келиб чиқиб формулалар танлайди. Мана шу танлаш жараёни эса формуладаги яширинган рамзий ёки мажозий мазмун талаби билан амалга ошади.

Барқарор эпик формулалар тематик-психологик параллелизмлардан иборат бўлиб, ёнма-ён тасвирланаётган ёки ифодаланаётган икки хил ҳолат, вазият ёхуд нарсаларнинг семантик доираси, мавзу йўналиши муайян монолог ёки тасвирнинг қўлланиши учун ҳиссий-мазмуний замин ҳозирлайди. Бахши ёки достон персонажи нутқига мазмуний йўналиш бериш эпик формула таркибидаги рамзий образлар адо этган вазифалар моҳиятидан англашилади. Масалан, «Орзигул» достонида узок айрилиқдан сўнг фарзанди Сувонхонни соғ-саломат кўрган подшонинг нутқи рамзий мазмундаги шундай эпик формула билан бошланади:

Куйган кулга кенг мамлакат тор экан,  
Адашганлар бир-бирига зор экан.

Эътибор берилса, формуланинг биринчи мисрасидаги «куйган кул» ва «тор мамлакат» образлари дом-дараксиз кетган ёлғиз фарзанд доғида куйган подшо кўзига на фақат мамлакат, балки кенг жаҳон ҳам тор бўлиб кўриниши қонуний ҳол эканлигини англатади. Ана шу мазмун ва аламли оҳангни янада кучайтириш мақсадида эпик формулага иккинчи мазмундош мисра ҳам келтирилади. Иккинчи мисрадаги адашиб бир-бирларини йўқотиб қўйган (ҳаётда адашиб, бир-биридан абадий айрилган) кишилар образлари дастлабки мисралардаги образларга ўхшаш ва ҳамоҳангдир. Ҳар икки мисрадаги ибратли фикр, ҳаётини маъно бирикуви эпик формулада яширинган рамзий образлар воситасида айтилади. Шу боис эпик формуладан кейинроқ ана шу руҳ, оҳанг ва қофия орқали подшонинг айтмоқчи бўлган фикри баён этилади. Бу хабар эса подшонинг оғир ва изтиробли кунларига сабаб бўлган воқеалар ҳақида бадиий хабар беради:

Ҳамма жойда йўқ, деб келди хабаринг,  
Шукур, сени кўрар куним бор экан.

Демак, куйган кул учун кенг мамлакат тор, адашиб бир-бирларини йўқотганлар учун дунё қоронғу бўлганидек, ёлғиз фарзандидан айрилган кекса подшо учун ҳам ҳаёт бемаъни бир нарсага айланган. У ўғлини қидиртирмаган жойи қолмаган, лекин топа олмаган. У ўғлини топишдан бутунлай умидини узган бир пайтда тасодифан фарзанди ўз оёғи билан кириб келади. Шунда подшонинг қалби қувончга тўлиб, дил-дилидан шукроналар қилади.

<sup>1</sup> Орзигул. Айтувчи: Ислом Назар ўғли. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик -Т.: Ғ.Ғулом номидаги АС нашриёти,



Кекса ҳукмдор учун умид чироғи бўлмиш ўғлидан айрилиш нақадар оғир. Ўғил унинг кўз тиккан умиди, орзу-ҳаваси, дилига далда, кўзига нур бағишлаб турган ишонч тоғи, ҳаёти карвонида суюнган нори. Агар у дом-дараксиз йўқолса, отанинг аҳволи забун бўлиши муқаррар. «Орзигул» достонидаги Сувоннинг отаси ҳам ана шундай оғир дамларни ўз бошидан кечиради, ногаҳон қайтиб келган Сувон эса унга яна куч-қувват бахш этади. Подшо монологидаги кейинги мисралар ана шу воқеалар ва кечинмаларни эпик формула воситасида таъсирчан ифодалашга хизмат қилади:

Ўғлидан айрилган қари хор экан,  
Ўғил қатордаги бир маст нор экан.

Демак, персонажлар нутқи, сюжет воқеаларидаги муайян узвларнинг моҳиятини очишда эпик формулаларга жойланган анъанавий мазмунларни асардаги эпик тасвир ёки ифодага параллел келтириш тематик-психологик параллелизмларга хос хусусиятдир. Дикқат билан кузатилса, романик достонлардаги эпик формулаларнинг асар сюжети воқеаларига, персонажлар нутқига мос қўлланишлари параллелизм тамойиллари асосида воқе бўлади. Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатадики, параллелизм халқ эпосига хос бадий тасвир ҳамда ифоданинг энг қадимий, энг қулай усули ҳисобланади.

Барқарор эпик формулаларнинг универсаллик хусусиятлари, семантик, метрик, эвфоник ва рамзийлик табиати, образлар дунёсини очиш алоҳида илмий изланишларни талаб этади. Юқоридагиларни ёритиш эса эпик формулаларнинг у ёки бу вазият, рухий ҳолатлар билан мувофиқлашиб қолиш масаласи билан узвий боғлиқдир. Демак, қуйида эпик формулаларнинг муайян эпик тасвир ёки ифода билан

хосланиши ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, эпик формулалар муайян эпик мазмуннинг анъанавий ифодасидан иборат. Чунки улар муайян эпик мазмунни шу қадар аниқ ва образли ифодалайдиларки, уларни анъанавий поэтик мазмуннинг “атоқли отлари” деб аташ мумкин. Дарҳақиқат, улар, академик Н.И.Конрад айтганидек, эстетик апперцепциялардан, яъни поэтик идрокнинг барқарор ва олдиндан белгиланган моделларидан иборат бўлиб, ўз навбатида бахшиларнинг бадиий тажрибаси, эпик хотираси ҳамда эпик билимини баҳолаш мезонлари саналадилар. Шунга қарамай, эпик формулалар-нинг ҳар бирини дoston сюжетининг исталган ўрнида, исталган вазият ёки ҳолат тасвирида қўллаб бўлмайди. Демак, эпик формулалар универсаллиги тушунчаси уларнинг умумўзбек халқ эпосидаги муайян вазият ва ҳолатлар билан хосланганлигини англатади.

Халқ эпосида анъанавий барқарор қолип ўзида кенг омманинг дунёқарашида йиғилган тажрибаларини умумий, турғун шаклларда мужассам этади. Шу боис ҳар бир бадиий акт учун тайёр ҳаётий таассуротлар жамланган формулалар яратилган. Бундай формулалар доим ҳаракатдаги ҳаётий воқеалар билан тўла мос келмасалар ҳам, бироқ анъанавий эпик воқеалар моҳиятини ифодалаш учун хизмат қиладилар. Чунки формулалардаги анъанавий мазмун эпосда тасвирланган воқелик, эпик дунё табиатини акс эттиради, шунингдек, халқ эпосига хос воқеликни акс эттириш услубини белгилаб беради.

Барқарор эпик формулалар анъанавий эпик ахборотни- эпик кечинмани ўзларида жамлаб олганликлари сабабли ҳар доим айни бир эпик шароит тасвирида қўлланилиб, қаҳрамонлар нутқини, ўй-кечинмаларини, мақсадини, хатти-ҳаракатларини ифодалаш учун

имконият яратадилар. Бинобарин, фақат ана шундай «эпик воқелик» бағридагина барқарор формулалар моҳияти ойдинлашади.

Маълумки, эпик анъана кўпсатқли категория бўлиб, бу сатҳлар халқ бадий тафаккурида шаклланган бадий-эстетик муносабат ҳамда ижодкор дунёқараши кабилардан ташкил топган. Шу маънода анъана жамоа хотирасининг мажмуи сифатида халқ эпосида муайян ҳолат, хатти-ҳаракат тасвири, персонажларнинг ҳиссий дунёси ва нутқларини ифодаловчи матнлар тарзида шаклланадилар. Ана шу матнларнинг мазмуни, моҳияти ўзига хос барқарор эпик формулалар орқали очиб берилади. Мана шундан келиб чиқилса, эпик формулаларнинг халқ достонларидаги вазифалари асосан иккита бўлиб, улардан биринчиси - эпик формула бахшилар учун эпик билимни мустаҳкам сақлаб турувчи барқарор андоза эканлиги ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бахши жонли ижро жараёнида эпик воқеликнинг фабулаларини хотирасида сақлаган ҳолда мустаҳкам эпик мантик орқали уларни бир-бирига улаб, достонларнинг мураккаб ва йирик сюжетларини яратади. Бевосита мана шу ижодий жараёнда бахшилар эпик формулаларнинг барқарор мазмунига таяниб иш кўрадилар.

Эпик формулаларнинг иккинчи вазифаси уларнинг эпик хотирани мустаҳкам ушлаб турувчи восита эканликларидадир. Агар барқарор формулалар эпик воқеликка дохил вазиятларни, кечинма ва монологлар, хатти-ҳаракатлар мазмунини ўзларида жамлаб олмаганда эди, уларни муайян изчилликда баён этиш ёки тасвирлаш мумкин бўлмаган бўларди. Чунки хотирасида эпик воқелик фабуласини сақлаган бахши уни мукамал сюжет даражасига кўтаришда, айни пайтда, тингловчиларга таъсирчан етказишда эпик формулалар

семантикаси ва шаклий қолипидан фойдаланади. Демак, барқарор эпик формулалар тайёр семантик-синтактик қолиплар сифатида эпик матн таркибига қўшилиб, унинг мазмунини очишга, ифода шаклини белгилашга хизмат қиладилар, аммо ҳеч қачон улар ўзлари қўшилган матннинг органик таркибига айланиб кета олмайдилар. Чунки ҳар бир эпик формула ўзининг муайян семантик майдонига эга бўлиб, ижро жараёнида улар ана шу семантик майдонга мос матнларга қўшиладилар. Шу маънода барқарор эпик формулалар муайян «эпик ахборотни» ташувчи бадиийлик унсурларидан бири саналадилар.

Анъана унсури сифатида барқарор эпик формулалар ўзларида эпик мазмунни жамловчилик ва уни жонли ижро жараёнида ифодаловчилик вазифасини адо этадилар. Улардаги жамланган бадиий мазмун эпик тасвирдаги анъанавийликни юзага келтиради, матнга халқнинг идеали ва тасаввурларини жойлайди.

Барқарор эпик формулаларнинг миллий эпос доирасидаги универсаллик хусусияти турли эпик вазиятлар, хатти-ҳаракатлар ва ҳолатлар, персонажларнинг монологлари ёки улар ўртасидаги диалогларда қўлланиш учун хосланишлари туфайли вужудга келган. Романик дostonлардаги эпик формулаларнинг қўлланилиш доирасини кузатиш бизга уларнинг анъанавий хосланишлари қуйидаги ўринлар билан боғлиқлигини аниқлашга имкон берди.

Номаълум персонажлар кимлиги, қаердан келганлиги, қаерга боражаги, нима мақсадда юрганлигини аниқлаш мақсадида бериладиган сўровлар ва уларга жавоб беришда қўлланиладиган эпик формулалар. «Равшан» дostonида Равшанни ўз уйига олиб кетган кампирнинг қаҳрамоннинг кимлиги, қаердан келганлигини билиш учун берган саволлари қуйидаги эпик формула воситасида

бошланади:

Тарзингга қарасам, нодон боласан,  
Мавж уриб дарёдай тўлиб тошасан (БТ. 2-том, 399-бет).

Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кампир бир қарашдаёқ Равшаннинг сиёғи бу элларга тўғри келмаслигини дарҳол пайқаб олади. Бунинг устига Равшаннинг ғайратли йигит эканлигини, аммо ҳали ғўрлигини ҳам сезади. қаҳрамоннинг табиатига хос бундай хусусиятлар эса дostonдаги бошқа эпизодларда, бошқа персонажлар тилидан берилажак сўровларда ҳам қўлланилган. Масалан, Зулхуморнинг канизи Оққиз тилидан берилган саволда ҳам юқоридаги эпик формула иккинчи мисраси ўзгартирилган шаклда қўлланилган:

Тарзингга қарайман, нодон боласан,  
Қасд қилган ғанимни ўтга соласан (БТ. 2-том, 455-бет).

Персонажларнинг бир-бирларига берадиган саволларини ифодалаш учун қўлланиладиган барқарор эпик формулалардаги иккинчи мисранинг ўзгариб бориши, бир томондан, сўраладиган нарсанинг шеърый банддаги вазнга мос келишини, иккинчи томондан, қофиядаги изчиллик ҳамда оҳангдошликни таъминлашга хизмат қилади. Масалан, кампирнинг Равшанга берган саволи эпик формуладаги вазн ва қофияга мос келиши орқали ифодаланган:

Тарзингга қарасам, нодон боласан,  
Мавж уриб дарёдай тошиб-тўласан,  
Сенинг тарзинг бу элларга келмайди  
Сўзлагин, ёш бачча, қайдан бўласан?

Эпик формула ўн бир ҳижоли бармоқ вазнида бўлганлиги учун саволни ифодалаган асосий мисралар ҳам ана шу вазнга солинган,

эпик формуладаги «боласан, тўласан» қофияларига саволни ифодаловчи тўртинчи мисрадаги «бўласан» қофияси оҳангдошликда мослаштирилган. Бу нарса Оққиз томонидан Равшанга берилган саволда ҳам мавжуд:

Тарзингга қарайман, нодон боласан,  
Қасд қилган ғанимни ўтга соласан,  
Юртинг қаер, қайси элдан келасан,  
Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан.

Қаҳрамоннинг кимлигини билиб олиш учун бериладиган саволлар халқ достонларида, хусусан, романик достонларда рангбаранг эпик формулалар орқали бошланади. Масалан «Кунтуғмиш» достонида дарвозабоннинг Тўрага берадиган саволи қуйидаги эпик формула билан бошланади:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,  
Ярашиққа минган отинг дол бўлсин.

Саволнинг ўзи эса эпик формуладаги вазн ҳамда қофия уйғунлигида қуйидагича ифодаланган:

Сенинг тарзинг бу ерларга келмайди,  
Сўйлагил, жон дўстим, сенга йўл бўлсин.

Айни шу достоннинг ўзида Холбеканинг Тўрага берган саволида эпик формуланинг иккинчи мисраси ўзгартирилган, яъни асосий саволни ифодаловчи мисра формула вазни ҳамда қофиясига мослаштирилган ҳолда қўлланилган:

Қандай қўрқмай келдинг ажалхонага,  
Жондан қўрқмай, юрган жоним, йўл бўлсин?

Достоннинг бошқа бир эпизодида Холмўмин ясовулбошининг Моҳибойга берган саволи юқорида келтирилган эпик формуланинг иккинчи мисраси янада бошқача ўзгартирилган шаклда

келтирилади:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин  
 Узундир, калтадир - ҳар тўн мўл бўлсин,  
 Қатаған юртидан бўлсанг гўдаклар,  
 Зангарнинг шаҳрида сизга йўл бўлсин?

Романик дostonлардаги эпик формулаларнинг қўлланилиши ўрни ва персонажларнинг савол-жавобларига хосланишини кўздан кечириш бундай ўринларда турли-туман формулалар истифода этилганлигидан далолат беради. Масалан, «Кунтуғмиш» дostonида:

Сен ҳам бир боғчада боғнинг гулисан,  
 Отангман энангнинг жону дилисан

формуласи бир ўринда кампирнинг Тўрага берган саволида қўлланилган бўлса, иккинчи бир ўринда:

Сен ҳам бир боғчада боғнинг гулисан,  
 Расул уммат, худойимнинг қулисан

тарзида иккинчи мисраси ўзгартирилган шаклда қўлланилган. «Ширин билан Шакар» дostonида эса персонажларнинг ўзаро савол-жавобларида юқоридаги эпик формулалар билан бир қаторда бутунлай бошқа формулалар қўлланилган. Масалан, Зил тоғидаги бобонинг Ширин-Шакарга берган саволи қуйидаги эпик формула воситасида ифодаланган:

Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда,  
 Не кўриб, кечириб фоний дунёда,  
 Қайси ердан келдинг пою-пиёда,  
 Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Айни шу дostonнинг бошқа бир ўрнида Гулгун парининг Шакарбекка берган саволи қуйидаги уч мисрали формула воситасида ифодаланган:

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар  
 Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,  
 Булутлар маст бўлса, чалқийди кўллар...

Қаҳрамоннинг кимлиги, қайси мамлакатдан келганлиги ва нима мақсадда юрганлигини аниқлаш мақсадида берилган саволлар ифодасида турли-туман эпик формулалар қўлланилган бўлса, бу саволларга қаҳрамоннинг қайтарадиган жавоби, ўзини таништириши бир-бирига ўхшаш ёки айна бир формуланинг иккинчи мисрасини ўзгартириб қўллаш орқали ифодаланади. Масалан, «Малика айёр» достонида Авазхоннинг Гулшанбоғда пешонасига капгир урилиб, манглайи ёрилган пайтда атрофини ўраб олган қизлар саволига ўзини таништириши қуйидаги эпик формула воситасида берилган:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,  
 Юнус ҳам Мисқолнинг жону дилиман.

Мана шу эпик формуланинг ўзи «Ширин билан Шакар» достонида Зил тоғида гоҳ охур қилиб, гоҳ ўчоқ қилиб, гоҳ қозик йўниб юрган чолнинг саволига Шакарбекнинг жавобида иккинчи мисраси бироз ўзгартирилган шаклда қўлланилган:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,  
 Мен ҳам бир бировнинг жону дилиман.

Ҳар икки мисолда эпик формуланинг ўзгарувчан иккинчи мисраси саволга берилган жавобнинг моҳиятини ифодалайди. Бошқаларга ўзининг кимлиги ҳақида хабар берилганда эпик формуладаги иккинчи мисранинг ўзгариши табиий. Чунки дostonлардаги савол бериладиган ёки саволга жавоб қайтарадиган вазиятлар бир хил бўлгани билан қаҳрамон, унинг мамлакати, ота-онаси ва мақсади тамоман бошқа бўлиши мумкин. Биринчи мисра барқарор бўлгани учун иккинчи мисра жавобнинг характериға қараб



унинг ифодасига вазн, қофия ва ритм жиҳатидан асос – “қолип” яратиб беради.

Демак, дoston персонажларининг савол-жавобларида барқарор эпик формулаларнинг иккинчи мисралари ўзгартирилган ҳолда қўлланадилар. Бу хилдаги шаклий ўзгаришлар вазн жиҳатидан мослик ҳамда қофия уйғунлигини таъминлаш талаби билан юз берса ҳам, лекин формула ифодалаган рамзий мазмун барқарор сақланади. Эпик формулага шундай ўзгаришлар киритиб савол ёки унга бериладиган жавоб оҳанги, ритми ва руҳига мослаб қўллаш эса бахшининг ижодкорлик ҳамда ижрочилик маҳорати юксаклигидан далолат беради.

Ўзбек халқ дostonларида кўп қўлланиладган барқарор эпик формулалардан бири «қирғий деган қуш ўлтирар қиёда» мисралари билан бошланади. Ушбу формула персонажларнинг қилган ишлари, кўрсатган мардлик ва жасоратлари ҳақида хабар берувчи ёки бирор персонажнинг қаердан келганлиги, шахсияти ҳақида маълумот олиш учун савол берилган ўринларда қўлланилади. «Малика айёр» дostonида Авазхон Бадбахт чўлида Мақотил исмли баҳайбат барзангига дуч келиб, уни қилич билан иккига бўлиб ташлайди. Бу ишидан қойил қолган Авазхоннинг ўз шаъни ҳақида айтган сўзлари юқорида айtilган эпик формула билан бошланади:

Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда,  
Не кўриб кечирдим фоний дунёда,  
Ғайратимдан шоҳлар юрар пиёда,  
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда.

Шу формуланинг ўзи «Кунтуғмиш» дostonида Кунтуғмишнинг хусн-жамоли таъриф у тавсиф қилинган ўринда Холбеканинг Чаққон

исмли канизи монологида иккинчи мисраси ўзгартирилган шаклда қўлланилади:

Қирғий деган қушлар бўлар қиёда,  
 Ўлимча ёмон иш борми дунёда?  
 Сулувлиги, бувим, сиздан зиёда,  
 Паризод инсонни кўрдим, бувишим..

Демак, эпик формуланинг иккинчи мисраси эпик тасвир талаби, вазият ва ҳолат тақозоси билан ўзгариб боради. Бироқ ушбу мисранинг ўзгариши маълум мазмуний майдон чегарасидан чиқиб кетмаслиги лозим. Агар «Малика айёр»да иккинчи мисрада дунёнинг фонийлигини уқдириш билан бирга шу ўткинчи дунёда инсон бошидан не-не ишлар кечиши, у гоҳ ғолиб бўлса, гоҳ мағлуб бўлиши мумкинлиги, шу боис у ҳеч қачон умидсизликка тушмаслиги ёки мағрурланиб кетмаслиги таъкидланса, «Кунтуғмиш»да формуланинг иккинчи мисраси ўлимнинг шафқатсизлиги, у ҳеч кимга раҳм қилмаслиги, шунинг учун Холбеканинг вақтни ғанимат билиб, гўзал йигит билан танишиши зарурлиги таъкидланади. «Ширин билан Шакар»да эса бу формула Зил тоғида учраган бобонинг ака-укаларнинг қайси юртдан келганликлари, исмлари ва насл-насабларини билиш мақсадида берган саволида қўлланилган.

Юқоридаги қиёслашлар шундан далолат берадики, эпик формулалар эпик баённи давом эттириш, персонажлар ўртасидаги мулоқотларни ёки уларнинг дилидаги кечинмаларини изҳор этиш учун зарур бўлган рамзий эпик мазмунни ўзларида сақлайдилар. Ана шу эпик мазмун эса бахши хотирасидаги эпик билимни ҳаракатга келтиради ва ижро жараёнини таъминлайди. Формуланинг иккинчи мисраси эса барқарор рамзий мазмунни эпик баён билан мослаштирувчи фаол эпик мосламалик вазифасини адо этади.

Барқарор эпик формулалар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга рамзий ишора қилиш маъносида ҳам қўлланадилар. «Кунтуғмиш» достонида Зангар юртининг подшоси Холбекага «хамроҳинг шаҳзода қаерда» деб савол беради. Ушбу саволга Холбека жавоб қайтарар экан, унинг жавобида қўлланилган эпик формулалар бошидан кечирган воқеалар, азоб-уқубатлар ҳақида берилган хабарларига ишора қилиш, қофия ва ритмик қолип яратишга хизмат қилган:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,  
 Ер ютар одамнинг ахир барисан.  
 Саҳар вақти икки қўлим бойланди,  
 Билмайман тўрамнинг тири-ўлигин.

Эпик формула шеърый бандда ифодаланган Кунтуғмишнинг ўлик ёки тирик эканлигидан Холбеканинг беҳабарлигини айтиш учун рамзий мазмундаги асос ҳозирлашга имкон берган. Тоғларнинг қори эрийди, бу маълум нарса, одамнинг бир кунмас-бир кун ўлиши ҳам муқаррар, аммо Кунтуғмишнинг тириклиги, унинг қаерда эканлиги номаълум. Агар қаҳрамоннинг қай аҳволда эканлиги қуруқ баён этилса, эпик баённинг таъсирчанлиги пасайиб кетар эди, айниқса, Холбеканинг унга бўлган муносабати, иштиёқи тўла ифодаланмас эди. Бундан ташқари, эпик баённи давом этгириш учун ритмик мезон, қофия йўналиши ва рамзий ишора номаълум бўлиб қолар эди. Шунинг учун бундай ҳолатларда эпик формулалар бахшини ҳар томонлама бошқариб боради.

Холбеканинг монологи давом этар экан, навбатдаги бандда бахши янги бир эпик формула қўллайди ва унда на фақат тўраси, ҳатто икки ўғлининг тақдири ҳам номаълумлиги ифодаланади:

Бир боғчада олма эди, нор эди,  
 Айрилган қул бир кўрмакка зор эди.  
 Билмайман тўрамнинг тири-ўлисин,

Эна деган икки ўғлим бор эди.

Инсон ўз уйидагина боғдаги олма ва анордек қадрли бўлади. Холбека ва Кунтуғмиш бир-бирларидан айрилганларидан кейин худди бир-бирларини кўришга зор, аммо чорасиз қулдек мунғайиб қоладилар. Мана шу ҳолат Холбеканинг ҳозирги ҳолатига рамзий ишора вазифасини ўтамоқда. Чунки бир вақтлар тўраси ва икки ўғли билан бахтиёр яшаган Холбека ҳам уларни кўришга зор бўлиб қолган, худди чорасиз қулдек мунғайиб қолган. Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатиб турибдики, барқарор эпик формулалар эпик баёнга, тасвир ҳамда ифодага ҳам шаклий, ҳам рамзий маъно бағишлайди, уларнинг ҳиссий таъсирчанлигини оширишга кўмак беради.

Эпик формулалар фақат бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларгагина эмас, балки келгусида юз беражак воқеа-ҳодисаларга ҳам рамзий ишора бериш вазифасини ўтайди. «Малика айёр» достонида Авазхон хатарли сафарга жўнаб кетиш олдида отасидан оқ фотиҳа сўраб турар экан, нима мақсадда кетаётганлигини формула воситасида алоҳида таъкидлайди:

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Омон бўлса, нелар кўрар бош энди,  
Оша юртга ёр ахтариб бораман,  
Омон бўлинг, то кўргунча, хуш энди

Туркий шеърятда қадимдан кенг тарқалган тўрт мисрадан иборат банд тузилиши параллелизм усулида қахрамон тилидан айтилаётган янги эпик ахборотни ифодалаш учун қулай шакл ҳисобланади. Бундай банд шакли талабларига кўра, дастлабки икки мисра янги ахборотни баён этиш учун рамзий-мазмуний фон вазифасини ўташ билан биргаликда кейинги мисралар учун ритмик қолип, қофия учун уйғун эвфоник асос ҳам ҳозирлайди.

Албатта, киши юраги дардли бўлса, у оҳ уради. Оҳ урганда эса кўздан ёш оқади. Формуланинг биринчи мисрасидаги «ёш» сўзи эса иккинчи мисра учун уйғун қофия қўллашга имкон беради. Бундай уйғун сўз «бош»дан иборат. Чунки оҳ тортган инсоннинг қисмати ҳали номаълум. Унинг боши омон бўлса, ҳали неларни кўрмайди. Эпик формуладаги мана шу маъно Авазнинг Торкистон сафарига бошидан кечирадиган воқеаларга рамзий ишора вазифасини ўтайди. Айни пайтда формуланинг ҳар икки мисраси «ёш», «бош» сўзлари билан қуйма қофияни ташкил этади.

Тўртликнинг қофияланмайдиган учинчи мисраси қаҳрамонга янги эпик ахборотни айтиш учун имкон беради. Чунки бу мисра вазн жиҳатидан эпик формула қолипига мос келса ҳам, бироқ унда қофия билан уйғунлик йўқ. Мана шу шаклий ҳолат қаҳрамонга ўз мақсадини эркин ифодалашга ёрдам беради. Бу мақсад эса қаҳрамоннинг ёр ахтариб оша элга кетишини маълум қилишдан иборат. Бироқ банд ҳали тўла шаклланган эмас. Банд тўла шаклланиши учун тўртинчи мисра юқоридаги уч мисрага вазндош, аммо дастлабки икки мисрага - эпик формулага уйғун қофия билан боғланиши лозим. Эпик вазият, қаҳрамон айтмоқчи бўлган мазмундан келиб чиқилса, тўртинчи мисра ҳам ўн бир бўғинли вазнга, «ёш-бош» сўзларига уйғун сўз билан қофияланиши лозим. Эпик вазиятдан келиб чиқилса, сафарга жўнаётган қаҳрамон учун бирдан-бир истак қолаётган отасига омонлик тилаб хушлашишдир. Мазмуний, ритмик ва эвфоник уйғунлик талаби ўзаро қофияланувчи уч мисрани бирлаштириб, ягона бандни вужудга келтиради.

«Кунтуғмиш» достонида Холбеканинг ўз гўдақларини эмизиш учун қилган оҳ-ноласида ҳам айрим бандлардаги эпик формулалар

норасида болаларнинг тақдири, келажаги ҳақида қайғуриш мазмунини ифодалашга хизмат қилган:

Тоза гулсан, офтоб тегиб, сўласан,  
 Мавж уриб, дарёдай тошиб тўласан,  
 Мен кетган сўнг икки гўдак ўласан,  
 Энанг банди бўлган карвон қўлига,  
 Энангдан айрилиб йўлда қоласан.

Офтобнинг кучли иссиғи янги очилган гулни сўлдиради. Мана шу маъно она сутига муҳтож гўдакларнинг онасидан айрилиб қолишига рамзий алоқадордир. Улар янги очилган ғунчага ўхшайдилар. Холбеканинг айриб олиб кетилиши эса ана шу ғунчаларга офтобнинг қаттиқ иссиқлик бериб сўлдиришига қиёсланмоқда. Ҳали оналари ёнларида экан, улар дарёдай мавжланиб, тошиб турибдилар.

Эпик формулада ифодаланган мана шу маъно учинчи мисрадан бошлаб асосий эпик мазмун билан боғлиқ ҳолда давом эттирилади.

Ушбу банднинг ўзига хослиги шундаки, у беш мисрадан иборат. Дастлабки икки мисра эпик формула бўлиб, у бандда ифодаланган эпик мазмун билан рамзий алоқадорликка эга. Кейинги уч мисра эса янги эпик мазмунни ифодалайди. Масалан, учинчи мисра эпик формулага ритмик, эвфоник жиҳатдан мослик асосида Холбеканинг олиб кетилиши ҳақида хабар берса, тўртинчи мисра ритмик мосликда, аммо қофиясиз ҳолда Холбеканинг банди бўлганлигини маълум қилади. Банднинг якунловчи бешинчи мисраси дастлабки тўрт мисрага ритмик жиҳатдан уйғун, қофияланувчи дастлабки уч мисрага мос ҳолда гўдакларнинг оналаридан айрилиб қолганларидан кейинги оғир қисматлари ҳақида хабар беради.

Эргаш шоир репертуарида белгили ўрин эгаллаган «Қундуз

билан Юлдуз» достонида ҳам айрим барқарор эпик формулалар қаҳрамон ёки унга қарашли персонажларнинг келгуси хатти-ҳаракатлари, қисматлари ҳақида хабар бериш учун рамзий ишора бериш вазифасини адо этадилар. Масалан, Нуралининг Авазхонни излаб кетганлигини эшитган Гўрўғлининг набирасини қутқариб қолиш учун берган амрини ифодалашга барқарор эпик формула имкон берган:

Менинг болам тоза боғнинг лоласи,  
Топилмайди шум ўлимнинг ҳийласи,  
От чопинглар, Нуралини топинглар,  
Чўлда ўлмасин Гўрўғлининг боласи.

(БТ, 3-том, 447-бет).

Бобо учун набира-умр боғининг мевасидек азиз ва суюкли. Лекин ғаддор ўлим бунга қарамайди, чунки ўлим учун бунинг қадри йўқ. Суюкли набирасининг хавф-хатарда қолганлигини, ҳали норасида гўдакнинг от миниб чўлга чиқиб кетганлигини билган Гўрўғли уни қутқариб қолиш учун барча йигитларига отланишни буюради. Диққат қилинса, эпик формуланинг биринчи мисрасида боланинг азизлиги ҳақида сўз юритилса, иккинчи мисрасида эса ўлим даҳшати ҳақида гап кетганлигини кўриш мумкин. Ҳаётнинг мана шундай шафқатсиз зиддиятлари юқоридаги эпизоднинг кучли драматизмга эгалигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Гўрўғли набирам чўлда ўлиб қолмасин, отланиб тезда уни топинглар, деб фармон беради. Демак, мазкур бандда қўлланилган эпик формула Нуралининг шум ўлим чангалига тушиб қолмаслигига йўл қўймаслик, унинг ҳаёти учун қайғуришга даъватни таъкидлаб ифодалашга хизмат қилган.

Хуллас, романик достонларда қўлланилган эпик формулалар

эпик тасвирда ўрни билан бўлажак воқеа-ҳодисаларга рамзий ишора қилиш вазифасини ҳам адо этадилар.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар бизга қуйидагича хулосалар қилишга асос бўла олади:

1. Барқарор стилистик формулалар халқнинг ҳаёт тажрибасида жамланган қуйма поэтик мисралардан иборат бўлиб, улар бахшиларга жонли ижро жараёнида эпик билим ҳамда эпик хотирани тиклашга, узлуксиз импровизация жараёнида ижрони тўхтовсиз давом эттиришга инкор берадилар.

2. Барқарор стилистик формулар эпик баённи давом эттиришда кейинги мисралар учун вазн, қофия ва оҳангдошлик жиҳатидан эстетик апперцепция, яъни эстетик ўчоқлик вазифасини ўтайдилар.

3. Бақарор стилистик формулалар эпик вазия, шароит учун хосланган шаклларда баённи давом эттиришга ёрдам берадилар ва тасвирланаётган образнинг ҳолати, воқелик мазмуни билан ички рамзий алоқадорликка эга бўладилар. Уларнинг айна шу вазифаси тасвир ҳамда ифодага таъсирчанлик бағишлайди.



## ТИПИК ЎРИНЛАР ВА БАРҚАРОР ЭПИК ФОРМУЛАРНИНГ МЕТАФОРИК ТАБИАТИ

Халқ эпоси матни клишеланган характерга эга. Бу эса турли вазиятлар, ҳолатлар тасвирида бир хилликни-универсалликни келтириб чиқаради. Фольклоршуносликда турли вазият ва ҳолатлар тасвиридаги ана шу бирхиллик-универсаллик типик ўринлар деб юритилади. Бу куйида барқарор стилистик формулаларнинг ана шундай тип ўринларда қўлланилиши ва кўп ҳолларда метафорик маъно касб этиши ҳақида сўз юритамиз.

Достонларда барқарор эпик формулалар қўлланиладиган ўринлардан бири от эгарлаш тасвири бўлиб, у романик достонларда деярли бир хилдаги эпик формулалар ёрдамида баён қилинади. Бундай ўринлар жуда кўп достонларда мавжуд, лекин биз Эргаш шоирдан ёзиб олинган «Далли» достонидаги Соқибулбулнинг Ҳасанхонга Ғиротни эгарлаб бериши тасвирида қўлланилган эпик формулалар таҳлили билан чегараланамиз.

Маълумки, жанговар отни эгарлаш, айниқса, ғиротдек назаркарда тулпорни эгарлаш ўзига хос одат, удум ва тартибларга эга. Ушбу тартиб Ғиротни табладан олиб чиқишдан кўзга ташланади. Эргаш шоир отнинг табладан олиб чиқилиши мақсадини, отни эгарловчи шахснинг кимлигини айтиб, яратганга мурожаат қилар

экан, ҳар бир шеър бандини ўзига хос эпик формула воситасида ўринли, чиройли баён этади:

Доилоҳо, кудратингга илоҳим,  
Ииқилсам - суринсам, пушти паноҳим  
(БТ, 2-том, 35-бет)

Дарҳақиқат, имони баркамол инсон ҳар бир ишни худога мурожаат қилиш, ундан мадад тилаш билан бошлайди. Шунинг учун Соқибулбул ҳам Ғиротни эгарлашни юқоридаги эпик формула билан бошлайди.

Халқ дostonларида от эгарлаш шунчаки бир иш эмас, балки ўзига хос қатор анъанавий хатти-ҳаракатлардан ташкил топган мураккаб жараёндан иборат. Мана шунинг учун сайис дастлаб отнинг устига ёпиб қўйилган нарсаларни олиб, уни супуриб, силаб-қашлашдан иш бошлайди. қуйидаги эпик формула ана шу нарсани баён этишга хизмат қилган:

Боғбон узар боғнинг тоза гулини,  
Худо очсин талаблининг йўлини.

Боғбон ўз боғида очилган гулнинг энг сарасини олади. Тулпорга минган қаҳрамон ҳам, худо йўлини очса, ўз талаб – мақсадига этади. Бир хил вазн, бир хил қофия изчиллигида шоир Соқибулбулнинг хатти-ҳаракатини мантиқий изчилликда, энг муҳими, етакчи эпик воқеа мазмунини миллий урф-одатларимизга амал қилган ҳолда баён этади.

Соқибулбул Ғиротни қашлаб, силаб-сийпаб эгарлаш учун ҳозирлар экан, унинг қулоқларига осиб қўйилган ёлпушларни олади. Отнинг қулоқларига осиб қўйилган «ёлпуш» сўзини айтиш учун унга қофиядош «беҳишт» ва «хуш» сўзлари иштирок этган эпик формула келтирилади. Эпик формула мисралари билан асосий эпик баённинг

икки мисраси параллелизм йўли билан ягона қофия ҳамда вазн воситасида уйғунлашади:

Худо берган олар жаннат-беҳиштни,  
 Ҳеч кимдан олмасин ақлман хушни,  
 Айил-пуштанини чечиб бедовнинг,  
 Қулоғидан олди зарли ёлпушни.

От танасини супуриб, кашлаш баҳонасида унинг барча аъзолари кўздан кечирилади, сўнгра унинг устига от абзаллари тартиб билан бирин-кетин қўйилаверади. Энг аввал от белига терлик қўйилади. Шу боис эпик формулада мисра охиридаги сўзлар «терлик» сўзига қофиядош бўлишлари лозим. Бундай сўзлар эса «хўрлик» ва «эрлик»дан иборат:

Олис юртдан ошган тортар хўрликни,  
 Бедов минган йигит қилар эрликни,  
 От белига аввал қўйди Соқи чол,  
 Ипакдан босилган майин терликни.

Пўлкан шоир отга терлик солиш тасвирини Эргаш шоир қўллаган мазмундаги, аммо сал ўзгачароқ шаклдаги эпик формула воситасида беради. Бу ўзгачалик қуйидагиларда кўзга ташланади. Эргаш шоирда «олис юртдан» дейилган бўлса, Пўлкан шоирда «оша юртга ошган» дейилади. Эргаш шоирда «бедов минган йигит қилар эрликни» дейилган бўлса, Пўлкан шоирда «югурук минган қилар йўлбарс зўрликни» тарзида берилади. Эргаш шоирда «от белига аввал қўйди Соқи чол» деб берилган бўлса, Пўлкан шоирда «навбат билан Ғиркўк отнинг белига» шаклида берилади. Эргаш шоирда «ипакдан босилган майин терликни» тарзида айтилган бўлса, Пўлкан шоирда «астагина қўйди ипак терликни» деб айтилган. «Терлик» сўзига қофияланган эпик формуладаги сўзлар Эргаш шоирда «хўрлик» ва «эрлик»дан

иборат бўлса, Пўлкан шоирда «хўрлик» ва «зўрлик» дан иборат. Ҳар икки ҳолатда ҳам эпик формула ва асосий эпик баён ўзаро уйғун қофияланган.

Кўриниб турибдики, отга қўйилаётган абзаллар бир хил, эпик формула ва ундан кейинги мисралар ҳам мазмунан уйғун, аммо ҳар икки шоирда уларнинг ифодаланиш шакли фарқланади.

Терлик устига чирги солинади. Шунинг учун эпик формула мисралари чиргига қофиядош «дурби», «қирғи» сўзлари билан якунланади:

Олис юртдан беклар кўрар дурбини,  
Усталар кўлига олар қирғини,  
Боз устидан кўя берди чол Соқи,  
Ўймалаб ташлаган бахмал чиргини.

Чирги солиш тасвирида ҳам Пўлкан шоир қўллаган эпик формула фарқланади. Масалан, Эргаш шоирда дурбин кўрадиган «олис юртдаги беклар» бўлса, Пўлкан шоирда «олис юртга дурбин тутган подшо»лардан иборат. Эргаш шоирда формуланинг иккинчи мисраси «усталар кўлига олар қирғини» шаклида бўлса, Пўлкан шоирда «олис борган оп келмайми белгини» тарзида айтилган. Эпик формуладан кейинги асосий эпик баён Эргаш шоирда «боз устидан кўя берди чол Соқи» тарзида бўлса, Пўлкан шоирда «киш-кишлаб солди Ғирнинг белига» тарзида баён этилган. Банднинг тўртинчи мисрасида Эргаш шоир чиргига нисбатан «бахмал» эпитетини қўллаган бўлса, Пўлкан шоир «қирмиз» эпитетини қўллайди, яъни бахмалнинг рангига ишора қилади.

Чирги устидан беллик қўйилади. Бу абзал отнинг белига эгар ботиб, яғир бўлиб қолмаслиги учун қўйилади. Демак, эпик формула «беллик» сўзи билан қофиядош бўлиши шарт:

Йигитлик охири қирқман элликди(р),  
 Содда одам норга берар кўлликди  
 Боз устидан қўя берди чол Соқи,  
 Чиргининг устидан қўйди белликди.

Мана шундан сўнг отга жаҳаздирик қўйилади. Бинобарин, эпик формула «жаҳаздирик» сўзига қофиядош сўзлар билан ниҳоясига етиши зарур:

Ҳар ерда ботирнинг кўнгли тирикди(р),  
 Хайрга бахилнинг кўнгли эрикди(р),  
 Боз устидан қўя берди чол Соқи,  
 Суяви кундуздан жиҳаздирикди.

От эгарлашда абзалларнинг номи ва уларнинг қўйилиши тартибига тўла риоя қилинган. Бироқ Эргаш шоир ҳамда Пўлкан шоирдаги ушбу эпизод тасвиридаги асосий фарқ шундаки, Эргаш шоир чиргидан кейин «беллик», «жаҳаздирик» каби отга қўйиладиган абзалларни махсус эпик формулалар орқали алоҳида бандларда тасвирласа, Пўлкан шоир бу икки абзалнинг қўйилишини ҳеч қандай эпик формуласиз икки мисрада айтиб қўя қолади:

Боз устидан яна қўйди белликни,  
 Суяб қўйди кундуз жиҳаздирикни<sup>1</sup>.

Жиҳаздирикдан кейин эгар қўйилади. Шунинг учун эпик формула «эгар» сўзига қофиядош сўзлар билан якунланади:

Муллалар ўқийди зеру забарни,  
 Усталар ишлатар теша-табарни,  
 Боз устидан қўя берди Соқи чол  
 Олтин қошли, корсони кумуш эгарни.

Тулпорга эгар қўйишда ҳам Пўлкан шоир ўзига хос эпик

формула кўллайди. Масалан, Эргаш шоирда «муллалар ўқийди зеру забарни, усталар ишлатар теша-табарни» формуласи кўлланилган бўлса, Пўлкан шоирда кўлланилган эпик формула бутунлай ўзгача шаклга эга:

Темирчи оллоҳ деб урар табарди,  
Куйи келса бўлган сўзга чеварди.

Эгарни қўйишни англатувчи эпик баён Эргаш шоирда:

Боз устига қўя берди Соқи чол,  
Олтин қошли, корсони кумуш эгарди

шаклида бўлса, айна шу ҳаракат Пўлкан шоирда ўзига хос шаклда берилади:

Бисмилло, деб олиб қўйди бедовга,  
Тилла чоптирган сарпай эгарди.

Эгарга беркитилган узангилар отнинг икки ёғига туширилади. «Туширди» сўзини эпик формулага қофиялаш ва оҳангдошлик билан боғлаш учун бахши феъл кесим билан якунлаган ўзига хос формула кўллайди:

Эранларнинг қабрин тунаб бош урди,  
Икки наргис хумор кўзга ёш урди,  
Икки узанги, иккови ҳам тилладан,  
Ярқиратиб икки ёққа туширди.

От устида эгарни айил ушлаб туради. Демак, эпик формулада «айил» сўзига қофиядош сўзлар иштирок этиши шарт:

Жониворнинг ёл қуйруғи майинди(р),  
Ҳар ким кўрса, ғиркўк отга қойилди(р),  
Эгарнинг устидан тортди Соқи чол

---

<sup>1</sup> Гўрўглининг туғилиши. Айтувчи: Муҳаммадкул Жомрот ығли Пўлкан. Ызбек халқ ижоди. Кўп томлик. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. -Б. 133.

Кашта қип тўқилган ипак айилди.

Отнинг ёли устига ташланадиган безакли абзал «давир» деб аталади. Соқибулбул отни эгарлар экан от ёлига давир ташлашни ҳам унутмайди. Бинобарин, эпик формула «давир» сўзига оҳангдош бўлиши талаб қилинади:

Бир неча санамнинг қобоғи дурди(р),  
Худой берган жаннат билан ҳурди(р),  
От белига ёза-кериб ташлади,  
Қимматбаҳо зар чочоқли давирди.

Эгарнинг олдинга томон силжиб кетмаслиги, муқим туришини таъминлайдиган «қуюшқон» солиш билан эгарлаш давом этади. Демак, тўртлик банддаги эпик формула мисралари «қуюшқон» сўзига қофиядош бўлиши лозим. Бахши ана шундай қофияга эга бўлган эпик формулани қўллайди:

Абзалининг бари ола қайишдан,  
Чув деса, қутилар қанотли қушдан,  
От думига сола берди Соқи чол  
Ўн икки куббали карки қуюшқон.

Ниҳоят, пуштан солиш билан отни эгарлаш яқунланади. Шу боис навбатдаги тўртликда қўлланиладиган эпик формула «пуштан» сўзига қофиядош бўлиши керак. Кўп асрлик эпик анъана бундай қофияга эга бўлган формулани ҳам яратган ва бахши ижро жараёнида уни ўринли қўллайди:

Ҳайвонни тузади оёғдан, бошдан,  
Пир дуоси кетган ғунондан, ёшдан,  
От белига торта берди Соқи чол  
Пой тўшаб ташлаган чигатой пуштан.

Мана шундай қилиб, сафарга отланган қаҳрамоннинг жанговар

оти эгарлаб бўлинади. Халқ эпик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган от эгарлаш тасвири ва тавсифи барқарор эпик формулалар воситасида баён этилади.

Ўзбек халқ романик дostonлари сюжетидаги от эгарлаш эпизодини кўздан кечириш от эгарлашда от абзалларининг қўйилиш тартибида ҳам халқ бахшилари ўзаро фарқланишларга эга эканликларини кўрсатади. Масалан, Эргаш шоирда эгар қўйилгандан сўнг икки тилла узанги икки ёққа туширилади. Пўлкан шоирда эса ўн саккиз қуббали карки қуюшқон солинади, Эргаш шоирда эса ипак айил тортилади. Пўлкан шоирда қуюшқандан кейин айил тортилса, Эргаш шоирда зар чочоқли давир солинади. Шундан сўнг Пўлкан шоирда иккита тилла узанги икки ёққа туширилади. Эргаш шоирда ўн икки қуббали карки қуюшқон солинади. Мана шундан кейин Пўлкан шоирда зар чочоқли давир ташланса, Эргаш шоирда чигатой пуштан ташланади. Шу билан Эргаш шоирда от эгарлаш яқунланса, Пўлкан шоирда чигатой пуштан ташлаш ва қирқ қуббали ипак юган уриш билан ниҳоясига етади.

От эгарлаш мотиви моҳият эътибори билан ўзбек романик дostonларида деярли бир хил характерга эга. Аммо бахшиларнинг тарбия топган дostonчилик мактаблари анъаналарига мувофиқ от абзалларига оид эпитетлар, уларнинг қўйилиш тартибида муайян фарқлар, уларга мувофиқ қўлланиладиган эпик формулалар шаклида ҳам айрим ўзгачаликлар кўзга ташланади. Ҳар нима бўлганда ҳам эпик формулалар от абзалларининг номлари ва уларнинг қўйилиш тартибини қизиқарли тасвирлашга имкон беради.

Жанговар от эгарланиб бўлгач, қахрамон унга мурожаат қилиб, ўзининг соғ-омонлиги, саломатлиги шу жониворга боғлиқлигини



айтиб, ундан ўз мақсадига илдам етказишни сўраб мурожаат қилади. Ушбу мурожаат баъзан бироз шаклий ўзгаришлар билан барча бахшиларда бир хилда қўлланилади. Масалан, «Далли» достонида Ҳасанхон Ғиротни ўйин кўрсатишга даъват этар экан, ундан шарманда қилмасликни сўраб шундай мурожаат қилади:

Отим Ғирот, жоним Ғирот,  
Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
Сени минган топар мурод,  
Қўлтиғингда яшин қанот.

Қойил қилгин хоннинг қизин,  
Ҳаммани ўзингга қарат.  
(БТ, 2-том, 106-бет).

Юқоридаги мурожаатда отнинг содиқ ҳамроҳлиги, унинг емиши ва тўрваси, отнинг ўз хўжасини муродга етказиши кабилар таъриф тавсиф этилади. Айни шу хилдаги мурожаат Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Малика айёр» достонида ҳам бироз қисқа шаклда учрайди:

Жоним Ғирот, молим Ғирот,  
Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
Сени минган топар мурод,  
Дам-бадам еткиз Чамбилга (МА, 10-бет).

Муҳаммадкул Жомрот ўғли Пўлкандан ёзиб олинган «Гўрўғлининг туғилиши» достонида ҳам Гўрўғли Райҳон арабнинг кизи Зайдинойни олиб келишда арабнинг оти етиб олмаса эди, деб хавотирланиб, ғиротга қараб юқоридаги анъанавий мурожаатни қисқартириб айтади:

Отим Ғирот, жоним Ғирот,  
Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
Тезгир бўлгин, келди араб (ГТ, 153-бет).

Мана шу мурожаатдан кейин бахшилар отнинг таъриф тавсифини қилишга ўтадилар. Бу борада Эргаш Жуманбулбул ўғли алоҳида ажралиб туради. У отнинг қандай таблада боқилгани, қандай ем берилганлиги, қандай машъала ёқилгани, қандай тушов солинганлиги, оёқларига қоқилган тақанинг сифати, сув ўрнига шарбат берилгани, одамзоддан ҳам ақлли-хушли эканлиги кабиларни васф этар экан, отнинг оёқларига алоҳида тўхталади:

Тўрт оёғинг қоққан қозик,  
 Баданларинг қиздан нозик,  
 Ўмганларинг филдан ёзиқ,  
 Қойил бўлсин сени кўриб,  
 Хон Даллидай кўзи сузук (БТ, 2-том, 107-бет).

Пўлкан шоирда ҳам мазкур тавсиф мавжуд, бироқ банднинг ниҳоясида у яна дастлабки анъанавий таърифни такрор келтиради:

Тўрт оёғинг қоққан қозик,  
 Баданларинг қиздан нозик,  
 Ўмганларинг филдан ёзиқ,  
 Отим ғирот, жоним ғирот,  
 Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
 Тезгир бўлгин, келди араб (ГТ, 154-бет).

Жанговар отга қилинадиган мурожаатнинг, ундаги таъриф тавсифнинг деярли бир хил характерга эга эканлигининг иккита сабаби бор. Биринчиси - «Гўрўғли» туркуми ва бу туркумнинг юзага келишига асос бўлган омиллардан бири ғиротнинг ягоналиги. Мана шу ягоналик отга берилажак тарбия, парвариш ва унинг хислатларини бутун туркум давомида бир хил таъриф тавсифлашга олиб келган. Бошқача айтганда, таъриф дастлаб бир бахшилик мактабида юзага келган ва у ғирот ҳақидаги ягона идеал таъриф бўлганлиги учун кучли эпик анъана таъсирида туркумнинг бошқа

достонларида ҳам кенг тарқалган. Иккинчиси - жанговар отга хос сифат-сыйратнинг бир хиллиги мурожаатдаги таъриф тавсифнинг ҳам бир хиллигига олиб келган.

Хуллас, қандай бўлмасин, сафарга ёки бирор юмушга жўнаётган қаҳрамон ўз мақсадига жанговар оти етказишини билган ҳолда, уни мақтаб, юксак таъриф тавсифлаб мурожаат қилади. Бу таъриф-тавсифлар кўп асрлик жонли ижро анъанасида такрор ва такрор қўлланишлари оқибатида барқарор эпик формулалар даражасига кўтарилган. Шу боис улар романик достонлар ижроси анъанасида мустаҳкам сақланиб қолган.

Халқ эпик шеърляти изчил вазндошлик хусусиятига эга. Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқ эпик шеърляти вазн тузилиши жиҳатидан қисқа ва узун шеър каби типларга бўлинади<sup>1</sup>. Достонлардаги шеър қисмларнинг бундай типларга бўлиниши фақат шаклий ҳодисагина бўлиб қолмай, балки эпик воқеликни тасвирлаш ҳамда персонажлар нутқини ифодали, яъни изчил вазндошлик жиҳатидан ҳам хосланганлигини кўрсатади.

Қисқа шеър типини 5-8 бўғиндан иборат тузилишга эга бўлиб, у достон қаҳрамонларининг сафар чоғида отда йўл босишлари, эпик душманлар билан бўлган жангу жадалларни тасвирлашда кенг қўлланилади. Демак, қаҳрамонларнинг фаол хатти-ҳаракатларини жанговар отнинг ҳаракат маромига мос ритмда баён этиш ва ижро

<sup>1</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –М.,1947.-С.437-438; Жирмунский В.М. Ритмико-синтаксический параллелизм как основа древнетюркского народного эпического стиха //Вопросы языкознания, 1964. №4.-С.3-24; Яна ўша: О некоторых проблемах тюркского народного стиха //Тюркологический сборник. –М.,1970.-С.29-68; Яна ўша: О тюркском народном стихе //В.М.Жирмунский. Тюркский героический эпос.- Л., 1974; -С.64-680; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. –Алма-Ата, 1964;

Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978. –Б.3-50; Раҳмонов Б. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фанлари номзоди дис... автореф. -Т., 1998.-Б.13-20.

жараёнида ана шу маромни тутиб туриш учун қисқа шеър типи махсус танланган.

Узун шеър типи эса асосан ўн бир бўғиндан иборат тузилишга эга бўлиб, у персонажларнинг монологлари, ички кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Юқорида биз эпик формулалар ҳақида тўхталганимизда эпик шеърнинг мана шу типига хосланган формулалар ҳақида тўхталдик. Қуйида биз эпик шеърнинг қисқа типига хосланган барқарор эпик формулалар хусусида сўз юритамиз.

Қисқа эпик шеър типи воситасида баён этиладиган эпик воқеалар романик дostonларда асосан иккита. Булар: қаҳрамоннинг сафар чоғида от суриб йўл босиши ва унинг эпик душманларга қарши олиб борган жангу жадаллари тасвиридан иборат. Халқ эпоси тасвир ҳамда ифода услуби, кўп асрлик эпик анъана талабларига кўра, узун шеър типига бўлганидек, қисқа шеър типига ҳам ўзига хос барқарор эпик формулалар мавжуд ва улар ижро пайтида бахшига ритмик, эвфоник нуқтаи назаридан қолиплик вазифасини ўтайдилар, эпик хотирани мустаҳкамлашга хизмат қиладилар.

Романик дostonлар сюжети саргузашт воқеалар асосига қурилган. Шу боис бу типдаги дostonлар қаҳрамони гўзал париларни, тушида ёки ўнгида кўрган маликаларни излаб узоқ сафарларга йўл оладилар. Уларнинг сафарлари тафсилоти, кўпинча, етти бўғинли бармоқ вазнида айни шу вазндаги эпик формулалар воситасида баён этилади.

Маълумки, эпик қаҳрамон азму шижоатда, одобу ахлоқда халқнинг яхши ва гўзал фарзанд ҳақидаги идеаллари асосида тасвирланади. Бу хислат уларнинг сафарга жўнашлари олдида ота-онасидан, яқинларидан оқ фотиҳа олишларида кўзга ташланади.

«Далли» достонида ҳам Ҳасанхон Гўрўғлидан оқ фотиҳа олиб йўлга тушади. Ушбу эпизод достонда аввал насрий йўл билан, сал кейинроқ эса шеърий шаклда ўзига хос барқарор эпик формулалар воситасида қайтадан баён этилади:

Парвардигор паноди,

Ҳолин билган доноди (БТ, 2-том, 44-бет).

Албатта, инсон қай ишга қўл урмасин, қаерда бўлмасин, ҳамиша оллоҳнинг паноҳида бўлади. Ўзининг мана шу ҳолатини, яъни худонинг марҳаматисиз ҳеч нарсага эриша олмаслигини билган, ҳис этган ва тан олган инсонгина ҳақиқий доно ҳисобланади. Мана шу фикрга асосланган эпик формула қаҳрамоннинг қандай ҳолатда сафарга жўнаб кетганлиги ҳақида тингловчига етказилади, айти пайтда достон воқеалари динамикасини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур формула бошқа достонларда ҳам кўп қўлланилади. Масалан, «Равшан» достонида Равшан отаси Авазхондан дуо олиб, Жайронқуш отини қистаб жўнаб кетиши баёнида ҳам буни кўрамиз:

Парвардигор паноди,

Ҳолин билган доноди (БТ, 2-том, 390-бет).

Мана шундан кейиноқ формуланинг вазни ҳамда қофиясига мос ҳолда асосий эпик баён давом эттирилади. Масалан, «Далли» достонида Ҳасанхон Гўрўғлидан, «Равшан» достонида эса Равшан отаси Аваздан дуо олиб жўнаб кетгани айтилади:

Гўрўғлидан дуо олиб,  
Ҳасан полвон жўнади (44-бет).

Ёки:

Отасидан дуо олиб,  
Равшан полвон жўнади (390-бет).

Йўлга тушган қаҳрамон бирор сония бўлсин худонинг мадад беришидан умидини узмайди. Чунки яратганнинг ўзи мадад бермаса, унинг қийин ишнинг уддасидан чиқиши мумкин эмас. Эл-юрт, ота-она ва яқинлар олдида ўз вазифасининг уддасидан чиқиши ва обрў билан қайтиш қаҳрамон учун муҳим. Шунинг учун у тулпор устида елдек учиб борар экан, дилида оллоҳга мурожаат этиб, ўзига обрў беришини чин дилдан тилаб боради. Сафарда от елдириб бораётган қаҳрамоннинг ана шундай руҳий ҳолати ва кайфияти дostonда ўзига хос бетакрор формула ёрдамида аниқ берилади:

Мардни тукқан энади (р),  
 Ўзи гавҳар донади (р),  
 Обрў бер, деб чўлларда  
 Якка-танҳо жўнади.

Юқоридаги бандда эпик формула Ҳасанхоннинг йўл босишини баён этишга хизмат қилган бўлса, қуйидаги бандда унинг ўғли Равшаннинг йўл босиши ва қайси мамлакатга бораётганлигидан хабар беришга хизмат қилади:

Мардни тукқан энади,  
 Энадан ягонади,  
 Обрў бер, деб ёш бачча  
 Ширвон қараб жўнади.

Агар диққат қилинса, эпик формуланинг иккинчи мисраси бироз ўзгартирилган шаклда келтирилганлигини кўриш мумкин. Бу нарса табиий равишда ижро жараёнида юз беради. Чунки бахшилар айна бир формулани бироз ўзгартирган, аммо мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда қўллайдилар. Юқоридаги мисолда ҳам иккинчи мисранинг моҳияти бузилмаган ҳолда шаклан бироз ўзгартирилиб қўлланилган. Чунки гавҳарнинг ҳар бир донаси ягона ҳисобланади, бинобарин,

Равшаннинг ҳам ягона ўғил эканлигини таъкидлаш юқоридаги мисранинг мазмунини нисбатан аниқ ифодалашдан иборат. «Ўзи гавҳар донади(р)» шаклида ана шу мазмун метафорик маънода қўлланилган. Ушбу фактнинг ўзи кўрсатадики, айти бир ижодкор ижросида ҳам эпик формулаларнинг вариантлари юзага келиши мумкин ва ана шу вариантлар эпик формуланинг бош мазмунини сақлаган ҳолда ифодадаги айрим ўзгаришлар билан бир эпик вазиятда, бир маъно ва вазифада қўлланаверадилар.

Барқарор эпик анъана ўзига хос бадиий тасвир ҳамда ифода усулларини яратганлиги барчага маълум. Мана шунга кўра, сафар вақтида тасвир гоҳ қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, хатти-ҳаракатини, гоҳ отнинг елиб боришини кўрсатишга қаратилади. Шу икки нарсанинг тез-тез алмашилиб туриши, яъни эпик ретроспекция усули қаҳрамоннинг йўл босиши жараёнини жонли тасвирлашга ёрдам беради; унинг ҳамда жанговар отнинг хатти-ҳаракатини аниқ тасаввур этишга имкон беради. Масалан, қуйидаги барқарор эпик формула Ҳасанхоннинг қандай мақсадга интилаётганлигини намоён этишга хизмат қилган:

Гоҳ созини созлайди,  
 Гоҳ бўтадай бўзлайди,  
 Энди кўринг мард Ҳасан  
 Хон Даллини излайди.

Пўлкан шоирда («Гўрўғлининг туғилиши») айти шу формула Гўрўғлининг сафар пайтидаги ҳолатини тўла беришга хизмат қилган:

Гоҳ созини созлайди,  
 Бўтадай бўп бўзлайди.  
 Қамчи босса, лайли ғир  
 Тоғнинг бошин кўзлайди (ГТ, 137-бет)

Барқарор эпик формулада айтилганидек, қаҳрамоннинг «созини созлаши» унинг дилидаги туғёнларни очишга хизмат қилади. Чунки уларнинг кўлида ҳеч қандай соз йўқ. Демак, эпик формуладаги «соз» сўзи метафорадан иборат. Формуланинг иккинчи мисрасидаги «бўтадай бўзлаш» бирикмаси ҳам метафорик маънога эга бўлиб, у қаҳрамоннинг азобу қийноқда йўл босаётганлигини, мақсадига етишиш йўлидаги иштиёқини, интилишини ифодалашга хизмат қилади.

Халқ эпосига хос тасвирнинг бош хусусияти шундаки, унда эпик қаҳрамон билан боғлиқ барча нарсалар - от ҳам, макон ҳам, замон ҳам бирга ҳаракатда бўлиши талаб этилади. Шу боис отда елиб бораётган қаҳрамон ҳолати билан бирга у минган жанговар ҳамроҳнинг ҳам ҳаракат ва ҳолати тасвирланиши эпик қонуният ҳисобланади. қаҳрамоннинг сафар чоғидаги хатти-ҳаракати ва ҳолати баён этилган ўринларда ретроспектив тасвир усули қўлланилади. Ана шунга биноан айрим шеърӣ бандлар отнинг ҳаракатини баён этишга йўналтирилган. қуйидаги барқарор эпик формула отнинг чопишини тингловчи кўзи олдида жонлантиришга йўналтирилган. Чунки жанговар от ҳам қаҳрамоннинг ғайрати, шиддати ва иштиёқига мос ҳолда елиши лозим. Ана шундагина қаҳрамон ва унинг ҳамроҳидаги хатти-ҳаракат, ҳолат тасвири эпик уйғунлик касб этади:

От боради ариллаб,  
 Отган ўқдай шариллаб,  
 От олқими - тонг шамол  
 Мис карнайдай зариллаб.

Юқорида келтирилган тўртликдаги тасвир ҳамда ифоданинг аниқлиги отнинг тезлиги, бу тезлик пайтида қаҳрамоннинг ўзини қандай сезаётганлиги ҳақида жонли таассурот туғдиради. Отнинг



отилган ўқдай ҳавони кесиб шариллаб чопиши, ана шунга мос ҳолда Ҳасанхоннинг қулоғи остидан ўтаётган шамолнинг мис карнайдай зариллаб овоз бериши эпик тасвирга барқарор эпик формуланинг бахш этаётган ҳам тасвирийлик, ҳам ифодавийлик хусусиятидан далолат беради. Чунки эпик формула ва унга мутаносиб эпик баёнда тасвирийлик ҳам, ифодавийлик ҳам бир пайтнинг ўзида мавжуд.

Қаҳрамоннинг уловда йўл босиши, отнинг елиб бориш шиддати ҳар бир бахшида ўзига хос, кўп ҳолларда, ана шу бахши тарбия топган дostonчилик мактаби ёки эпик муҳит анъаналари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунга қарамай, умумўзбек эпоси миқёсида бу тасвир ягона моҳият ва мазмунга эга. Масалан, «Малика айёр» достонида Шозаргарнинг қоратулпорда Тиллақиз билан чопиши тасвирида куйидагича эпик формула қўлланилган:

Тулпор боради арқираб,

Отган ўқдайин зирқираб (127-бет).

Жанговар отнинг чопиш шиддати «арқираб», «отган ўқдай зирқираб» деб таърифланган. Мана шу ифода ва тасвирнинг ўзида тингловчи кўз ўнгида оғзини очиб, ёлини орқага тараб елдай учиб бораётган от жонланади. Кўриниб турибдики, эпик формула Эргаш шоир ҳамда Фозил шоирда шаклан ўзгача, лекин уларни мазмунан бирлаштириб турувчи хусусият отнинг чопиш пайтидаги кўриниши ва тезликнинг отилган ўққа ўхшатилиши. Дарҳақиқат, аждодларимизнинг тезлик ҳақидаги тасаввурлари камондан отилган ўқнинг ҳавони кесиб, ўзига хос овоз таратиб учишига қиёсан баҳоланган ва бундай баҳо эпик қаҳрамонлар минган тулпорларнинг чопиш тезлиги учун мезонлик вазифасини ўтаган. Шу боис эпик формулалар шаклан фарқланиб турсалар ҳам, уларда акс этган ҳаётий

деталларнинг вазифаси жиҳатидан умумий мазмун касб этган.

Эпик қаҳрамонларнинг отда елишлари тасвирида халқ бахшиларининг маҳоратлари шундаки, улар бу эпизодни муболағали тарзда жонлантириб, тингловчиларни тобора воқеа ичига олиб киришга эришадилар. Шунинг учун Эргаш шоир «Далли»да ғиротнинг елишини янада кучайтириб тасвирлаш мақсадида қуйидаги эпик формулани қўллайди:

От боради арсиллаб,  
Отган ўқдай тасирлаб.

Отнинг арсиллаб, қадами теккан ерлардан садо таратиб боришини Эргаш шоир отилган ўқнинг тарсиллашига ўхшатиб таърифласа, Фозил шоир қоратулпорнинг елишини айни ўша мазмунда, аммо ўзгачароқ шаклда ифодалайди:

Боради тулпор киш-кишлаб,  
Бу бекларнинг кўнглин хушлаб,  
Отган ўқдаин зариллаб (МА, 127-бет).

Отнинг шиддат билан чопиши қаҳрамоннинг саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ. ғиротнинг янада илдамроқ елиши учун Ҳасанхон унга кетма-кет қамчин уради. Мана шу ҳаракат ҳам махсус формула орқали ифодаланган:

Қамчи урди сонига,  
Жабр қилди жонига,  
Сувсиз чўллар ларзон ер  
Ғирнинг ирғиганига.

Навбатдаги бандда ҳам ана шу шиддат, ана шу хатти-ҳаракат бошқа бир эпик формула воситасида баён этилади:

Отга қамчи чолади,  
Отнинг жонин олади.

Эпик формуладан кейинги мисралар эса қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвирига кўчади, бироқ анъанавий эпик ифода талабларига

кўра, кейинги икки мисра ритм ва оҳангдошлик жиҳатидан эпик формулага тўла мос ҳолда келтирилади:

Сувсиз чўлда Ҳасан мард,  
Обрў бер, деб йилади.

Фозил шоир эса тулпорга қамчи уришни ўзига хос йўсинда тасвирлайди. Эпик формуланинг иккинчи мисраси эса умумўзбек эпоси учун хос бўлиб, у кўпчилик дostonларда бир хилда такрорланади:

Бўзтулпорга қамчи чотди,  
Урган қамчи симдай ботди (МА, 124-бет).

Фозил шоир репертуарига мансуб «Муродхон» достонида ҳам отни қамчилаш юқоридаги эпик формула воситасида ифодаланади:

Бедов отга қамчи чотди,  
Урган қамчи симдай ботди (М, 56-бет).

Эпик формуладан кейинги мисралар эса асосий эпик баённи ташкил этади:

Парқинидан кўпик сочиб,  
Муродхонни суриб кетди.

Хуллас, Эргаш шоирда ҳам, Фозил шоирда ҳам отга қамчи уриш моҳият жиҳатидан бир хил, аммо шаклан бир-биридан фарқ қилувчи эпик формулалар орқали баён этилади.

Елдек учиб бораётган тулпорнинг ҳаракат тарзини ўзига хос формулалар ёрдамида тасвирлаш ўзбек халқ эпоси анъаналаридан мустаҳкам ўрин олган. Чопаётган от, уни бошқараётган қаҳрамоннинг қандай жойлардан ўтиб бораётганлигини ифодаловчи махсус барқарор мисралар яратилганки, улар баъзи шаклий ўзгаришлар билан романик дostonларнинг барчасида қўлланилади. Масалан, «Далли»да ғиротнинг ҳеч нарсага қарамай чопишини тасвирлашда қуйидаги эпик формула истифода этилган:

Ўр келса, ўмганлатди,

Нишаб келса, тўхтатди,  
 Ариғ келса, ирғитди,  
 Жилға келса, жилпитди,  
 Текис келса, ўйнатди. (БТ, 2-том, 49-бет).

Чопаётган отда ўтирган қаҳрамон йўлнинг баланд-пастини яхши билиши ва шароитга қараб уни бошқариши лозим. Муайян бир масофани илдам босиб ўтиш учун у отни бошқариш малакасига эга бўлиши шарт. Эпик қаҳрамонлар эса ана шундай малакага эга бўлган кишилардир. «Малика айёр» достонидан келтириладиган қуйидаги мисраларда Шозаргарнинг тулпорни бошқариш маҳорати худди Эргаш шоирдагидек, аммо барқарор формула мисралари шаклан ўзгартирилган, миқдоран биров қисқартирилган ҳолда берилади:

Ўр келса, ўмганлатди,  
 Қир келса, қилпиллатди,  
 Арна келса, ирғитди,  
 Шуйтиб заргар йўл тортди. (МА, 126-бет).

Қаҳрамоннинг йўл босиши, у минган тулпорнинг чопиш муддатини белгилаш ўзбек романик достонларида ўзига хос анъанага айланган. Шунинг учун кўпчилик достонларда мазкур эпизод тасвирида бир-бирига ўхшаш барқарор эпик формулалар юзага келган. қаҳрамоннинг кечани-кеча, кундузни кундуз демай от чопишини тасвирлашда ана шундай формулалар кўп қўлланилади. Эргаш шоир Ҳасанхоннинг тинимсиз от чопишини шундай баён этади:

Ариғ тубинда андиз,  
 Дарё тубинда кундуз,  
 Қистаб кетиб боради,  
 Кеча демайди кундуз.

Фозил шоир «Малика айёр»да Асад, Шодмон мерганларнинг тинимсиз отда йўл босишларини махсус эпик формула ёрдамида баён этади. Бу эпик формула ҳам асосий эпик баён билан алоқадорликка

эга эмас, аммо унга ритмик асос яратиб, қофия учун қолиплик вазифасини ўтайди:

Ҳавода бор ёруғ юлдуз,  
Дарёда ўйнайди кундуз.  
Мерганлар қилди ғайратни,  
Йўл тортди уч кеча-кундуз.

“Муродхон” достонида Фозил шоир юқоридаги форму-лани жуда оз ўзгариш билан қўллайди ва қаҳрамоннинг йўл юриш маромини баён этади:

Ҳавода бор ёруғ юлдуз,  
Дарёда ўйнайди кундуз.  
Йўл юриб кеча-кундуз,  
Шуйтиб кетиб боради (М, 58-бет).

Қуёш ботгач, осмонда ёруғ юлдуз пайдо бўлади, кундуз эса дарёда эркин сузади. Бу икки нарсани айтиш билан бахши, биринчидан, кейинги мисраларда уч кеча-кундуз йўл босилганлигини айтиш учун ритмик замин ҳозирлайди, иккинчидан, «юлдуз», «кундуз» ва «кундуз» сўзларини қофиялаш, шу орқали бандни ягона оҳанг уйғунлигида шакллантиришга эришади.

Умуман, юқоридаги эпик формула қаҳрамоннинг уловда йўл босиши ва биринчи манзилга етиб келиш муддатини маълум қилишга ёрдам беради. Бошқа бахшиларда эса худди шу вазифани бажарувчи бутунлай бошқа шаклдаги эпик формулалар ҳам мавжуд. Масалан, Пўлкан шоир Гўрўғли-нинг туғилиши» достонида Гўрўғлининг отда қанча муддат йўл юрганини маълум қилиш учун қуйидаги эпик формулани қўллайди:

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгинамас, мўл юрди,  
Чоқламайин Гўрўғли  
Тағи қирқ кун йўл юрди (ГТ, 137-бет).

Қаҳрамоннинг отда йўл юриши муҳлатини баён этишга хизмат

қилувчи эпик формулаларни кўздан кечириш юқорида келтирилган шаклдаги эпик формулаларнинг ҳам романик дostonлар матнида кенг тарқалганлигини кўрсатади. Масалан, ана шу эпик формула бироз шаклий ўзгаришлар билан Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Кунтуғмиш» дostonида Холбеканинг икки ўғлини банди қилган Зангар лашкарининг неча кун йўл юриб, гўдакларни Зангар шахрига олиб келганликларини баён этишда қўлланилган:

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгинамас, мўл юрди,  
От ҳуқимда гўдаклар  
Айни ўн кун йўл юрди<sup>1</sup>.

Хуллас, эпик қаҳрамонларнинг отда йўл босишлари 7-8-бўғинли бармоқ вазнидаги қисқа шеър шаклида баён этилиб, уларда қўлланилган эпик формулалар эпик баён учун ритмик уйғунлик ва қофиялашга қолиплик вазифасини адо этадилар.

Романик дostonларда жанг тасвири ўзига хос муболағалар воситасида тасвирланади. қаҳрамонларнинг ўзга юртлардан гўзал маликалар ёки париларни олиб келишларида ўзга юрт лашкарлари билан жангга киришларига тўғри келади. Баъзан қаҳрамонлар гўзал маликаларни ҳийла билан олиб қочадилар, баъзан уларнинг олиб борган жанглари, мардонавор олишишлари қисқа шеър шаклида махсус эпик формулалар воситасида баён этилади.

Романик дostonлар қаҳрамонлари ҳар бир ишни имкони борича урушсиз, қон тўкмасдан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Бироқ кескин вазият жангсиз ҳал бўлмаслигини билишгач, душман устига шердек ташланадилар. Жанг олдидан улар ўз йигитларига мурожаат этишиб, душман устига от қўйишга даъват этишади. Уларнинг

<sup>1</sup> Кунтуғмиш. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли //Орзигул. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. - Т., 1975. - Б. 254.

даъвати эса мазмунан «ғаним устига от қўйиш, душманнинг бошини олиш, унинг қонини тўкиш» кабилардан иборат бўлади. Эпик мазмуннинг ана шундай умумий характери муайян эпик формулаларнинг юзага келишига олиб келади.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Далли» достонида Ҳасанхонни ўраб олган душман устига Гўрўғли етиб боради ва у ўз йигитларини ғаним устига ташланишга даъват этади. Бу даъват эса жанг тафсилотлари баёнида ҳар бир банд бошланиши ёки сўнгида алоҳида такрорланиб келади:

От қўй ғанимнинг қасдига,  
Калла кесиб, қон тўкинглар  
Ҳасанхон марднинг устига (БТ, 2-том, 302-бет).

Эпик формулалар орасидаги бандлар турлича мазмунга эга. Бир бандда Гўрўғли йигитларига мурожаат этиб, ош-тузини тотганлар, бугун хизмат қилиш вақти етганини айтса, бошқа бирида йигитларга далда бериб, ёв устига шиддат билан ташланишга ундаш кабилар баён этилади. Бандларнинг ўзаро ягона эпик мазмун билан боғланиши эса юқоридаги эпик формуланинг рефрен сифатида доимий такрорланиб туриши орқали таъминланади.

Жанг тасвирида бундай даъваткор эпик формулаларнинг такрор қўлланилиши фақат Эргаш шоирдагина эмас, балки бошқа бахшиларда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, Пўлкан шоир куйлаган «Юнус пари» достонида Аҳмад сардор Айлоқ тепага чиқиб, барча йиғилган туркман йигитларига қарата «от қўйинглар» деб мурожаат қилади. Унинг мурожаати ҳам «от қўйинг» ёки «от қўй» арабнинг устига формуласи билан бошланади:

От қўйинг ҳар ён, ҳар ёндан,  
Минг бир ёғдан, минг бир ёндан,  
От қўй душманнинг қасдига!

Қилич солинг, қон тўкилсин,  
Асқар тоғининг пастига (ГТ, 266-бет).

Фозил шоир куйлаган «Малика айёр» достонида ҳам Арботиндан келаётган лашкар устига от солар экан, ана шу формулани бир ўринда «пирлардан дуо олиб» мисрасидан кейин, бошқа бир ўринда эса банднинг бошида қўллайди:

Комил пирларни ёд этиб,  
От қўйди душман устига.

Ёки:

От қўйди душман устига.

Қарамай баланд-пастига (МА, 28-бет).

Усмон Маматкул ўғлидан ёзиб олинган «Шохдорхон» достонида ҳам Шохдор лашкарига қарши Гўрўғли жанг бошлар экан, ўз йигитларига мурожаат қилиб, душман устига қўрқмай от қўйишга даъват этади. Ушбу бандда ҳам, худди Пўлкан шоирдагидек, эпик формула йигитларнинг қайси томондан от қўйишини кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда айтилади:

Гўрўғли дер менинг ўзим,  
Ўлсам, ўчар юлдузим,  
Сиз у ёқдан, мен бу ёқдан,  
От қўйинглар, ботир қўзим<sup>1</sup>.

Эргаш шоирда эса жанг бошлашга даъват этувчи эпик формула бир неча вариантларда учрайди. Масалан, «Холдорхон» достонида шоҳ қайсарнинг лашкарига қарши Гўрўғли қирқ йигитига мурожаат этар экан, «от қўй» деб бошланувчи формулани бир неча ўринда, бир неча шаклда қўллайди:

От қўй деди, эл югурди,  
Ернинг бағрини қовурди (БТ. 4-том, 337-бет).

---

<sup>1</sup> Шохдорхон. Айтувчи: Усмон Маматкул ўғли //Балогардон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги АС нашриёти, 1986. - Б. 112.



Ёки: От қўйди, ер ларзон бўлди,  
Кўз кўрмаган майдон бўлди (339-бет).

Ёки: От қўйди лашкар тўш-тўшдан,  
Қулоқ кар бўлди куш-кушдан.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бир мисрадан иборат эпик формула бахшига ижро пайтида узлуксиз бадиҳа қилишга, жангнинг бошланиши ва боришини баён этишда қофия ва ритм учун замин ҳозирлаб беришга хизмат қилиш вазифасини ўтаган.

Романик дostonларнинг кўпчилигида жанг тасвирида икки мисрадан иборат эпик формулалар қўлланилади. Улар қаҳрамон тилидан айтилиб, бўлажак жангнинг овозаси, даҳшати беқиёс даражада катта бўлишлигидан хабар беради. «Равшан» дostonида Ҳасанхоннинг кал жўраларига мурожаатида ана шундай эпик формулани учратамиз:

От қўйдилар якка-якка,  
Овоза солинг фалакка.

Демак, душман устига от қўйилганда, сурон солиб бориш жангга кирувчиларга далда берса, ғаним дилига ваҳима солади. Мана шу ҳолат эпик формуланинг моҳиятини, ҳаётий мазмунини ташкил этади. Шундай мазмундаги эпик формула Пўлкан шоир куйлаган «Юнус пари» дostonида ўзгача шаклда ифодаланган:

Бу қўшиннинг тўзони  
Осмонга чиқиб кетди.  
Одамларнинг шовқини  
Тоғу даштни тебратти.

Фозил шоир «Муродхон» дostonида душман устига от қўйган лашкарнинг сурон солиб бориши худди осмондаги юлдузларнинг кўчишига ёки ором олаётган карвоннинг қий-чув кўтариб кўчишига ўхшатилади. Бу хилдаги ўхшатишли эпик формулалар бошланаётган

жангнинг даҳшати ва қасирғасини тингловчи томонидан жонли қабул қилинишига ёрдам беради:

Карвон кўчгандайин бўлди,  
Юлдуз учгандайин бўлди,  
Ҳар тарафни тўзон олди,  
Кўп лашкар жовлик от солди (М, 158-бет).

Бораётган жангнинг даҳшати, унда ишлатилаётган қуроллар, бўлаётган сон-саноксиз қурбонларни ифодалашга хизмат қилувчи эпик формулалар ҳам борки, улар «майдон ичинда» бирикмаси билан яқунланади. «Малика айёр» достонидан келтирилган қуйидаги парчада ана шундай эпик формула намунасини кўрамыз:

Ярашиққа тикиб чодир,  
Фаранг милтиқ патир-патир  
Отилди майдон ичинда.

Мана шундан кейин бахшилар бевосита жангнинг боришини тасвирлашга ўтадилар. Урушнинг шафқат билмаслиги, қирқ йигит кўлидаги қиличлар эса ёппасига бош олиб қон тўкаётганлиги, ғанимни қириши мард йигитлар учун «олтин косада гулгун май ичиб», кайф-сафо қилгандай гашт бағишлашини ифодаловчи мисралар романик достонларнинг деярли барчасида бир хилдаги барқарор эпик формулага айланган: Масалан, «Муродхон» достонида:

Қилич келар ялаб-ялаб,  
Истар кўнглим қилар талаб.  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда (159-бет).

«Равшан» достонида:

Қилич келар ялаб-ялаб,  
Ғариб кўнгул истар талаб.  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда (БТ, 2-том, 560-бет).

“Гўрўғлининг туғилиши” достонида:

Шохли милтиқ ялаб-ялаб,  
Ботир кўнгли истар талаб,  
Олтин коса, ажал шароб  
Ичилди майдон ичинда (269).

«Малика айёр» достонида:

Қилич келар алаб-ялаб,  
Истар кўнгил қилар талаб.  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда (142-бет).

Айни шу эпик формуланинг ўзи достоннинг бошқа бир ўрнида сал ўзгартирилган шаклда қўлланилган:

Қилич келар алаб-ялаб,  
Истар кўнгул қилар талаб.  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилик майдон ичинда (29-бет)

«Интизор» достонида:

Қилич келар алаб-ялаб,  
Ботир бир-бирга қараб,  
Душман бўлди эрга талаб,  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда (17-бет).

«Нурали» достонида:

Қилич келар алаб-ялаб;  
Истар кўнгил қилар талаб.  
Қайтмайди урушга қараб,  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилар майдон ичинда (233-бет).

Юқорида келтирилган мисоллардан шу нарса маълум бўладики, жанг майдонидаги қирғиннинг миқёси душмандан қасд олиш иштиёқида ёнган дил учун ҳеч қандай даҳшатли нарса эмасдек,

аксинча, ботирнинг қиличи ғанимни қанча «алаб-яласа», у олтин косада гулгун шароб ичгандек завқ олишини ифодаловчи эпик формула барча романик дostonларда кенг тарқалган.

Ушбу формуланинг биринчи мисрасида қаҳрамонларнинг ишлатган қуролларига қараб, «қилич» ёки «фаранги милтиқ» тарзида ўзгариб бориши мумкин. Шунга қарамай, мазкур эпик формула жангнинг бориш тарзи, шиддати ҳақида бадиий ахборот беришнинг энг универсал қолипига айланган. Баъзан бахшилар «майдон ичинда» бирикмасини эпик баёнда бир мисра оралатиб қўллайдилар. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Далли» дostonида ана шундай ҳолни кўрамиз:

Оқ, қора туғ сўлқиллаб  
Тикилди майдон ичинда.  
Югурди отлар ўлик қоқиб,  
қоқилди майдон ичинда.  
Не йўлбарслар қадди ёйда  
Букилди майдон ичинда,

Бўз тупроққа қирмиз қонлар  
Тўкилди майдон ичинда (БТ, 2-том, 335-338-бб.)

Мана шу тарзда «майдон ичинда» бирикмаси йигирма олти бандда мисра оралатиб қўлланилган бўлса, эпик баён давомида ушбу бирикма саккиз мисрали банднинг саккизинчи мисрасида қўлланилиб борилади. Ушбу ҳолат-

дан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жангнинг бориши, унинг ажал келтириши, яъни қирғин миқёсини тасвирлашда доимий такрорланиб келадиган «майдон ичинда» барқарор бирикмаси эпик формула вазифасини ўтаган. Чунки бу бирикма жангдаги хатти-ҳаракат, бўлаётган қирғин ва жанг қуролларига қараб бир сўзни ўзгартириш

(тикилди, қоқилди, букилди, тўкилди ва ҳ.к) орқали эпик баённи давом эттиришга қулайлик туғдиради.

Жанглар тасвиридаги тўлиқ мисралар ёки барқарор бирикмалар шаклидаги эпик формулалар ботирларнинг ишлатган қуроллари, уларнинг қирғин келтириш миқёсини кўрсатишга, шу орқали қирғин-баротнинг даҳшатини аниқ тасвирлашга ёрдам берадилар. Мухими шундаки, эпик формулалар жангнинг боришини тасвирлашда ритмик мезонлик вазифасини ўтаган. Саккиз бўғинли вазндаги ритмик изчилликни ижро жараёнида сақлаб бориш анча қийин. Юқоридаги эпик формулалар эса бахшига бадиҳа жараёнида ана шу ритмни сақлаб боришга имкон беради. Бундан ташқари, эпик формула таркибида метафорик образлар қўлланилганда, формула тасвирга ўзига хос рамзий фон бағишлайди, тингловчи диққатини баёнга, жанг воқеалари тафсилотига кучлироқ жалб этади. Шу боис қисқа шеър типидagi эпик формулалар халқ романик дostonлари учун структурал типологик ҳодиса саналади.

Халқ эпосида образ ва образли нутқни яратишда бадий кўчимлар, хусусан, метафораларнинг тутган ўрни, адо этган вазифаларини ўрганиш алоҳида илмий тадқиқотни талаб этади. Шу боис биз масаланинг бундай кенг қамрови ҳақида сўз юритишдан тийиниб, қуйида фақат бир масала - барқарор эпик формулалар таркибидаги метафораларнинг тасвир ёки ифодага рамзий маъно бағишлашлари ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Маълумки, метафора ўзбек адабиётшунослиги, фольклоршунослиги ва тилшунослигида бир нарсани ўхшашлик асосида бошқа бир ном билан аташ, қисқа ўхшатиш каби таърифлар билан

изоҳлаб келинади<sup>1</sup>. Натижада, уларнинг ҳақиқий поэтик табиати, бадиий матнда бажарган вазифалари ҳам ана шу доирада изоҳланади. Ҳолбуки, метафора бадиийликни нобадиийликдан, образлиликни образли бўлмаган нарсалардан фарқлашда етакчи мезонлардан бири вазифасини ўтайди. Чунки ҳар қандай метафора матнда номинатив, образли ҳиссий тасвирлаш ва баҳолаш вазифаларини адо этади.

Образли-ҳиссий, яъни эмотив метафоралар тингловчи ёки ўқувчида тасвирланаётган образ ёки воқеага нисбатан ҳиссий баҳо туғдиришдан иборат. Достонлар бадиийлигини, образли тилини таъминлашда бундай кўчимларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Чунки дунёни кенг эпик миқёсда кўриш, халқ оммаси ва бахши (ижодкор) нигоҳининг уйғунлик даражасини баҳолаш мезони фақат бадиий кўчимлар, айниқса, метафоралар таҳлили орқали амалга ошади.

Метафора бирор нарса ёки ҳолат асосида инсон онгида чакнаган янги нарса ёки ҳолатнинг ассоциатив номланишидан, унинг образли тасвирланишидан ёхуд ифодаланишидан иборатдир. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, метафора реал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар таъсирида инсон тафаккурининг чуқур қатламларида туғилади. Шу маънода ҳар бир метафоранинг туғилиши зарурий лисоний-бадиий ҳодисадир. Чунки метафорасиз инсон онгида чакнаган тасаввур, образ қалбида туғилган туйғуни аниқ ва таъсирчан тасвирлаб ёки ифодалаб бўлмайди. Шу метафора инсон онги ва тили учун зарурий муқаррар ҳодиса саналади. Жиддийроқ қаралса, метафора мубҳам, тарқоқ ва туманли тушунчаларни аниқ қиёфа, аниқ

---

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. -Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1967. -Б. 110-111; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча

ном билан атайди, шу туфайли ҳиссиётимизга кучли таъсир кўрсатади. Шоиру адибларнинг, умуман, ижодкорларнинг метафораларга мурожаат этишлари асосида асар қаҳрамонлари руҳий оламидаги мураккаб кечинмаларни жонли тасвирлаш ёки ифодалаш эҳтиёжи ётади. Метафо-ранинг образлилик, эмотив ва баҳолаш кучи уни ташкил этган компонентларнинг ўзлари англатган луғавий маънолардан узоқлиги билан белгиланади. Масалан, Ҳасанхон Даллини олиб қочгач, унинг ортидан қувиб келган лашкарга катта қирғин солади ва ўзининг қилган ишидан мағрурланиб манманликка берилади. Бу манманлик эса уни фалокатга етаклайди. Мана шу ҳолат тасвирида метафорик образ қўлланилган:

Манманликнинг занги кўнглин бойлади,  
Кишини фалокат босса кўп ёмон.

Келтирилган барқарор эпик формулага алоҳида ҳиссий оҳанг, рамзий маъно бағишлаган нарса биринчи мисрада иккита, иккинчи мисрада битта метафорик образ қўлланилишидир. «Манманлик занги» инсондаги манманлик касали бўлиб, метафоранинг моҳиятини «занг» образи белгилаб беради. Одатда, металл буюмларда рўй берадиган занг бойлаш ана шу буюмларнинг чириб йўқолишига олиб келади. Манманлик занги инсон онгини чўлғаб олса, бу иллат охир оқибат уни ҳалокатга олиб келади. «Кўнглини бойлаш» эса манманлик зангининг инсон қалбини эгаллаб олишини англатади. Иккинчи мисрадаги «фалокат босса» метафорик ибораси эса «манманлик занги»нинг инсон бошига соладиган ёмон оқибатларини ифодалашга хизмат қилади. Маълум бўладики, эмотив-эстетик зарядга эга бўлган бундай метафоралар барқарор эпик формулага

образлилик бағишлашга йўналтирилган.

Романик дostonлардаги анъанавий эпик формулаларда яна шундай метафоралар истифода этиладики, улардан айримлари ҳам номлаш, ҳам ҳиссий, ҳам концептуал вазифаларни адо этадилар.

Масалан:

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,  
Мавж уриб дарёдай тўлиб тошмагин.

Ушбу формуланинг биринчи мисрасидаги «тоза гул» «офтоб» сўзлари рамзий маънода концептуал ва ҳиссий метафораларни ташкил этадилар. Чунки ёш, куч-ғайратга тўла Ҳасанхоннинг номаълум юртга, хатарли сафарга жўнаши янги, ёш ғунчанинг кучли офтоб нури, иссиқлиги таъсирида сўлишига ишора қилади. Мисрада ифодаланган асосий фикрни ўхшашлик асосида мутлақо бошқа образлар орқали рамзий ифодалаш эпик формулага бўлган тингловчининг қизиқишини кучайтиради.

Мана шундай метафорик мисрадан кейин етакчи эпик баёнда қўлланилган «валламат», «туз» каби метафоралар эса нутқда кўп ишлатилишлари оқибатида оддий тил метафоралари даражасига тушиб қолганлар. Тил метафораларининг эса таъсир даражаси анча паст бўлади.

Эпик формулалар таъсирчанлиги улардаги метафорик образлар ҳисобига ортади. Чунки улардаги ҳар бир метафорик образ мазмунан ўзидан кейин келадиган эпик баён билан рамзий алоқадорликка эга. Бу нарсани қуйидаги шеъринг бандда яққол кўриш мумкин.

Авазхон хиёнат қилиб, парилар билан тил бириктириб, Ғиротни олиб қочган ва бу хиёнати учун Юнус ҳамда Мисқол паридан муносиб «тақдирланган» (кўзлари ўйилиб, бир вайронага ташлаб



кетилган) Гаждумхон олдидан чиқиб, йўлида давом этади. Шунда бир қизил равог ичидан чиқиб келган кампир Авазхоннинг қадди-бастини, сиёғини кўриб, унинг оддий йўловчи эмаслигини билиб, сен қайси мамлакатдан, қайси бекнинг ўғлисан, деб сўрайди. Мана шу сўровни у оддий қилиб эмас, балки жамолини баҳорда очилган гулга, чаманда эркин учиб сайраётган булбулга тенглаштириб тавсифлаб сўрайди. «Гул» ва «булбул» метафоралари Авазнинг сиёғини таърифлашга хизмат қилади. Мана шу икки метафора эса ўзларидан олдин келган «баҳор» ва «боғ», «чаман» каби деталларни ҳам метафорик талқин қилишга олиб келади. Чунки биринчи мисрадаги «баҳор» персонажнинг ёшлигига, «боғ» ва «чаман» эса унинг униб-ўсган мамлакати ҳамда хонадонига ишора қилиб турибди. Шу тариқа эпик формула ва кейинги эпик баён мисралари ўзаро боғланишга киришадилар. Бу боғланиш эса метафорик образлар моҳиятини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Агар эпик формуладан кейинги икки мисра келтирилса, формуладаги метафорик образлар моҳияти тўла очилмайди, бошқача айтганда, метафоралар эмотив ҳамда концептуал вазифа адо этмай, фақат номинатив моҳият доирасида қоладилар. Номинатив метафораларнинг таъсирчанлиги у қадар юқори бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, эпик формула ва асосий эпик баённи ифодаловчи мисралар ўзаро мазмунан боғланганларидагина формула таркибидаги метафоралар жонланади ва кейинги мисралар билан рамзий алоқадорлик вужудга келади:

Баҳорда очилган боғнинг гулисан,

Чаманнинг сайраган сен булбулисан.

Эпик формуланинг ўзи юқоридагидай алоҳида олинса, унинг

таркибидаги метафоралар персонажни метафорик кўчим воситасида фақат қайта номлаш учун хизмат қилади. Бироқ персонажни қайта номлашга хизмат қилаётган метафоралардаги иккинчи шахсга тааллуқли шахс-сон қўшимчалари мазмунан кейинги мисраларни ва ана шу мисраларда аниқ персонаж билан боғланишни талаб этади. Бу эса персонаж ва унинг эпик формуладаги тавсифий номланиши ўртасида рамзий боғланиш бўлишини тақозо этади. Мана шу тариқа оддий номлаш вазифасидаги метафоралар эмотив ҳамда концептуал вазифалар адо этишга ҳам хизмат қиладилар:

Тарзинг кўриб, мамлакатинг сўрайман

Қай шаҳарда, қайси бекнинг улисан?

«Тарзинг кўриб»-«баҳорда очилган боғнинг гули» билан, «чаманнинг сайраган булбули» эса «қай шаҳарда, қайси бекнинг улисан» билан ички рамзий алоқадорликка эга. Мана шу ички алоқадорлик туфайли эпик формула қўлланилган бандлар ҳиссий жиҳатдан юксак, таъсирчан, рамзий ва сеҳрли ифодаланиш хусусиятига эга бўладилар.

Романик дostonларда шундай эпик формулалар борки, улар бир-бирига уйғун қофияланган иккита метафорик образ орқали ҳиссий таассурот уйғотадилар ва формулага рамзий характер бағишлайдилар. Масалан, «Равшан» дostonидаги бир эпик формуланинг иккала мисраси ана шундай метафорик образлар «кундузим», «юлдузим» воситасида боғланиб, яхлит бир мазмун касб этадилар. Энг характерли жойи шундаки, метафоралар олдидан аниқловчи бўлиб келган нарсалар ҳам метафораларга асосланган. Демак, эпик формуланинг таркиби метафора устига қурилган метафорик образлар тавсифидан иборат:

Улуғ дарёлардан чикқан кундузим,  
Фалак пештоқидан учган юлдузим.

(БТ, 2-том, 378-бет).

Биринчи мисрадаги «кундуз» сўзи луғавий маънодаги кундуз эмас, балки Равшаннинг метафорик номланишидан иборат. Ана шу метафорик образнинг аниқловчилари ҳам метафорик эпитетларга асосланган. Равшан ота-онаси, Гўрўғли учун катта кадр-қимматга, меҳр-шафқат ва эътиборга лойиқ фарзанд. Шу боис у оддий анҳор ёки кўлларда яшовчи кундуз эмас, балки улуғ дарёларда камол топган кундуз. Формуланинг иккинчи мисраси ҳам худди шундай характерга эга. Чунки фалак пештоқидан учган юлдуз-Ҳасанхон ва Хон Даллининг пешоналарига битган ёлғиз юлдуз. Дарҳақиқат, ота-она манглайига битган бу юлдуз фалак пештоқида чарақлаган юлдуздир. Унинг ёр излаб мусофир юртларга сафар қилиши, қисматининг қоронғулиги метафорик йўл билан «фалак пештоқидан учган юлдуз»га ўхшатишган. Формуланинг ҳар икки мисрасидаги мазмуннинг рамзий ифодаланиши тасвир ва ифоданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Эпик формуладаги метафорик образлар фақат рамзий маънолари билан ўзидан кейин келаётган эпик баёнга яхши бирикиб кетган. Бунда шеърий банднинг тўртинчи мисрасидаги қофиянинг аҳамияти белгиловчи роль ўйнайди. «Ёлғизим» метафораси қаҳрамоннинг ота-она учун нақадар азиз ва ардоқли эканлигига урғу беради. Мана шу туфайли эпик баён билан эпик формула ўртасидаги мазмуний алоқадорлик таъминланган. Бунда эпик формуланинг адо этган вазифаси яна янги бир вазифа билан бойиган. Агар бошқа эпик формулалар бандни тугал мазмунда шакллантириш учун ўзидан кейин келаётган эпик

баёнга вазн, қофия жиҳатидан қолиплик вазифасини адо этсалар, юқорида биз кўриб ўтган банддаги эпик формула таркибидаги метафоралар қайд этилган икки вазифага қўшимча тарзда эпик баёнга рамзий руҳ бағишлаш ва шу орқали тингловчи кўзи олдида аниқ тасвирийлик яратиш, унинг қалбига кучли таъсирчанлик бағишлашга хизмат қилади.

Романик дostonларда яна шундай эпик формулалар борки, улар беш мисрали шеърӣ банднинг тўрт мисрасини ташкил этадилар. Кўп мисрали эпик формулалар рамзий маънодаги метафорик образлардан ташқари пурҳикмат фикр-хулосалар ифодалаш учун мажозий тасвирга ҳам йўл берган. қуйидаги беш мисрали банд бунинг ёрқин мисоли бўла олади:

Хазон бўлса, ғозлар қўнар гулшанга,  
Ажалли касратки тегар илонга,  
Индин чиқиб пишак билан ҳазиллар,  
Магар ажал қамсаб келса сичқонга,  
Мен чирпиб отарман сени осмонга.

Эпик формуланинг биринчи мисрасида «хазон», «ғоз», «гулшан» каби учта метафорик образ бор. Уларнинг бири «хазон» умрининг ўткинчилигига ишора. Шу сабабли ҳар қандай умр гулшани хазон фаслида зоғлар масканига айланади. Мана шуни айтиш орқали Аваз «умринг барвақт зое бўлмасин, умр гулшанингни зоғлар эгалламасин» деб девни огоҳлантиради. Кўриниб турибдики, рамзий характердаги биргина метафорик образ бир-бирларини тақозо этадиган бошқа метафораларнинг қўлланишига олиб келган. Чунки ибратли фикр билдиришга хизмат қилувчи эпик формула таркибида метафорик образ метафорик бўлмаган образ билан уйғун боғлана олмайди. Ўзаро мантиқан уйғунлик билан боғланган метафорик образлар эса эпик формулага кучли рамзий маъно, таъсирчанлик

бағишлайди.

Демак, эпик формула таркибидаги метафорик образлар девнинг ажали етганлигига рамзий ишора вазифасини ўтаганлар. Бироқ бу ишорани янада кучайтириш, кўп ҳолларда, эпик формуладаги рамзий-мажозий тасвирни янада ошириш орқали амалга ошади. Мана шунинг учун банднинг иккинчи мисрасида «касратки» ва «илон», учинчи ва тўртинчи мисраларда эса «сичқон» ва «пишак» мажозий образлари қўлланилган. Агар диққат қилинса, куч-қудрат жиҳатидан бир-бирининг кушандаси бўла оладиган жонворларнинг тилга олиниши орқали Авазхон ўзининг девнинг кушандаси эканлигини айтишни назарда тутган. Банддаги охирги мисранинг «мен чирпиб отарман сени осмонга» дўқ-пўписа билан яқунланиши фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

Хуллас, ўзбек халқ романик дostonларида юзлаб барқарор формулалар қўлланилган бўлиб, уларда халқнинг кўп асрлик турмуш тажрибалари, кузатишлари; халқнинг ҳаёт, табиат ва инсон ҳақидаги қарашлари гоҳ рамзий, гоҳ мажозий тарзда ўз ифодасини топган. Иқтидорли халқ бахшилари барқарор эпик формулаларни мукамал ўзлаштириш орқали уларни ранг-баранг эпик вазиятлар тасвирида, асар қаҳрамонлари руҳий дунёсини чуқурроқ очишда, уларнинг нутқларини таъсирчан ифодалашда, ўй-кечинмаларини ҳайратомуз баён этиш талаб этилган ўринларда истифода этишга хослаб олганлар.

Романик дostonлардаги барқарор эпик формулалар поэтикаси юзасидан олиб борган кузатишларимиз бизга қуйидагича умумий хулосалар қилиш учун асос берди:

1. Барқарор эпик формулалар муайян эпик асар сюжети билан

мазмунан алоқадор бўлмай, улар халқ эпосида тасвир ҳамда ифода учун образли асос вазифасини ўтайдиган; эпик тасвирнинг турли вазият ва ҳолатларида қўлланишга хосланган универсал услубий ҳодисалар ҳисобланадилар.

2. Эпик формулалар эпик ижод ва ижронинг муҳим шарти бўлмиш эпик хотира, эпик билимни бахшилар онгида мустаҳкам сақлаб турувчи, уларни бадиҳа қилишлари учун имкон бериб, жонли ижрони изчил йўналтириб боровчи поэтик ҳодиса ҳисобланадилар.

3. Барқарор эпик формулалар эпик халқ шеърининг типларига мос ҳолда турлича ритмик шаклларда учрайдилар. Эпик персонажларнинг руҳий кечинмалари, монологларида узун шеър шаклига мос келувчи, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатлари тасвири учун қисқа шеър шаклига мосланган барқарор эпик формулалар мавжуд бўлиб, романик дostonларда улар жуда ўринли истифода этилган.

4. Барқарор эпик формулалар, гарчи муайян сюжет билан таркибий бирликка эга бўлмасалар ҳам, ўзлари иштирок этган шеъринг парчалардаги образлиликни, оҳангдорлик ва вазний изчилликни метафорик табиати билан таъминлашга; тасвир ҳамда ифодага кучли ҳиссий қувват бағишлаш орқали таъсирчанликни орттиришга хизмат қиладилар.

5. От эгарлаш мотивидаги барқарор стилистик формулалар тасвирланаётган хатти-ҳаракат билан ҳам рамзий, ҳам мазмуний алоқадорликка эга бўлиб, улар шеъринг бандларни ташкил этиш, мисралар қофияси учун қолип яратиш, ритмик уйғунлик туғдиришга ёрдам берадилар.

## Х У Л О С А

Ўзбек халқ эпоси-кўп типли эпос. Унинг қаҳрамонлик, тарихий дostonлар каби типларининг поэтикаси аллақачонлар тадқиқ қилинган. Лекин халқ эпосининг таркибий қисми бўлмиш романик дostonлар поэтикаси масалалари ҳанузгача махсус ўрганилмай келинади. Ўзбек халқ дostonлари таркибида катта ўрин эгалловчи дostonларнинг бу типи халқ идеалларини ифодалаш, қизиқарли саргузаштлардан ташкил топган сюжетларнинг тарихий ва мифологик илдизларини аниқлаш, уларнинг бошқа эпик жанрлар билан алоқадорлигини очиш, ана шу сюжетларнинг яратилишида халқ бадиий тафаккурининг ўрни ва эстетик аҳамиятини ёритиш, халқ бахшилари ижодида бадиҳағўйликнинг белгиловчи роль ўйнаши ва унга имкон берувчи омилларни ўрганиш каби масалалар ҳамма вақт илмий қимматини йўқотмайди. Биз мазкур диссертациямизда ана шу масалалар ҳақида фикр юритдик.

Романик дostonлар поэтикаси ҳақида гап кетар экан, халқ дostonларининг ушбу типининг классик эпос намунаси эканлигини унутмаслик керак. Классик эпосга хос тасвир, унинг юзага келишида объектив ва субъектив-шаклий омиллар икки йирик масалани ташкил этади.

Биринчиси-романик дostonларнинг юзага келиш даври масаласи. Халқ орасида кенг тарқалган эпик материални синчиклаб ўрганиш романик дostonларнинг ривожланган феодал жамиятда яратилганликларини тасдиқлайди. Чунки уларда, гарчи соф эпик тарзда бўлса ҳам, йирик давлат тузилмалари ва улардаги ҳаёт, баъзан сарой интригалари акс этган. Бирорта ҳам романик дoston йўқки, унда ривожланган феодал давлатчилиги тартиботлари акс этмаган

бўлсин. Шу боис романик дostonлардаги етакчи қаҳрамон-лари ё шоҳлар, ё шахзодалар, ё бек, ё маликалардан иборат. Узок хатарли сафарларга отланган қаҳрамонлар шоҳ ёки шахзодалардан иборат бўлса, улар кидирган гўзаллар эса у ёки бу мамлакат подшоларининг қизи ёки афсонавий мифологик юртларда истиқомат қилувчи парилардан иборат. Мана шу фактнинг ўзи романик дostonлар сюжети феодал давлатчилиги ривожланган даврларда (бундай даврлар Ўрта Осиё шароитида XV-XVIII асрларга тўғри келади) юзага келганлигидан далолат беради. Бироқ романик сюжетлар генетик жиҳатдан халқ эпик онги тизимида эпосдан кўра нисбатан куйироқ ва қадимийроқ босқичида турган эртаклар сюжетларига бориб тақаладилар. Чунки воқеликни халқ фантазияси қанотида, жамоанинг юксак идеаллари нуқтаи назаридан кенг эпик планда акс эттириш тажрибаси фольклор жанрлари тизимида дастлаб эртакларда шаклланди. Мана шу бадий-эстетик тажриба халқ бахшилари учун битмас-туганмас ижодий манба бўлиб хизмат қилди.

Сюжет туғунининг тасодифий учрашувлардан бошланиши, воқеалар ривожининг хронологик изчиллик асосида навбатманавбат амалга ошиши, бир пайтнинг ўзида икки воқеанинг параллел ривожини тасвирлаб бўлмаслиги, яъни хронологик номувофиқлик қонунияти (В.Я.Пропп)нинг амал қилиши, эпик баёнда ретардацион ўринларнинг кўплиги романик дostonларда сюжет қурилишининг етакчи тамойиллари эртак эпосига алоқадорлигини тасдиқлайди.

Бундай ижодий жараёнда эпик қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига ўта даражада муболағали тасвирийлик билан ёндашиш, персонажлар руҳий оламига хос кечинмаларни монологик нутқ воситасида батафсил ифодалаш соф классик эпосга хос хусусиятларни ташкил



этади. Мана шу ҳодисаларнинг илдизлари ҳам жиддийроқ кузатилса, улар ривожланмаган бир шаклда халқ эртакларида мавжудлигини кўриш қийин эмас. Демак, романик дostonлар иждокорлари–истеъдодли халқ бахшилари эртак эпосига хос эпик конфликтларни топиш, уларни бетакрор сюжетлар орқали акс эттириш ва эртакка хос фабулатик сюжетни ҳам ғоявий, ҳам бадий, ҳам эстетик жиҳатдан ривожланган тафсилий сюжет даражасига кўтариш орқали романик эпосга хос тасвир тамойилларини шакллантир-дилар.

Шу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. У ҳам бўлса, романик дostonлар сюжетида макон ва замон муносабатларининг ва, умуман олганда, ушбу тип дostonлардаги макон ва замон категорияларининг ўзига хос табиатини белгилашдан иборат. Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, романик дostonларда макон ҳам, замон ҳам соф эпик шартли хронотопдан иборат. Шу боис романик дostonлардаги макон ва замонни реал макон ва замон билан қиёслаб бўлмайди. Уларнинг таркиби - руҳий-бадий (перцептуал), концептуал макон ва замон ҳамма вақт эпик анъана билан чегараланган шартли хронотопни ташкил этади. Бинобарин, романик дostonлардаги хронотопни реал макон ва замон билан қиёсий ўрганиш чалкаш, нотўғри хулосаларга олиб келади. Бу хронотоп халқ идеали, унинг олийжаноб ғояларини ифодалашга хизмат қилувчи соф бадий макон ва замондан ташкил топган. Шунинг учун айрим бахшилар репертуарида қайд этилувчи аниқ маконларнинг номлари ҳам эпик воқеликда соф бадий хронотоплик хусусиятига эга бўлади. Реал макон ва замон изларининг эпик воқелик ичига кириб қолиши эса, биринчидан, бахшининг ўзи яшаётган макон ва замон ҳақидаги

тасаввурлари, яъни жўғрофий тасаввури таъсирида юз берса, иккинчидан, уларнинг ўзлари куйлаётган эпик воқеликка тингловчиларнинг қизиқишини кучайтириш мақсадида атайлаб қўлланилган бадий усул сифатида баҳоланиши лозим.

Романик дostonлардаги макон ва замоннинг соф эпик характери дostonлардаги қаҳрамонлар билан боғлиқликда шаклланган. Дарҳақиқат, халқ дostonлари қаҳрамонлари хатти-ҳаракат, руҳий кечинмалар жиҳатидан аниқ тасвирланадилар. Улар ақл-заковатда, тасаввур ва дунёқарашда баркамол инсонлар сифатида кўрсатилади. Бироқ уларни ҳаракатга келтирувчи, ўйлатувчи, меҳр ёки нафратга солувчи вазият, ҳолат ва воқелик эпик шартлилик доирасида кечади. Шу сабабли эпик қаҳрамонлар табиатидаги шартлилик бевосита шартли эпик олам билан уйғунликда амал қилади. Демак, романик дostonлар қаҳрамонлари табиати таҳлил этилганда эпик воқелик, хронотоп, кенг маънода, чегараланган эпик олам шартлилигидан келиб чиққан ҳолда фикр юритиш талаб этилади. Гўрўғли, Рустамхон, Орзигул, Кунтуғмиш, Равшан каби эпик қаҳрамонлар таҳлили уларнинг фаолияти кечадиган чегараланган эпик олам доирасидан ташқарига чиқа олмайди ва бу нарса романик дostonлар ўзбек халқ эпоси тараққиётида алоҳида тарихий-структуал типологик ҳодиса эканлигидан далолат беради.

Романик дostonлар қаҳрамонлари бошқа типдаги дostonлар қаҳрамонларидан ажралиб турадилар. Улар ҳар қандай тўсиқларни ё соф ҳаётий йўл билан, ё сеҳрли мифологик воситалар билан енгиб ўта оладиган, ақл-заковатда тенгсиз жасур, адолатпарвар, ўз севгиларига содиқ инсонлар сифатида фаолият кўрсатадилар. Уларни яратишда халқ бахшилари эпосга хос тасвир тамойиллари асосида

типиклаштириш ҳамда индивидуаллаштириш қонуниятига амал қиладилар. Бунда улар халқнинг эзгулик, ватанпар-варлик, ишқда вафодорлик, инсоф ва адолатпарварлик каби олийжаноб идеалларига таянадилар. Бинобарин, романик дostonларда типиклаштириш ва индивидуаллаштириш жамоа идеали доирасида амал қилади; бундай типиклаштириш ва индивидуаллаштиришни реалистик адабиётдаги образ яратиш қонуниятларига тенглаштириб бўлмайди. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, романик дostonлар қаҳрамонлари ўзларига хос бўлиб, улар генезиси эса халқ эртаклари қаҳрамонлари билан алоқадордир. Ҳар бир ишнинг уддасидан чиқа олиш, барча машаққатларни енгиб, охир оқибатда ғалаба билан мақсадга эришиш каби эпос қаҳрамонига хос хусусият эртак қаҳрамонлари фаолиятига уйғундир. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, романик дostonлар сюжети, макон ва замон ҳамда қаҳрамонлари эртак заминида юзага келиб, кейинчалик ўзларининг умум эпосга хос поэтик системасини шакллантирган.

Иккинчиси - романик дostonлардаги тасвир ҳамда ифода воситаларининг барқарор шаклларга эга бўлиши. Тасвир, ифода усули ҳамда воситаларининг барқарор шаклларда намоён бўлиши классик эпосга хос хусусият саналади. Булардан энг муҳимлари эпик тасвирда типик ўринларнинг мавжудлиги, баёнда эмоционал-эвфоник услубнинг қўлланилиши ва барқарор эпик формула-вийликнинг юзага келиши кабилардан иборат.

Романик дostonлардаги типик ўринлар, гротескли тасвир, сажъли баён кабилар ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилди. Эпик формулавийлик эса, айрим қайдлар ҳисобга олинмаганда, нисбатан оз ва заиф ўрганилган. Бизнинг барқарор эпик формулаларнинг баёнда

тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, эпик формулалар бахши учун бадиҳа қилишга кенг йўл очиб беради. Ижро жараёнида эпик формулалар бахшининг хотираси, эпик билимини сақлаб туриш вазифасини ўтайди. қолаверса, эпик формулалар тасвир ёки ифодага рамзий, мажозий маъно бағишлаб, тингловчилар руҳиятига таъсир кўрсатадилар, асар таъсирчанлигини кучайтиради. Чунки эпик формулалар ҳаётини тажрибалар, кўп йиллик кузатишлар самараси сифатида юзага келган доно, образли ҳукмлардан иборат. Улардаги фикр салмоғи билан шаклнинг уйғунлиги баёнга алоҳида семантик руҳ юклашдан ташқари, баёнда ритмни тутиб туриш, вазн ҳамда оҳангдорликни сақлашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, романик достонлар ўзбек халқ эпоси тараққиёт босқичининг энг юксак-классик даври маҳсули бўлиб, у ўз таркибида, бир томондан, архаик эпос анъаналарини, иккинчи томондан, халқ эртак ва афсоналари анъаналарини синтезлаштирган тарихий типологик ҳодисадир. Романик достонлар поэтикасининг ҳали ўрганилмаган муаммолари кўп ва улар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Бизнинг тадқиқотимиз эса ана шундай улуғвор ишларнинг дебочасидир.

Шунга қарамай, мазкур тадқиқотдан халқ эпосининг назарий масалаларини тадқиқ этишда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида халқ достонлари бўйича махсус курслар ўқишда, назарий семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ . . . . .	4-11
Ўзбек халқ эпоси таркибида романик дostonларнинг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. . . . .	12-37
Романик дostonларда сюжет . . . . .	38-77
Романик дostonларда макон ва замон. . . . .	78-130
Романик дostonларда эпик қаҳрамон. . . . .	131-194
Романик дostonларда барқарор эпик формулаларнинг ғоявий-эстетик вазифалари . . . . .	195-237
Типик ўринлар ва барқарор эпик формулаларнинг метафорик табиати . . . . .	238-281
ХУЛОСА . . . . .	282-289

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги  
Андижон Давлат университети Илмий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган

Маҳарир: М.Саидова

Босишга рухсат этилди 11.03.2004. Қоғоз бичими 60x84  
Нашриёт табоғи 8,2. Шартли босма т 12. Таймс гарнитураси. Офсет босма.  
Адади 1000 нусхада. Бубртма №8  
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти.  
700047, Тошкент, акад, Я.Ғуломов кўчаси,70-уй.  
Ўз РФААК босмахонасида чоп этилган.  
Босмахона манзили: И.Мўминов кўчаси,13-уй.